



Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Эркин ВОҲИДОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

[бош редактор ўринбосари],

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

[масъул секретарь],

Хайриддин СУЛТОНОВ,

Худойберди ТУХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмаамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Ўткир ҲОШИМОВ.

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

(47)

1985

ЙИЛ,

НОЯБРЬ

11

ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти



Сирожиддин Саидов

Бизнинг инқилоб

Дарёлар абадий оқаверади.

Шамоллар мангуликдай ўтаверади, ўтаверади.

Йўллар, манзиллар,

Манзиллар, йўллар...

Ва бирдан — лоп этиб, кўкдан ерга тушган ёруғ чамандек чироқлар силсиласи, шуълалар тизимига ўраган шаҳар!

Менинг шаҳрим!

Тасаввур қиламан;

Бу нурли осойишталикка эришмоқ учун асрлар зулмати, тарих зиндонларидан ўтишга тўғри келди:

Оддий бир инсоннинг арзимас мушкулени ҳал этолмаган, бир кам дунё номини олган юракўртар ҳаёт;

Бой-ҳукмдорларнинг нафс талвасаси;

«Адашган ит каби» хор-зор кезаётган фурқатлар;

Йиллаб қайнамаган қозонлар;

Чинқираётган чордеворлару нонсиз тандирлар;

Жабрдийдаларга дунё видосидек туюлган муаззинларнинг ҳазин овози...

Буларнинг барига биз пинак бузмай жўнгина изоҳ берамиз энди: У т м и ш.

Менинг шаҳрим!

Йигирманчи аср кунботарида Инқилоб хиёбонида бир зум тўхтаб йигирманчи аср тонгини ўйлаяпман. Бир зум...

Юрак! Кел, бу ерда бир зум тўхтайлик,

Ҳали кўп нарсани гарчи билмасмиз.

Олис тақдирларни бир зум ўйлайлик.

Сўрайлик улардан:

— Бизлар кимлармиз?..

Ўйламасдан яшаш — унутмоқ, унутмоқ эса хоинлик билан тенгдир.

— Ўв-в, бу ўйлаётганинг хато,— дейишди,— бекорга шовқин кўтаряпсан, болакай!

— Йўқ,— дедим,— бу ўйлаётганим — миллионларнинг армони, жонини жабборга бериб топган ҳалол нони, беғараз фикр-мулоҳазасию тоза виждони; бу ўйлаётганим — Инқилоб!

Аниқ кўряпман: Асримнинг манглайи тиришган, дилида дунёни ларзага солгувчи буюк фикр буюк воқеага айланмоққа шай.

Митинглар суронида оммага бўрон улашаётган одам. Ленин.

Майдонлар катта. Ҳодисалар катта. Катта-катта қадамлар ташлаб бораётган, қаламидан дostonлар порлаётган шоир — улкан воқеликнинг улкан фарзанди.

— Жуда сўз,— дейди Маяковский.— Менинг революцияям!

Россия алвон рангда. Оппоқ қайинлар алвон рангда. Хазонлар алвон-алвон...


Туркистон ҳам сергакланди.

Тошкентимни тўлғоқ тутди. Ажиб бир тўлғоқ. Бу тўлғоқ ҳануз давом этапти.

Бундан кейин ҳам давом этаверади, этаверади.

Ва бу дарахтлар — инқилобга гувоҳ бўлган бу мўътабар дарахтлар қурбонлар хотирасига сукут сақлаётгандек тураверади, тураверади.

Инқилоб, дейман — кўз олдидан фидойи комиссарларнинг исёнкор қиёфалари намоён бўлади. Номлари узлуксиз бонглардай янграйверади, янграйверади...



Коммунарлар қабристонда инқилоб қурбонларига ўриятилган ёдгорлик.



В. И. Ленин майдони метростанцияси пештоқидаги бўртма деворий сурат.

Инқилоб, дейман — зулм тахтлари парчланади. Ҳаёт янги ҳаёт бошлайди.

Инқилоб — бизнинг сидқидилдан бажараётган ишимиз, дейман.

Бировга қилган яхшилигимиз — инқилоб, инқилобни тушунтириб бўлмайди, дейман — инқилоб юракларда бўлади.

— Ҳой, оғайни, бир зум тўхта-чи, инқилоб дегани нима?

Кўққисдан берган саволимга худди шундай кўққисдан жавоб қайтарди:

— Беланчакда ётган қоракўз болакайлар номи — Инқилоб...

— Инқилоб — Ленин фарзанди, — дейди олтинчида ўқиётган укам.

«Оқшом»нинг янги сонини варақлайман.

«Тошкент Трактор заводи коллективи бу йил 30 мингдан зиёд трактор ишлаб чиқаради. Бу ҳам инқилоб», деб ёзибди муҳбир дўстим.

Мана бу равон проспектлар, озода боғлару қад ростлаётган янги бинолар, мактаб бораётган пионерларнинг ҳилпироқ галстукларию соҳилда роз айтаётган севишганлар... ҳамма-ҳаммаси — Инқилоб.

Бу баҳоррўй ҳаёт бизники. Биз бугунги кунда ўй-кечинмаларимиз, касбу коримиз, хатти-ҳаракатимиз билан инқилоб олдида жавобгармиз. Оддий севинчимиз, истиқбол йўлида чекаётган заҳматимиз билан инқилобга дахлдормиз. Мана бу шиорлар ҳам шунчаки безак эмас — коллектив дахлдорликнинг алвон битикларидир улар!

Майдондаги Феликс Дзержинский ҳайкали ҳам шунга таъкидлаётгандек... Жиддий, совуққон қиёфада ҳамма-

си мужжасам: Дунё ташвиши, Ҳақ ва Адолат, Ватан ва Инқилоб тақдири... Феликс — бахтиёр, дегани. Бахтини инқилобга берган бахтиёр...

Ва бу қабрлар — қардошлик мазорларида ётганларнинг мармарга битилган исми шарифлари келар авлодларга Бурч ва Эътиқод ҳақида кудратли гимнлардай садо беради. Садо беради. Бу садонинг ибтидоси бор, интиҳоси йўқ. Шаҳрим эса келинчакларга гуллар тутуди. Меҳмонларни эъзозлайди. Фарзандларни улғайтиб, онгига билим, кўнглига меҳр-муҳаббат бағишлайди.

Ва бу армон меники:

«Айтинг,

Нега менинг онам

туғмадикан илгари,

Миллион-миллион

Партизанлар — кўнгиллилар сингари!..

...Бир яловдор,

Бир байроқдор,

Бир рядовой сингари,

Қизил кўшинлар қатори —

туғилмадим илгари...»

— Нега, — дейман, — нима учун?!

— Яшаш керак! — дейди Инқилоб. — Пасткашликка, ёлғон ва риёга, юлғичлар ва амалпарастларга қарши курашиб яшаш керак!

— Нега, — дейсиз, — нима учун?!

Нега? Нега? Нега?

БАРЧАСИГА ИНҚИЛОБ ЖАВОБ БЕРАДИ.

БИЗ ЭСА, БАРЧАСИГА ИНҚИЛОБ ОЛДИДА ЖАВОБГАРМИЗ.




Келди Қодиров

**Коммунист дўстларга
мактуб**

*Ажаб! Худди шу дақиқа,
шу он,
шу дамда*
*Рухда, қонда кечаётир сирлар — оташлик.
Бир интилиш, кураш руҳи ҳоким одамда,
Фикрларда фидойилик,
Юракда — ёшлик.
Бу бежизмас, бир пайт дадам ушлаб қўлимдан
Мақтабга илк бошлаб борган ўша чоқ ёдда:
«Биз-ку ўқий олмаганмиз дасти золимдан,
Ўқи, болам...» деган эди у қилиб содда.
Шундан бери ўқидим мен, ўқидим фақат,
Ленин деган сўзни ёдлаб олдим луғатдан.
Ленин руҳи жо жойларга қўйдим муҳаббат,
Таълим берди у Ҳақиқат деган қудратдан.
Китоб эди Ҳақиқатнинг буюк тимсоли,
Юрагимни забт этганди қизил қонли сўз.
Сўз — Эътиқод,
Сўз — пок виждон, инсон жамоли,
Сўз — оламга ҳайрат билан боққан боқий кўз.
Шмидт каби асрий музликларга тўш уриб,
Чкаловдек масофалар бўронин кўрдим.
Тушларимда Чапаевдек мағрур от суриб,
Бу муқаддас юртдан қора ёвни сунурдим.
Бир кун улуг байрам кунни катта майдонда
Бутун эл-юрт йиғилганди чехралар порлоқ,
Турфа нурлар ўйнар эди еру осмонда,
Оқ ёқамга боғлаб қўйди кимдир қизғалдоқ...
Ўша кунни мен шу сафга кирган эдим, рост,
Ўша кунни мен ўзимни коммунист сездим,
Ўша кундан сўзларимда порлар эҳтирос,
Қайнаб турган зўр ўлканинг қонида кездим.
Кейин доҳий расми тушган нишонни тақиб
Ғурур билан балқиб ўтдим ўсмирликдан ҳам.
Ҳақиқат деб аталган қурч сўз мағзин чақиб
Олгунимча нелар ўтди бошимдан, ошнам...
Китоблардан туйганим не эртадек ҳаёт
Ва муаллим таъриф берган бахт диёрини
Ҳар ким ўзи кашф этаркан қайта, умрбод —
Яратаркан ўз бахтининг пойдеворини.
Бироқ шаклу-шамойилин топгунга қадар —
Бошимда шу ибтидойи, содда тушунча,*

*Нафрат билан кимларнидир сўккан бўлсам гар.
Кимларгадир ҳайрат билан тикилдим шунча.
Йўқ, йўқ, мансаб эмас, ахир, жонини қурбон
Қилмоқликка кирарди бу сафга эл марди!
Жангда шердек ташланарди фидо қилиб жон.
Ўлганда ҳам: «Олға, дўстлар!» дея ўларди.
Ҳамон янграр улар солган доврўқ, нидолар,
Ҳамон чорлар улар эзгу яшашга, аммо,
Сени дея,
Мени дея ота-боболар
Ҳеч тап тортмай ўз жонини қилганда фидо —
Қимдир пасткаш бўлмоғини ўйлаганмиди?
Қимдир худбин бўлсин учун тўкканмиди қон?
Четда, маккор яшамоқни сўйлаганмиди?
Қани, айт эй, бир тўп очкўз, тўймаз оломон?!
Фақатгина тиригида мақташга қодир
Нокаслар бор, яшар мансаб ширасин тотиб,
Ишонингки, бир кориҳол бўлса гар содир
Эл-юртини юборади уч пулга сотиб.
Ва лекин у ҳалолликдан гап сотар узоқ,
О, шу қадар сўзамолдир, шунчалар бийрон.
Туни бўйи санаб тўймаз бойлигин бироқ,
Чўнтагига айлангандай гўёки виждон.
Сўз ҳам энди юраклардан отилган ўқмас,
Сўз ҳам энди шунчаки сўз, эрмак ва ниқоб...
Фикр эса аквариум,
Теранлик абас,
Қайдан бўлсин, ахир, ўлик сўзларда шитоб!
Йўқ, кўрмадим ҳақиқатни мавҳум бир тарзда,
У яшайди сенда,
менда
пок юракларда.
Уни кўрдим: Ленин деган буюк образда,
У яшайди туйғуларда, иш, ниятларда.
Токи Ленин руҳи яшар экан оламда,
Токи порлаб турар экан қип-қизил ялов,
Ҳақиқат деб
ҳар дақиқа,
ҳар он,
ҳар дамда
Кураш олиб бормоқ керак тик ва беаёв!*



Омон
Мухторов

Вазифа

Вазифанг оғир!..

«Алишер Навоий» драмасидан

ҚИССА



Умар Қосимович, телефон... — деди эшикда кўринган котиба.

Олдида бир даста қоғоз сочилиб ётган Умар Қосимович хаёли бўлинганидан гангиган алфозда унга қаради.

— ...Азизов, — дея қўшимча қилди котиба илжайган кўйи.

Умар Қосимович хушёр тортди... Азизов — идора бошлиғи — бирон ҳафта тоби бўлмай уйида ётган, ундан сўнг — мана, бир неча кундирки, областга кетган эди. Бошлиқ доимо шундай кутилмаганда келиб қолар, ходимлар қанчалик сергак туришмасин, бари бир, ҳар гал доводиратиб қўяр эди.

Умар Қосимович алланечук ҳаяжонланиб, муҳим бир юмушни бажараётгандек ишчанлик билан трубкани кўтарди.

— Ассалому алайкум, Акмал Турсунович!..

— Салом, — дея бир оз ланж товушда жавоб қайтарди Азизов.

— Яхши келдингизми? С приездом!

— Раҳмат, — деди Азизов қуруққина қилиб. — Мен томонга бир келиб кетсангиз...

Умар Қосимович «ҳозир» ёки «хўп бўлади» демоқчи эди, аммо иккисидан бирини танлашга улгурмади — трубкадан қисқа гудок эшитила бошлади. У трубкани эҳтиёткорлик билан ўрнига қўйди.

Котиба ҳамон остонадан нари кетмаган эди.

Ёши ўттизлар атрофидаги кўримсизгина бу жувоннинг ҳадеб илжявериши Умар Қосимовичга ёқмасди. У, котиба тезроқ кетсин, деган ўйда синиққина жилмайиб қўйди.

Азизов ишга келса бас, кунига бир неча марта кўнгироқ қилиб, Умар Қосимовични ҳузурига чақирар (афтидан, котиба орқали чақиртиришни камситиш деб ўйлаб, шахсан ўзи, «Мен томонга бир келиб кетсангиз», дер эди), боргач эса, унинг кўлидаги идора қоғозларига узун-ингичка хат тортиб, остига имзо чекар, сўнг ҳар сафар ишнинг қандай кетаётганини обдан сўраб-суриштирар эди.

Бошқа кўпгина ишхоналарда бўлганидек, бу ерда ҳам бошлиқнинг кайфияти идорадаги «об-ҳаво»ни белгилар эди. Шак-шубҳа йўқки, бугун Азизовнинг шашти пастроқ; буни Умар Қосимович икки оғиз гап-сўздан дарҳол илғаб олди.

У шошмасдан, имзо чекиладиган ҳужжатларни тўплади-да, уларни идора номи муҳрланган жилд орасига солиб эшикка йўналди.

Калта кўйлакли бир қиз йўлакда у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди.

— Сиз мени кутаётганингиз йўқми? — деб сўради Умар Қосимович, қадамини секинлатиб, гарчи бу қиз ўзини кутмаётганини билса ҳам.

— Йў-ўқ, — деди қиз чўзиб.

Умар Қосимович чуқур хўрсиниб қўйиб, йўлида давом этди.

Маданият-маориф ишлари бўлими бинонинг бешинчи қаватида, Азизовнинг кабинети эса биринчи қаватда эди.

Идора катта, бошлиқнинг иши кўп, ташвиши кўп, гоҳо беихтиёр асабийлашиши турган гап. Умар Қосимович Азизовга меҳр билан қарар, аксар унга кўнгли ачир эди. Шу боисдан, одатда, бошлиқдан келган паст-баланд муомалани оғир олмас, телефондаги боягидек расмий, кескинроқ гаплардан ҳам инжийвермас эди. У ҳар қандай шароитда ўзини унутиб, бошлиқнинг ташвишию дардини имкон етганича, ҳеч бўлмаганда, ширинзабонлик қилиб энгиллатишга ошиқарди.

Умуман, бошлиқ билан муносабатлари яхши эди.

Идорадаги бошқа ходимлар билан ишдан бўлак нарса устида деярли гаплашмайдиган, табиатан камгап Азизов Умар Қосимович билан иш санжоб бўлган пайтлар соатлаб турли мавзуларда: саломатлиги, уй-рўзгорю бола-чақасига тегишли «ғурбат»лар тўғрисида ҳам бемалол суҳбатлашар; ҳарҳолда, Азизов идорада ҳаммага бир кўз билан қарайдигандек кўринса ҳамки, Умар Қосимовичга унинг муносабати айрича экани ҳеч кимга сир эмас эди.

Азизов уни хона ўртасида кутиб олдию лоқайдроқ кўришиб, индамай тўрдаги курсига ўтиб ўтирди. Умар Қосимович ҳам ён томондаги курсидан жой олди ва имзо чекиладиган ҳужжатларни унга узатди.

Бошлиқ асаби таранглашган пайтлардаги одати бўйича, бўйни, елкаларини қисиб — қандайдир қунишган кўйи қоғозларни бирма-бир кўздан кечира бошлади.

Умар Қосимович идоралардаги йигирма йиллик хизмати давомида бир ҳикматни кашф этган эди: бошлиқнинг жаҳли бурни учидан турган пайтда уни «елпишга» уриниш телбаликдан бошқа нарса эмас; шабадасига ўзинг учиб кетишинг мумкин. Сабрбардошли бўлиш керак. Бошлиқ сенга беихтиёр дардини айтиб жилла энгил тортсагина унинг кўнглини кўтаришга уринсанг ярашади. У ана шу ҳикматга қатъий риоя қилар, Азизовни қадрлаганию

унга меҳри тушиб қолгани учун бехос фашига тегиб, озор етказишдан қўрқар эди.

Мана, ҳозир ҳам Умар Қосимович бошлиқнинг миқти гавдасию боғдойранг юзига аҳён-аҳёнда зимдан назар ташлаб, гўё профессор ҳузурдаги талаба сингари қисиниб, одоб сақлаб ўтираркан, Азизов қоғозларни кўриб чиқиши, нима ҳақда, қайси йўсинда бўлмасин, гапга оғиз жуфтлашини кутди... Кейин, ҳаммаси одатдагидек ўрни-ўрнига тушади, деб умид қилди.

Шу аснода у деразадан тушаётган қуёш нурларига тикилиб, ўзича хаёлга чўмди... Уч йил бурун поездда Азизовни тасодифан учратганини эслади. Институтни битиргач, курсдошларидан кимдир икки йил, кимдир беш йилда ўз ўрнини топган эди-ю, аммо Умар ўтган йигирма йилнинг ўн етти йили мобайнида маданият уйларию истироҳат боғида, хуллас, иш топилган жойда оддий хизматчи бўлиб юраверган эди; у Азизовни билар, лекин Азизов уни танимас эди. Ушанда улар ҳамроҳ сифатида шунчаки ундан-бундан суҳбатлашишди, холос. Орадан кўп ўтмай, бир куни қўққисдан Умарни Азизовнинг қабулига чақирди. Умар поезддаги учрашувга ортиқча аҳамият бермаган эди; каттакон бирон иш буюрмоқчи бўлсалар керак, деган хаёлда бўйнига аркон солингандек, ноилож қабулхонага борди. Азизов уни очиқ чеҳра билан, қулимсираб қарши олди. Сўнг, эслаш ҳам ноқулай, унга умрида биринчи марта «Умар Қосимович» деб марожаат қилди. «Мен сизни поездда кўришган пайтимиздаёқ кўз остимга олган эдим, кейин яна кузатдим, Умар Қосимович, — деди. — Сиз тўғри, ҳалол одамсиз. Менга шундай одамлар керак!»

Азизов худди шу куни дабдурустдан уни маданият-маориф ишлари бўлимига бошлиқ қилиб тайинлади... Умар Қосимовичга бу воқеалар ҳамон ширин тушдек туюлар эди. У «катта»дан ҳайиққани учун эмас, Азизовнинг олдида ўзини азбаройи бир умрлик қарздор деб билгани учун ҳам унга самимий муносабатда бўлишга одатланди.

Азизов олдидаги қоғозлари кўриб бўлиб, айримларига имзо чекди, айримларини бир четга суриб, «Мен бир ўйлаб кўрай», деди. Бир қисмини эса Умар Қосимовичнинг қўлига қайтариб берди: «Яхши ўрганмасдан ёзаверманглар, қоғозбозликка бало борми!» Умар Қосимович ҳаммасини қайтадан текшириб кўришни бўйнига олди. Ниҳоят, бошлиқ айланма креслода ўйчан чайқалиб ўтирганича савол ташлади:

— Ҳалиги... Муся ишдами? Юрибдими?

«Муся» — Умар Қосимовичнинг ўринбосари, фамилияси Муслимов, ёши элликлардан ўтган киши. У сочини бўяб-пахмайтириб, олачалпоқ кўйлакда ўсмирларга ўхшаб юрганидан Азизов уни «Муся» дерди.

— Юрибди, — дея ғудраниб қўйди Умар Қосимович.

— Мен тўғримда шу одамингиз ҳам ёзадими, дейман?.. — деди Азизов унга синчков тикилиб.

— Тўнғиллаб юради-ю, лекин у ёзмайди, — деди Умар Қосимович худди ўзини оқлаётгандек. У бўлимидаги ходимларни бошлиқнинг олдида «ғажиш»га одатланмаган эди.

— Бу ўзи қанақа идора, ҳеч тушунмайман! — деди алам билан Азизов. — Ун йилдан буён аҳвол шу — бирон йил йўқки, уч-тўртта шикоят тушмаган бўлса! Чаппараста қилиб, имзосиз ёзаверишади.

Уқиб ҳайрон қоласан; мендан тубан, мендан қабиҳ одам йўқ экан-ку!.. Тавба!

Улар қанчалик сирдош бўлишмасин, лекин илгари ҳеч қачон бу ҳақда гаплашишмаган эди. Умар Қосимович бошлиқнинг устидан баъзан «думалоқ хат»лар тушиб туриши, идорага ҳар йили икки марта комиссия келиб-кетишини билар эди, холос. Аммо аҳвол бу қадар оғирлигию Азизовнинг нечоғлиқ изтироб чекишидан бехабар эди. Шу дамда бошлиққа кўнгли ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ачиди; унинг душманларини бирма-бир топиб-тутиб, ўз қўллари билан нақ бўғиб ташлагиси келди.

— Соғлиқнинг мазаси йўқ! Юрагим ёмон! — дея жазаваси тутиб, тутақиб сўзида давом этди Азизов. — Шунга қарамай, жонимни жабборга бериб ишлайман. Қани, биронта одам билса!..

Умар Қосимович одатича ширинзабонлик қилиб, имкони етган қадар Азизовнинг кўнглини кўтаришга уринди.

— Ҳаммаси ўтиб кетади, Акмал Турсунович. Битта-иккита ифлос доим топилар экан дунёда. Буюк кишиларга ҳам қанча тош отишмаган... Лекин сизнинг қадрингизга етадиганлар кўп. Ёзса, ёза-версин, шунга ҳам азобланиб, қайғуриб ўтирасизми! Катталар ҳақиқат қилишар, ахир! — деди у ҳар бир сўзга меҳрини қўшиб.

— Ҳа, майли, — деди деразага ўйчан қараб қолган Азизов.

Умар Қосимович бу гапни кетиш мумкинлигига ишора деб ўйлаб, ўрнидан қўзғалди. Аммо бошлиқ у томонга ўгирилиб, дабдурустдан сўради:

— Сиз ҳалиги... Бухорога бориб турибсизми?

Бутун хаёлини Азизов, Азизовнинг ташвиши эгаллаган Умар Қосимович учун бу савол томдан тараша тушгандек ғалати эшитилди. «Бу суҳбатга Бухоронинг нима алоқаси бор?»

— Бориб турибман, албатта. Туғилиб-ўсган жойим, — деди Умар Қосимович. — Лекин, тўғриси, кейинги пайтлари бир оз... иш кўпайиб кетди. Ундан ташқари, чол-кампир қазо қилиб...

— Жигарларингиз-чи? Синглингиз? Акангиз? Улардан хабар олмайсизми?! — деди Азизов ажабланиб.

— Ўзлари келиб туришади, — деди шошиб Умар Қосимович.

— Очиқ айтаверинг, қанча бўлди бормаганингизга? Бир йилми, икки йилми? — деб сўради Азизов қандайдир кескин, талабчан оҳангда.

— Бир-икки йил... — деди Умар Қосимович бадтар довдираб.

— Аниғи?

— Икки йилча бўлди, адашмасам, — дея мужмал жавоб қилди Умар Қосимович.

— Яшанг! — деди Азизов зарда билан.

Бўшаганча стулда ўтириб қолган Умар Қосимовичнинг манглайини тер босиб, гўё муаллимга юзлаган интизомсиз боладек, «тирноқлари остидан кир қидира бошлади».

— Мен кеча Бухородан келдим, — деди Азизов. — Бир даврада менга акангизни кўрсатишди...

— Акам?! Сиз кўришдингизми акам билан?! — Унинг саволида, наҳотки акам мендан шикоят қилган бўлса, деган ҳадик ҳам яширин эди.

— Кўришадиган аҳволда эмас эдилар акангиз, — деди Азизов. — Кулгили... ичиб, яна муллачилик қиларкан у киши қишлоқларда...

Умар Қосимович, бепарволигим учун бошлиқдан

қойиш эшитаман, шекилли, деб ўйлаган эди, гапнинг бундай яқунланиши уни гангитиб қўйди.

Умар Қосимович қоматини сал тиклади. Аммо, бошлиқнинг гапига жавобан ҳеч нарса деёлмади. Нафаси ичига тушганча лол қотди.

Азизовнинг икки оғиз сўзи унга фавқулудда таъсир этгани бежиз эмас... Бир лаҳза бурун Азизовга, уларнинг ўзлари келиб туришади, деб шунчаки айтган-қўйган эди. Аслида эса, у кўпдан буён акасини кўрмаган. Синглиси билан ҳам сўнгги йилларда бир-икки дийдор кўришган, ўшанда ҳам сафар пайти унинг уйига ров кириб ўтган, холос. Бироқ, акаси тўғрисида деярли оғиз очмаган, «акам юрибдимми?»дан нарига ўтмаган эди. Қисқаси, акасининг ҳол-аҳволи қандайлиги Умар Қосимовичга буткул қоронғи. У ҳақда бошқа биров эмас, Азизовдан эшитгани эса дард устига чипқон бўлди.

— Ҳа, майли, — деди орага чўккан сукунатни бузиб Азизов. — Ҳалиги, кўлингиздаги қоғозларни қайта кўриб чиқинглар. Кейин имзо чекарман. — У бир оз ўйланиб туриб, қўшимча қилди: — Зубайдадан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Шу ерда бўлса, кирсин...

Умар Қосимович бошлиқнинг кабинетидан ўласи тепки еган кишидек эзилиб чиқди. У шошмасдан зинадан кўтариларкан, ўзини бугундан эътиборан Азизовнинг назаридан қолгандек ҳис этди. Суҳбат охирида Зубайдани эслатгани ҳам шунга ишора бўлиб туюлди.

Бошлиқ Умар Қосимовичга унинг акаси тўғрисида кўп гапирмади. Аммо у аҳмоқ эмас («Яхши отга бир камчи!»), ҳаммасини дарҳол тушунди. Азизов ундан-бундан суҳбатлашганига қарамай, аниқ бир фикрни илгари сурди: «Мен ўз ишимни сидқидилдан бажараман, ўртоқ Қамбаров, буни кўриб турибсиз! — дегандек бўлди у. — Лекин, атрофдаги айрим одамлар барибир менинг устимдан шикоят ёзишади. Йўқ, сиз менга таскин берманг. Ундан кўра, эсингиз борида этагингизни ёпинг. Акангиз ҳақида биров эшитса, уни ҳам хатга тиркайди. Сиз эмас, калтакнинг бир учи бизга ҳам тегади. Умуман, мен ишонган кишилар сизга ўхшаб ланжлик қилишмаса, бунчалик қийноқларга дучор бўлиб азобланиб ўтирмас эдим!»

Маданият-маориф ишлари бўлими нимқоронғи узун йўлак тўридаги уч хонани эгаллаган. Уртада қабулхона, ўнг томонда кабинет, сўл томонда хизматчиларга тегишли хона жойлашган.

Умар Қосимович, ўрнидан туриб, илжайиб қарши олган котибадан ҳаммани чақиришини сўраб, кабинетига кирди.

«Ҳамма» дегани — ўринбосар, иккита ходима ва котибанинг ўзи эди. Дам ўтмай Муслимов, унинг изидан Зубайда ва Холида деган қизлар ва ниҳоят, илжайган котиба эшикдан бирма-бир кириб, ёзув столи теварагидаги курсилардан жой олишди.

Умар Қосимович аскарларини сафга тизган ко-мандирдек, бўлимдагиларни кўздан кечиргач, Муслимовга тикилиб қолди. Азизовнинг бу одамни «Муся» дейишини эслаб, «Фақат сочини бўяб, олачалпоқ қўйлак кийгани учунгина эмас, юз тузилиши, афти-ангори билан ҳам қандайдир ўсмирга ўхшайди, қуйиб қўйган «Муся», деб ўйлади. Кейин ўзича, бу одам имзосиз хат ёзадими ёки буни эп кўрмайдими, деб чамалади. Аммо унинг бировнинг устидан шикоят қилиши мумкинлигига ақли бовар қилмади ва бошлиққа тўғри гапирганига имони комил бўлди. Шу сонияда ишга янги келган пайтлари

Муслимов билан жуда очиқ, самимий суҳбатлашгани ёдига тушди. «Кимдир мансабга беларво қараши, мансабпараст бўлмаслиги мумкин, албатта, — деган эди ўшанда ўринбосари. — Лекин, дунёда мансабидан мағрурланмайдиган, эгаллаган курсисию мавқеини қадрламайдиган одамни топиш қийин. Кимки, мен мансабни ёқтирмайман, ўлганимнинг кунидан шу курсига ўтириб қолдим, деса, билингки, ёлғон! Ҳаммамиз ҳам тирик жонмиз! Мана, масалан, мен ўзим... Бўлим ташкил қилинганида бошлиқ қилиб қўйишди. Ҳали бўлимда машина йўқ, трамвайда қатнаш керак. Мен, обрў кетмасин, деб пиёда қатнайман. Ўзимни худди саркардадек сезаман. Ҳолбуки, бор-йўғи икки киши ишлаймиз, қўл остимда маймоқ бир йигитча, холос... Сиз ҳам ўзингизни қанча камтар тутманг, бунга озми, кўпми ўрганиб кетасиз. Юзингизга айтдим, хафа бўлмайсиз!» Муслимов ҳақ эди... Умар Қосимович ҳозир ростдан ҳам энди мансабга кўника бошлаганини ҳис этди. Унга шу хона, шу курси ва яна манови тўртта қоракўзнинг оғзига қараб ўтириши ёқади. У ўз мансабининг одам ёпишса арзигулик катта лавозим эмаслигини ҳам билади. Бунинг устига, олдинги ишида ўзи истаганча эркин юргани минг чандон яхши бўлганини ҳам тушунади. Бироқ, отини бировга бериб, пиёда кетган суворийдек йўл тутиш... У бундай қилолмайди. Шу стол — шу от уники, эгарга маҳкамроқ ўрнашиши керак, вассалом! Нияти бошқа бўлса, акаси тўғрисидаги Азизовнинг нордон гапини ҳалол лўқмадек ичига ютмас эди!

— Кейинги пайтда интизом бир оз бўшашиди, — деди у ниҳоят. — Мен сизларга ишониб, индамайман, лекин кўпинча кеч келасизлар, ўз жойларингизда ўтирмайсизлар. Шунақа бўлгач, ҳар хил гап чиқади. Энг муҳими, бу — ишга салбий таъсир қилипти. Мана, Акмал Турсунович анча-мунча ҳужжатларимизга имзо чекмадилар. Чунки фактларни яхши ўрганмасдан ёзгансизлар, мен ҳам ишонганимдан... текширмаганман! — Умар Қосимович имзо чекилмаган ҳужжатларни четга олиб қўйди. У бошлиқ қўл қўйган бошқа бир қисм ҳужжатни қайд дафтарида ўтказиб, тегишли ташкилотларга жўнатиш лозимлигини бўлимдагиларга ўқиди. Шундан сўнг ташвишли бир кўйда Зубайдага қаради. У хонага кирганидан буён Муслимовнинг рўпарасида, бировдан аччиқлангандек лабини буриб ўтираётган эди.

— Сиз ҳозир Акмал Турсуновичга учрайсиз, — деди Умар Қосимович қошларини чимириб. — Қайтиб чиқиб, ўртоқларга ёрдам берарсиз...

Азизовнинг исми шарифини эшитиши биланоқ Зубайданинг кўзлари порлади.

У ақлли жувон. Кино дейсизми, театрми, бутун маданиятнинг шу кунги аҳволию қайси соҳада қандай янгиликлар, дунёнинг қайси бурчида нима воқеалар бўлаётганини беш қўлдаи билади. Ҳусни ҳам биноидак. Нозик. Бир ҳовуч... Айниқса, кўзлари... Кўзларига тикилиб, оҳу дейсиз. Азизовдан ҳайиқмасаку, Умар Қосимович унга биринчи кунлариёқ муҳаббат изҳор қилган бўлар эди! Қисқаси, бу жувонга ҳар жиҳатдан тан бериш керак. У ҳадеб илжайдиган котиба ёки, дейлик, кун бўйи олдида китобни очиб қўйиб, мудраб ўтирадиган, тур десангиз туриб, юр десангиз, қаёққа, негалигини ўйлашга ҳам эриниб, етаклаган жойингизга кетаверадиган Холида эмас. Аммо Умар Қосимовични сергак бўлишга ундайдиган қалтис томони ҳам бор: Зубайда обрўли, қадр-қимматини биладиган, иззатталаб оилада ўсан. Шу боисдан, у Умар

Қосимовичга ўхшаб, ҳар бир бўйинбоғ таққан ёки бошига шляпа қўндирган одам олдида қисинавермайди. Гап шундаки, Зубайда Муслимовни ҳам четлаб, ўзини тўппа-тўғри Умар Қосимовичнинг ўрнини эгаллашга муносиб киши, деб билади.

Зубайда хонадан тезгина чиқиб кетди.

— Сиз ўтираверинг, — деди Умар Қосимович ўрнида қимирлаб қўйган Муслимовга. — Бошқаларга жавоб...

У ўринбосари билан нима ҳақда гаплашмоқчи эканини аниқ билмас эди. Фақат, кўнглида дардлашиш иштиёқи бор эди, холос.

* * *

Орадан кунлар ўтди. Ҳаёт ҳам олдингидек ўз изида давом этар эди-ю, лекин Умар Қосимовичнинг кўнглига бир хижиллик чўкиб қолди.

У айрим кунлари котибага, мен бандман, деб кабинетни ичкаридан қулфлаб, соатлаб ўй сураб, хаёлида, нимадир қилиш керак, деган фикр айлангани айланган эди.

Умар Қосимовичнинг дилида яна битта хавф туғилди: Азизов-ку, ташвиши кўплигидан арзмаган кўнгилсизликни эслаб юрмайди, дейлик; аммо ўша гапни бўлимдагилар, идорадаги бошқа ходимлар эшитиб қолишса-чи? Хунук хабарнинг, бемаъни гапнинг саккизта оёғи, тўртта қаноти бўлади, қулоққа етиб келаверади!.. Атрофидагилар уни лойга қоримайди, деб ким айта олади?

Бундан ташқари, район марказида дуппа-дуруст муаллимлик қилиб юрган акаси нега бу кўчага уриб кетди экан? Нима сабабдан Азизов айтган аҳволга тушди?.. Умар Қосимовични шундай саволлар қийнар, баъзан ўйлаиб ўтириб, юрагига ғулғула тушар эди.

У ҳафтанинг сўнги кунларидан бирида, қаёққа кетаётганини ҳеч кимга билдирмай, Бухорога жўнади.

* * *

Умар Қосимовичнинг акаси Усмон район марказида — Галаосиёда, синглиси Сабоҳат эса шаҳарда яшар эди.

У аэропортдан такси тутиб тўғри Регистонга келдида, арк дарвозаси қаршисидаги кўчага бурилгач, машинани тўхтатди.

Бухоро — сўлим ғазал!

Умар Қосимович олдинги гал келганида ҳам машинадан худди шу ерда тушган, орқага ўгирилиб Регистон майдони, қадимий дарвоза, улғвор қалъа деворларига тикилган эди. Ўшанда ҳам айнаи ёз эди, ўшанда ҳам майдону қалъа узра буг кўтарилаетгандек туюлган эди. Шу сонияда беихтиёр бу қутлуғ масканга сўнги марта икки йил аввал эмас, роппа-роса тўрт йил бурун келганини эслади. «Шунча вақт сени тавоф этмабман, гуноҳим бўйнимда, мени кечир, Бухоро!» деган шоирона бир мисра Умар Қосимовичнинг кўнглидан кечди. У қаршисидаги мана шу майдону қалъа атрофларида болалик йиллари ўтганини, энди у чоғлар туман орасига сингиб кетганини хаёлидан кечирди. Не-чундир, қутилмаганда кўзларига ёш қалқидиу тез бурилиб, кўча бошига қараб кетди. Бу ердаги иморатлар ҳаммаси деярли бир пайтда қурилган, бир-бирига ўхшаш. «Қайси ҳовли эди Сабоҳатники? Мановими ёки унисси? Иккиси ҳам эмас, сал



нарироқда бўлиши керак. Эшигида эгри тут бор эди...»

«Ана шу!» Топди. Қўнғироқ тугмачасини босди. Беш-олти ёшлардаги сариқдан келган қизча дарвозани очди: Сабоҳатнинг қизчаси. «Исми нима эди?»

— Ки-им, Гулнор? — деб сўради ичкаридан биров.

Қизча Умар Қосимовичга тикилган кўйи секин бўйинини қисиб қўйди.

Дарвозахонада Сабоҳатнинг ўзи кўринди ниҳоят.

— Бо, ака! — У кўзларига ишонмай жойида қотиб қолди. Кейин бирдан олдинга талпиниб: — Кира-вермайсизми, ака, ўз уйингиз! — деди алланечук севишиб. Сўнг қизчасига қарадию жаҳли чиқиб, киприклари учди: — Тоғангни танимайсанми, жу-вонмарг, киринг, демайсанми?!

Умар Қосимович ўзини ҳам, Гулнорани ҳам оқлаш учун қўлидаги сумкаю тугунни Сабоҳатга бериб, қизчанинг қўлидан тутди.

Айвонда уларни Сабоҳатнинг эри Абдусмад қаршилади. У хотинидан ҳам кўпроқ мамнун, оғзи қулоғида эди.

* * *

Умар Қосимович бир-икки пиёла чой ичгач, «Кўчада ишим бор», дея ўрнидан турди. Ҳали у билан тузукроқ сўрашишга ҳам улгурмаган синглиси: «Кечгача юрманг, овқат интизор бўлма-син!» деб чирқиллаб қолди.

Кун қайтганига қарамай, ҳаво дим эди. Ёзда Тошкентда ҳам куннинг ёниши табиий. Бироқ, «саратон» деган сўзни теграси даштдан иборат Бухорода рўйирост ҳис этасан. Шўр босган ер ошланган терига ўхшаб, оқариб ётади. Ҳавони оқиш бир чанг қоплагандек туюлади. Бу офтоб тафтими, нурга қўшилиб сочилаётган қумми, ҳеч ажратиб бўлмайди. Чўнтакдан гугурт чиқарилса, пов этиб ёнади, деб ўйлайсан. Одамлар эса кўчаларда терлаб-пишиб юраверишади.

Умар Қосимович Шоҳруд ёқалаб Лабиҳовуз сари йўл олди. Унинг тайинли иши йўқ: шаҳарни айланиб, сўнгги кунларда муштдек тугилган юрагини сал ёзмоқчи, холос. Шу билан бирга, энди нималар қилишини ўйлаб олиши керак.

У Лабиҳовузга етмай, Гавкушон минораси пинжидаги эскигина ҳовли қаршисида оёқлари михланган-дек, бехос тўхтаб қолди.

Ҳаётнинг қандай қизиқ ўйинлари йўқ, дейсиз! Умар, унинг акасию синглиси мана шу ҳовлида туғилишган. Урушдан кейинги йилларда, Дарвозаи Самарқанд томонга кўчгунга қадар, шу ерда туришган. Ҳозир эса, гўёки бутун болалигини Умарга бирийўла эслатмоқчидек, ҳовли олдидаги супачага шолча ташлаб, собиқ синфдоши Марзия ўтирарди.

— Ака Умар! Ака Умар-э! — деб ўрнидан вазмин кўзгалганча, ўрдакюриш қилиб унга яқинлашди Марзия.

Наҳотки, бу ўша — бир пайтлар Умарнинг юрагини ўртаган шаддоод қиз бўлса!

Улар мактабни тугатишганига йигирма йилдан ошди. Шу орада, битирганимизнинг ўн йиллиги, деб бир гал, ўн бешинчи йиллиги, деб яна бир марта учрашишди. Мактабда ўқиб юрган пайтлари Марзияга синфдан икки йигит ошиқ эди. Марзия эса, Умарга ҳам, нариги йигитга ҳам қарамай, мактаб остонаси-дан кечар-кечмас бошқа бировга тегиб кетди. Шу

боисдан, кейинчалик кўришишган бўлса-да, Умар синфдошининг уй-жойидан ҳам, туриш-турмушидан ҳам беҳабар эди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деб сўради у беихтиёр.

Марзия шарақлаб кулди.

— Менинг-ку, уйим шу, — деди у, — лекин сиз бизнинг кўчамизга кирадиган кун ҳам бор экан-ку...

— Биз қочиб юрганимиз йўқ, қочганлар бошқа! — дея ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Умар Қосимович.

— Бузоқнинг қочгани сомонхонагача! Узингиз вақтида билмагансиз, — деди кулиб Марзия. — Ҳай, ўтган ишга саловат. Уйга юринг, меҳмон бўлинг!

— Йўқ, уйингизга кирмайман. Лекин остонангизга бош қўйишим мумкин, — деди Умар Қосимович супага имо қилиб. Марзия яна кулди. Ҳовли олдидаги супачага келиб ўтиришгач, Умар Қосимович қўшиб қўйди: — Меҳмон қилмоқчи бўлсангиз, бир коса сув...

Марзия ўтирган кўйи бошини буриб, дарвозага қараб овоз берди:

— Сотимжон, бир коса сув келтиринг, бачам! — У қизлик пайтларидагидек қизариб, шу билан бирга, шўхлигини қўймай, Умар Қосимовичга яна илмоқли сўз отди: — Ҳалиям юрагим куйиб юрибди, денг!

— Сўраманг! — деди Умар Қосимович. У секингина нолиб қўйди: — Иссиқ...

— Янгамиз, бунинг устига, сизни сибирлик қилиб қўйибдилар! — деди Марзия Умар Қосимовичнинг эгнига имо қилиб.

Умар Қосимович сафарга ҳам ишдагидек қора костюм-шим кийиб чиққанини энди пайқади. Жўнроқ кийинса бўлар эди, албатта. Лекин, идорада шундай юришга ўрганиб қолганидан, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган экан.

У очиқ дарвозадан ҳовлига, чанг босган гулларга қаради. Унинг кўз олдида ўзи — шу ҳовлида йиқилиб-туриб, ўйнаб юрган бола келди. Бу бола шу ҳовлидан ҳам, ота-онасининг пинжидан ҳам ҳеч қачон, ҳеч қаёққа кетмайман, деб ўйлар эди. Аммо ҳаёт ҳаракатдан иборат экан. Инсон ҳам чумоли мисоли саф бўлиб суринаверар экан. Бу суринишдан маъно нима!.. Дарвозахонада пайдо бўлган ориқ йигитча Умар Қосимовичнинг хаёлини тўзитиб юборди. У бир ойиси, бир Умар Қосимовичга хўмрайганича коса тутиб турар эди.

— Дард кўрманг, бачам, баракалло! — деди Марзия. У ўғлининг қўлидан косани олиб, Умар Қосимовичга узатди.

Бу — ичига муз солинган «яхоб» эди. Умар Қосимович сувни роҳатланиб симириди.

— Тошкентда обрўйингиз яхши экан. Катта ишга ўтибсиз, эшитдик, — деди унга боядан бери разм солаётган Марзия. — Ҳозир Бухорода текширувчи кўп. Сизниям бирон ишни текширишга юборишгандир, командировка қилиб...

— Йўқ, мен бошқа вазифа... — дея ғудранди Умар Қосимович. — Акам бор... ёши элликка бориб қолди, мендан олти ёш катта... Шу киши ичишга ўрганибди. — Умар Қосимович акасининг муллаглик қилаётганини ҳам айтмоқчи эди, бироқ уялди. Марзиянинг олдида кулги бўлишдан қўрқди.

— Э, шу ичиш курсин! Шунча гапиримиз-у, яна ичаверишади, — деди Марзия тутатиб. — Бола-чақасини ўйласа бўлмайди!.. Мана, Сотимнинг дадаси алафга оғзини босиб, нафас ололмак ўлиб қолди. Кимга жабр — бизга, куйиб қолавердик!..

— Бу энди бошқа Марзия эди. Умар Қосимовичга у ҳамон тутаётгандек туюлди.

— Қачон ундай бўлди? Мен билмаган эканман... — деди Умар Қосимович, гўёки билса, дарҳол чора кўрадиган одамдек.

— Тўрт-беш йил ўтди... Ҳай, энди фойдаси йўқ, — деди Марзия. — Ҳўш, энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради у бирдан.

— Нимани? — деди Умар Қосимович гангиб.

— Акангизни-да, мени эмас, албатта! — дея шарақлаб кулди Марзия.

— Ҳа-а, акам... билмадим, — деди Умар Қосимович. — Нима қилганда ҳам, ўзи билан гаплашишим керак. Кейин, бирон дарди бўлса енгиллатиш... Бусиз мумкин эмас!

— Ҳай, ишсиз, вазифасиз бир келинг, меҳмон бўлиб! Минг тошкентлик бўлиб кетгандай, Бухоро-ни эсдан чиқариш... унда, қулоғингизни кесаман, янгамизга билдирмай! — деди кулганча Марзия.

Умар Қосимович беозор жилмайиб, Марзияга фаромуш тикилди. Қирқ ёшлар атрофидаги аёл майиз бўлиб қоладиган замонлар эмас. Марзия ҳам семириб, сал бесўнақай тортганини айтмаганда, ҳали ранг-рўйи, чақнаб турган кўзларию ноз-истигноси билан бир йигитнинг кўнглини обод қилишга қўрби етади! Э, аттанг, Умар Қосимович Марзиядан бунчалик узоқлашиб кетмаганида борми, у билан бошқа бирон гўшада кўришса ярашар эди, албатта. Ҳозир на вақт, на имкон, на кайфият... Гап тугади, туриб кетиш керак...

Умар Қосимович истар-истамас ўрнидан қўзғалди.

— Ўзингиз ҳам Тошкентга боринг, — деди у кўнгли учун.

Лабиховузга етиб, асрий тутларнинг осмонга чўзилган яланғоч шохларига тикилганча кетаётиб, бир неча қадам юқорида ўрнашган Насриддин Афанди ҳайкалига кўзи тушди...

Умар Қосимович ҳайкал тўғрисида газета-журналларда ўқиган, лекин уни кўрмаган эди. Тикилиб туриб, завқи тошди. Дунёда чиндан Афанди ўтган бўлса, у худди мана шунақа одам эканлигига беихтиёр ишонасан киши. Ҳайкалнинг ўрнашган жойи ҳам Афандига мос — кулги уйғотади. «Оёқ остида зина, ундан нарёғи ҳовуз, сиз бўлсангиз, зўр бериб эшакни ниқтаб боряпсиз, Афанди бўлма-сангиз, шундай қилармидингиз, хўжам!», деб ўйлади Умар Қосимович. Шу аснода Афанди унинг устидан ҳам кулаётгандек туюлди. У оддий тош — ҳайкал олдида алланечук хижолат чекди...

Собоҳатнинг уйига узоқ-яқин қариндошлар ёпирилган — бир уй одам тўпланган эди.

Бир-бирини қучиш-ўпиш, меҳр изҳор қилиш, гинахонлик бошланди. Уртада иккита дастурхон ёзиглиқ. Абдусамад тўртта шиша кўтариб кирди.

— Э, қўйинглр шу сабилни, ҳукумат қатағон қилсам, булар ичади-я, бачам! — дея зорланди аммабуви — ёши юзга яқинлашиб, иягини муй қоплаган кампир.

У ўзини Умар йўқламаслигини билиб, бир кўрай бачамни, деб анча ердан судралиб келган. Аслида, Умар бир пайтлар отасини эмизган бу кампирнинг пойига йиқилиб, оёқларини ўпса арзийди. Болаликда нуқул ундан куларди. Масалан, аммабуви уйларига меҳмон бўлиб келса, муллаойимникига бордим, бир оғизгина ош қилган эканлар, икки оғизгина едим, қабилида гапирар эди. Умар эса, сиз бир оғиз ошдан қанақасига икки оғиз едингиз, деб кампирни мазах

қиларди. Кейин, аммабувининг бор-йўқлигини унутди. Ота-онасининг маросимларида уймалашиб юрган кампирга бир-икки тўқнаш келди-ю, лекин барибир унга ортиқча эътибор бермади. Бошқаларнинг муносабати ҳам шунақа. Аммабуви Умар Қосимович тўғрисида одоб юзасидан хабар етказишган, ўзлари эса, келмаса яхши бўлар эди, деб туришган. Чунки кўпчилик, кампир эзмаланавериб ҳаммани безор қилади, деб ўйлайди... Бу кампир — тирик тарих. Лекин ҳеч кимнинг унга қайрилиб қарагиси йўқ. У ноёб китоб. Лекин ўқийдиган киши топилмаганидан унутилиб, чанг босиб ётибди...

— Акамулло бир келибдилар, бибижон, ҳурматлари-да! — деди Абдусамад шишаларни дастурхонга қўяркан. — Қатағонни ҳисобга олиб, фақат оз-оздан, бибижон — кўпайтирмаймиз!

— Ўзларинг ичсанглр, майли. Олдиндан айтишим керак, мен ичмаяпман, — деди Умар Қосимович. — Лекин, бир-икки оғиз айтадиган гапларим йўқ эмас... Шу сафар Бухорога келганимдан, сизларни кўриб турганимдан хурсандман, Айбим бўйнимда — анча йил келмадим. Ҳолбуки, Тошкент билан Бухоро Мағриб билан Машриқ эмас, икки қадамлик йўл... Отам бўлмасалар, акам бор, онам бўлмасалар — синглим... Мана, бибим катта бошларини кичик қилиб мени кўргани келибдилар. Аслида, мен у кишини зиёрат қилишим керак эди. Бунинг устига, Бухоро ҳам мана шу бибимга ўхшаган... Мен келмасам, Бухорога эмас, ўзимга жабр... Бугун шу нарсаларни тушунганимдан ҳам хурсандман...

— Э, раҳмат-э, акамулло, минг раҳмат, шунча яхши гап айтдингиз! — деди бу орада қадах тўлдиришга улгурган Абдусамад. — Энди ичмасангиз ҳам, шу яхши гапларга ўзингиз муҳр босиб...

— Йўқ, муҳр босмаймиз! — деди Умар Қосимович.

— Нега? Нега? — дея чуғурлашди Абдусамадга қўшилишиб, Умар Қосимовичнинг холаваччаю тоғаваччалари.

— Ичиб юрганимда ҳам бугун ичмас эдим, — деди Умар Қосимович. — Эртага ишим кўп. Индин кетяпман, улгуриш керак. Ундан ташқари, наҳорда қабристонга бормоқчиман. Кечқурун ичиб, эрталаб ота-онанг бошига бориш инсофдан бўлмайди. — У рўпарасидаги кампирга имо қилди. — Мен бибим билан гаплашсам кўпроқ маза қиладиганга ўхшаб турибман...

Бошқалар, аёл-эркак — ҳаммалари ичишди. Умар Қосимович кампирдан сўради:

— Қизиқ бир гап... Сиз эски замонларниям кўргансиз. Масалан, ўшандаям одамлар шундай ўтириб ичишармиди, бибижон?

— Йўқ, бачам, — деди кампир. — Ким бекитиб ичганини биров эшитсам, дарров овоза бўлиб кетайди. Амирлик ичгани тутиб зиндонга ташлаган, бачам. Мабодо, обрўли одам ўртага тушиб, шафқат қилса, сарбозликка олайди, қариб-ўлгунча аскар бўлиб юра берайди, бачам. Қўймасди... Яна, бир одамни биламан, кўчага яланғоч чиқориб, сазойи қилган. Ямон эди, бачам... Хотинлар ичгани бирон китобгаям йўқ. Ман фақат эркакни айтяпман...

— Беклар, амирлар ичган-ку, кинода кўрганмиз! — деб мингирлади Абдусамад.

— Амирни билмадим, бачам, — деди аммабуви. — Халқ ичмаган. Уёт деб билган. Шариат ҳам кўтармаган... Башқаларни айтмайман, сизлар катта бўлгунча бизнинг авлодга ичган одам йўқ эди.

— У замонлар билан бу замон ер билан осмонча

фарқ қилади, бибижон! — деди Сабоҳат давра совшиддан кўрқиб. — Масалан, дадам фўта ўраб, чопон кийиб юрган. Акам бугун шундай кийиниб келсалар, ўзингиз ёқа ушлаб, «Умарбойга бир бало бўлибди», дердингиз. Ҳар куни ичмаслик керак, албатта. Биз ҳам ичмасак бўлар эди. Лекин акам нима дейишларини билмадик. Унинг устига, озиб-ёзиб бир келибдилар, ахир! — Сабоҳатнинг кўзларига беҳосдан жиққа ёш тўлди.

«Бемехрлик қилганим камдек, бошқаларнинг меҳрини ҳам ҳисобга олмабман. Яна бир карра айб менда! — деб ўйлади Умар Қосимович. — Иззатнафс ҳам нозик бўлиб қолган, ичма, десанг, оғир олишпоти. Мен ҳали акам билан қандай гаплашман?!»

Абдусамад хотини қўллаганига суюниб, қадаҳларга яна бир сидра қўйди.

Умар Қосимович болалик кезлари — урушдан кейинги йилларни эслади. Ушанда ҳам тўй кўп бўларди-ю, лекин ичилмас эди. Тўй асосан, аёллару болалар учун, деб тушуниларди шекилли. Қуй-қўшиқ, рақс, «ёғоч оёқ»да ўйинлар, тўй сабабчилари бошидан қанд-қурс, танга сочишлар аллақандай файзли эди. Тўйхонага азиз меҳмон келса, бир чойнак чой ўрнига шиша кўтариб чиқиш у пайтлари тасаввурга сиғмас эди. Бу анча кейинроқ одатга айланди...

Кексалар нақадар зийрак-а!

Афтидан, аммабуви Сабоҳат билан Абдусамад орасида гап қочиб, бу кўнгилсизлик ҳаммининг кайфиятига таъсир қилганини ҳис этган эди. У ҳеч қачон даврани бузган эмас, бузмоқчи ҳам эмас. Бунга амалда исбот қилиши мумкин...

— Саники тўғри, бачам. Замон бошқа! — деди кампир Сабоҳатга. — Одамлар етти ўлчаб, бир кесади. Ўз ишини билади. Эс-ҳушли... Ҳозир кундузи чироқ ёқиб қидирсанг, мулло Садирга ўхшаган одамни топмайсан...

— Мулло Садир деганингиз ким экан? — дея қизиқсиниб сўради Умар Қосимович.

— Шундай бир одам ўтган, — деди кампир. — Эшитмаган бўлсанг, айтаман... Мулло Садир кечаси шамни ёнига ўтириб китоб ўқийкан. Қайси бир кеча, «Соқоли бир тутамдан ошган одам аҳмоқ бўлади!» деган гапни ўқибди китобдан. Бундай, соқолини тутамлаб кўрса, кўп... Қайчи қидириб ўтирмасдан, соқолнинг ошиқча бўлиб туюлган қисмини шамга тутибди. Қўлига олов тегиб, қўлини тортган экан, бутун соқол пах этиб ёнгани майли-я, юз-бетигача қуйиб кетибди!

Ҳамма беихтиёр кулиб юборди.

— Кўп қизиқ гапларингиз бор-да, бибижон! — деди завқланиб Абдусамад. — Дафтар олиб, гапларингизни ёзиб бориш керак...

Ниҳоят, меҳмонлар ўринларидан қўзғалишди.

— Сиз қолинг, бибижон. Кеч бўлди, — деди Сабоҳат кампирга.

— Йўқ, манам уйимга борай. Манга ўз жойим яхши, — деди аммабуви. У дарвоза оғзида тўхтаб, Умар Қосимовичга қаради: — Кейинги келишингга ман бўлмайман, бачам. Янги уйимни сўраб боргин, хўпми?

Умар Қосимович ич-ичидан эзилди: кампирнинг гапи тўғри — худди шундай бўлади. Яна бир нарса унинг хаёлидан кечди: ҳеч ким кампирнинг бир асрга яқин умрида кўрган-кечирганларини эшитган-билганларини ёзмайди. Кампир ҳаммасини ўзи билан олиб

кетди!.. Умар Қосимович дарҳол аммабувига далда беришга ошиқди:

— Сиз ҳали тетиксиз, бибижон. Ундай деманг, ундай деманг-да!

— Бир айтдим-да, бачам, — деди кампир. — Йўқлаб борсанг, ман хурсанд бўламан. Икки оғиз калиманга маҳтал қилмасанг бас...

Умар Қосимовичнинг томоғи қуруқшаб, киприкларини намланди...

Дарвозахонадан уйга қайтиб киришгач, Сабоҳат чойни янгилаб, астойдил ҳол-аҳвол сўрашишга чоғланди. У негадир эҳтиёткор оҳангда сўради:

— Янгам қалай? Яхши юрибдиларми, ака?

— Юрибди янганг, — деди Умар Қосимович. — Утирадиган жойи кичик бир дўкон-у, лекин уям ўзидан ортмайди: баъзан дўхтирга боришга вақти йўқ. Бўлмаса, шу сафар униям олиб келармидим...

— Олиб келсангиз яхши бўларди — соғиниб қолдик.

— Сизлар борганда кўнгилдагидек меҳмон қилавермайди. Хижолат чекасан киши. — Шу сонияда, «Хотиним менинг раъйимга қараб, ҳамиша мен истагандек иш тутса, ҳеч қачон бошқа аёлларни кўз остимга олиб, улар билан қизиқиб юрмасмидим!» деган бир гап ҳам унинг хаёлидан кечди.

— Тошкентда шароит бошқача. Биз ҳам тушунамиз-ку, ака, — деб янгасини оқлади Сабоҳат ва гапни болаларга бурди: — Донишбой, Мужримчик тузукми?

Донишбой — Аҳмад Дониш, Мужримчик — Мужрим Обид шарафига қўйилган исм. Умар Қосимович ҳозир негадир уялди: болаларга ҳадеб буюк кишиларнинг исмини қўявермаслик керак экан.

— Улар ҳозир каникулда, — деди у. — Менга қара, — деди бирдан, — акамни аҳволидан гапирсанг-чи?!

— Эртага ишингиз кўп экан-ку, акамни ҳам кўролмасиз... — деди уни бирон топшириқ билан келган, деб ўйлаган Сабоҳат.

— Акамнинг аҳволи қанақа, деяпман?!

— Юрибдилар...

— Доим шунақа дейсан! Қандай юрибди, айтмайсанми?!

— Ишдан кетган. Бекорчилик...

— Ичиб, ваъзхонлик ҳам қиялпими?

— Унисини билмадик, — деди Сабоҳат. Кейин қўшиб қўйди: — Бухорога кам келадилар. Сўраб борсак, уйларида топиш қийин...

...Бу гапни у тўғри айтди... Усмон Қосим — Умар Қосимовичнинг тескариси: аёлларни ёмон кўради. Бир марта уйланиб, ўн беш йилча турган, ўртада тирноқ бўлавермагач, хотини билан ажрашган. Бошқа уйланмаган. (Ушанда Умар унга: «Ака, уйланинг, бола-чақа яхши нарса!» деб ўзича насиҳат ҳам қилган. Аммо Усмон: «Э, йўқ, бўлди, хотин бадимга теги!» деган). Қисқаси, Галаосиё марказидаги катта йўлдан анча ичкарида, кичик бир уйда туради Усмон Қосим. Олдинлари ҳам кўпинча дарвозасига қулф осиглиқ турарди, лекин уни ҳарқалай мактабдан топиш мумкин эди. Энди мактабдан кетган, бунинг устига ичиб, муллачилик қилаётган бўлса, қидирган билан топишинг даргумон!

Умар Қосимович йўлга чиққанидаёқ шундай бўлишини ўйлаган эди. Аслида, у Сабоҳатнинг уйига киришни ҳам кейинга қолдириб, тўғри Галаосиёга ўтмоқчи эди-ю, аввал Сабоҳат билан гаплашиб, ишга имкон етганича аниқлик киритмоқчи бўлди — мана оқибати.

Боядан бери гоҳ уйга қириб, гоҳ уйдан чиқиб юрган Абдусамад кутилмаганда уларнинг ёнига келди.

— Сизга ака Усмон керак, мен эшитдим, — деди у илжайиб. — Ака Усмон юқори Кобдун ёки қуйи Кобдунда бўладилар. Иккала қишлоқдан ҳам топмансангиз, Ғурбунда бўлишлари аниқ!

— Сиз қаёқдан биласиз? — деди аччиқланиб Сабоҳат.

— Одамлардан... бир борганимда шунақа деб айтишди.

— Ичдингиз-да, алжираяпсиз! — дея эрини кийди Сабоҳат. — Акамни ўзимиз ҳам унча билмай-миз...

Кун ёришмасдан ўрнидан турган Умар Қосимович оёқ учида юрганича ташқарига чиқдию айвонда туйқусдан Абдусамад билан Сабоҳатга тўқнаш келди.

— Яхши ухлолмадингизми? — деб сўради Сабоҳат меҳрибонлик билан.

— Йўқ, калла пишди, — деди Умар Қосимович.

— Бўлмаса, ошга кетдик, акамулло! — деди Абдусамад.

— Қанақа ош? Мен... — дея мужмал қилди Умар Қосимович.

— Дарвозани Самарқандда Рустам деган жўрангиз бор. Сиз билан кўча чангитган... Тошкентга уйингизга ҳам борган...

— Биладан Рустамни. Хўш? — деди Умар Қосимович куёвининг тушунтиришидан юраги сиқилиб.

— Шу ака Рустам бугун ош бераяптилар, оналари учун... Мен кеча кўчада кўрдим, келганингизни у киши биладилар...

Умар Қосимович қизиқ ҳолатга тушди: Дарвозани Самарқанддаги ҳовли ҳам энди бегона бўлиб кетди, чол-кампир умрлари сўнгигача шу ерда яшаб, шу ҳовлидан чиқарилган эди. Умарнинг онаси вафот этганда Рустам бир ҳафта бел боғлаб турган. Умуман, Умар Қосимович эсласин-эсламасин, уни ҳеч қачон унутмаган фидойи дўст — Рустам. Ҳозир бориб «кумуш»ми, «олтин»ми тўй қилаётган кампирга бир қур салом бериб чиқмаслик одамгарчиликдан бўлмайдими... Бухорога келганида доим нима етишмайди — вақт, Тошкентдаги югур-югурдан ҳам бадтар аҳволга тушасан бу ерда!

У ичкаридан сумкасини кўтариб чиқди.

— Мен ўша ёқдан кетавераман, Сабо, — деди Умар Қосимович дардини ёриб ўтирмай. — Эртага бўш қолсам, яна бир кирарман. Бўлмаса, ўзларинг боринглар биз томонга...

— Акам келсалар нима дей? — деб сўради Сабоҳат.

— Ҳеч нима, — деди Умар Қосимович ўйланиб. — Ўзим кўрсам керак, кўришга ҳаракат қиламан...

Бу ердан икки-уч гузар наридаги Дарвозани Самарқандга етганда, эски ҳовлилари олдида бир нафас тўхтади. Шу дамда гўё онаси дарвозани очадигандек, отаси ҳам ҳовлида айланиб юргандек туюлди...

Рустамлар ҳовлиси кўчанинг охирида. Эшик олдида одамлар тўпланиб туришган экан. Умар Қосимовични дарҳол пайқашди. Рустам унга пешвоз кела бошлади.

— Яша, жўра! — деди Рустам Умар Қосимовични кучоқлаб. — Шу бугун келмасанг, сўяман, деб турган эдим!..

— Қўй, бир оз яшайлик жўра! — деди Умар Қосимович кулиб.

— Келдингми, энди минг йил дардисар бўлиб яшайверасан! — деди Рустам. — Қани, юр, олдин бибига бундай қуюқ бир салом бер, боши осмонга етсин, кейин ўзимиз гаплашиб ўтираверамиз...

Ҳовлига кимдир кирган, кимдир чиққан, ичкарида — дастурхон теварагида ўтирганлар ҳам анчагина. Умар Қосимович билан бировлар бош силкишиб кўришди, бировлар ўзаро пичирлашиб қўйишди. Рустам уни ҳовли тўридаги тўққиз болорли хонага олиб кирди. Хонада Рустамнинг ойиси уч-тўртта хотин қуршовида, худди ўтиришга яхши ўрганмаган ёш болага ўхшаб, юмшоқ болишлар орасида ўтирибди.

Умар Қосимович кампир билан қуюқ саломлашдию тўрт-беш йилда унинг анча қариб қолганини пайқайди. Ойи унинг аммабувисига нисбатан ёшроғ-у, лекин бир қарашда кексароқ, деб ўйлаш мумкин. Аммабуви қоронғида ҳам ҳамма нарсани кўради; бунинг эса кўзлари хира тортган, мана, хонага ким кирганини билмай, анграйиб турибди.

— Сизни Умаржон жўрам Тошкентдан йўқлаб келибди, она, — деб ўқтирди Рустам.

— Умаржон... яхшимисиз, ўғлим? — деди овози титраб ойи. — Умрингиз узоқ бўлсин илойим, бизни йўқлабсиз! Ишларингиз яхшими, ўғлим?

— Шукр, ҳаммаси жойида, — деди у. — Ўзингиз бардаммисиз? Табаррук ёшингиз қутлуғ бўлсин! — Анигини билмаганидан, фалон ёшингиз, демади.

Кейин кампир Умарнинг ота-онасини эслаб, улар билан аҳил қўшничилик қилишганидан гапириб ўтирди. Умар Қосимович ҳам аёллар узатган бир пиёла чойни ҳўплаб, ойининг ўзи яхши аёл эканини, Рустамдек ўғил ўстирганини; у тиккан зар дўппию заррин кавушлар қанча-қанча қизларни суюнтирганини узуқ-юлуқ сўзлади.

Ниҳоят, Рустам икковлари рухсат сўраб ташқари чиқишди-да, четроқда ўтирган Абдусамаднинг ёнига келишди. Бирпасда дастурхон атрофига беш-олти киши йиғилди. Хизмат қилаётган ўсмирлар ҳаш-паш дегунча бир хумчойнакда чой, бир хумчойнакда арақ келтиришди.

— Сиз ўзимиз учун ҳам бундай икки оғиз ўқимайсизми, тақсир? — деди Рустам чуст дўппини қулоғигача бостириб кийган қора кишига. Пойгакда ўтирган ҳалиги киши лом-мим демади. Қоматини ростлаб, бўйнини қисди ва кўзларини юмганча, қуръондан тиловат қила бошлади.

Умар Қосимович боя ҳовлига қадам қўйганида қуръон ўқилаётганига эътибор берган, хонада ўтирган пайтида ҳам қулоғига элас-элас ёқимли овоз чалинган эди. У, қори шу одам экан-да, деб ўйлади.

Қироат тугаши билан Рустам пиёлага арақ қуйиб, бир четдан узата бошлади. «Ота-оналарнинг муборак ёшини нишонлаш яхши удум. Фақат бу ерда... қироатнинг араққа, арақнинг қироатга нима алоқаси бор?!» даб ўйлади ўзича Умар Қосимович.

Қори Рустамнинг яқинида ўтирганидан, унга ҳам биринчилар қатори пиёла узатилди. У лом-мим демай арақни симириб, қўлининг орқаси билан лаб-лунжини артди. Шу пайт дарвоза томондан «ака қори!» деган овоз эшитилди. У ўрнидан туриб, янги келган меҳмонлар олдида борди, улар ёнида ўтириб, яна қироат қилишга тушди.

Умар Қосимович акасини эслаб, шу дамда у ҳам қайсидир қишлоқда шунақа «хунар» кўрсатаётганини

ўзича тасаввур қилдию бекорга вақт ўтаётганини ўйлаб, бирдан юраги ҳаприқди.

— Мен наҳорда ичолмайман, жўра! Соғлик кўтармайди, — деди Умар Қосимович пиёла узатган Рустамга. — Бугун бир оз ташвишларим ҳам бор...

— Бўлмаса, кечқурун келасан! Шу ҳам ўтириш бўлди-ю! — деди Рустам норози бўлиб.

— Келаман. Яхши... — деди Умар Қосимович.

— Кечқурун келмаган ҳар нима, қасам ич! — деб туриб олди, афтидан, олдин ҳам тузуккина ичган Рустам.

— Бўпти, кечқурун келмаган — ҳар нима? — деди Умар Қосимович.

У Абдусамаднинг қўлидан сумкасини олиб, кўчага чиқди...

* * *

Умар Қосимовичнинг отаси тўқсон йиллик умрининг ярмини амирлик, ярмини янги даврда ўтказган, кўпни кўрган-билган — ҳаётини тажрибаларга бой бир киши эди. Илгарилари Бухоро аҳолиси асосан ҳунармандлар, деҳқонлар ҳамда зиёлилардан иборат бўлган, дейишди. У ўз ҳаётида мана шу уч табақани оралаб ўтган эди. Гап шундаки, Қосим бобонинг ота авлоди — деҳқон, она авлоди — ҳунарманд бўлиб, қуёвчи — рехтагарлик қилишган, хонадонлардаги аёллар «отинбуви» деб ном олган, унинг ўзи болалиқдан бобоси, тоғалари олдида рехтагарлик билан шуғулланган, иши бароридан келмаганида қишлоққа қишлоқ, деҳқончилик ҳам қилган, кейин отинбувилар қўлида савод чиқариб, мактабда, сўнг мадрасада таҳсил кўрган эди. Инқилобдан кейин ҳам у деҳқончилик ва ҳунармандликдан узоқлашмаган, шунинг баробарида, ўзича нималарнидир ўқиб-ўрганишни ҳеч қачон тарк этмаган... Умар Қосимовичнинг кўз ўнгидан отасининг ҳовли бурчагидаги кичик бир ҳужрада худди уламоларга ўхшаб, уч-тўрт китобни варақлаб ўтирган ҳолати ҳеч кетмайди. Қосим бобо озар билан ҳам, туркман билан ҳам эркин гаплашиб кетаверар, рус тилини билар, араб, форс тилларини сув қилиб ичган эди. Қария умрининг сўнгги кунларига доимо радио қулоғини бураб ўтирар, оилада бўлаётган майда-чуйда гаплар уни қизиқтирмас эди. У қутилмаган саволлари билан Умар Қосимовични эсанқиратиб қўйган пайтлар кўп бўлган. У Тошкентда юрган ўғлини ўзига нисбатан ҳам зукко одам бўлишини истар, баъзан саволларига жавоб қайтаролмаса, алланечук ажабланиб қўяр эди. Унинг ўлими ҳам ўзига хос тарзда рўй берган эди. Кўрпа-тўшак қилмай, ўзи бемалол уйга кириб-чиқиб юрган Қосим бобо бир куни наҳорда чой дамлаб келган кампирига бундай дейди: «Менга қара, онаси. Болалар ҳунар ўрганиб, авлодимизда рехтагар қоладими десам, бўлмади. Ўқиб ҳам кўп нарса ўрганмаганга ўхшайди болаларинг. Локин булар ёмон фарзанд эмас, мен улардан рози... Кейин сенга яна айтмоқчи бўлган гапим... бировнинг олдида айбим йўқ, қарзим ҳам...» Кампир довдираб қолиб: «Нега унақа деяписиз?» деб сўраган. «Ўзим, эсимдан чиқмасин, деб айтдим. Энди боравер ишинга...» Кампирнинг юрагига ваҳм тушиб, бир айланба, қайтиб уйга киргану шу қисқа фурсат ичида чоли тўшакка беозор чўзилганча омонатини топшириб қўйганининг гувоҳи бўлган.

Умар Қосимовичнинг онаси Муслима биби етим ўсган, у Қосим бободан анча кичкина, чоли қазо қилган пайтда етмиш ёшлар атрофида эди. Унинг

умри бир хил «ранг»да — бола-чақа, уй-рўзгор, деб деярли кўча кўрмай ўтган. У Қосим бобонинг гўё сояси бўлиб яшаган. Аниқ касб-кори бўлмаганидек, Муслима бибининг саводи ҳам чала, хат таниш даражасида эди, холос.

Умуман, кампирнинг ҳаёти ҳам қандайдир мискин, маҳзун интиҳо топди. Эҳтимол, шу боисдан, Умар Қосимович энди отасини ифтихор, онасини ачининш билан хотирлар эди...

Умар Қосимовичнинг юрагида бир армон қолган эди: у отаси билан видолашолмаган, фақат жасадини кўрган, холос. Аммо, ҳар қалай, қабрга ўзи қўйган. Онасини эса, қабрга қўйиб, устига тупроқ тортишганидан кейингина етиб келгану нам тупроққа чўккалаб ўкраб-ўкраб йиғлаган эди.

Умар Қосимович Чашмаи Аюб пойидаги қабристонга оғир хаёллар оғушида қадам қўйди. У икки ёндан дарахтлар соя ташлаган узун йўлқанинг охирига етмай тўхтади. Йўлқанинг қоқ ўртасида тиз чўқди. Бир томонда отасининг, бир томонда онасининг қабри.

«Отажон, мени маъзур тутинг! Мени маъзур тутинг, онажон! — деб пичирлади Умар Қосимович. — Мен қандай одам бўлдим, ахир... тиригингизда уйдан узоқда юриб, сизларга хизмат қилолмадим, энди сизларни йўқлашни ҳам эпллма-ялман. Бу ишларнинг ҳеч бири фарзандликка хос эмас. Мени кечириб қийин, биламан. Лекин маъзур тутинглар мени, болалигимдагидек шафқат қилингллар менга...»

У беихтиёр кеча аммабуви хайрлашаётиб айтган сўзларни эслади: «Икки оғиз калиманга маҳтал қилмасанг бас...»

Умар Қосимович бошини қуйи эгиб, юраги қаъридаги яширин садоларни эшитгиси келгандек, кўзларини чирт юмди. «Мен ўзимча янги одамман, эскилар туган йўлни тўтолмайман, — дея хаёлидан кечирди у. — Лекин, нима қилишим кераклигини ҳам билмайман... Эскилик сарқитларидан рўйроқ кечганман, аммо янгисига ҳали тўла етиб қелганимча йўқ. Умрим икки ўт орасида ўтяти... Қабрларингизга гул қўйишдан истиҳола қиламан... Айтинг, нима қилай отажон, онажон?!»

Умар Қосимович болалиқда ўзи кузатган бир воқеани хотирлади.

Бухорода мулло Сабур деган одам бўларди. Атрофдаги муллалар билан ораларида гап қочганми, ҳарҳолда, қўққисдан қайсидир журналда «Мен худодан қайтдим» деган мақола эълон қилган эди у. Буниси яхши. Лекин, фикри қатъий эканини билдириш учунми, мулло Сабур ўша кунлари дабдурустан соқолини қириб, салла ўрнига шапка, яқтак ўрнига костюм кийиб кўчага чиқди. Одамнинг қандай юриши ўз ихтиёрида, эски пайтлар эмаски, биров сени осий ёки боғий, деса! Мулло Сабурга ҳам ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ, янги одамларга ўхшагиси келибдими, баракалла! Аммо кейин қизиқ бўлди. Эскилар билан ҳисоб-китобни тўғрилаган мулло Сабур усти-бошини янгилади-ю, лекин янги — замонавий одамлар даврасига ҳам қўшилолмади. У гўё кўчада кетаётиб икки томонда дарвозаларни кўрган-у, аммо на у томондаги, на бу томондаги ҳовлига кира олмаган одам ҳолига тушди. Шундай алфозда юриб-юриб, охири дунёдан ўтиб кетди мулло Сабур... Бунинг ҳаммасига сабаб: у янги одам бўлишга урингани билан... ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ғариб эди. У эски таржимаи ҳолдан кечди-ю, янгисини

Бойитиш учун йиллар талаб қилинажагини билолмай кетди.

«Мен мулло Сабур эмасман, албатта, мен ўзимча янги одамман, — деб ўйлади икки қабр ўртасида тиз чўкиб турган Умар Қосимович. — Қандай яшадиму умримни қандай ўтказяпман? Ҳаётимни кимга, нимага бахш этдим? Беш-ўн йил ярим-ёрти билим эгаллашу яшаш учун кураш... ниҳоят, хизмат... Шу хона меники деб, куни бўйи қоғоз қоралаб ўтириш, кўнғироқбозлик, қаватдан-қаватга капалакдай учиб юриш ва умуман, одамларнинг дунёда бахтли бўлишига, бугунгидан ҳам гўзалроқ яшашига унча нафи тегмайдиган, аслида ҳеч кимга кераги йўқ югур-югурлар... Наҳотки шулар мен учун муҳим иш, интилса арзийдиган шараф бўлса?! Умримнинг кўпи кетиб, ози қолди. Бир марта берилган ҳаётни буюк мақсаддан йироқ, телба югуришларга сарфлаш, бунчалик бемаъно яшаш кулгили эмасми?! Мен бундай яшаб, акам эса Рустамнинг уйидаги қорининг аҳволига тушиб юрган бўлса, бизнинг мулло Сабурдан фарқимиз нима, отажон, онажон?! Бизни маъзур тутинглар...»

Галаосиёга Бухородан энгил машинада узоғи билан ярим соатда бориш мумкин.

У ҳам ана-мана дегунча район марказига етиб олди. Вақт пешинга яқинлашган, офтобдан баркаш-баркаш олов тўкилар эди. Умар Қосимович шаҳарда-ёқ иссиқдан лоҳасланган эди, бу ерда у худди тандирга бошини суққандек бўлди.

Акасининг саёқлигини билса ҳамки, уни уйда тутишга умид боғлади. «Кечқурун ёки эрталаб маросимга борган тақдирда ҳам кундузи уйда бўлиши керак. Бунақа иссиқда бутун тирик жон ўзини сояга уради-ку, ахир!», деб ўйлаганча катта йўлдан тупроқ кўчага ошиқди.

Аммо у бекорга ҳовлиққан экан: Усмоннинг эшигида, одатдагидек, гурзидай қулф осиглиқ эди.

«Ака Усмон юқори Кобдун ёки қўйи Кобдунда бўладилар. Бу икки қишлоқдан топмасангиз, Гурбунда бўлишлари аниқ...» — Унинг қулоқлари остида Абдусамаднинг овози янгради.

«Тўрвасини йўқотган дарвешга ўхшаб, саратонда қишлоқма-қишлоқ сандирақлаш бемаънилик, албатта, — деб ўйлади у. — Учта қишлоқни айланиб чиқиш осон ҳам эмас. Тошкентдагидек, остимда машинам бўлса, бошқа гап эди. Иккинчи томондан, шунча оворагарчиликдан кейин уни кўрмай кетиш кишига алам қилади... Хўш, уни қаердан, қандай топиб, қай йўсинда у билан гаплашиш керак?»

Умар Қосимовичнинг боши қотиб, бир табақали дарвоза қаршисидаги тошга келиб ўтирди. Ўзи ҳам, кайфияти ҳам ланж бўлиб қанча ўтирганини билмайди, бир маҳал дарвоза ғижирлаб очилиб, остонада атлас кўйлак кийган миқти бир жувон кўринди.

Умар Қосимович ноқулайлик сезиб, ўрнидан турди, жувон билан бош силкитиб саломлашди.

— Сиз ака Усмонни кутяпсизми? — деб сўради жувон. — Эрталаб уйда радио эшитиб ўтирган эдилар. Қачон, қаёққа кетдилар, билмай қолдим. Иссиқда ўтирманг, юринг уйга. Хабар олиб турамиз, келсалар — чиқаверасиз.

— А, йўқ, мен... — Умар Қосимович жувоннинг бунчалик очиклигини қандай тушунишни билмай ҳайрон бўлди.

— Юринг, унақа уялманг. Узоқдан келганга ўхшайсиз. Кўча ёняпти, бизнинг уй салқин...

Умар Қосимович жувон ўзини рўйирост қиста-

ётгандек туюлди. Назарида, жувоннинг ўзини тутиши, муомаласида аллақандай истиғно бордек эди. «Афтидан, ёлғиз турса керак, ҳарҳолда, у ҳозир уйда бир ўзи шекилли,» — деб ўйлади.

Шу пайт, ердан чиқишдими, осмондан тушишдими иккита жужук — бир ўғил ва қизалоқ пайдо бўлди.

— Вой, унақа ёпишманглар, уят, уят-ку, жоним... — дея болаларни бағрига босди жувон. — Шаҳардан, ана, амакибобо келибдилар, чоп, жоним, даданга айт, меҳмон, де...

«Падарига лаънат! — дея ичида беихтиёр сўкинди Умар Қосимович. — Аёлларнинг ортиқча эркинлиги баъзан хаёлни олиб қочади. Падарига лаънат!»

Аммо буларнинг ҳаммасидан ҳам «амакибобо» деган сўз унга ғалати таъсир қилди. «Қарибсиз, Умарбой оғайни, ёшингизга муносиб иш қилишигизга тўғри келади, — дея хаёлидан кечирди у. — Дунёда ҳар кимнинг ўзига яраша ожизлиги, бемаънилиги бўлар экан-да! Акангиз арақ ичиб, муллачилик қилади, сиз эса — аёлларга ишқивоз. Хўш, ўзингиз бачканаликдан қутулмай туриб, акангизни тергашга бало борми! Аввал ўзингизга боқ, сўнгра ногора қоқ, шундай эмасми, амакибобо?!»

— Мен, яхшиси, бир айланиб кела қоламан, қизим, — деди Умар Қосимович.

У қаерга боришни ҳам билмас эди.

Терга ботганча кетаётиб, дабдурустан мактаб биносига кўзи тушди. Мактабда биров бўлса, акам тўғрисида гаплашиш мумкин-ку, ҳарқалай, деган хаёлда ўша томонга йўл олди.

— Келинг, отам, хизмат? — Уни қоровул чол қаршилади.

— Мен Усмон Қосимнинг укалари бўламан, — деди Умар Қосимович. — Меҳмонга келган эдим.

— Яхши қилибсиз, отам, — деди қоровул кўришгани қўлини чўзиб. — Марҳамат...

Улар нимқоронғи йўлакка кириб, дераза олдидаги тахтакаравотга ўтиришди.

— Акам уйда йўқ эканлар...

— Бир ерда бекор ўтиролмайти. Юришга ўрганган, юргандир-да! — деди қоровул.

— Қаердан топсам бўларкин?

— Мен унисини билмадим, — деди қоровул. — Бекорчи одам, қаерга хоҳласа, ўша ерга юрабери-ди... Зероки, биз уни хафа қилганмиз...

— «Биз» деганингиз ким?

— Мактаб-да, отам!.. Шу ерни қуриб, очиб, ўттиз йилдан кўп югуриб юрган одамни орқасига тепгандай иш қилдик...

— Ким? Нега, ахир?! — Умар Қосимович, акам ўзи аҳмоқчилик қилиб ишдан кетган, деб ўйлаган, акасига қандайдир жабр қилинганини билмас эди.

— Бу катта дoston, отам... Мен айтсам чўзилиб кетади. Акангизнинг ўзи айтар, агар лозим топса, албатта. Қани, чойга қаранг, қанд билан олинг, отам...

Умар Қосимович бадтар лоҳасланиб, боши лўқиллай бошлади. Энди бирон нарса тўғрисида ўйлагиси ҳам келмас, сувда оққан хасдек, шуурсиз бир ҳолат уни домига тортган эди.

Шу кўйи у мактаб ёнламасидаги кўчадан тўғрига қараб кетдию кенг далага, сўнг қандайдир чуқур зовур бўйига келиб қолди. Зовур ёқалаб илдам юра бошлади. Атроф деярли бўм-бўш.

Сукунат. Фақат офтоб ўз кўшиғини баралла куйламоқда.

Умар Қосимович бошига тўр шляпа қўндирган новча бир одамнинг диконглаб юрганини узоқдан

кўриб, ажабланди. «Бу ё жинни, ёки шу паллада балиқ овига чиққан овсар! Бошқа одамнинг бу ерда саргардон юриши ақлга сиғмайди», деб ўйлади ўзича ва энди у кишига терс томонга қараб бурилди. Аммо кўп ўтмай орқасига қараб, ҳалиги киши узоқлашиш ўрнига яқинида пайдо бўлганини пайқадую юраги орқага тортди.

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда, биродар? — деди беихтиёр. — Балиқ тутяпсизми?

— Бу ерларга балиқ йўқ, — деб тўнғиллади «нотаниш» киши. Кейин нигоҳини Умар Қосимовичга қадаганча кела бошлади.

— Қўйинг, биродар... — деб минғирлади Умар Қосимович орқасига тисарилганча. — Ака, э!..

Ҳа, бу Усмон Қосим эди.

— Умар, ўзингми, жигар?!

Умар Қосимович нафасини ростлашга улгурмай, акаси унинг қучоғига ташланди.

У акасини ҳар қандай шароитда учратишни кутган-у, лекин бундай бўлишини ўйламаган эди.

— Бу ерлар нам, — дея дарҳол укасига тушунтира бошлади Усмон Қосим. — Дашт тарафдан иссиқда тошбақа... ҳар хил ҳашаротлар судралиб келади. Мен уларни тутушим керак... Юр, юр... уйга борамиз. Фақат мана у ёқда қоп билан челақ бор, ташишга ёрдам берсанг...

— Нима бор ўзи унинг ичида? — Улар челақ билан оғзи боғланган қопга яқинлашгач, Умар Қосимович қопни кўтаришга чоғланди.

— Қўрқма, булар одамдан заҳарли эмас! — деб кулди Усмон. — Кўтарганингда битта-яримтаси елкангни уқалаши мумкин, холос. Бошқа зиёни йўқ!

Ховли торгина эди. Бир-бирига туташ икки хона йўлак деворига худди елимлаб қўйилгандек.

Усмон сўнги пайтлар хоналардан бирига китоб, бошқасига ҳар хил ҳайвону ҳашаротлар йиғаетган экан.

— Келганинг яхши бўлди, жигар, зерикиб юрган эдим ўзим, — деди укасига у, икки бўлак қотган гўшт топиб дарҳол ош қилишга уринар экан. — Бир кеча меҳмон бўлмай, кетаман, демайсан лекин! Шу китобли хона сеники, мен нариги уйда ётавераман...

— Сиз ҳам шу ерда ётганингиз маъқул. Нима қиласиз ҳашаротлар ичида? — деди Умар Қосимович. — Майли, бир кеча қолсам — қолдим, ака. Аммо сиздан гинам бор, очиғи... Мана, мен тагин келдим, сиз эса Тошкентга ҳеч бормасиз!

— Бир бордим. Идорама-идора айландим, — деди Усмон ўйчан. — Бир идора бор экан — каттакон хона. Бу четдаги одам у томондаги жўраси билан телефонда гаплашади... сенинг ҳам идоранг шу, деб қайтиб келавардим...

— Бизда алоҳида хона, ишимиз тинч... Хўп, аниғи қачон борасиз? — дея қайсарланди Умар Қосимович.

— Билмадим, жигар... Мен ёшлиқда ўқишни битириб, қишлоққа келган одамман, биласан. Мендан бир ёдгорлик қолиши керак бу ерда. Шу кўриб турган ҳовлинг музей бўлади: бир томон адабиёт, бир томон табиёт... Ҳозир боришим қийин-ов... Иш кўп.

* * *

Умар Қосимович Тошкентга қайтиши билан, эртанги иш кунини кутишга сабри чидамай, Азизовнинг уйига қўнғироқ қилди.

Азизов уйда экан. Трубкани ўзи олди.

Улар ўртасида бундай савол-жавоб бўлди:

— Безовта қилмадимми, Акмал Турсунович?

— Йўғ-э, Умар Қосимович, ўзингизми?

— Мен. Бир одам тўғрисида гапирмоқчи эдим.

— Ким? Нима иши бор экан?

— Райондаги бир мактаб директори, ўзи муаллимдан чиққан. Шу одам...

— Хўш, кейин-чи?

— Маориф соҳасидаги раҳбарлардан бири билан муносабати яхши экан. Лекин ўша раҳбар ишдан бўшатилибдию директорнинг муовини пайт пойлаб юрган экан, бу фалончининг думи эди, деб директорга ҳужум бошлабди. Уни ишдан бўшатириб, ўрнини эгаллабди...

— Умар Қосимович, унга ёрдам қилишимни сўраяпсизми?

— Йўқ, гап бошқа... Баъзи бир қабиҳ кишилар худди детектив фильмлардагидек, бировни ўлдириш билан кифояланмай, уни иложи борича чуқурроққа кўмиб, устидан тупроқ тортиш пайдан бўлишади. Биз олижаноблик тўғрисида кўп гапирамиз, лекин аксар олижаноб одамларни қўллаш ўрнига, ҳалигидек кимсаларнинг бўҳтонига ишонамиз, ногорасига ўйнаймиз...

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

— Айтаверайми?

— Албатта.

— Ўзингиздан мисол келтирсам хафа бўлмайсизми, Акмал Турсунович? Майлими?

— Гапираверинг. Биласиз, мен очиқ гапни яхши кўраман.

— Сизни ишониб катта лавозимга қўйишган. Лекин биров сизнинг устингиздан ёзади... Эсингизда-ми, шу тўғрида гаплашган эдик?

— Эсимда.

— Кўпчилик одам сизнинг виждонли эканингизни унутиб, имзолими, имзосизми хатни текширишга тушади. Бу билан сизни ҳам, ўзини ҳам таҳқирлайди. Хат ёзган кишининг ўзи ким — бунга ўйлаш негадир ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

— Мен барибир тушунмаяпман, Умар Қосимович. Бу гапларнинг директорга нима алоқаси бор?

— Директор қайтиб бош кўтармасин, деб душманлари «эҳтиёт» чораларни кўришади: ҳар хил миш-мишлар тарқатишади, бошқа бировларнинг мағзавасини унинг устига ағдарилган ҳам тойишмайди... Унинг ўзини шахсан билмаган ҳолда, унча-мунча одамлардан тортиб, дуппа-дуруст обрўли кишиларгача мана шу уйдирмага паққос ишонишади...

— Хўп, қисқаси, директорингиз ким? Қаерда?

— Директор Бухорода, Акмал Турсунович!

— Ҳалиги... Сиз Бухорога бориб келдингизми, дейман?

— Худди шундай!

Азизов нафасини ичига ютган кўйи бир оз жим бўлиб қолди. Кейин, ўз-ўзидан қотиб-қотиб кула бошлади.

— Мени бир мот қилдингиз, Умар Қосимович! Ичиб, муллачилик қилган одам! Эсладим, эсладим, — деди у ниҳоят. — Менга қаранг, сиз-чи? Сиз ишонмаганмидингиз шу гапга? Тўғриси айтинг!

Умар Қосимович ҳам бехосдан кулди.

— Мен ҳам ишонган эдим, Акмал Турсунович! Очиғи, акамга эмас, эшитганимга кўпроқ ишонган эдим... — У ўйланиб туриб, қўшиб қўйди: — Лекин сизга барибир раҳмат...

— Қўйсангиз-чи, нега?

— Бунга тушунтириб бўлмайди, Акмал Турсунович... Умуман, сиз кўнгли очиқ одамсиз...



**Мақсуда
Эгамбердиева**

Кузги боғлар

Кузги боғлар. Навдалар яйдоқ.
Улар илиқ хаёл қамчиси.
Далаларнинг кафтидан йироқ —
Булуларда — Куйиш томчиси.

Шохлар — борлиқ қозиқларида
Қолмагандир бирор тўн, рўмол.
Кетиб бўлмиш меҳмонлар, ерда
Яна танҳо ва лол ўй — мезбон.

Япроқларнинг чиқар қўйнидан,
Узун симлар — висол жарчиси.
Кузги боғлар... пешвоз чиқ, яна
Иродамининг яшил арчаси.

Кузги боғлар... Ёға-ёға барг,
Тонг олдида айланди қорга.
Ховлиларни офтоб этди тарк,
Ювилган кир — ҳайкал баҳорга.

Кузги боғлар... Шамолдир ҳамон.
Тополмайди нимадир излаб.
Кузги боғлар... Қалқиб кетар жон,
Чақирганда олислар, «сиз»лаб.

Насиба

Булулари оппоқ осмон
 остида туғилмоқ,
Муздек, тиниқ, тоғ ҳавосин симириб
 туймоқ.
Меваларнинг юз хилини,
 минг хилини татимоқ,
Ҳар бирида Ватан дардин таъмини
 туймоқ.

**Ташқарида
бир ёмғир тинган**

Қайтармикин қўш кабутардек,
Бу манзилга ишонч ёғдуси?

Юракларнинг йўлимиқан берк.
Наҳот ётгай йўллар қайғусиз?
Атиргулдай қизил ва ёрқин
Бу лабларга ташиналик инган.
Хўрсинади тошойна ҳорғин,
Ташқарида бир ёмғир тинган.

У эшитди қорнинг сасини,
Қор бунчалар оппоқ, беғубор?
Аммо, нега деразасини —
Чертиб қўйгач, эрийверди қор.

Етмасмикин шамол одими,
Бу гул кетган олислик қадар.
Гуллар кўзин юмиб олдим?
Эркаловчи қўллар қайдадир?

Бахтга деган бисотин тағин
Кетаяпти йиллар ўғрилаб.
Хатолар қайирган гулбаргин —
Бўлармикин қўл-ла тўғрилаб.

* * *

Денгиз тўлқинларин қайга яширсин?
Шуъласин қай тарзда беркитсин офтоб?
Гуллар ер қўйнига қай алфоз кирсин,
Хатто нафратга ҳам бераверсанг тоб?

Ховлилар

Зим-зиё тун.
Йўлнинг енгил шарпаси.
Олислардан —
Япроқлар ораси,
Қия очиқ дарвозалар аро кўринар —
Чироқлар —
Муқаддас олов сингарини.
Ховлилар ул ўтқиш йўмасин дея
Шамолдан асраган кафтларга ўхшар.

Сиз ва у

Ҳамдам ўтур мунис умрингиз увол,
Кузгундек ҳамлакор, очкўз нафасга.
Сизга куйлар тақдим қилмоққа зилол —
Бир умр етина олмовчи касга.

Балки ўзга аёл изларингизни
Айлаган бўларди кўзга тўтиё.
Афсус, ул нафақат мулоийм сўзни —
Тоza ҳавони ҳам кўрмайди раво.

Сиз гўдак мисоли қувликни билмай,
Кенг очиб қўясиз юрагингизни.
Бир ҳовуч ёмғирдек бахтдан тўкилмай,
Яшар, топтаб юрар Сиз босган изни.

Сиз фақат ёғишни билган қор мисол,
Сўзлар уясига қилмайсиз парво.
Тафтингиздан илди, ўтсангиз ниҳол.
Қалбингизда оқиб ётади наво.

Сизнинг ахир шундоқ юришингиз ҳам,
Дилга эзгуликнинг шод қўнғироғи.
Уринсиз ёлғонлар соя солган дам,
Нажоткор порлаган умид чироғи.

Улар-чи, мазмунин англамас куннинг,
Улар-чи кибрдан уйғонмайдилар.
Қалбингизда улуғ руҳи Мажнуннинг
Яшаётганига ишонмайдилар.

Шоира дугоналаримга

Сизга гуллар тақдим этар шеърят,
Ўзингизда йўқсиз бу илтифотдан.
Осмондай кенг, сутдай покиза ният
Юксалтириб борар сизни қанотдай.

Юксалиб бораркан, уқа бошлар дил,
Қадим гулханларнинг авжи, кулини
Азим дарёларнинг тўлқинин бедил
Илдизлари чуқур дарахт тилини.

Ўша қадим олов Сизни ҳам чулғар,
Минг йиллик сукутни янчиб ташлайсиз.
Барча ёлғонларни кўйдирмоқ учун
Бошдан оёқ ўт бўлиб ёна бошлайсиз.

Не ажаб гар бот-бот тушунмай қолар,
Сизни муҳаббати ўлчовли шахслар.
Ҳақиқатга этиб хиёнат минг бор,
Ўзидан кўп мамнун, қилгуси баҳслар.

Минг йиллар қаъридан келган садолар,
Сизни беҳуд қилар, қилар беором,
Кошингизга келар мискин саболар,
Тўлғана бошлайди дилда интиқом.

Буюк халқнинг катта юкини, куйиб,
Кичик елкангизга ортар экансиз,
Не-не алп йигитлар шаробни қўйиб,
Кўмакка шошмасми, кайфи тарқаб тез.

Иситаркан эзгу олов — шеърят
Сизникидир ахир барча хуш дамлар,
Биллур зирагингиз эмасдир наҳот —
Далаларга сочиқ барча шабнамлар.

Сизга гуллар тақдим этар шеърят,
Довдираб қоласиз бу юксак бахтдан.
Нима Сизга — зирак, нима — фароғат.
Не бор лазиз буюк бу салтанатдан.

* * *

Тарк этади бир кун ўткинчи ҳайрат
Бахтга ҳеч дахли йўқ бу буюмларни.
Супуриб кетади тақдир бешафқат
Бу барча беҳуда «бахт» уюмларин.

Яна тупроқ қолар содда, бепардоз.
Яна осмон қолар бепоён, сирли.
Қуёш, тоғлар, япроқ, қушлардан овоз.
Яна ранглар қолар тоза ва нузли.





Уктам Усмонов

Қисмат

ҚИССА

33

Станция майдони четидаги омонатгина ўрнатилган газ-сув, пойабзал дўкончалари орқасида шу уч-тўрт кун ичида қандайдир чодирлар пайдо бўлибди. Саттор тунов кун ичида бугун келганида улар йўқ эди. Бугун қараса — лўлилар. Саттор ёшлигида улар ҳақида кўп эшитган, аммо ўзларини бор-йўғи бир марта кўрган: урушдан кейинги йиллар уч-тўрт лўли — қари бир чол ва қолгани ёшлар — Сатторларнинг қишлоғига айиқ етаклаб келишган эди. Нўхталаб, бурнидан ҳалқа ўтказиб олинган тарғил айиқнинг лапанглаб ўйнашини Саттор ҳалиям кўз ўнгидан кетказолмайди... У ҳозир ҳам болалиги тутиб, оғзи анграйганча лўлилар кўнган томонга қараб юрди. Чувринди болаларнинг кўплиги! Сочлари қоп-қора, жингалак, юзлари, билаклари кир-чир; бири карсиллатиб олма еб юрибди, бирининг қўлида бўш коса... Гўдак бўлсалар ҳам одамга қандайдир синовчан нигоҳ билан қаттиқ тикилишади. Сатторни кўрган заҳоти бир тўда аёл гурр қўзғалиб, уни ўраб олди; «Йигитча, кел, фол очиб қўяман... бой бўласан, мана бундай келинчак оласан...» дея ҳали униси, ҳали буниси туртиб, ўзига қаратиб, бир зумда гангротиб қўйишди. Саттор изига қайтмоқчи эди, аёллар тўдасидаги энг ёш лўли қиз шартта унинг билагидан ушладию: «Кел, ўзим фол очиб қўяман. Севган қизинг, биласанми, ҳозир нима иш қиляпти...» деганча чодирга судрай бошлади. Саттор бу гапларга ишонмаса ҳам, маънисиз илжайди ва қизнинг

измига бўйсунди. Қиз Сатторнинг кафтини очиб, жавраб кетди:

— Сен уни жонингдан ортиқ севасан... — Қиз қўлини кўксига босди. — Усиз яшаёлмайсан. Усиз бахтсиз бўласан. Умринг ғамда ўтади. Лекин... у-чи? У нима қиляпти ҳозир? У ҳозир... шаҳарда?! — Лўли қиз Сатторга оч, олов кўзларини қадади (шу йўл билан юзидаги қитдек ўзгаришни ҳам билиб олишга интиларди, чамаси). — У ҳозир шаҳарда, шундайми? Мана, йўлингда бир ғов турибди. Душманинг маккор, кучли! Севгилинг эса икки ўт орасида! Душманинг қув! — Лўли қиз худди бошида оғриқ тургандай пешонасини сиқди; Сатторга илтижо билан тикилди. — Ҳақини бер, кейин айтаман... Саттор уялиб кетди. Атрофга олазарак бўлганча чўнтагига қўл суқиб, Ражаббой берган пулдан олди. Лўли қиз ўша заҳоти унга чанг солдию қаерига беркинди, бунини Саттор билмади — пул йўқ бўлди-қўйди.

— Севгилинг икки ўт орасида! — Лўли қиз кўкрагини диркиллатиб, ачингандек қаради. — Зиқналик қилма, бола! Бахтингдан айрилсан! — У Сатторнинг чўнтагига имо қилди ва рўдапо этагини тиззадан юқориоққача очиб кўрсатди. — Душманинг маккор! Эҳтиёт бўл, бола, бахтингни қочирасан. Хасиссан! Эҳтиёт бўл!

Саттор лўли қизнинг семиз қорамтир болдирлари ва қўйлак остида юравериш қуёш тегмаган миқти сонига имо қилди ва рўдапо юзини терс ўгирди. Атрофдагилардан уялиб, шартта ўрнидан турди. Лўли қиз эса:

— Ҳой, бола, аҳволинг ёмон! — дея жавради. — Бу ёғини эшит... Бунақада бахтингни қочирасан! Бери кел, охирини айтай...

Саттор унинг гапига энди қулоқ солмай, илдамлаганча автобус кассаси томон йўналди. Лўли қиз яна бир оз вайсаб турди, кейин бирдан овози тинди: янги ўлжа ахтариб чодир орқасига ўтиб кетган бўлса керак.

Охири. Боши журналнинг 9—10-сонларида.

Қайтага, Сатторнинг кўнгли баттар хижил бўлди. Душмани ким экан-а? Маккор эмиш... Жуда кўп қайтарди-я, маккор деб?!

...Саттор институт ётоқхонасига олиб борадиган таниш троллейбусга чиқди; ҳар қадам тиқилинч бўлса ҳам, шаҳарнинг ўзига хос ғалати жозибаси борлигини у мана энди ҳис этди. Бир ярим ойча шаҳарда яшаб, шу шовқин-сурон, шу тиқилинчга бирам ўрганиб, мослашиб кетибдики... мана ҳозир дили яйраб, ўзидан-ўзи қувониб, тезроқ ётоқхонага етиб боришни ўйлар эди. Айниқса, узокдан таниш бино кўзга ташланганда Сатторнинг юраги орзиқиб кетди. Одам энди анча сийраклашибди. Ётоқхона эшигига яқинлашаркан, кўкси дук-дук ураётганини сезди... Йўлакда ҳеч ким йўқ эди; фақат, кўзи қизарган қоровул чол тухум арчиб еб ўтирибди. У Сатторни кўрдию ғилқ этказиб оғзидаги тухумни ютди, ўзича хижолат бўлгандай юзини бурди...

Ичкаридан Ҳакимжоннинг «кираверинг» деган овози эшитилди. Саттор эшикни очди; Ҳалима ҳам шу ерда, кўлида бир-икки дафтар, кетиш тараддудида экан. У Сатторни кўриб:

— Вой-вўй, бир ҳафтада шунча қорайдингизми-а?! — деди кафтини кафтига уриб. — Улай агар, Саттор ака, Маҳбуба ҳам танимаса керак. Шунчалик иссиқми-а?

— Маҳбуба қалай?

— Табриклагингиз мумкин Маҳбубани, ҳаммаси «беш» бўлди! Ҳозиргина шу ерда эди. Фарҳод ака хабар олгани келиб, у киши ҳам шу қадар хурсанд бўлдиларки! Мороженое егани кетишди. Мен бормадим... душанбада — охиргиси, ўшандан қутулиб олай. Айни вақтида келибсиз. Ярим соатларда қайтиб қолар... — Ҳалима кулимсираганча чиқиб кетди.

— Қани, Сатторжон, гапиринг-чи...

Саттор Ҳакимжонга «нимани гапирай» дегандай хорғин жилмайиб қўйди.

— Ражаббой кўринмайди?

— У ҳам деярли қутулди, биттаси қолди. Кечадан бери билмайман қаерда, йўқ. Улфатлари билан шекилли... Сизга хўб ўрганган экан, кўп сўрайди.

Саттор ҳазин жилмайди. Кейин ишлари, яхши одамлар орасига тушгани, айниқса, Кондрат амаки деган аломат устанинг кўлида шогирд эканини гапира кетди. Аммо, Ҳакимжон унинг ҳикоясини аллақандай хаёлпаршонлик билан тинглаётганини сезгач, жим бўлиб қолди. Ҳакимжон «гапиринг» деса ҳам кейин кўп оғиз очмади.

— Оғайни, — деди у бир маҳал хижолат чекиб, — йўқ демасангиз, қишлоққа кетишга энди кеч, бугун шу ерда қолсам...

— Ие, бу нима деганингиз, Сатторжон? Бўш ётибди-ку, мана. — Ҳакимжон Ражаббойнинг жойини кўрсатди. — Бугун ҳам ё келади, ё... Ётаверинг.

Саттор, қишлоққа бориш хаёлида бўлмаса ҳам, худди рост гапиргандай, «рахмат» деб қўйди-ю, узок йўлда чарчаганидан Ражаббойнинг каравотига бориб ўтирди. Барибир ўзини ноқулай сезди; Ҳакимжонга зимдан кўз ташлади. У Сатторга орқа ўгирганча тумбочкасини кавлаштириб, ниманидир қидирарди... «Яна ўша Фарҳоди билан кетибди! Мороженое егани!» Лўли қизнинг фолини эслади; баттар юраги сиқилди.

— Қизлар кўпми?

Ҳакимжоннинг бу фавқулудда саволи Сатторни уйқудан уйғотгандек бўлди. У аввалига нима дейишини билмай, елкасини қисиб қўйди, бир оздан сўнг

«билмадим» дея ланж жавоб қайтарди. Шу пайт эшик заифгина тиқирлаб, Ҳалима бош суқди.

— Маҳбу келди! — деди Сатторга, худди ундан суюнчи олмоқчидек. — Ҳакимжон, сиз ҳам чиқинг...

Ҳалима Сатторни эргаштирганча, атайлаб «Мумкинми?» дея эшикдан кирганда Маҳбуба шоша-пиша стол тузаётган — мева-чева, гулқоғоз, патирларни териб қўяётган экан. Сатторни кўриб, «Э, келинг», деди ва кафтини лабига қўйиб Ҳалимага қараб пиқиллаб кула бошлади:

— Рост, рост, худди сен айтгандай! Ҳалима ҳам топағон-да роса! «Нима бало, Саттор ака кўмир қонида ишлаганми», деса ҳайрон бўлувдим. Куйиб кетибсиз жуда...

— Куйиб кетдим!.. Табриклайман институтга кирганингиз билан!

— Вой, ҳали қаёқда, аввал мандатдан ўтайлик...

Ҳалима қизиқчилигини бошлади:

— Нега Ҳаким бойвачча чиқмаяптилар, ноз қилганларига ўлайми?! Чақириб келаман!.. — Маҳбуба унга кулимсираганча қараб қоларкан, кейинги дақиқада Сатторга синовчан тикилди.

— Янги уйга, ётоқхонага пол қоқяпмиз, — деди Саттор, ҳам ўнғайсизланиб, ҳам мактанмоқчи бўлиб. — Уч кишига ҳатто уч хонали уй беришлари мумкин экан. Чўл-да, одам кам.

— Сизга ҳам беришаётгандир? — дея сўради Маҳбуба кўзларини ўйнатиб.

Саттор сал қимтинди-ю, аммо бўш келмади:

— Фақат оилалиларга беришаркан... биз ўша ерда ҳам ётоқхонадамиз. — У Маҳбуба узатган чойни олди.

Сал ўтмай Ҳалима қайтиб келди.

— Вой, ҳалима шу дим хонада қамалиб ўтирибсизларми? Саттор ака, кўлни соғинмадингизми? Ҳакимжон ҳам қаёққадир чиқибди...

— Ҳалий, жуда қизиқсан! Кўлда нима бор ҳозир?! Хуллас, суҳбат унча қовушмади. Саттор ўтириб-ўтириб, охири хайрлашди-да, чиқиб кетди. Худди бегонадай чиқиб кетди. Бир ҳафтадаёқ муносабатлари бу қадар ўзгаришини Саттор хаёлига ҳам келтирмаган эди. Юраги сиқилди.

У Ражаббойнинг тер ҳиди анқиб турган ўрнига кираркан, «Элбурутдан ётиб олаётганим учун кечиринг», дея Ҳакимжонга қаради-да, девор томонга ўгирилди. «Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Кимга керакман бу ерда?!» Сирдарёдаги ётоғини эслади. Рафиқ билан Вера ҳозир танцада юришган бўлса керак. Икки-уч кундаёқ синаштадек бўлиб қолган камгап Алимардон билан Камолитдин ҳам кўз олдига келди; янги шароитга одамнинг бунчалик тез кўникиб кетишига ўзи ажабланди... Кўзи илинган экан, эшик қарсиллаб очилди-да, Ражаббой шекилли, кимгадир «тиш, тиш» дея шивирлади. Саттор ўзи уйғоғ-у, индамай ётаверди. Ражаббой Ҳакимжон билан яна бир оз шивирлашди, кейин чамаси полга жой сола бошладими, чойшабларнинг елпингани сезилди. Салдан сўнг чироқ ўчирилди. Хиёл ўтмай хонада Ражаббойнинг хуррагидан бўлак нарса эшитилмай қолди. Ташқарида ўқтин-ўқтин тунги тақсиларнинг гувиллаб ўтишидан вақт алламаҳал бўлган эди...

Орадан ярим соат ўтгач, Ҳалима кирди. Саттор умидвор бир қиёфада ўрнидан тураркан, унинг бирон нима дейишини кутди. Ҳалима эса у билан бош ирғаб саломлашди-да, «Қалай, яхши ухладингизми!» деди ва Ҳакимжонга юзланди. Сатторнинг юраги шиғ этиб, бўшашганча ўрнига ўтирди. Ҳалима Ҳакимжон-

дан китоб сўради. Кейин, остонага етганда бурилиб Сатторга қаради:

— Бугун шу ерда бўласизми, Саттор ака? — Сўнг кўшимча қилди: — Маҳбубанинг дадаси келган бугун...

Саттор бўшашганча «ҳа» деб қўйди. Бир оздан кейин, Ҳақимжон институтга чиқиб кетгач, Саттор бегона жойда ёлғиз қолиб, жуда ноқулай сезди ўзини...

Терга ботган кўйи икки тўрхалта нарсани кўтариб кирган Ражаббой «Манови қани?» деб сўради Ҳақимжоннинг каравоти томон қош учириб. Кейин Сатторнинг жавобига қулоқ солмай:

— Дадаси келибди-ку? — деди. — Ҳалима иккови бошлашиб, дадасини эргаштириб чиқиб кетишяпти...

Саттор ерга қаради. Ражаббой унинг елкасига қўлини ташлаб:

— Жўра, бошида айтганман сизга, — деди ачинган оҳангда. — Энди чиданг, ҳаммаси ўтиб кетади... Уртоқларим ҳам йўқ, фақат биттаси келадиган бўлди. Юринг, ошдан қолмайлик...

Саттор Ражаббойга ҳазин кулимсираб боқаркан, лўли қизнинг хунук «каромати»ни эслади. «Қизиқ, мутлақо бошқа-бошқа одамлар-у, лекин фикрлари илгга тизилган мунчоқдай бир-бирига ўхшайди... Афсус, минг афсус!..»

Кўлдаги чойхонага борадиган бўлишди. У ерда Ражаббойнинг икки ўртоғи кутиб турган экан: бири ўттизларга бориб қолган собиқ бошлиғи — корейс инженер ва яна бири ёши Сатторлар қатори сурхондарёлик қоратўри йигитча. У ҳунар мактабини битириб, икки йилдан бери Ражаббойлар билан бирга ишларкан....

Саттор Ражаббойнинг ошналари билан унча тил топишолмади: улар ўчоқ бошидан бери келмаётганлари учун у секин ўрнидан турди-да, соҳилга қараб кетди. Бир ойлар бурун Маҳбубалар билан келиб имтиҳонга тайёрланиб юрган жойларига узоқдан кўз ташларкан, қувоняптими ёки кўнгли хижилми — ўзи билмасди. Ушанда Маҳбуба кўлнинг қоқ ўртасида турганча, ҳадеб «сувга тушинг» дея унга қўл силкиган эди... Кейин Маҳбубанинг вагонда айтган «келинг, кутаман» деган эҳтиросли сўзларини эслаб кетди. «Бундан ортиқ нима десин қиз бола?! Эй, хомкалла!..»

Саттор танҳо ўзи юриб-юриб, охири қайтиб келди. — Бу камгап ўртоғингни тузукроқ таништирмадинг-ку бизга? — деди тўсатдан инженер. — Студентлар гапдон бўларди шекилли?

Саттор жавдираганча Ражаббойга қаради. Ражаббой унинг ҳолатини тушуниб:

— Ҳа энди, сизга ўхшасинми? — деди собиқ бошлиғига ҳазиллашиб. — Биров кам гапиради, биров кам ичади, биров кам ухлайди; ҳамма сизга ўхшаса...

34.

Ражаббой кеч ётса-да, барвақт туриш одати бор эди. Бу эрта ҳам ҳаммадан олдин уйғониб, полни қисирлатганча, у ёқ-бу ёққа юриб, Ҳақимжон билан Сатторни уйғотиб юборди. Сатторнинг каравоти қимирлаши билан унинг устидаги чойшабни олиб ташладию «Туринг, устингиздан совуқ сув кетади худди!» дея «пўписа» қилди. Саттор тургани ҳамоно:

— Вақтида келдингиз-да, жўра, — деди Ражаббой унга қўл узатиб. — Ўзи бугун шерик тополмай турган

эдим. Кўлда ош бор. Бирга ишлайдиганларим қўйишмаяпти — имтиҳонни ювасан, деб. Биттаси қолди, десам ҳам кўнишмайди... Ҳўб яхши келдингиз-да, жўра!

Саттор Ражаббойнинг таклифига ичида қувонди. Унинг андак дарвиштабиатлигини, шу феъли туйғайли ҳам ҳаёт тўсиқларини писанд билмаслиги, аслида Ражаббой ҳар бир нарсани, ҳатто бегона бировнинг омадсизлигини ҳам кўнглига яқин олишини ўйларкан, ўзидан-ўзи енгил тортди.

— Ановини кўрдингизми? — Ражаббой Маҳбубаларнинг хонаси томонга бош ирғади.

— Ҳа.

— Табрикладингизми? Ҳаммасидан «беш», бало экан!

— Бекорга Сатторжон ошиқ бўлиб юрибдиларми унга? — Ҳақимжон ўзининг борлигини билдирмоқчидай тўсатдан гапга аралашди.

— Биламиз қандай олаётганини «беш»ларни! — Ражаббой худди Ҳақимжон айбдордай, унга зарда қилди. — Новча акалари бор-ку, анови...

— Фарҳод, — деди Ҳақимжон беихтиёр.

— Ҳа, ўша, Фарҳодми... Ҳар имтиҳондан кейин албатта домлаларга «ош»! Бети чидаганини айтинг! Домлалар ҳам паст!..

Ҳақимжон Ражаббойга норози қаради.

— Ишонмайсизларми? У чойхонани сизлар етти ухлаб тушларингда ҳам кўрмагансизлар, искович ҳам тополмайди уни! — Ражаббой баттар қизишди. — Сиз бўлсангиз, Саттор, аҳмоқ бўлиб қора кўзойнакли домлага ялиниб юрибсиз. Уларни тирқиратиш керак! Ҳа! Аввал мен ҳам шундай эдим — ўз соямдан ўзим кўрқардим! Ҳозир ҳеч кимдан кўрқмайман, зўр келса яна киролмай кетавераман-да, нима, осмон узилиб ерга тушармиди?! Ҳе-е... Ҳаммасини биламан энди! Кўрдингизми одамларни, «ичимдагини топ» бари!

Саттор ҳанг-манг бўлганча Ражаббойга тикилиб турган эди, тумбочкасини очиб, тахлаб қўйилган сочиғини олиб унга узатди-да, «Ювиниб келинг, кейин гаплашамиз», деди...

Чой ичилгандан сўнг:

— Сиз ҳам борасизми бозорга мен билан? — деб сўради Ражаббой. — Ёки иш борми? Анови... — У яна ташқарига имо қилди. — Яхшиси, мен ўзим борай.

Ражаббой чиқиб кетгач, Ҳақимжон Сатторга маъноли тикилдию «туҳматини қаранг» дегандай, лабини бурди.

Саттор гапнинг пўсткаласини айтиб қўяқолди:

— Студент эмасман мен, йиқилганман аллақачон! Корейс йигит парво қилмай:

— Э, чепуха! — деди қўл силкитиб. — Ражаббой айтсин, политехникани битирган мен — мастерман, ишчиларим мендан кўп пул олишади доим. Правильно? Во! Так что...

Саттор кулиб, бош ирғаб қўйди. Негадир ҳозир бирдан Маҳбубанинг олдига боргиси келиб кетди. Шериклари, айниқса Ражаббой ҳар қанча илтимос қилса ҳам кўнмай, «Қишлоққа чиқишим керак, тоғаларимни кўргани. Бугуноқ қайтаман. Кечкурун ётоқда учрашамиз ҳали» деган баҳона топди-да, хайрлашиб, жўнади. Ражаббой елкасини қисганча қолаверди...

Саттор тез-тез юриб, кунгираддор дарвозадан чиқаркан, орқасига ўгирилиб, ойнадай қўл сатҳига яна бир қараб қўйди. Тоғасининг «Ҳамма ўқишга кираверса, подани ким боқади?» деган сўзлари ҳозир назарида энг доно гапга ўхшаб туюлди. Аммо,

ётоқхона бекатида троллейбусдан тушиши билан сергакланди. Тўппа-тўғри Маҳбубаларнинг хонасига кириб боришга ботинмай, аввал Ҳақимжонга учрашмоқчи бўлди. Эшик қулф, ҳеч ким йўқ. Қизларнинг ётоғига бурилди. Узи билмай эшикни қаттиқ дукурлатиб юборибди. Остонада Ҳалима пайдо бўлди-ю, одатдагидек, Сатторга «киринг» дейиш ўрнига қимтиниб ичкарига қаради. Саттор қия очиқ эшикдан стол четида ўтирган қора сочли барваста йигитга кўзи тушди. Йўқ, Фарҳод эмас, бошқа эди у. Сатторни ўнғайсизликдан ўша йигитнинг ўзи қутқарди: секин ўрнидан турди-да, яқинлашиб, Сатторга бошдан-оёқ разм солди ва қўл бериб кўришгач, «Киринг, марҳамат», деди эшикни очиб. Сатторга йигитнинг бу ҳўжайинлиги унча ёқмади. «Ким ўзи бу? Бемалол ўтириб олиб бўйруқ беряпти!..»

Нотаниш йигит Сатторга тўрдан жой кўрсатди. Саттор хиёл қизариб, йигитнинг мулойим илтифоти, босиқ важоҳатидан хижолат чекиб, ноилоҳ тўрға ўтирди. Кейин секин Маҳбубага қаради. У кўзини олиб қочиб, беихтиёр стол устида турган нарсаларни йиғиштира бошлади. Сукутни яна нотаниш йигит бузди:

— Маҳбубахон, дўстимизни таништирадингиз?

Саттор ютиниб қўйди. Маҳбуба Сатторга бир кулиб қаради-ю нажот сўрагандек, Ҳалима тикилди.

— Саттор Турдиев, — деди Ҳалима йигитга изоҳ бериб. — Шу ерда танишдик. Узлари Бўстонликдан. А, шундайми?

Саттор «ҳа» дегандай бош ирғади-ю, аммо энсаси қотиб, йигитга ўшшайиб қаради. «Нега сўроқ қилади у мени? Нима иши бор кимнинг кимлиги билан?» Йигит жуда келишган эди: лаблари, кўзлари, қошлари — худди рассом чизгандек бежирим, текис, кулганда тилла тиши ялтиллади. Саттор хўмрайса, у негадир кулимсиради. Устида энги калта оппоқ кўйлак, нафис қоғозга ўхшаш йилтироқ матодан оқ шим, белидаги ингичка камари қоп-қора, туфлиси ҳам қора. Саттордан уч-тўрт ёш катта бўлса керак; гавдали, кўкрак мускуллари кўйлаги остидан қабабири турибди, қўллари, айниқса, билаги жундор, чап кўлида ихчам соат. У Сатторга қараб яна кулди. Саттор энди ўзини пича босиш учун унга бирмунча очиқ чеҳра билан қарашга уринди.

— Сиз ҳам янги кирганларданми? Имтиҳонлардан қутулдингизми? Қайси факультет?..

Саттор довдирамади, ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолган бир хотиржамлик билан:

— Ҳа, ҳаммасини топшириб бўлдим! — деди йигитга кулимсираб боқиб.

Йигит Сатторнинг асабий жавобидан бир нарсани сездими ёки вақти зиқлигиданми, шошилмай ўрнидан турди-да:

— Маҳбубахон, — деди худди насиҳат қилаётгандай, — демак, сиз ўзингизни факультет комсомол ташкилоти бюросининг аъзоси деяверинг. — Йигит шу ерда Сатторга кўз қирини ташлаб қўйди. — Маданий-оқартов ишлар билан шуғулланасиз; театр, кино, адабий кечалар... а? Комитетга чиқинг, рўйхат бераман, бошқаларни ҳам ишлатасиз. Янги ўқув йилига зўр кеча тайёрлашимиз керак. Билиб қўйинг, факультетимиз ҳеч қачон илғорликни қўлдан бермаган!

Маҳбуба бу таклифни кутмаганми, «Бюрога сайлаш шарт эмас, топширигингизни бажаришга тайёрмиз», деди ва «тўғрими?» дегандей Ҳалимага ўғирилди. Йигит ўша заҳоти эътироз билдирди:

— Гапимга ишонаверинг, сиз бюро аъзосисиз. Сиздақа аълочиларни аъзо қилмасак, кимни аъзо қиламиз?

— Ундай дейишга ҳозирча ҳаққингиз йўқ! — Саттор ўзини туюлмади; аммо кулимсираб гапиришга уринди: — Аввало, Маҳбубахонни бюро аъзоллигига сиз эмас, умумий йиғилиш сайлайди. Ундан кейин сиз у кишига маданий-оқартовми ёки бошқа вазифами топширишингиз мумкин. Ҳа, ростдан, агар ўзингиз ҳам яна қайта сайлансангиз...

Йигит тилла тишларини кўрсатиб жилмайди ва кўзлари ёниб Сатторга тикилди, уни мазах қилгандай яна кулимсиради:

— Ута расмиятчилик бу, оғайни! Комсомол иши эса — жонли иш...

— Нима, гапим нотўғрими? Уставни ким буза олади, хўш? Мен ҳам уч йил комсомол ташкилотининг секретари бўлганман мактабда!

— Яхши! — деди йигит кулишга ҳаракат қилиб. — Жуда яхши! Менми, сизми, бошқа киши бўладими секретарь... гап бунда эмас. Фаол, илғор, аълочи студентлар комсомол ишига тортилади.

— Энди сал ўзингизга келдингиз! — Саттор ғолиб бир қиёфада Маҳбубага қараган эди, у юзини терс ўғирди. Йигит бақувват елкасини тиклаб, Сатторга «хўш, ўзинг кимсан, менга ақл ўргатадиган» дегандай қаради-ю, барибир шунда ҳам ўзини босиб:

— Қайси факультетга кирдингиз? — деб сўради.

— Нима эди?

— Сўраяпман-да.

— Уч олмоқчимисиз?

— Э, қизиқ йигит экансиз, оғайни, ҳали биринчи курсдан шунчалик...

— Хўш, нима «шунчалик»? Гапим нотўғри бўлса, исботланг!

Йигит унга заррача парво қилмай, Маҳбубага иш буюро бошлади. Сатторга орқа ўғириб олганча, худди ўртада ҳеч гап ўтмагандай, салмоқланиб, дона-дона гапириб тушунтирарди. Ҳалима бўлса столни йиғиштираётгандай ивирсиланиб қолди; бошини кўтариб Сатторга қараёлмасди. Саттор бирдан ҳеч кимга кераксиз одамдай, ўзидан-ўзи четга чиқиб қолди.

Йигит гапини тугатди-да, қизлар билан қўл бериб хайрлашди, кулиб келиб Сатторга ҳам қўл узатди; кейин чиқиб кетди. Эшикни ҳам оҳиста ёпди, қадам туюшлари ҳам эшитилмади. Ҳалима нафасини югандек сассиз тургани учун Саттор бу жимликни айниқса яққол ҳис этди. Жимликни биринчи бўлиб Маҳбуба бузди. Бузганда ҳам гапириб эмас, стол устидаги идиш-пиёлаларни шатир-шутур йиғиштириб, юлқиниб бузди. Саттор кечирим сўрайман, деб анча вақт унга тикилиб турса ҳам Маҳбуба қарамади. Охири эшик томонга йўналган эди, Маҳбуба худди нафаси қайтаётгандай ютиниб гапирди:

— Сизни билмас эканман! Шунчалик ҳам енгилтак бўладими одам?!

Саттор тўхташга мажбур бўлди. Ҳалима «қўй» деб Маҳбубани юпатмоқчи эди, у жаҳл билан ўзини каравотга ташлади-да, юзини беркитганча, чурқ этмай ётаверди. Саттор эшик олдида қотиб турибди. Ҳалима стул суриб, «ўтиринг» дегандай имо қилди унга. Саттор ноилоҳ ўтиришга мажбур бўлди. Чамаси, беш минутлар вақт ўтди, Маҳбуба эса ҳамон қимирламай ётарди. Йиғлаяптими деса — ўхшамайди. Ҳалима елкасидан тортиб турғазмоқчи бўлган эди, юлқиниб, «Бор ишингни қил», дея жеркиб берди. Ҳалима деразага қараб турди-турди-да,

кейин индамай ташқарига чиқди. Маҳбуба ҳамон ўша алфоз ётибди, ҳар замонда оғир хўрсиниб қўяди. Саттор нима дейиш ва нима қилишини билмай, гуноҳкорона бир оҳангда «Маҳбубахон» деган эди, гўё шуни кутаётгандай, шартта ўрнидан туриб, юзини терс бурганча зарда билан хонадан чиқиб кетди. Саттор бирдан саросимага тушди. Учови ҳам «сенам одаммисан» дегандай бир-бир чиқди-кетди!..

Саттор йўлакда гўё кўзургандай бўлиб бораркан, азбаройи ғазабдан кўзига ҳеч ким кўринмас эди. Орқадан Ҳалима секингина «Саттор ака» деб чақирганини ҳам эшитмади, Ражаббойнинг хонасига ҳам кириб ўтирмади — ўша вазоҳатда ташқарига отилди. «Эҳ, Саттор, Саттор! Мунчалар толесиз бўлмасанг! Қаерга борма, нима иш қилма — ҳаммаси чатоқ чиқади-я! Мунчалар бахтсиз экансан!..»

Шаҳарда мақсадсиз кеза-кеза кун ботиш олдидан троллейбусга тушиб, охирги машинага илинай деган мақсадда автостанцияга қараб кетар экан, ҳали бир кун бўладиган гапларни ўйлаб, баттар орияти кўзиди, ўзини қўйишга жой тополмай қолди. Эҳтимол, ҳозир ширакайф Ражаббой тўппа-тўғри Маҳбубаларникига кириб, «Саттор шу ердами?» деб сўрагандир... Тузукроқ жавоб беришса-ку — майли, жеркиб ё қараб солишса-чи?..

35

Саттор ётоғига деярли ярим кечада зўр-базўр етиб келди. Дарвозани уч-тўрт марта дукиллатганидан кейингина ичкаридан қоровул кампирнинг минғирлаши эшитилди. У Сатторни кўриб, эшикни очиқ қолдирганча изига қайтди. Саттор дарвозанинг иллагини илди. Ним қоронғи йўлакдан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилди. Рафиқ ухлаб ётган экан, эшикни очди ва уйқурсираганча эснаб, «Бемаҳалда нима қилиб юрибсан, барвақтроқ келсанг бўлмасмиди?» дея тўнғиллади. Каравотига ўзини ташлаб, бир-икки дақиқа ўтмаёқ яна хуррагини отиб ухлайверди. Саттор тезда чирокни ўчирдию апил-тапил ечиниб ётди; ўринга кираркан, кўнглида аллақандай севинч ҳиссини туйди. Бошидан кечирган аламлари бир зум унутилгандай бўлди ва ичида: «Яхшиям, шу жойни топдим, иш деса ишим, бошимда бошпанам бор», дея ўзини юпатди. Йўл чарчоғи ва чеккан изтиробларидан кейин ҳозирги ҳолати бамисоли жаннатдек ёқимли туюлди...

Саҳар пайти кўзини очди. Яхши туш кўраётган одам бехос уйғониб кетгандагидек, анча вақтгача ланж кайфиятда ётди. Маҳбубани, қишлоғи, тоғаси, кеннойисини эслади; бирдан кўнглини ваҳм босди: «Ярим ойдан ошди чиқмаганимга. Хавотир олишаётган бўлса керак...» Сўнги марта кеннойисининг «Қачон келасиз энди?», дея кузатиб қолгани кўз ўнгидан ўтди-ю, «Келмасам хат ёзаман» дегани хотирига тушди. Ҳа, шундай деган эди... Хат ёзаман, деган эди... Хат қутиб ётишгандир ундан? Қидириб қолишган бўлса-я?! Тоғаси-ку — маълум: бир ичиб олгандан кейин тўполон кўтариб институтгача келиши мумкин. Одам ўзи шу, иши яхши кетаётганда энг яқин кишилариниям унча эслайвермайди... Саттор ҳозир шуни ўйлар эди. Тажанг бўлса ҳам, хайриятки, шу «ёмон» тоғаси борлигидан қандайдир кўнгли таскин топди. Бугуноқ хат ёзиши керак. Уялмай, барини очиқ-ойдин ёзади, ҳеч нарсани яширмайди... Шу ўйлар билан ётиб-ётиб кўзи илинди...

Рафиқ ҳазиллашиб Сатторнинг юзига газета отган

экан, у чўчиб уйғонса аллақачон кун ёйилиб кетган, деразадан тушаётган ўткир ёғду Рафиқнинг оёқ томонини ёритиб турарди; Рафиқ қош учириб, «сенга нима бўлди, тунда юриб» дегандай ишшайиб қаради. Саттор ўзини оқлаб: «Тошкентдан кеч чиқдим», деди ва кечаги воқеалар тағин эсига тушиб хомушланди; шифтга қараб индамай қолди. Рафиқ буни пайқадими:

— Бугун Вера икковимиз чўмилишга кетамиз, ўттиз километр нарида кўл бор, балиқ тутамиз, борасанми? — деб сўради.

Саттор бош чайқаб, раҳмат айтди ва «Бошқа гал борай, бугун ишим бор», деб ваз кўрсатди. Нонуштадан сўнги Вера ҳам келиб Сатторни «юринг» деб қўстади. Лекин Саттор бормади... Бир ўзи қолгач, салда юраги сиқилди ва «Хатни эрта-перта ёзардим, чўмилишга кетаверсам бўларкан», дея афсусланди. Кейин Маҳбубани ўйлаб, «Улсам ҳам бормамай энди» деган қарорга келди. Аламига чидаёлмай кўчага чиқди. Эрталаб бўлишига қарамай кун қиздира бошлаган, яқшанбалиги учун одам сийрак, кўча баттар зерикарли эди. Саттор хонага қайтиб келди, қоғоз-қалам олиб, хат ёза бошлади: «Азиз тоға...» Ёзгани ўзига ёқмай, йиртиб ташлади; кейинги қоғозни тўғридан-тўғри «Тоға, кеннойи! — деб бошлади. — Яхши юрибсизларми? Мен Сатторман. Тоға, мени кечиринг, сизни алдайман деб ўйламаган эдим. Имтиҳондан йиқилиб, институтга ўтолмаганимдан кейин Сирдарёга келиб, ишга жойлашдим. Ҳозир пол қоқадиған устага шоғирдман. Хавотир олманглр. Тоға, кўнглингиз тўқ бўлсин: юзларингизни ерга қаратмайман. Бу ерда ишлаган одамга келгуси йили ўқишга кириш учун йўлланма бериларкан. Укаларимни шундай соғиндим! Кўриб юрганымда унча билинмас экан, сира кўз ўнгимдан кетишмайди. Ҳаммаларини ўпиб қўйинг. Вақт бўлди дегунча, ўзим бориб кўраман сизларни. Бекорга овора бўлиб юрманглр, деб ҳозирча адресимни ёзмадим. Ишонинглр, ишларим жойида, яхши одамларнинг ичига тушдим. Биринчи ойлигимни олсам, юбормоқчиман. Кеннойимга салом айтинг. Кўришгунча хайр. Жиянингиз Саттор».

Саттор хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Ойлик масаласи аввалига ноқулайроқ туюлди ўзига: гўё миннат қилаётгандай. Учириб ташламоқчи ҳам бўлди-ю, аммо тоғасининг оғриниб пул беришларини эслаб, ўчирмади. «Шундай десам, камроқ хавотир олишади», деб ўйлади яна. «Ҳа тузук, ақли кириб қопти. Бирор хунарнинг бошини тутса, ҳеч вақт ютқазмайди...» Хатни шошилмай конвертга солди-да, ташқарига чиқиб, почта қутисига ташлади. Эсизгина, Рафиқлар билан кетаверса бўлар экан... хат ёзиш атиги ўн минутча вақтини олди, холос. Бир кўнгли Кондрат амакини кўриб келмоқчи ҳам бўлди, аммо қаерда туришини эслаб қололмагани учун — айниди. Ётоқхонага қайтиб, юқоридаги «Қизил бурчак»ка қараб юрди. Бир гуруҳ йигит шахмат «жанг»ни берилиб томоша қилар, «Мана бундай юрсанг-чи», деб гоҳо-гоҳо ўйинга аралашишар эди, шу боис Сатторнинг кирганини уларнинг биронтаси ҳам сезмади. Саттор хийла туриб, бу ерда ҳам зерикди-да, хонасига тушиб, дам олмоқчи бўлди. Каравотга чўзилиб ётаркан, Маҳбубанинг кечаги қилиғи эмас, ҳў биринчи марта дарс тайёрлашга борганларида кўлдан туриб: «Саттор ака, келинг, чўмиламиз», деб чақирганлари ёдига тушдию ғамгин кулимсиради. Йўқ, келаси ҳафта яна боради. Албатта! Жуда бўлмаганда, орани очиқ қилиб

келиши керак-ку, ахир?.. У каравотида бир сакраб айландию мукка тушиб ётиб олди. Бошини муштраги устига кўйганча Маҳбубани ўйлаб кетди...

Рафиқлар анча кеч қайтишди. Юзлари баттар қорайган, чарчагандек кўринишса ҳам руҳлари эттик, ҳазил-мутойибани кўйишмас эди. «Бекор бормадинг-да», деб Сатторни баттар «кўйдириш»ганда у, зерикканини сездирмаслик учун, тоғасига хат ёзгани ва шаҳарчани айланганини айтди. Рафиқ Саттордан «Нега дадангга эмас, тоғангга хат ёздинг?» деб сўради шунчаки. Саттор:

— Дадам ҳам, ойм ҳам йўқ, — деди негадир Верага қараб. — Тоғамнинг қўлида ўсганман...

Рафиқ индамади. Вера эса худди Сатторни биринчи бор кўраётгандек аллақандай ўзгача меҳр билан боқди унга. Кейин балиқ пиширгани чиқиб кетди.

36

Эртаси куни яна ўтган ҳафтадаги воқеалар айнан қайтарилди. Ишга вақтида борганлиги учун Кондрат амаки Сатторни «молодец» деб мақтади. Саттор ичида яна «Дедушка»ни ўйлаб Кондрат амакини ўзича унга солиштирмакчи бўларди...

Ҳамма ўтган ҳафтадагидек, тер тўкиб ишлади. Энди бионинг иккинчи йўлагига пол қоқишарди улар... Бу гал ҳам Кондрат амаки тушлукдан олдин Алимардонни магазинга папиросга югуртирди; кейин сояда ўтириб биргалашиб чекишди.

Кунлар бир хилда ўтавериб, ҳадемай яна пайшанба келдию Сатторнинг ичи яна ўт олди. Шанба куни тагин йўлга тушди... Институт биноси олдида энди одам жуда кам, анчагина файзи кетган эди. Хайрият Ражаббой хонада экан, «кираверинг» деган овози эшитилди. Сатторни кўриши билан ўрнидан ирғиб турдию «Э, жўра, бормисиз, одамнинг юрагини чиқардингиз-ку, одадингиз қизиқ экан жуда!» деб Сатторнинг қўлини силкиб-силкиб кўришди.

— Уша куни келиб Ҳакимжонни хафа қилибман... Саттор қани, деб... — Ражаббой бошини сарак-сарак қимирлатиб кулди. — Икки кун мендан юз ўгириб юрди. Охири, кечирим сўраб қутулдим. Қаерга кетдингиз ўша куни, жўра? Анови хонимлардан сўрасак, улар ҳам билмайди. Кирмадими, десак, йўқ, дейишди. Хавотир олдим. Бундай пайтда одамнинг кўнглига нималар келмайди, биласиз-ку!

Саттор ичида севиниб кўйди: «Ҳарқалай, сир сақлашар экан. Айтишмабди. Демак, ўша куни бирон нарсадан хафа экан-да Маҳбуба? Бошқа сабаби йўқ...»

— Қишлоққа ҳам чиқдингизми ўша куни? Тоғаларингиз тинч эканми?

— Ҳа-а.. — деди Саттор қизариб. Дарров гапни бошқа ёққа бурди. — Кондрат амаки деган устамиз бор, сўзини икки қилиб бўлмайди... — Саттор ёлғонлади. — Тушунтирсам кўнарди-ю, янги жой... вақтида борақолай, дедим.

— Эртасига яқшанба эди-ку? Яқшанбадаям ишлайсизларми?

— Йўқ... — Саттор тайинли гап тополмай ерга қаради.

— Нима, ановилар хафа қилишдими? Маҳбубангиз, айтиб қўяй, ярим чақалик ҳам тайини йўқ қиз! Биттаси билан топишиб олган. Факультетда комсорг. Қачон кўрсам — бирга. Юзимга қараёлмайди, мочағар, кўрмаганга олиб ўтиб кетади рўпара келсам. Шундай жиним тутади!

Саттор ранги ўчганча қўл силтади:

— Э, нега меники бўларкан, билганини қилмайди-ми! Мен энди бир қора ишчиман...

— Оғзингизга қараб гапиринг, жўра! — Ражаббой уришадигандек ўрнидан турди. — Ишчи бўлиш ҳам-манинг қўлидан келаверибдими? Яна бир марта қайтаринг-чи, шу бачкана гапирингизни! Э, яшанг! Бунақада ҳамма эзади сизни! Мажақлайди!

— Эзаверсин! — деди аччиқланиб Саттор.

— Маҳкам турсангиз, эзиб бўпти! Мана, мен бу гал ҳам икки қўлимни бурнимга тикиб қолай дедим сал бўлмаса! — Ражаббой «Ҳа, ишонинг» деган маънода кўзларини чақчайтирди. — Қарасам, охири имтиҳонда ҳунар кўрсатишмоқчи. Чет тилидан. Ҳисоб-китобларига сиғмай қолдим, шекилли. «Уч» қўйиб беришди-я! Бу — «кет» дегани асли. Билетимни текширишгани йўқ, атайлаб баҳона излашди ҳар сўзимдан. Ректорига ҳам кириб ўтирмадим, илгари кўп кирганман. Кўрқаманми?! Тўғри министрига қикдим. У деб-бу деб киритишмайди, қаранг! Икки кун овора бўлдим у барибир кирдим. Ҳаммасини айтдим! Ҳа-а, қайта олишмас экан-а, апелляция комиссияси ўзи ўтказди имтиҳонни! «Беш», жўра, «беш» бўлди! — Ражаббой Сатторни хафа қилиб қўймадимми, дегандай, юзига қаради. Кейин яна фикрини давом эттирди: — Ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ, жўра! Маҳкам туриш керак доимо! Аммо, яна айтаман, у қиз бўлмайди сизга! Бўлмайди! Сиздан кўра кўпроқ кўрган у. Сизни тушунмайди. Вафо ҳам қилмайди сизга.

— Ҳўш, нима қилай унда мен?

— Кўндаланг қўйинг масалани, вассалом! — Ражаббой қўлини силтади. — Кўндаланг қўйинг! Бўлса — бўлди, бўлмаса... Мана, мен ўлганим йўқ-ку!

— Барибир кўнгил узолмагансиз-ку ҳалигача?.. Ражаббой кулди, кейин бирдан хомушланди:

— Баъзан ўйга ботаман, қизишиб шундай дедим шекилли, деб... — Ражаббой Сатторга илтижоли боқди. — Сира юрагимдан чиқмайди Гулжамол! Лекин бу бошқа масала, жўра. Чалкаштирманг. Биз бирга ўсиб, бирга юриб... Сиз, нима, кечагина танишдингиз...

— Э-э, Ражаббой, барибир билмайсиз...

— Биламан, жўра, биламан! Уқишга энди кирганимни эшитса-я, Гулжамол! Шунча йилдан бери ўқиб юрибди, деб ўйлайди боёқиш... Хуллас, жўра, орани очик қилинг, қийналиб қоласиз бўлмаса.

— Балки, Гулжамол эрига кўникиб кетгандир ҳозир? Сиз ҳам... бефойдадир менга ўхшаб...

— Йўқ! — Ражаббой Сатторга босим тикилди. — Кўникмайди! Қўйинг, туз сепманг ярамга, қўйинг. Саттор ҳам, Ражаббой ҳам жим бўлиб қолишди. Орага дилгир бир ўнғайсизлик чўкди. Охири Саттор: — Ҳакимжон кўринмайди? — дея гапни бошқа ёққа бурди.

— Уйига, Фарғонасига кетди. Ота-онасидан сўнчи олгани. У ҳам кирди, эшитгандирсиз?

— Йўқ.

— Кирди. Бечора анови... Ҳалима қайтиб кетди.

— Йўғ-э, наҳотки?! — Саттор бирдан ҳаяжонга тушди.

— Укирганини бир кўрсангиз эди! Бутун ётоқни бошига кўтариб йиғлади. Юпатсак ҳам бўлмайди. Кечамиди ё олдинги куними кириб, ҳаммамиз билан хайрлашиб кетди.

— Аттанг! — Саттор Ҳалимага чин дилдан ачинди. — Яна бир дўстимиздан ажрабмиз-да. Одамга чинакам дўст бўладиган қиз эди Ҳалима. Нега ҳаёт

бунчалик шафқатсиз-а, Ражаббой? Маҳбуба ҳам куйингандир тоза?

— Билмадим... Куйинса, эртасигаёқ анови билан топишиб олармиди?!
Саттор Ражаббойнинг бу шошқалоқ хулосасидан ранжиди; гўё Маҳбубага қўйилган айб ўзига ҳам тегиб кетаётгандай эди.

— Комсорг иш буюрса, бажаради-да! Мен кирган-да ҳам ўтирган эди у йигит. Ҳалима ҳам бор эди. Бечора, йиқилишини қаердан билсин у пайтда!..

— Қачон кирганингизда?

— Уша куни...

Ражаббой гап нимадалигини энди тушунгандай бош ирғаб қўйди ва газетани тумбочка устига ташларкан:

— Хуллас, ҳал қилинг! — деди негандир ҳафсаласиз оҳангда. — Йигит кишининг бошидан нималар кечмайди, ҳў-ҳў-ў... Эҳтимол, юз чандон яхшиси кутиб тургандир сизни?

— Қариялардек насиҳатга устасиз-а, Ражаббой!

— Начора, ҳаёт ўзи ўргатса... — У бирдан гап мавзуини ўзгартирди: — Қаерда тушлик қиламиз? Паркка чиқамизми?

— Истаганингиз... Ҳозир қаердайкин?

— Ким?

— Маҳбуба.

Ражаббой «қайдам» деган маънода елкасини учуриб қўйди; сўнг: «Билиб келайми?» деб сўради кўзларида шўх учкун чақнаб. Саттор ерга қаради. Ражаббой сакраб ўрнидан турди, тумбочка устидаги синиқ ойнага ўзини солиб, сочларини тўғрилаган бўлди; «Мен ҳозир...» дея чиқиб кетди. Орадан сал ўтмай югуриб келди-да: «Бўлинг, бўлинг... тез, тез... ҳозир киради», деди ҳовлиқиб. Апил-тапил у ёқ-бу ёқни йиғиштирди. Эшик қия очилиб, Маҳбуба кўринди-да, «Мумкинми?» дея ичкари кирди.

— Ҳорманг, чўлқувар!

Бу ҳазил Сатторга унча ёқмади.

— Саломат бўлинг, — деди лоқайд оҳангда. — Келдик яна сизни кўргани...

— Раҳмат, унутмабсиз...

Ражаббой Ҳакимжонга ўхшаб чойгум кўтариб чиқиб кетмоқчи эди, Маҳбуба: «Йўқ, керак эмас, мен чой ичдим ҳозир», дея уни тўхтатди ва:

— Ҳалима боёқиш ҳам кетди... — деди Сатторга ғамгин тикилиб.

Саттор «эшитдим» дегандай бош силкиди.

— Охиргисида йиқилса-я! — Маҳбуба деярли пичирлаб гапирди. — Саттор ака, бозорга чиқмоқчи эдим, юринг, бирга бориб келамиз. Бугун шу ерда қоларсиз?

Саттор ялт этиб Ражаббойга қаради; у шоша-пиша: «Қолади бугун, қолади», дея жавоб қилди.

— Унда биз бозорга чиқиб келсак майлими?

— Майли, майли...

Троллейбус кутиб ўтирмай, пиёда кетишди. Бир-мунча вақт жим боришдию кейин Маҳбуба Ҳалимадан гап очди:

— Шундай ачиндим! Қанчалар ноқулай сезганимни билсангиз эди ўзимни. Мақсадга етишолмаслик — фожеа, ахир... — Маҳбуба Сатторга қараб қўйди. — Кирилмаганига мен айбдордай худди... Юпатиш ҳам оғир ботаркан бунақада. Ҳарқалай, бир ойдан ортиқ бирга ётиб, бирга туриб... Ипакдай қиз эди.

Саттор қайси куни Ражаббой айтган шубҳали гапни эслади: «Биламиз қандай олаётганини «беш»ларни!» деган эди у, Маҳбубанинг баҳоларига шаъма

қилгандай. «Наҳотки, шундай бўлса? Наҳотки?! «Кирилмаганига мен айбдордай», деб ўзидан-ўзи виждони азобланыпти. Наҳотки, ўшандай?!»

— Оқибатли қиз эди...

— Мен ҳам боя шуни айтдим Ражаббойга, — дея Саттор Маҳбубанинг гапини маъқуллади.

— Жуда ғалати-я шу ўртоғингиз? — деди Маҳбуба унинг тирсагидан ушлаганча ариқдан ҳатлаб ўтаркан. — Менга доим ёвқараш қилади. Сизнинг олдингизда гаплашади фақат, бошқа пайтда ҳатто кўришмайди, юзини тескари буриб ўтиб кетади. Ҳайронман... Қаерлик ўзи?

— Хоразмдан. — Саттор Маҳбубанинг гапига кулди. — Бўлгани шу. Аммо кўнгли тоза йигит.

— Эҳтимол... Ҳўш, Саттор ака, ишларингиз қандай ўзи?

Маҳбубанинг саволи Сатторга эришроқ туюлди, у нима жавоб қилишни билмай елкасини учирди. Маҳбуба эса кўзларини шўх ўйнатиб:

— Сиз, нима, катталарни ҳурмат қилмайсизми? — деб сўради.

— Нега ҳурмат қилмас эканман, ҳурмат қиламан, — деди Саттор ажабланиб.

— Йўқ, ҳурмат қилмайсиз! Ужарсиз!

— Ужарман!

— Яхши эмас!

— Нима «яхши эмас»?

— Ужарлик. Янги ишда ҳам ўжарлик қиялмасизми? — Маҳбуба кулди.

Саттор жавоб бермай, «ҳа» дегандек бош қимирлатиб қўйди.

— Ужарлар ҳеч кимга ёқмаслигини биларсиз?

Саттор яна бош силкиди.

— Унда, билиб қўйинг: ўжарлардан ҳамма қочади!

— Сиз-чи? — Саттор Маҳбубага қаттиқ тикилди. Маҳбуба атайлаб жавоб бермай, икки-уч қадам олдинга ўтиб кетди-да, Сатторни кутиб турди, у яқинлашганда:

— Мен ҳам... — деди кўзларини ўйнатиб.

— Сиз ҳам қолишмайсиз унча-мунчасидан... —

Саттор тилига келган гапни қайтариб ўтирмади. Маҳбуба «наҳотки?» дегандай жилмайиб қўйди:

— Ужар одамга ўжармиз-да!

— Уша кунги гапларим учун кечиринг, Маҳбуба-хон, — деди Саттор унга самимий тикилиб. — Қизиқ устида айтиб юбордим.

— У бечора тўғриликча гапирса, сиз тескарисига буриб... Уят иш бўлди, ҳалигача кўзига кўринолмайман... Билар, ахир, у ҳам умумий мажлис сайлашини... уч йилдан бери факультетда комсорг одам! — Билади, лекин амал қилмайди! Ҳамма бало шунда! — Саттор бирдан қизишиб кетди.

— Бу гаплар айтишга осон... — Маҳбуба ўйланиб қолди.

Саттор ранги хиёл оқариб Маҳбубага қаради-ю, унинг кулиб турганини кўриб яна бўшашди. Маҳбуба кўрсаткич бармоғи билан унинг бурнига чертган бўлди; Саттор бундан боши осмонга етиб, илжайганча ерга қаради.

— Ужарликни ташланг, у яхши одам!

— Ҳа, яхши, яхши; ким уни ёмон деяпти?

Маҳбуба Сатторга кулиб қараётгани билан хаёли бошқа ёқда — у гўё ўша олифта комсорг билан Саттор орқали гаплашаётгандай эди. Буни Саттор Маҳбубанинг кулиб турган ёниқ нигоҳидан, эҳтиросдан намланган дўрдоқ лабларининг билинар-билинемас тамшанишидан сезди. Вужудини бирдан



титроқ босгандек бўлди; Маҳбуба кўзига ёмон кўринди. Шартта изига қайтгиси ҳам келди. Аранг ўзини босди...

Маҳбуба бирмунча вақт жим кетди; кейин яна Сатторнинг тирсагидан ушлаб:

— Ҳамма йигитлар ҳам шундайми? — дея кулимсираб сўради.

— Қандай? Тушунмадим гапингизга.

— Ҳамма йигитлар ҳам шундайми; бир-бирини ёқтирмайдиганми?

— Ўзингиз яхши биласиз буни.

— Мен қаердан билай? — Маҳбуба астойдил ажабланди.

— Уста экансиз-ку...

— Нимага устаман?

Саттор индамади.

— Агар ўша Ражаббойнингиз ғийбат ёйган бўлса, бекорларни айтибди — шундай денг! — Маҳбуба кўзлари чақчайиб, йўлқанинг нариги бетига ўтди. — Муомала нималигини билмайди-ю... Саттор ака, кўнглингизга келмаса, бир гап айтмоқчиман.

— Бемалол, айтаверинг.

Маҳбуба ерга қараганча икки-уч қадам нарилаб кетди. Саттор эса ўридан жилмади.

— Ўжарсиз, дедим-ку, сизга! — Маҳбуба «келинг, келинг» дегандай қўл силкиди унга. Саттор истамайроқ унинг ёнига борди. Маҳбуба унга бир қараб олгач, оёғининг учи билан шакл чизган кўйи:

— Ўқшимни йўлга қўйиб олмоқчиман, — деди ҳамон ердан бош кўтармай. — Ишларим кўп жуда. Одам уяляпти, ҳозирча келмай туринг... Дадамга ҳам кимдир етказибди...

Саттор серрайганча қотди-қолди.

— Дўстлигимиз узилмайди барибир. Лекин ортиқ нарса кутманг мендан. Орага бўҳтон аралашмай туриб айрилганимиз маъқул. Сиз у йигитни ўйламай қўяқолинг! Калламга ҳозир бунақа нарсалар сиғмайди. Ҳали беш йил ўқишим керак. Бунақада ўқиёлмайман! — Маҳбуба шундай дедию шаҳдам юриб бозор томон кета бошлади.

Саттор ўридан кўзғалишга ҳам мажоли йўқдек шалвираб турарди. Маҳбуба анча жойгача тез-тез одимлаб борди-да, кейин секинлашиб, тўхтади. Ялт этиб ўгирилди. Шунда Сатторнинг ҳам бирдан жини тутиб кетдию шарт бурилиб изига жўнади. Беш-ўн қадам босиб, беихтиёр қаради: Маҳбуба ҳамон ундан кўз узмай турарди. Ғурури йўл қўймаганидан йўлида давом этаверди. Лекин юраги гупиллаб уриб, яна қарашга мажбур бўлди. Маҳбуба кўринмади. Саттор энди тўхтаб, йўловчилар орасидан уни қидира бошлади. Ҳа, ҳу ана... тез-тез юриб кетяпти у ҳам. Саттор то у кўздан ғойиб бўлмагунча умидвор жавдираб турди. Маҳбуба бошқа ўгирилиб қарамади...

37

— Ражаббой! Ҳамма гапларингиз тўғри!

Саттор шундай дедию хайрлашмоқчи бўлиб қўл узатди. Ражаббой: «Тўхтанг, бирга овқатланамиз, кейин кетасиз», деб туриб олди. Саттор кўнавермагач, бирдан жаҳли чиқиб кетди:

— Қўйинг, ўша таннозларингизни! Шундан, яқин йўламайман уларга! Шундан! Юринг овқатга.

Саттор ноилож шеригининг гапига бўйсунди; истироҳат боғига кириб шўрва ичишди. Ундан-бундан суҳбатлашиб ўтириб, охири хайрлашишди.

Саттор энди бу ерларга мутлақо келмайдигандек, Ражаббой билан қучоқлашиб хайрлашди, «Ҳақим-жонга салом айтинг», деб тайинлади. «Янаги ҳафтада албатта кўришайлик», деганча қолаверди Ражаббой. Саттор яна Сирдарёга жўнади.

Кондрат амаки бу ҳафта икки кун тоби қочиб, хизматга чиқмади. Камолиддин билан Алимардон анча қўллари келиб, бинойидек уста бўлиб қолишган экан, қайтага, Кондрат амакидан кўра кўпроқ иш қилишди. Кекса уста бир ҳафсаласи тутса ҳаммани чарчатиб юборадими, аммо ҳуши келмаса, бутунлай ишга қарамай қўяди. Шунда Камолиддинлар полга ағанаб, роса уйқуни уришади. Энди бирдан бўйинларига бўйинтуруқ тушгани учунми, дам олмай ишлашди. Саттор ҳам ўзини аямади; иш билан овуномқчи бўлди... Лекин, бор-йўғи уч кунга чидади, холос. Яна юраги зулук сўраётгандек сирқираб, «Маҳбуба нима қилаётганикин ҳозир? Ким билан гаплашаётганикин? Ҳалима ҳам йўқ энди...» деган саволлар миясида чарх ура бошлади.

Кондрат амакининг йўқлиги ҳам ичини қизитди, Камолиддин билан келишиб, таваккалига сўнги бор яна институтга тушиб чиқмоқчи бўлди. Алимардонларга эса, «Тоғамни кўриб келаман», дея баҳона қилди. Улар эътироз билдиришмагач, аҳмоққа Тўйтепа нима йўл, деганларидек, яна Тошкент автобусига ўтирди... Йўлда неча бор айниб, ўзини ўзи койиди. «Энди келманг», деса ҳам сурбетлик қилиб кетяпти-я!.. Лекин, борганда, албатта Маҳбуба ёки Ражаббойларга кўриниши шартми? Уларга кўринмаса, қаерда тунайди? Яқин сирдоши Ражаббой ҳам: «Дам олиш кун келинг», деган хайрлашаётганида. Агар яна ҳозир кўрса, Сирдарёда ишлаётганига ҳам шубҳа қилиб қолиши мумкин... У, троллейбусдан бир бекат берида тушди. Хиёбон оралаб юриб, танишбилешлар учраб қолишдан ҳайиқиб, олазарак бўлганча бирон-бир баҳона ўйлай бошлади. Тоғаси чақиртирган бўлсинми? Ёки «комсомол ҳужжатларини ҳисобдан чиқариб келишга келди»ми...

Барибир, кундуз кун институтга киришга юраги бетламади; қўл тарафга қараб кетди. Кино кўриб, қоронғилатиб келмоқчи бўлди... Ҳақиқатан ҳам фильм томошасидан чиққанда қош қорая бошлаган, ётоқхонага боргунча эса одам одамни танимайдиган пайт бўлар эди. Хўш, у энди қаерда тунайди?... Юрагини ваҳм босди; оёғи эса ўзидан-ўзи ётоқхонага тортяпти. Пастқам дарча орқали ўтмоқчи бўлди у ҳовлига. Илгари ҳам бир-икки марта Ражаббой иккови шаҳар айланиб кечиккан пайтларида, қоровулдан яшириниб, шу дарчадан ўтишган эди; кейин гўё ташқарига чиққандек, қўл ювиб кириб кетаверишган. Тахта дарчани неча марталаб бекитишса ҳам яна очилиб қолаверарди, охири қоровулларнинг ҳам жонига тегиб, шу ҳолича ташлаб қўйишди... Ҳозир Саттор ўша дарчани эслади бирдан. Қоронғида тимирскиланиб ўша ёққа юрди.

Ўқиш бошланишига ҳали бир ярим ҳафта борлиги учун кўп деразаларда чироқ йўқ, ҳовли томон зимзиё қоронғи; Саттор туртина-суртина дарчани зўрға топди. Энгашиб ўтаётганда юзини нимадир тилиб кетди; сўкинганча кафти билан юзини ушлаб кўрди: хайрият, қонамабди. Фақат биринчи қаватдаги уч-тўрт хонада чироқ кўринади; қоронғиликка ёқимли нур ёғилиб турибди. Саттор берироқдаги чироққа қараб юрди. Хаёлан санаб кўрган эди, буни қарангки, ўша хона Маҳбубаларники бўлиб чиқди! Худди ўғирлик қилаётгандай, юраги уриб кетди, оёқлари

мадорсизланди. Дераза рўпарасига борганда жон-ҳолатда ўзини дарахт панасига олди: хонада Маҳбуба билан ўша комсорг йигит Зайниддинмиди... ҳа, ўша турган экан! У Маҳбубага ниманидир тушунтиряпти, Маҳбуба эса бутун вужуди қулоқ, ундан кўз узмади. Йигит бир нарсани кўрсатаётгандай бўлиб, Маҳбубанинг билагидан ушлади. Маҳбуба қўлини тортиб олмади. Йигит хонанинг нариги бурчагига ўтиб, бир оз кўринмай турди. Нимадир қизиқ гап айтди шекилли, Маҳбуба қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кулгуси ташқарига ҳам эшитилишидан хавфсирагандай, деразага яқинлашиб, тўсатдан Саттор томонга — қоронғиликка қараб қўйди. Саттор юраги орқага тортиб, ўзини панага олди. Улар яна гапга тушиб кетишди...

Саттор шу ҳолатда қанча турганини билмайди... Бир пайт комсорг йигит қайта-қайта соатига қаради-да, Маҳбубага нимадир деди. У бош ирғаб маъқуллади. Йигит Маҳбубанинг қўлини кафтига олиб, яна гапирди; Маҳбуба мақтов ва ширин сўзлар ёғдусида эриганча уялиб, қимтиниби, «йўқ, йўқ» дегандай орқага тисарилди. Кейин йигит Маҳбубанинг қўлидан ўпди-да, хайрлашиб, остонага етганда кулимсираб чиқиб кетди. Маҳбуба бир зум фақат сочи кўриниб, нимадир қилди — эшикнинг калитини буради шекилли. Сўнг деворга тирсақларини тираб, бошини кафтларига қўйганча анча вақт қотиб турди. Бирдан хона ўртасида гир айланиб, рақс тушди. Кейин қоронғи деразага яқинлашиб, акси-кўриниб турган бўлса керак, соч ўримини қайтадан турмаклай бошлади.

Саттор ўзини босолмай, шартта энгашиб қўлига илинган катта бир кесакни олдию кучи борича деразага қараб отди. Кеча сукунатини чил-чил синган ойна жаранги тимдалаб ўтди. Маҳбуба «вой» деб қичқариб юборди. Кейин югуриб эшикни очдию йўлакка чиқиб кетди. Саттор бир зум худди сеҳрлангандай, турган жойида қотиб қолди. Тахта қиррасига яна бошини урганча дарчадан лип этиб ўтдию; ўзини серқатнов кўчага урди. Одамлар орасига тушганда ҳам анча жойгача ҳаллослаб борди. Нафаси тиқилгач, ўзини сал босиб, қилган ишини идрок эта бошлади. Кучи шу ойнага етганига... ер ёрилмадию ерга кирмади!

38

Сирдарёда ҳам Саттор ўзини кечиролмай юрди. Гоҳо, «синган ойна Маҳбубага тегмадимикин» деб ваҳимага тушар, аммо ойна унга тегмагани, Маҳбуба фақат кўрқиб кетганидан ташқарига отилганини ўз кўзи билан кўрса ҳам, кўнгли барибир хижил эди. Тошкентдан қайтгач, «энди сира бормайман» деган одам, ҳафта охирлаган сари «барибир мени ҳеч ким кўрмади-ку ўша гал», дея ўзига ўзи таскин бера бошлади. Шунинг учун ҳам бемалол боравериши мумкин... Ўйлаб-ўйлаб, яна бир марта — охири марта Маҳбубани юзма-юз синамоқчи бўлди. Аҳвол ўзгармаса — унда бутунлай умидини узади. Иккинчи бормайди!..

Саттор пайдар-пай хаёлларга шўнғиганча, Кондрат амакига тахта узатаркан, тезроқ тугата қолсайди, дея бетоқат бўларди. Бугун улар учинчи қаватнинг полини қоқишяпти. Кун бамисоли бошни қайнатиб юборар даражада қизиган. Яхшиям, иш уйнинг ичиди...

Барибир, кечга бориб полда кемтик жой қолди — озроқ тахта етмади; беш-ўнтагина бўлса кифоя эди. Шу дим ҳавода пастдан тахта чиқаришдан азоби йўқ.

Ҳаммалари Кондрат амакига мўлтайиб қолишган: «бугунга етар» дермикин деб. Чол устма-уст «Прибой» папиросини сўриб, чала полдан кўз узмай турарди. Охири, Камолиддиндан ҳайиқди шекилли, Сатторга юзланди:

— Эрта, индин дам оламиз-ку, келинлар, шу ерни битказиб кетайлик. Саша, чиқ анови ҳавозага! Аликлар пастга тушишсин! Тахталарни қўлма-қўл узатиб юборайлик.

Камолиддин пачирлаб сўкинди, Алимардон юзини терс ўгирди; аммо барибир, ёқмаса ҳам судралганча пастга тушиб кетишди. Саттор эрталабгидек, иккинчи қаватнинг деразасидан аста чиқиб, деворга тақаб ўрнатилган ёғоч ҳавозага ўтди. Анча кутди. Охири пастдагиларга «ҳой, қаердасизлар?» дейишга мажбур бўлди.

— Ҳа, нима жуда? Дунёни сув босибдимиз?! — Бу Камолиддиннинг дағал овози эди. Кейин Алимардон иккови тахта танлашган бўлиб, яна вақтни чўзишди. Учинчи қават деразасидан хўмрайиб қараб турган Кондрат амакига кўзлари тушгандагина қимирлашди: оғир узун тахталарни Сатторга силтаб-силтаб узата бошлашди. Саттор эса тахталарни учидан олади-да, учинчи қават деразасида турган Кондрат амакига узатади. Етти-саккизта тахта чиқарилгандан сўнг, Камолиддин қўлининг чангини қоққанча, пастдан туриб: «Бўлгандир», дея тўнғиллади. Саттор Кондрат амакига қаради. Чол ичкарига йиғилган тахта уюми ва чала жойга разм солди-да, «Яна иккита узатинглар, етади», деди ерга қараб. Камолиддин намиқиб қолган қарағай тахтани куч билан сўғуриб олдию инқиллаганча судраб келиб Сатторга узатди. Саттор ҳали маҳкам ушлаб улгурмасидан Камолиддин тахтанинг учини қўйиб юборди. Саттор бирдан мувозанатини йўқотиб, устига устак ҳавоза тўсиғига гуп этиб урилдию қўлидаги тахтани ташлаб юборди, тахтанинг залвори билан ўзи ҳам пастга учиб кетди. Биринчи дақиқада худди бошида чақин чақнаб, гавдаси тепага итқитиб юборилгандай сезди ўзини. Кўз ўнги оловланиб, чап тирсаги ва биқини қоқшаб оғриётганини пайқайди. «Тирикманми ўзи?» деган фикр келди миясига. Қўли гўё бегонадек зиллашиб, оғриқ зўрайди; қимирлатаман деган эди, худди темирлар бир-бирига ишқалангандай ғижир-ғижир овоз чиқди. Алимардон билан Камолиддин уни елкасидан кўтариб турғизмоқчи бўлишган эди, тишини-тишига қўйса ҳам оғриқдан додлаб юборди. Шу пайт ҳаллослаб Кондрат амаки етиб келдию юз-кўзига қаттиқ тикилди. Саттор базўр жилмайди. Кондрат амаки Камолиддинни бўралаб сўқди-да, «Бор, дўхтир чақир, одамларни чақир, ғалча!» дея бўкириб берди. Камолиддин чопганча кўздан ғойиб бўлди. Кондрат амаки шоша-пиша пахталигини ечиб, Алимардон иккови авайлаб уни юмшоқ жойга олишди; оғриқнинг зўридан Саттор ҳушини йўқотгудай бўлди, қаттиқ ингради. Кондрат амаки:

— Бир оз чида, ўғлим, бир оз чида! — дея далда бера бошлади. — Ҳеч нарса қилмайди, бир оз чида!

Саттор учун йилдек чўзилган ўн беш-йигирма минут ичда «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Замбил кўтарган оқ халатли иккита йигит билан тўла гавдали врач аёл Сатторнинг елкаси ва тирсагининг тепасидан ушлаб кўришди, врач кетма-кет бошини чайкаганча йигитларга ниманидир имо қилди. Улар авайлаб Сатторни замбилга ётқизишди. Саттор фақат ихрарди. Машина ичига киритишгандан сўнг врач аёл синган қўлга теккан эди, Сатторнинг афти буришиб,

«йўқ, йўқ» дегандай бош чайқади. Шунда йигитларнинг бири:

— Кучанманг, ўзингизни бўш қўйиб ётинг, қўлингизни эса докторга ишонинг, ҳозир ҳаммаси яхши бўлади, — деди ҳукм оҳангида ва Сатторнинг бурнига противогазга ўхшаш резина асбобни тутиб, темирчининг пуфлагичи сингари қопчадан босиб-босиб салқин ҳаво пуркади. Саттор ўша заҳотиёқ кўзи ярқ этиб очилиб, оғриқни сезмай қолди. Жилмайганча доктор хотинга қаради. Аёл иссиқ кафтини Сатторнинг тер босган пешонасига қўйди, «Ана, кўрдингизми», деб у ҳам жилмайди. Сатторнинг оёқ томонида ўтирган Кондрат амаки эса Алимардонга: «Бор, секингина ётоғидагиларга хабар қил, мен палатасини билай», дея шивирлади ва Сатторнинг тиззаларини силай бошлади. Машина аста кўзғолганда бошини қуйи солиб:

— Мени кечир, ўғлим... — деди ва юзини четга бурди.

Саттор аввалига худди турадигандай ўрнидан бир талпинди, кейин базўр кулиб қўяқолди...

Область шифохонасида Сатторнинг қўлини рентгенга солишди ва ўша заҳотиёқ гипслашди. Кейин ихчамгина бир хонага олиб кириб, таглари аллақандай темир мурватли каравотга ётқизиб қўйишди. Орадан сал ўтмай Кондрат амаки пайдо бўлди; елкасига оқ халат ташлаб олибди. Сатторнинг қўлини гипсласан хирург ҳамшира қизга ниманидир буйруқ берган эди, у тезда чиқиб кетиб уқолу дориларни олиб кирди. Саттор уқолдан кўрқар, игнани кўриши билан эти увишар эди. Хирург Кондрат амакига:

— Кўп чарчатманглар беморни, уқолдан кейин ухлаши керак, — деди-да, чиқиб кетди.

Кондрат амаки ҳамшира қиздан: «Эртага қай маҳал келган маъқул?» деб сўради. Ҳамшира: «Эртага шанба, истаган вақтингизда бемалол», деб жавоб бергач, Кондрат амаки хайрлашиб жўнади. Ҳамшира Сатторнинг енгини шимарди-да, тирсагидан тепароққа шу даражада билинтирмай уқол қилдики, Саттор ҳатто сезмай қолди...

Уйғониб қараса — тепасида Рафиқ турибди. Саттор бир оз хўрлиги келиб, шунда ҳам зўрма-зўраки кулимсираб дўсти билан саломлашди. Рафиқ Сатторнинг пешонасига кафтини қўйиб: «Барини эшитдим. Ҳозир Вера ҳам келиб қолади... овқат пишираётувди», деди мулойим тикилиб; Саттор қулт этиб ютинди, кўзларига дувиллаб ёш қалқиди. Уялгандан юзини деворга бурди.

— Фалокат оёқ остида, оғайни. — Рафиқ яна Сатторнинг пешонасини ушлади. — Иссиғинг йўқ деярли...

Саттор шифохонага тушганининг учинчи куни эди шекилли... ўй ўйлаб ётаркан, ташқарида таниш овоз эшитилгандай бўлди. Бир оздан кейин эшик очилиб, олдин Рафиқ кирди-да, кетидан тоғаси кўринди. Саттор аввалига кўзларига ишонмади. «Кимдан эшитганикин?» деган фикр ўтди миясидан. Тоғаси қўлидаги оғир сумкани ерга қўяр-қўймай, йиғлаганча келиб уни бағрига босди:

— Тоғанг ўргилсин, Сатторжон, не кулфатларга тушиб ётибсан-а бу ерда, жигарим?! — Ёшли кўзларини Сатторга тикиб, бошини сарак-сарак қимирлатди. — Бу ҳам кўргилик экан-да, омон қопсан, шунисига шукр!

Тоғаси чўнтагидан ғижим дастрўмолини чиқариб, юз-кўзини артди ва Сатторнинг чойшабини текисларкан:

— Не азобда қидириб топиб, шу аҳволда кўрсам-а

сени?! Хатингни олиб, бирам суюндик... Кеннойнг қўймади, «боринг» деб. «Сирдарё» дебди-ку, ҳа, бир вақтлари Маккани сўраб топишган, сўраб-сўраб топиб борарсиз», деб қўймади. Аёл кишининг дили сезади ўзи. Жияним бечора, сен бу ёқда бу аҳволда экансан-а! Фалокатинг арибди-я, болам, хайрият! Умримда бўлмаган, бир кун олдин опамни — оинг боёқишни тушимда кўриб юрибман дегин. «Жиянингдан хабар борми, ўқишлари тузукми?» дейди-я онаизор, худди тирикдай! Уйғондиму хайрон бўлиб қолдим; кечаси хатингни ўқиб кўп эслаганимизга тушга кирди, деб турсам, кеннойнг «боринг» деб қолди. Вой, жигаргинам-а, бу ерда сен азобда ётсанг-да, биз у ёқда ҳеч гапни билмай бемалол юраверсак... йў-ўққ!.. — Тоғаси дастрўмолига яна кўзларини артди. — Сени қайтариб олиб кетаман... Саттор кулимсиради.

— Тузалиб олсин-чи олдин... — деди Рафиқ ҳам кулиб. — Хоҳласа, кетаверади! — Бир дам сукутдан кейин қўшимча қилди: — Агар бизни кўзи қийса! Жиянингизга ҳали бу ердан мана бундай қайлиқ топиб берайликки! — Рафиқ бош бармоғини ҳавога нуқиди.

— Насиб этса! — Тоғаси бир оз юмшади. Кейин сумкасидан олиб келган нарсаларини чиқара бошлади. — Янаги ҳафта кеннойнг ҳам келади...

Саттор соғ қўли билан тоғасининг тиззасини ушлади:

— Шунча йўлдан-а?.. Ун кунларда юрар эканман, докторлар айтяпти. Яхшиси, ўзим бораман сизларни кўргани...

— Биз бор, овра бўлманглар, Саттор тўғри айтяпти, — дея Рафиқ гапга қўшилди.

Палата эшиги очилиб, ҳамшира бош суқди ва «ҳалиям ўтирибсизларми» дегандай чимирилиб, эшикни бир оз қаттиқ ёпди. Ҳамма бир-бирларига қараб олишди.

— Барака топинглар, ўғилларим... — Тоғаси йиғиштирина бошлади. — Ҳай майли, ўлмаган банда кўраркан. Ишқилиб, тезроқ тузалиб кет, Сатторжон. Ҳеч нарсани ўйлама... шундай дўстларинг бор экан, ўқиш ҳам бўлар...

Тоғаси унинг юзидан чўлп-чўлп ўпиб хайрлашди. Остонага етганда бирдан кўзлари намланиб:

— Опамдан ёдгорим биттагина ўзингсан, Сатторжон болам, тезроқ тузал, гурсиллаб юришларингни кўрсам, армоним қолмайди, — деди-да, секин эшикни ёпди. Кузатиб қўяман, деб изидан Рафиқ ҳам чиқди. Саттор нафасини ичига ютганча қилт этмай ётаркан, тоғасининг қадам товушлари узоқлашган сари бирдан кўкси тўлиб, ҳўнграб юборгиси келди... Шу аснода у ҳаёт силсиласи, унинг бағоят мураккаблиги, одам баъзан қувониб туриб изтироб чекиши, бунинг асл сирини эса ҳеч ким ва ҳеч қачон охиригача билолмаслиги ҳақида ўйлар эди.

39

Доктор Сатторнинг кўнгли учун «қирқ кунда тузаласиз» дегани билан елка сўяги икки жойидан сингани сабабли жароҳатлар тамом битмагунча гипсни ҳам олиб бўлмас экан; Саттор яна бир ярим ойча гипс билан юрди. Бу орада Кондрат амакилар, Рафиқ, Вера, маҳаллий комитетдан ҳам одамлар келиб туришди. Уртада тоғаси билан кеннойиси ҳам бирров кўриб кетди. Қайтага кеннойиси тузук экан: тоғаси олдин келганида йиғлаб кўнглини бузган эди, кеннойи эса, қаҳри қаттиқ эркалардек бамайлихо-

тир ўтириб у билан гаплашди, ҳазил-ҳузул ҳам қилди... Улар кетгач, Сатторда ҳар галгидек маҳзун кайфият эмас, аксинча, ғалати бир руҳий қувват-ишонч пайдо бўлди. Одамга ачиниш кераг-у... лекин оғир пайтда уни суяш, далда бериш мутлақо бошқача нарса экан. Саттор кеннойиси ўз хонадонининг шамчироғи эканини илгари ҳам биларди-ю, аммо ҳозир бунга бутунлай ишонди. Агар кеннойиси бўлмаганда тоғасининг ҳоли нима кечарди?!

Орадан ўтган мана шу салкам уч ой муддат ичида Сатторнинг кўксиди яна бир пинҳона умид яшади; шу умид туфайли бутун вужуди кутишга айланди; кўзлари тўрт бўлиб, «лоп этиб кириб келса-я» дея ҳар дақиқа тотли орзу билан яшади. У Маҳбубани кутди. Келмаслигини билса ҳам — кутди. Касаллигимни, ахир, у эшитмаган-ку, деб ўзини ўзи юпатди ҳам. Охири, умиди сўнгач, Ражаббой билан Ҳакимжонларни кута бошлади...

Вақти-соати билан у гипсдан ҳам қутулди. Қўли ва елкалари бирдан енгиллашиб қолганига ўзи ажабланди, бунга ҳам ўргангунча ўртада уч-тўрт кун ўтди. Қотган ва увишган тирсақлари аслига қайтган сари Саттор яна Тошкентни қўмсай бошлади. Касалхонадан чиққач, албатта тоғасини кўргани боради...

Ниҳоят, даволовчи врач Сатторга зарур маслаҳатларни тайинлаб, унга руҳсат бериши билан эртаси у Тошкентга қараб йўл олди. Тўғри институтга борди. Кеч куз; занг тусига кириб қуриган дарахт барглари ариқларни, йўлкаларни тўлдириб юборган. Ёзда ош еган боғлари ҳам шипшидам бўлиб ҳувиллаб ётибди; қуёш энди гўё иши зиқ меҳмондай, оламга бир кўринадию тезда ботади ёки булутлар ортига яширинади; шаҳар кўчаларида одам сийрак. Студентлар кечагина пахтадан қайтишибди; ўқиш бошланишига ҳам ҳали уч кун бор; ҳаммаси уй-уйига кетган...

Хайрият, Ражаббой хонада экан. Саттор гапни бошига тушган бахтсиз ҳодисадан бошламоқчи ҳам бўлди-ю, кейин тилини тийди. «Ахир, булар пахтада экан-ку. Бир кун ўзи балиб олар».

Ражаббой эса ёнидан букланган қоғоз чиқариб, қўлида силкиганча:

— Шунди деб бормадим-а Хоразмга... — деди ва ўйланиб қолди. Кейин Сатторга қараб кулимсиради: — Рангингиз синиққанми, жўра, иш шунақа оғирми?

— Бир оз чарчаганман...

— Жўра, сизнинг гапингиз тўғри чиқди! Мана, кўринг.

Саттор каттак дафтардан йиртиб олинган бир варақча ёзилган хатни тезгина ўқиб чиқди: «Ражаббой ака! Бошида маҳкам туринг эди. Энди на ҳожат? Оиламдан розиман. Ўқишга кирибсиз: табриклайман! Сизни олдинда яхши кунлар кутяпти фақат. Бирдан бир тилагим шу сизга. Хат ёзманг, бенаф барибир. Уртада гап-сўз... Сизни умрбод ҳурмат қилувчи Гулжамол.»

Ражаббой Сатторнинг қўлидан хатни тортиб олиб, худди ёш боладек суюнганча: «Мана бу сўзларини қаранг, мана бу сўзларини», деди ва «Сизни умрбод ҳурмат қилувчи» деган сатрларни бармоғи билан нуқиб кўрсатди. Сал ўтмай бирдан хомушланди ва:

— Синглим орқали хат юборган эдим, — деди худди ўзига ўзи гапирётгандай — Кейин афсусландим. Ўқишга кирганим билан мақтангим келиб кетди-да, жўра! Очиқ ёздим ҳамма гапни. Жавоб бермас, деб ўйлаган эдим...

— Бировларга, баҳридан ўт, дейсиз-у, ўзингиз...
— А, сиз насиҳатга қулоқ солманг! Танаси бошқа... — Ражаббой кўзлари чақнади. — Юрагингиздан сўранг. Тўғриси ярагингиз айтади! Лекин Маҳбубангиз... йўқ!... Пахтада анови олифта билан худди эр-хотиндек бўлиб кетди. Тирноғингизга арзинмайди!

Саттор индамай ерга қаради. Эзилди... Бир оздан сўнг дўсти билан хайрлашиб, «Ҳакимжонга салом айтиб кўясиз», дедию қишлоғига жўнади...

Саттор тоғасиникида, улар айланб-ўргиллашмасин, икки кунгина турди, холос; юраги ҳовриқиб кетаверди. Охири: «Докторга кўлимни кўрсатишим керак», деган баҳона билан учинчи кун тагин йўлга чиқди. Тоғасини суюнтириб, бир ярим ойлик бюллетень пулини ҳам ташлаб келди...

Қайтишда яна институтга кириб ўтмоқчи бўлди. Кўнгли сезгандай — кираверишда Маҳбубага дуч келди! Маҳбуба уни аввалига кўрмади. Саттор шу қадар ошқора тикилиб турганини пайқаган дугоналаридан бири қулоғига нимадир деб шивирлаган эди, у Саттор томонга ялт ўгирилди-ю, ўша заҳоти юзини терс бурди — кўрмаганга олди ўзини. Сўнг орқасига қарамай, қизлар билан ётоқхонага кириб кетди...

Саттор бировга билдирмай, худди ўғрига ўхшаб яна икки марта келиб кетди институтга. Кейинги гал кутилмаганда Ражаббойга йўлиқди.

— Қаерларда йўқ бўлиб кетдингиз, Саттор жўра? — деди у астойдил қўл уриб кўришаркан. — Вақт бўлса, қолинг. Ҳозир, жўра, семинарга шошяпман! Кечкурун келинг, хўпми?

— Ҳакимжон қалай? — деб сўради Саттор азбаройи ноқулай аҳволга тушганидан.

— У бўлак хонага ўшиб кетди, мен ҳозир бошқа болалар билан турибман, келинг, ўша кўрган хонангиз... — Ражаббой ошиғич жўнаб қолди.

...Кум бўронлари ўткинчи изларни зим-ғойиб қилиб юборгани сингари, бу ерда ҳам Сатторнинг излари деярли ўчган эди; доимо шундай ўзи: яхши кунлар тез ўтиб кетади... Дарвоқе, ҳамманинг ўз ташвиши, ўз орзуси, ўз бахти ва бахтсизлиги бор; уммондек серғулув бу ҳаётда ҳар ким ўз йўлига қараб кетади... Сатторнинг қалбида ширин ва нутилмас из қолдирган абитуриентлик онлари энди хотирага кўча бошлади. Буни у кайфияти дуруст пайтларда бир оз муболағаси билан, янги орттирган дўстларига, айниқса, Рафиққа қайта-қайта сўзлаб бериб юрди. Охири бу хотирот ўрнини янги туйғулар эгаллаб, Сатторда янги ташвиш, янги орзу, янги армонлар туғилди; у ўз қисмати сари юзма-юз кетди...

УЧИНЧИ ҚИСМ

40

Саттор Турдиевич орқа ўриндиқнинг бир чеккасида кўнишганча хаёлга чўмган; Жўравой ҳам анча йўлдан бери миқ этмайди. Теварак-атрофга разм солсангиз, вақтнинг ўтиши одамни ҳайратга кўяди: кечагина, ҳужжат топширгани кетишаётганда кўклар турган кечки ғўза пайкаллари офтоб ҳарорати ва парваришнинг ўзидан анча оби-тобига келиб қолибди; «Ҳаётнинг қайси бурчига қараманг — ҳамма нарса ўсиб, улғайиб, илгарилаб боравераркан...» деган фикр ўтди Саттор Турдиевичнинг кўнглидан. Кейин яна Анорани ўйлади. Кеча у биринчи

имтиҳонни топширган, аммо негадир уйга қайтмади. Саттор Турдиевич, айниқса Мумтоз Умарович билан ўрталарида кечган анови нохуш баҳсдан сўнг, Аноранинг ишига мутлақо аралашмайман, кирса — ўзи кирсин, деган қатъий қарорда тўхтаган эди; лекин қизидан дарак бўлмагач, тун бўйи ухлаёлмай чиқди. «Нега келмади? Қуладими ё?...» Маҳбуба Икромовна ҳам, Мумтоз Умарович ҳам «ташвиш чекманг» деб қайта-қайта тайинлашган-а тагин...

Саттор Турдиевич Мумтоз Умаровичнинг калаи саҳардан меҳмонхонага узр сўраб келганини эсларкан, негадир ўз ҳаётини ўйлаб кетди. Ҳозирги ишлари ва мавқеини ўша бир пайтлар чеккан азоблари, шумшайиб юрган ўспиринлик йиллари билан боғлашга уринарди... Жўравойга: «Магнитофонингни кўй», деди-ю, ёқимли куй оғушида аста-секин оғир хаёлга чўмди... Саттор Турдиевич сув ҳўжаллиги идорасида одамлар билан шу даражада тез чиқишиб кетдики... Бир йил ишламасданок уни махсус йўлланма билан ирригация техникумига ўқишга жўнатишди. Техникуми битириб қайтгач, сал ўтмай област сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигинин ўринбосарлиги лавозимига кўтарилди; партия аъзолигига номзодликка қабул қилинди...

Маҳбубадан бутунлай умидини узгандан кейин ҳам тўрт йил уйланишни ҳатто хаёлигаям келтирмедди; охири Раҳбархонга уйланди. Ҳали-ҳали эсид янги келин-куёв, бир яшанба Тошкентга тушиш Карл Маркс кўчасидаги зилзиладан олдинги эски универмага (қайси кун Анора икковлари сайр қилга жойлари) киришди. Раҳбархонга пальто оладиги бўлишди-ю, навбат кутиб қолишга тўғри келд Харидор кўп, ҳамма бирданига пештахта томон ўтишга уринар, бир-бирини туртиб, итариб... ишқлиб, тезроқ ишини битириш пайида эди. Саттор Раҳбархонни олдинга ўтказиб, қатор осилган пальтолардан бирини кўрсатганча: «Қалай, кийиб кўрма санми?» деб сўраётганида кимдир орқасидан шунди унинг елкасига кўкраги тегиб, пальтоларга энгаши қарай бошлади. Сатторнинг димоғига гуп эти хушбўй атир ҳиди урилди. Ўгирилиб қараш ийманди. Аёл эса ўртага суқилиб кирмоқчи бўлард Саттор шундагина унга назар ташладию... турге жойида қотиб қолди: Маҳбуба! Хаёли пештахта устидаги кийим-кечакда бўлган Маҳбуба унга қармай, сал олдинга сирғалиб ўтдию тах-тах шома матоларнинг қатини очиб, сийпаб кўра бошлад Саттор беихтиёр орқага тисарилди ва унга йў бўшатди. Маҳбуба раҳмат айтиш учунми, ялт эти Сатторга қарадию яна матоларга ўгирилди; кейин дақиқада яна қаради ва кутилмаганда «вой» де юборди. Хотинининг пинжиги тикилиб олган Сатторга шу даражада майин қулимсираб боқдики, Саттор ҳам беихтиёр бош ирғаб, тентакнамо илжайди! Раҳбархон бўлса пальто билан овора; Саттор азбаройи шошганидан, тагин Маҳбуба бирон нарса деб қолмасин, деган хавотирда шоша-пиша хотинини ниманидир тушунтира кетди. Маҳбуба Раҳбархонни зимдан разм соларкан, пештахта олдидан атайла жилмай, сотувчи қизни бўлар-бўлмас сўроққа тутди ора-сираси Сатторга ҳам кўз қирини ташлаб кў бошлади. Саттор уни салкам беш йилдан кейин ман энди кўряпти! Маҳбуба жуда ўзгариб, яна янги гўзаллашиб кетибди. Эгнида елкаси очиқ юпка о кўйлак, сочлари қирқилган, хиёл тўлишибди.

Саттор бесабабдан-бесабаб ўзини ноқулай сезиб тезроқ бу ердан жўнаб қолишни мўлжаллаб турарди. Аксига олиб, Раҳбархон ишни чўзаяпти: иккит:

пальто етмагандай, учинчисини ҳам кийиб кўрадиган бўлди. Узун атлас кўйлаги устидан сотувчи қиз узатган ҳаворанг пальтони елкасига ташладию орқасига энгашиб, этагини чамалаб, енглари тортди, сотувчи қиз ва ёнида турган Маҳбубадан «Тузукми, калта эмасми?» деб сўради. Маҳбуба ҳам елкаларини ушлаб, орқасига айлантриб кўриб, «Йўқ, жуда яхши келди сизга, жуда тўқис», деди қўнгироқ овози билан; Раҳбархоннинг кифти оша Сатторга маъноли тикилиб қўяркан, «мана, хотинингни ҳам кўрдим» деган фикрини уқиш мумкин эди унинг нигоҳидан. Раҳбархон эса, одамнинг гўллиги ҳам бор бўлсин, ҳадеб Маҳбубадан маслаҳат сўрар, унинг олдида қайта-қайта айланиб, узунлигига қарамай пальтони «калта» деб гап маъқуллар эди. Саттор Маҳбубанинг олдида унга бирон нарса деёлмас, нафасини ютганча, олди-сотди тугашини кутар эди. Маҳбуба яна бир бор: «Олинг, ярашди сизга», дегандан сўнгина Раҳбархон унга қандайдир ёқимли жилмайдию пальтони оладиган бўлиб эрига ўгирилди. Саттор тез-тез пул санаб, сотувчи қизга узатди-да, пальтони ўраб беришларини кутишаркан, секин Маҳбубага қаради; Маҳбубанинг хаёли энди бутунлай сотувчи қизнинг гапида эди. Кетатуриб Сатторга гинахон бир назар ташлади фақат; салтмай одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди. Саттор аттар хуноби ошиб, энди хотинини тезроқ юришга ндай бошлади. У, «Маҳбуба бутунлай кетмагандир, олдим... Уни яна кўришим керак», деган умидда трофга алангларди; универмагнинг барча бўлимларини айланиб чиқшди, аммо Маҳбубани бошқа чратишмади. Сатторга бу шу даражада алам илдизи, бир ҳафтагача қовоғидан қор ёғиб юрди...

Уша воқеадан кейин орадан қанча йиллар ўтиб, Саттор Маҳбубани хў Свердлов залида — концертда ўргани; кейин эса, мана, яқинда — университетда ўрди... Машинада хаёлга чўмганча шу воқеаларни слаб бораркан, Саттор Турдиевич ич-ичидан ҳайратга тушди. Бошдан кечирганлари, қувонч ва эрмонлари бир-бирига мантиқан сира уланмас; Маҳбубани ўйлаб, у ҳақда аниқ бир фикрга елолмас; қайси кунги ғалати зиёфатдан кейин-ку... ар қалай одамнинг ҳам фикр-хулосалари остин-стун бўлиб кетиши, Маҳбубанинг ҳаёти яна ҳам давҳумлашиб, ўзи эса сирли маъбудага ўхшаб ўриниши турган гап эди. Аммо Саттор Турдиевични шундан ҳам баттарроқ ҳайратга солгани — Мумтоз Умарович эди. Сирдан қараса, кўп одамларнинг ақдири бир-бирига жудаям ўхшаш; аслида-чи?.. Мана, Мумтоз Умаровичнинг ҳаёти, хўш, кимникига қшайди? Маҳбуба Икромовнанинг ҳаёти-чи?.. Саттор Турдиевич концертда кўрган киши Мумтоз Умарович эмасди, бошқа одам эди. Мумтоз Умарович ким унда?.. Ҳар бир инсон, аслида, кичик бир айёра. Атрофида эса — ўзига яраша йўлдошлари; аз ташвиши, ўз қувончи, ўз кўлами, ўз дунёси...

Саттор Турдиевич худди уйқудан уйғонгандек, яна айтиб Анорани ўйлай бошлади: «Ростдан ҳам имтиҳони нима бўлдийкин-а?.. Ўтган!.. Бир ёқда факультет декани, бир ёқда «ҳаммасини ўзим ҳал таман» деяётган анови оғзи катта профессор. Ўтган!..» Бирдан Саттор Турдиевичнинг кўз ўнгига уни бир пайтлари имтиҳондан қулатган қора кўзойнакли домла келдию... энг аввало, «У ҳозир прикмикан?» деб ўйлади. «Ушанда хўб содда эканман-а, айб ўзимда, ўтолмадим, деб кетаверибман... Ҳатто анови Ражаббой... тўппа-тўғри министрға кирганмиди? Ҳа, ҳа, кирган эди! Гапирган

ҳам эди бир... Шуниям ўйлаб кўрмабман-а...» Йў-ўқ, у энди қудратли одам, ҳозир... истаган жойига қўл узатса — етади... у пайтларни унутган... шундан, кўзига жўн кўриняпти ўша — тақдири ҳал бўлган беҳаловат дамлар!.. Яхшиям кирмагани шу институтга! Анов кун Мумтоз Умарович ҳам ачитиб айтди-ку: «Кирганингизда, республика яхши бир ирригатордан ажраларди», деб. Чоли қурмагур, тили аччиқ, бамисоли чақиб олади!.. Аммо-лекин, «Қийинчилик кўрганмисиз сиз ҳам?» дегани ўтиб тушди. «Наҳотки, мен иши доимо ўнгидан келган омадли одамларга ўхшасам?.. Балки, мен чеккан азобларнинг урвоғини ҳам татиб кўрмагандир бу Мумтоз Умарович деганлари! Аммо, ҳадеса баланддан келади, дунёнинг ташвиши фақат унинг елкасига тушгандай... Тавба, нима сабабдан Маҳбуба Икромовна уйига таклиф қилди-я мени? Туриштуруштини мақтамоқчимиди? Қизиқ...»

41

Машина ғизиллаганча Тошкентга кириб бораётганда Саттор Турдиевич яна эски универмагдаги ўша воқеани — Маҳбуба Раҳбархоннинг пальтосини тўғрилай туриб, ўртада ўзига маъноли тикилиб қараганини хотирларкан, ичи тўлиб, ўрнидан кўзга-либ қўйди ва ташқаридаги баланд биноларга қараш баҳонасида оғзининг таноби қочиб кулди. Маҳбуба Икромовнаникига яна боргиси, агар борса, энди аввалги сафардаги сингари ёш боладай тортишиб ўтирмай, иззатини сақлаб, ўтган-кетгандан, Ҳалима, Ҳакимжон, Ражаббойларнинг тақдиридан гаплашгиси келди. Тўсатдан у ўша «бахтсиз бўлдим» деган, ўксиган йиллари ҳам ҳаётдан исзиз йўқолмагани, ўша йиллар ҳам ҳозирги кунини учун пойдевор бўлганини ҳис этдию инсон ҳаёти фақат учрашув ва айрилиқдангина иборат, деган нақлнинг қанчалар ҳаққонийлигига яна бир тан берди.

«Сиз ҳам қийналганмисиз сира?» Қандай тушунтирасан шундай деб турган одамга?! Қандай?! Нимагаки эришсам, барини меҳнат билан, пешона тери билан қўлга киритдим. Наҳотки, шу сезилмаса кўринишимдан?! Йўқ, Саттор Турдиевичга ҳеч ким бундай айб қўймади-ку! Аксинча, «жамиятимизнинг тираклари — сизлар» деган қатворлар айтилди шаънига. Лекин... Мумтоз Умарович: «Ўзингизга бунчалик бино қўйманг, сиздақалар сон-мингта... Муҳит, шароит ва атрофингизни ўраган одамлар туфайлигина шу кунларни кўриб юрибсиз, агар ўшалар бўлмаса, ҳамма қатори оддий одамсиз...» дегандай оғиз кўпиртирди бутун кеча бўйи...

Саттор Турдиевич Сирдарёдан туриб бир кунга меҳмонхона буюриб қўйгани учун бамайлихотир университетга қараб юрди. Боришса, ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ; университет ҳаёти энди қандайдир бир тартибга тушгандай эди. Саттор Турдиевич Анорани унча қидириб ҳам юрмади; эшиги очиқ аудиторияларнинг бири ёнидан ўтаётди, учинчи қаторда ўтирган қизига кўзи тушди; Анора ҳам дадасини кўриши биланоқ ўрнидан туриб, йўлакка чиқди; ҳатто одамлардан ҳам уялмай дадасининг бўйнига осилиб олди ва қулоғига «беш» дея шивирлади. Саттор Турдиевич ичида қувонса ҳам, ўзини босди: «Индамай чиқаверганингга домланг хафа бўлмайдимми?» деб сўради. Анора ҳамон севинчдан кўзлари ёниб:

— Консултация, ҳечқиси йўқ... — деди ва дадасига яна эркаланмоқчи бўлди.

Саттор Турдиевич уни бир оз ҳовуридан тушириш учун:

— Ҳали шошма, қизим,— деди салмоқланиб.— Яна имтиҳонларинг бор-ку, дарсларингни тайёрлай-вер. Ҳаммасидан ўтсанг... ана унда зиёфат биздан!

Сал нари юришгач, Саттор Турдиевич қувончини ичига сиғдирилмаётган қизига кулимсираб боқди:

— Биз бўлсак, аянг билан ухламай чиқибмиз-а, нега Анора келмади, деб. «Беш» олган экансан, уйга нега жўнайвермадинг, кейинги имтиҳонингга тўрт кун бор-ку?

— Вақтимни кўзим қиймади. Ҳамма шундай қияпти. Уйга борсам, бир куним кетади... Асқар терак ҳам «беш» олди, дада.

— Асқаринг ким эди?

Анора синфдошини лақаб қўйиб айтганига уялиб, ерга қаради.

— Ҳа, анови, қаҳрамон аянинг ўғлини айтяпсан-да? Вечерда гапирган. «Беш» дедингми? Маладес! Бўладиган бола ўзи. У ҳам шу ерга қияптимми?

— Ҳа.

— Тузук, тузук...

— Дадажон, Маҳбуба Икромовнани кўрмайсизми бугун?

— Нима эди?

— У кишига албатта раҳмат айтишингиз керак. Боя эрталаб кўриб, «беш» билан табрикладилар ва «Дадангизга айтдингизми?» деб сўрадилар. Уялганимдан «Ҳа», дедим. Кетаётган жойларида тўхтаб, «Нима, Саттор Турдиевич Тошкентдамилар?» деб сўрадилар. Бир кўринмасангиз бўлмайди, дада. — Тўғрисини айтавермайсанми! Унда бир кўри-най...

Хайрлашаркан, Анора: «Опага кириш эсингиздан чиқмасин-а», деди яна тайинлаб ва аудиториясига кириб кетди. Саттор Турдиевич негадир бирдан энгил торти; нима қилишни билмай бир зум ўйланиб турди. Сўнгра иккинчи қаватга кўтарилиб, деканатга кирган эди, котиба қиз: «Маҳбуба Икромовна йўқлар, қачон келишлари ҳам номаълум» деган жавобни берди. Саттор Турдиевич индамай, қабулхонадан чиқиб кетди... Нима қилиш керак энди? Анорадан кўнгли тўлди. Тошкентда бошқа иши йўқ. Яхшиси, Сирдарёга қайтгани маъқул: қанча чала юмушлари кутиб турибди. Аммо Аноранинг «Опа билан албатта учрашиб кетинг» дегани уни бир оз ўйлантириб қўйди. «Раҳмат»ни котиба қизга «ташлаб кетиш»ни эса эп кўрмади — худди бир хуфёна иш қилгандай. Эҳтимол, бу Маҳбуба Икромовнани ҳам ноқулай аҳволга солар... Охири Анорани кутадиган бўлди. У чиққунча ташқарини бир айланиб ҳам келди. Университет зинасидан тушаётганида қараса: узун қизил кўйлак, бошига қизил дурра танғинан бир қизча, икки-уч дугонасининг юпатишига ҳам қарамай, катта кўчада ҳўнграб боряпти. Саттор Турдиевичнинг юраги шув этди: ўша, таниш манзара! Бир вақтлари Ҳалима «уч» олганида ётоқхонани нақ бошига кўтариб йиғлагани, ўшанда Маҳбубаларнинг хонаси росаям нотинч бўлганини эсларкан, ғамгин кулимсираб қўйди. Айниқса ҳозир Маҳбуба Икромовна билан Ҳалима ва ўша пайтдаги бошқа дўстлари ҳақида гаплашгиси келиб кетди. Маҳбуба Икромовна билармикун уларнинг қаердалигини? Саттор Турдиевич ҳатто Ражаббойни ҳам, ўша шошилиб семинарга кетаётганида кўрганидан кейин, бошқа учратмади ҳисоб. Ҳа, учратмади! Қарз пулларини эса — ҳалиям почта қоғози қаердадир турибди — хат орқали жўнатган эди. Ушанда Ражаббойдан жавоб хати

олганмиди ёки йўқми, рости, ҳозир эслаёлмайди. Эҳтимол, Маҳбуба Икромовна ҳам шундайдир — Ҳалимани бошқа кўрмагандир...

Саттор Турдиевич ана шу хаёллар билан хиёбонни айланиб чиқди; қайтиб келса, Анора ҳалиям консультацияда ўтирибди; унга кўринмай, четроққа ўтиб кута бошлади. Ҳовли томон очилган дераза пештахтасига суянганча ташқаридаги ёзги ошхонага кўз тикди; апил-тапил овқатланаётган йигит-қизлар негадир кулгисини қистатди — ҳаммаси шошилгани шошилган; илм олиш осонми, ахир...

Салдан кейин Аноралар танаффусга чиқишди. У дугонаси билан ниманидир қизгин тортишганча дадаси томон келаркан, оралари беш-олти қадам қолса ҳам уни кўрмади; охири кўзи тушиб, «ие, ҳали ҳам шу ердამисиз» дегандай ҳайрон бўлиб тикилди. Дугонасини таништирди. Худди Анорага ўхшаш лўппигина қизча. Саттор Турдиевич қизини четга тортиб: «Маҳбуба Икромовнага ўзинг айтиб кўйрсан раҳматни», деди овозини пасайтириб. Анора «нега?» дегандай тикилган эди, «Деканатда йўқ экан, келиши ҳам гумон. Бугун кечроқ уйига боргин-да, мендан салом айт, сизни анча кутиб ўтирдилар дегин», дея тушунтирди. Анорага дадасининг бу гапи унча ёқмади. Саттор Турдиевич энди унга жиддий оҳанг билан:

— Шундай қил, хўпми? — деди ва кўчада йиғлаб бораётган бояги қизчани гапириб юборишига сал қолди; Аноранинг кўнглини чўктиргиси келмади. — Ўзинг бориб айт, қизим. Кириб олсанг... ҳамма раҳматимни қўшиб айтаман. Ҳозир эса кутолмайман, ишим кўп.

Ота-бола хайрлашишдию Саттор Турдиевич кўнгли бутунлай тинчиб, ташқарига чиқди. Машинасининг эшиklarини очиб қўйиб, ўзи дарахт соясида салқинлаб ётган Жўравойга: «Қани, ҳайда, кетдик», деди. Жўравой машинани гуриллатиб ўт олдиаркан, «Уйгами?» деб сўради; Саттор Турдиевич олис-олисларга мамнун тикилган кўйи «ҳа» деган ишорани билдирди...

42

Саттор Турдиевич Аноранинг иккинчи имтиҳони бўладиган куни ҳам уйда тинч ётолмади. Биринчидан «беш» олганидан кейин бу ёғига бутунлай кўнгли жойига тушди-ю, лекин орадан бир-икки кун ўтгач, яна юрагини таҳлика босди: «Борди-ю, бирор кутилмаган фавқулуд юз бериб... кимдир аралашибми... комиссия келибми... иш бузилиши ҳам мумкин-ку!..» Саттор Турдиевич сабрсизлик билан Анорани кута бошлади. Ишидан туриб, уч-тўрт марта уйга қўнғироқ ҳам қилди. Раҳбархон эса хотиржам; қизининг ўқишга кириши уни ортки ташвишлантирмас, Анорадан кўра кўпроқ уйдаги юмушларини ўйлар эди.

Эртаси ҳам кутишди: на Аноранинг ўзи келди, на бирон бир хабар... Кечга бориб Саттор Турдиевичнинг шубҳаси ваҳимага айланди: «Бир бало бўлиб, қулаб қолса-я... Бир йили бекор кетадимми?.. Йўқ, тезда бориб, хабар олиш керак... Ораси икки қадам жой бўлса... Бир хил ота-оналар ётиб олишган-у, ахир...»

Саттор Турдиевич зарур ишларини муовинига топшириб, азонда йўлга отланди; Раҳбархонга эса: «Кетяпман, хабар олай-чи, нима гап», деди-қўйди; Раҳбархон лабини чўчқайтирганча: «Ўқишга ким қияпти ўзи — сизми ё Анорами?» дейишига сал

қолди. Саттор Турдиевич буни сезиб турса ҳам, гапни кўпайтирмаслик учун индамай чиқиб кетди...

Университет биносига кириб борганида одамлар ўзини сояга ура бошлаган пайт эди. Аксига олиб, Анорани топиш бу гал анча қийин бўлди. Ётоғида ҳам, аудиторияларда ҳам йўқ эди у. Саттор Турдиевич машғул ўтказилаётган аудиторияларни уч марта айланиб чиқди, аммо Анорани тополмади. Кўнглига баттар чигаллик тушиб, «Маҳбуба Икромовнанинг кабинетига борай-чи, балки у билар» деганча иккинчи қаватга кўтарилаётганида зина рўпарасидаги кутубхонадан Аноранинг ўзи чиқиб қолди; қўлида бир даста китоб. Дадасини кўриши билан кўзлари порлаб, ўтган-кетгандан ҳам тортинмай:

— Яна «беш»! — деб хитоб қилди. Иссиқ кунда дадасининг терга пишиб кетганига ачинибми, бирдан ғамгин тортди ва: — Телефонда шунча уриниб, ўйни ололмадим... Яна овора бўлибсиз-да... — деди кулимсираб.

— Ҳечқиси йўқ... бирдан Тошкентга тушадиган бўлиб қолдим, — дея ёлғонлади Саттор Турдиевич. — Йўл-йўлакай хабар олиб ўтаётганим... «Беш» дегин-а? Э, баракалла! Баракалла! Раҳмат, қизим... Қани, китобларингни бер-чи, мен кўтарақолай. Янаги имтиҳонгача барини ўқиб чиқмоқчимисан? — Саттор Турдиевич қизининг қўлидан китобларни олди.

— Жуда бўлмаса, сарлавҳаларини кўриб чиқсам ҳам анча нарса эсимга тушади. Маҳбуба Икромовна шундай дедилар.

— Ростдан, у кишини кўрдингми ўшанда?

— Ҳа, раҳматингизни айтдим, суюниб кетдилар...

Саттор Турдиевич ён-верига қараб олиб:

— Анора, тагин оғзибўшлик қилиб, Маҳбуба Икромовнани бошқаларга гапириб юрма, — деди овозини пасайтириб. — Дўст бор, душман бор, биронтаси пайимизга тушмасин. Маҳбуба Икромовнаниям гапга қўймайлик...

Анора дадасига худди уни биринчи марта кўраётгандай ғалати бир қараб қўйди. Кейин хомушланиб:

— Дадажон, анови Асқар терак иккинчи имтиҳондан ўтолмади, — деди мўлтайиб.

— Аввалгисидан «беш» эди-ку?

— Ҳа, «беш» эди. Унисига қарашмас экан. Тарихдан йиқилди...

— Чатоқ бўпти... — Саттор Турдиевич «аттанг, аттанг» дегандай бош чайқади. — Тилинга эҳтиёт бўл, қизим. Билиб бўлмайди бундай пайтда...

Университет зинасидан тушгунча чурқ этишмади — ҳар иккови ўз хаёллари билан банд эдилар. Кейин Анора ойисини сўради; дадаси, «Ҳаммаси жойида», деб жавоб берди. Укаларини сўради; барча имтиҳонларидан қутулиб олмагунча Сирдарёга бормаслигини айтди. Дадаси бунга маъқуллади...

Саттор Турдиевич ётоққа кириб ўтирмади; «Министрикда иш бор, ўшани битқазиб кетақолай тезроқ... Китобларингни ташлаб туш, бирга овқатланамиз», деди қизига. Анора югуриб ичкарига кириб кетди. Саттор Турдиевич ётоқхона муюлишидаги азим туп қайрағоч соясида турган машинасига яқинлашиб, бир-икки йўталди. Жўравой уйқусираган кўзларини тез-тез ишқалаб, машинани юргазмоқчи бўлди. Саттор Турдиевич «тўхта, шошма» деган ишорани қилиб, бориб оёқларини ташқарига осилтирганча орқа ўриндиққа ўтирди. Жўравой узун хомузга тортди ва:

— Ўтибдими? — деб сўради.

— «Беш», — деди Саттор Турдиевич. — Уқишга кириш ҳам осон эмас ҳозир, оғайни...

— Қачон осон бўлган, Саттор ака!

— Тўғри айтасан, Жўравой...

Саттор Турдиевич нима учун «ўқишга кириш осон эмас ҳозир» деганига ўзи тушунмади ва қайтага хижолат чекди. «Жўравойнинг хаёлига бошқа гап келмадимикин» дея ўйлаганидан унга синовчан назар ташлади. Жўравой эса ҳамон эснаб, чарчаганиданми, гангиб ўтирарди...

Анора ётоқхонадан анча ҳаяллаб чиқди. Икки бекат наридаги чойхонага бориб, кабоб ейдиган бўлишди... Саттор Турдиевич Жўравойга пул чиқариб берди; у бошлигининг феълини билгани учун ўзи бориб, истаганича чой ва кабоб буюрди; кабобчига: «Куйиб кетмасин, селида олаверинг», дея тайинлади. Анора билан Саттор Турдиевич ариқ бўйидаги чоғроқ столга бориб ўтиришди. Жўравой қўлбола қилиб пиёз тўғрай бошлади. Бу кабобчига ёқмаса ҳам, у индамади...

Анора дадаси билан танҳо қолгани учун:

— Дадажон, Маҳбуба Икромовнага айтса бўлмасмикин-а? — деб сўради.

— Нимани?

— Асқар Жаҳонгировни.

— Ҳа-а... — Саттор Турдиевич елкасини учирди. — Нима деб гаплашасан, уже кулабди-ку?!

— Ноқулай бўларкан одамга... — Анора ерга қаради. — Тарихдан ўткир эди жуда. Биз ҳаммамиз унинг конспектидан фойдаланардик. Мени кўриб, юзини буриб ўтиб кетди олдимдан.

— Нима, имтиҳонни бирга топширдингларми?

— Олдинма-кейин топширдик, мен қутулишим билан у кирди. Бир вақт қарасам, ичкаридан ранги оқариб чиқди. Оғиз очолмадим важоҳатидан. Билсам — кулабди. Тушдан кейин кўчада кўрган эдим, юзини буриб кетди.

— Сенда нима айб?!

— Ҳайронман. Лекин одам негадир хижолат чекяпти... Уни жуда юовш бола деб юрардим; синфимиздаги энг камгапи шу эди, тавба-а... Имтиҳон олаётганларни шу қадар ҳақоратлабди! Эшитиб, ишонмадим... Ёш бир ассистент ҳам юрган эди, ўшанга: «Сизлар сотқинсизлар», деб бақирибди. У ҳам: «Сендақаларни университетга эмас, милицияга топшириш керак!» дея дўқ урибди.


— Ие, шайтон экан-ку! — Саттор Турдиевич Анорага «шу гапларинг ростми ўзи» дегандай ажабланиб қаради. — Бу ёмон ҳақорат! Оббо, тирмизак-э, шундоқ дептими-а? Маладес! Кўрқмабди!.. Аммо... Маҳбуба Икромовнага нима деймиз, хўш? — Саттор Турдиевич яна елкасини қисди. — Ноқулай...

Жўравой кабобни олиб келгач, бирдан гап бўлинди. Кабобдан кейин мириқиб чой ичишди. Лекин Саттор Турдиевич ниманидир қаттиқ ўйлаётгани, аниқ бир қарорга келишга қийналаётгани шундоқ авзойидан сезилиб ўтирди.

Тушлиқдан сўнг Анорани университетга ташлаб ўтишаркан, бир минутга машинадан тушди-ю, хайрлашишдан олдин қизини четроққа олиб:

— Сен хижолат бўлма, — деди негадир яна овозини пасайтириб. — Йўлини топиб кетадиган бола экан у, бўш келмайди...

Анора дадасининг гапини бош ирғаб маъқулласа ҳам, бу жавобдан қониқмагани кўзидан билиниб турарди. Хайрлашишди-ю, аммо икковларининг кўнглида ҳам ғалати бир хижиллик қолди...



РИМ

Анора тушмагур, синфдошининг ташвишини ўртага солиб, дадасини қайтага довдиратиб қўйди. Саттор Турдиевич қизига тайинли бир гап айтолмаганидан ҳозир ўзи хуноб бўла бошлади. Ҳарқалай, у Аноранинг юрагидаги шубҳани тарқатолмади... Қандай тарқатади? Қайтага ўзининг эски яраларини очиб юборди Асқар воқеаси... Ушалмаган орзулари... Одамзод қизиқ ўзи... Ҳозиргина кайфияти бошқача эди... Успиринлик йиллари — оқиб турган бир дарё; қаёққа бурсанг, ўша ёққа кетади... Қани эди, ҳаммамиям буриб қўядиган одами бўлса! Ҳақ, ноҳақлик асли мана шундан бошланади... Анораларнинг ҳозир айни чорраҳага келиб тўхтаган пайти; у томонга ҳам юриш мумкин, бу томонга ҳам...

Лекин... фақат бир нарсани мақсад қилиб олган, бир нарсага ёпишиб олган одам баъзан ютқазадиям ҳаётда... Саттор Турдиевич буни ўз тажрибасидан билади. Чунки одам ҳаётни фақат бир томондангина кўради; ваҳоланки, инсон турмуши шу қадар кўламли, шу қадар мураккаб... Саттор Турдиевич бир пайтлари тарихчи бўлолмаганига қанча кўйиб юрди, ахир... «Омадсиз эканман, энди бир умр шу!» деган хулосага ҳам келган ўшанда... Аммо олдинда шунча умр, шунча кураш, шунча қувончлар бор экан!.. Курашчан одамга эса ҳаёт ҳамиша гўзал кўринади; қийинчиликлар инсонни тоблайтиди, чинқиради, пиштади...

Саттор Турдиевич орқа ўриндиқда мудраганча шуларни ўйлаб бораркан, оғир сўлиш олди. Яна Асқар дарозни кўз олдига келтирди. Битирувчилар кечасида ўқувчилар номидан гапирган бола... «Сизлар сотқинсизлар», дебди-я! Оббо, азамат-э!.. Йўлини топиб кетади у бола... Топади...

Салда йигирма кун ҳам тушдай ўтиб кетди; Анора ҳамма имтиҳонларни «беш»га топширди. Қанча медалистлар биринчи ёки иккинчи имтиҳондаёқ қулаб, баъзилари конкурси енгилроқ бошқа институтларга, баъзилари эса сиртки бўлимларга ўтиб кетишиди. Аноранинг айтишича, Асқар терак ҳужжатларини олиб, Қарши чўлига жўнабди... Анора эса — ҳаммасидан «беш»!.. Саттор Турдиевич бундан боши осмонга етиб қувонса ҳам, аммо кўнглининг бир чети негадир хижил; бир жиҳати, Аноранинг ишлари бунчалик хамирдан қил суғургандек осон битганига ҳамон ишонгиси келмас... хуллас, юрагида мавҳум бир ғашлик бор эди... Шунга қарамай, ваъдасига кўра, Аноранинг домлалари ва дўстларини Тошкентда бир хурсанд қилмоқчи бўлди. Анора орқали Маҳбуба Икромовнага маслаҳат солса, «Кўп одам чақирманглар, ҳозир вақти эмас... бунақани пойлаб юрганлар кўп, гап чиқади», дебди-ю, кейин: «Майли, Анорахон, бир-иккита тузук-тузук ўртоқларингиз бўлсин. Домлаларни мен ўзим айтаман», дея розилик берибди. Саттор Турдиевичга қолса, бир хуморидан чиқиб, ёшлиқдаги армони учун ҳам талай одамга зиёфат буюриб юборгиси бор эди. Мана энди ўйлаб қараса, ўшанда Ражаббой боёқиш Саттор учун туя сўйгандан ҳам катта иш қилган экан асли! Ҳозир қаерда юрган экан у?!.. Ҳаёт хўб қизиқ-да. Саттор Турдиевич Ражаббойни энди ўла-ўлгунча эслайди...

Саттор Турдиевич Маҳбуба Икромовнанинг розилигини олгач, уни бир ҳайрон қолдирмоқчи бўлди ўзича. Уша бир вақтлари Маҳбуба тақдим этган ой манзараси туширилган фотосуратни чордоқдан топиб тушиб, чангини артиб, чиройли қоғозга ўраб ҳам қўйди. Иннайкейин, меҳмонларни бундан ўттиз йиллар муқаддам Ҳалима, Ҳакимжон ва Маҳбуба

икковлари қатнаб юрган кўлдаги таниш ресторанга таклиф қилишни мўлжаллади. Миясига келган бу фавқуллодда фикрдан ёш боладек севишиб, Жўравойни Сирдарёга жўнатди, «тошкентликлар умрида кўрмаган» мева-чевалардан олиб келишни буюрди; «Дераза тоқчасидаги шойи қоғозга ўроғлик нарсани ҳам унутма», дея тайинлади.

Шанба кун. Соат учда Аноранинг икки дугонаси (бири — Саттор Турдиевич яқинда консултация пайтида учратган дўмбоққина қизча; иккинчиси — узоқ райондан бўлса керак, ҳали шаҳар шароитига унча мослашмаган, сочлари жамалак, гармдори нусха қизил кўйлак кийган, қиррабурун, истараси иссиққина киз) ва уларга кўшилиб ҳамқишлоқлари, университетнинг юқори курс студенти, колхоз бухгалтерининг ўғли Арслон ҳам кириб келди-да, Саттор Турдиевичга салом беришди. Саттор Турдиевич Арслонни кўриб ҳайрон бўлди-ю, аммо сездирмади. Арслон мусофирликда юриб, шаҳардаги тигиз ҳаётга мослашган — оёқ-қўли чаққон, тили ширин; Саттор Турдиевич илгари аҳамият бермаган экан — бирам азамат йигит бўптики, барака топгур... Саттор Турдиевичнинг кўнгли орзиқиб тушди; Анорасига шунақа йигитни ният қилди. Кейинги дақиқадә эса тўсатдан юрагини шубҳа кемирди. «Йўғ-э... ёмон нарсаларни ўйласа, ўзи шунақа, одамни ваҳима босади...» Кўз ўнгида бирдан Маҳбубанинг қўлини ўпиб турган анови Зайниддин жонлангандек бўлди. «Ўзи асрасин-э!.. Қаридир, ёшдир — ўзига инсоф берсин...»

Худди Саттор Турдиевичнинг бу шубҳали, оғир хаёлларини шартта учириб юбормоқчидай, қутилмаганда Арслоннинг ўзи гапириб қолди:

— Амаки, мен қараша қолай... — У чаққон ҳаракат билан Саттор Турдиевичнинг қўлидан пичоқни олди-да, турпни арчиб, тоғорадаги сувга тўғрай бошлади...

Маҳбуба Икромовналар соат тўртда келишди. Бошқа домлалар йўқ: фақат опаю Мумтоз Умарович. Маҳбуба Икромовна Аноранинг юзи, пешонасидан чўлп-чўлп ўпди-да, оқ қоғозга ўралган нарсани узатиб, «Бу сизга совға», деди. Анора бўйнигача қизариб, «Йўқ, йўқ», дедию ялт этиб дадасига қаради. Саттор Турдиевич ҳам негадир ҳаяжонда, «ол, ол, қизим, ол» дегандай бош ирғаяпти. Анора «Раҳмат», дея уялиб-қимтиниб совғани олаётганда, Маҳбуба Икромовна:

— Бу сизга Мумтоз Умаровичнинг тўхфаси, шу бугуноқ тиктирасиз, хўпми? — деди кулиб ва Саттор Турдиевичга юзланди; унинг ҳаракатида самимийликдан кўра кўпроқ илтифот ҳисси сезилиб тургандай эди. — Уқишнинг биринчи кунига кийиб келсинлар Анорахон... — Маҳбуба Икромовна қолганларни худди энди кўргандек, Аноранинг дугоналари билан саломлашди; Арслонга кўзи тушгач, у ҳам аввалига бир оз ажабланиб ва яна Саттор Турдиевичга маъноли тикилиб қўйди. — Ие, Арслонбек, мен ҳам шу ердаман, денг?

Деканнинг салобати босиб, Арслон ерга қаради, «ҳа» дегандай бош қимирлатди. Мумтоз Умарович то Маҳбуба Икромовна ҳамма билан кўришиб чиқунча, унинг ҳурматини сақлаб, бир чекада сипо бўлиб турди. Кейин у ҳам келиб Анорани, сўнгра бошқа қизларни табриклади, Арслон билан ҳам «яшанг, шоввоз» дея қўл олишиб кўришди, елкасига қоқиб қўйди. Ниҳоят, Маҳбуба Икромовна чеккада қўл қовуштириб турган Саттор Турдиевичга яқинлашди-да:

— Ана холо-ос! Сизни табрикламабмиз-ку! — деб кулди; юзидан ўпди. Саттор Турдиевич ҳамма қараётганидан ийманибми, худди ёш боладек қимти-ниб, Маҳбуба Икромовнага елкасини тутди: «Раҳмат, раҳмат» деб қўйди...

Саттор Турдиевич меҳмонларни ресторан айвони-га бошлаб чиқди. Холи жой, деб шу ерга стол ясаилган эди. Ноз-неъматларни кўриб Маҳбуба Икромовна ҳам, Мумтоз Умарович ҳам ханг-манг бўлиб қолишди; Маҳбуба Икромовна Саттор Турдиевичга жилмайиб боқиб, «Намунча» дея бош ирғаб қўйди.

— Гаплашиб ўтирайлик бир оз... — Саттор Турдиевич Мумтоз Умаровичга қараб «тўғрими» дегандай имо қилди.

— Туя сўясизми, хўш? — дея Мумтоз Умарович кулди.

Саттор Турдиевич меҳмонларни дастурхонга таклиф этди; қизларни, Арслонни ҳам чақирди. Маҳбуба Икромовна кўлга рўпара жойлашди-да, беихтиёр нариги соҳилга тикилиб қолди... У, стулда гавдасини тик тутиб, айна пайтда худди кийимларини сиқаётгандай ўзини ноқулай сезиб ўтирарди. Бир пайт гўё атрофдагиларни ҳам унутгандай оғир хўрсинди, бир чеккада жойлашган Саттор Турдиевичга қаради; нигоҳида хотирадан кўра кўпроқ ғам-андух ҳисси бордай эди. Саттор Турдиевич буни дарров тушунди ва атайлаб шу кўлга, айниқса, шу айвонда жой қилдирганига ичида севинди.

Официанткалар қадаҳларга сув ва шарбатлардан қуя бошлашди; меҳмонларнинг ҳурмати учун Саттор Турдиевич аввалдан тайинлаган таомларни яна қайтадан эслатиб, қайтадан буюра бошлади. Официанткалар эса, Саттор Турдиевич билан паст овозда гаплашишади-ю, ошпазга бориб шуни шанғиллаб айтишади... Сал ўтмай, соқийликни бўлмаса ҳам, ҳар қалай унга ёрдамчиликни Арслон ўз зиммасига олди-да, қадаҳларни тайёрлай бошлади...

— Арслонбек, Арслонбек! — деди Мумтоз Умарович қўлини силкитиб. — Анови шисаларни четга олиб қўйинг. Официанткаларга қайтариб беринг уларни, хўпми?

Саттор Турдиевич аввал Мумтоз Умаровичга, кейин Маҳбуба Икромовнага ҳайрон бўлиб тикилди. Маҳбуба Икромовна «тўғри, ичмаганларинг яхши» дегандай бош силкиди. Буни Арслон ҳам сезди-да, «нима қилай?» деган маънода Саттор Турдиевичга қаради.

— Э, буниси қандай бўлди?.. — Саттор Турдиевич столни кўрсатди. — Гап қовушмайди-ку унда. Анорахон учун қиттай-қиттай, а?

Маҳбуба Икромовна яна бош чайқади; Саттор Турдиевич «ҳақиқатан... ёшларнинг олдида ноқулай бўлар» дея ўйлаганидан кўниб қўяқолди бу гапга. Кейин официанткаларни бир четга чақирди-да, столдаги ичимликларни олдиртириб, биттагина коньяк қолдирди.

Катталар аста-секин сўхбатга берилганлари сари ёшлар зерика бошлашди; охири Арслоннинг таклифига биноан улар қайиқда сайр этиб келадиған бўлишди. Маҳбуба Икромовна яна Саттор Турдиевичга зимдан кўз ташлади. Мумтоз Умарович гарчи ҳеч нарсани сезмаётгандай — тунд ўтирса ҳам, аслида ҳаммасини пайқаб турарди. Маҳбуба Икромовна хўшчақчақ сўхбатлашиб кетаётган ёшларга хўрсиниб қаради ва худди овоз чиқариб хаёл сураётгандай: «Бахтларини берсин, ҳозирги ёшлар бошқача», деб қўйди.

— Хотиралар ҳам, вақти келиб қоғоздек сарғаяди... — деди Мумтоз Умарович бир бўлак гўштни олиб ўйчанлик билан оғзига соларкан. — Мен буни ўз бошимдан кечирдим...

— Яна фалсафани бошладингиз шекилли? — Маҳбуба Икромовна кулди. — Доим айтаман-ку, оддий сўзингиз ҳам мақолага ўхшайди.

Умумий кулги. Мумтоз Умаровичнинг ўзи ҳам кулди. Кейин Саттор Турдиевичга кўз-кўз қилмоқчи бўлганиданми, лабини тиззасидаги оппоқ рўмолча билан артди-да, Маҳбуба Икромовнанинг қўлини олиб ўпди. Маҳбуба Икромовна «ана, кўрдингизми» дегандай Саттор Турдиевичга қош учириб қўйди.

— Мақолага ўхшаса ўхшару... — Мумтоз Умарович ҳам кўлга тикилиб гапира бошлади. — Аммо одам ўлаётгандагина бу ҳаёт, — у қўли билан тевабар-атрофни кўрсатди, — бу борлиқнинг оддийгина бир нарсалигини тушуниб етса керак, деб ўйлайман. Турмушдаги мураккабликларни ўзимиз ўйлаб топганмиз, ўзимиз! Одамлар доимо ниманидир қидиргани қидирган...

Маҳбуба Икромовна Мумтоз Умаровичнинг биланга кўл теккизиб: «Домла, тегишдим, қулоғимиз сизда, сиз ахир домламысиз», дея ҳазилга йўйди. Мумтоз Умарович Маҳбуба Икромовнани сал бўлса ҳам чекинтирганидан қувониб, мамнун ҳолда давом этди:

— Мен ҳам анови ёшларга қараб айтяпман-да, ҳаёт тўхтовсиз оқаверади, деб. Ҳар дақиқа нимадир бир янгиликни юзага чиқаради. Мутлоқ ғалабаям, мағлубият ҳам йўқ асли. Шу сабабли бориға шукр қилиш керак.

Бу гап ҳаммаларига маъқул тушди шекилли, бош ликиллаб, хаёлга чўмиб қолишди. Аста-секин ўртадаги расмиятчилик кўтарила бошлади. Маҳбуба Икромовна яна нариги соҳилга кўз тикиб, чуқур ўйга ботди. Хаёлчан, атрофдаги муҳитдан узилган бир кайфиятда: «Чақчақлашайлик, деб йиғилганмиз бу ерга, тўғрими?» деди-да, аввал Саттор Турдиевичга, сўнгра Мумтоз Умаровичга қаради.

Ёшлар аллақачон кўринмай кетишган эди. Гарчи Маҳбуба Икромовна ҳозиргина «қувноқ ўтирайлик» деган бўлса ҳам, қандайдир хомуш, ичида бир дарди бор одамдай, гапиргиси ҳам энгаси, эҳтимол, шунгами, Мумтоз Умаровичнинг энсаси қотиб, хў уйдагидек тили қичий бошлаган эди. У Маҳбуба Икромовнанинг зил кетиб ўтиришини сингдира олмас, бу ҳолат унинг кекса қалбини қийнар, шу сабабли пайдар-пай гапирар, аммо гаплари ҳозирги зиёфат кайфиятига аллақандай ҳамоҳанг тушаётганга ўхшар эди. Мумтоз Умарович Маҳбуба Икромовнанинг ғамгин чехрасига бир қараб олди-да:

— Ҳув анови кўкатларни қарангла, — деди ва бир дам индамай турди. — Ҳаммаёқ қовжираб ётибди-ю, кўлнинг бўйини қарангла — мутлақо бошқача! Ҳар кўклам мана шундай янги гиёҳ чиққанда табиатнинг абадийлиги ўзимизнинг ўткинчилигимизни ўйлаб кетаман...

Маҳбуба Икромовна охири чидаёлмади, Мумтоз Умаровичга қараб: «Домла, сизга бугун нима бўлди ўзи?» деди қандайдир ялинчоқ овоз билан. Мумтоз Умарович елкасини учирди ва хўрланган одамдек бошини эгди. Саттор Турдиевич чолнинг бу қадар инжиқлигига ажабланди; ўтган гал у билан роса даҳанаки жанг қилган одам, бугун қандайдир тушқун, ҳокисор кимсага ўхшар, энса қотирар даражада «ақл ўргата бошлади» ҳаммага. Минбарда лекция ўқиётганда эса мутлақо бошқача... Саттор Турдиевич

гапни бошқа ёққа буриб, ўртадаги ноқулайликни кўтармоқчи бўлди:

— Маҳбуба Икромовна, эсингиздами, ҳамхонангиз бўларди бир пайтлари...

— Ҳалимани айтяпсиз-да?.. — Маҳбуба Икромовна чиройи очилиб кулди.

Саттор Турдиевич «ҳа» деган ишорани билдириб: «Ҳозир қаерда, биларсиз?», дея сўради. Маҳбуба Икромовна гапни нимадан бошлашни билмагандек бир оз ўйланиб турди-да:

— Биламан, ўша Чинозида, — деб яна кулди. — Биласизми, нечта боласи бор унинг? Унта. Агар ўн биринчиси туғилган бўлмаса... Уч йил бурун... котиба қиз: «Бир аёл хархаша қияпти — сизни танийман деб, ҳузурингизга кирармиш», деб қолди. Худди мана шунақанги қабул кезлари эди. «Нима иши бор экан?» деб сўрасам, «Айтмаяпти», дейди. «Унда менинг ҳам вақтим йўқ», дедим. Қизчани чиқариб юбордим-у, мени танийдиган ким экан, деб ўзим қизиқиб қолдим. Эшикни очиб қарасам: Ҳалима! Қўлида чақалоғи. Ўзгариб кетган. Зўрға танидим. Лекин тошмачоқдек пишиқ. Уша-ўша ҳазилкашлиги... Қабулхонада бир-иккита одам бўлишига қарамай қучоқлашиб кетибмиш. Бир ёқда боласи ёғиллаб йиғлайди, денг. Ичкарига кириб, анча ўтирдик. Сизларни, Ҳакимжонни... эсингиздами, фарғоналик йигит, ўшани эслаб, роса кулишдик. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, Ҳакимжоннинг қилиқларини Ҳалима шундай эслаб қолган эканки, кўрсатиб беравериб, ичагини узди. Ҳакимжон Фарғонада аллақайси колхозда раис эмиш. Буни ҳам менга Ҳалима айтди. Хуллас, катта ўғли учун илтимос қилиб келган экан, ёрдамлашиб юбордик — ҳозир бизда ўқияпти...

Саттор Турдиевич шу заҳоти «бир минутга, ҳозир» деб ўрнидан турдию четроқдаги стулда ётган нарсани олиб, қоғозини йиртиб ташлади-да, худди қимматбаҳо буюм топгандай Маҳбуба Икромовнага кўз-кўз қилиб кўрсатди. Маҳбуба Икромовна ҳам, Мумтоз Умарович ҳам ажабланганча расмга тикилиб қолишди. «Икки дона қамиш ўртасида ой чиқиб келяпти...» Саттор Турдиевич оғзини йиғиштиролмаб кулган ҳолда Маҳбуба Икромовнага қаради. Маҳбуба Икромовна эса бир расмга, бир Саттор Турдиевичга кўз ташлаб, ҳеч нарса тушунмади, ҳайрон бўлди. «Наҳотки... наҳотки, эсида йўқ?! — Саттор Турдиевич довдираб қолди. — Демак, шунчаки мендан қутулиш учун берган экан-да ўшанда буни?!»

— Чиройли манзара! Бугун олдингизми? — Мумтоз Умарович Саттор Турдиевичнинг кўнгли учун шундай деди-да, нариги соҳилга тикилди. Маҳбуба Икромовна ҳам унинг гапини маъқуллади. Саттор Турдиевич мулзам бўлганча фотосуратни жойига олиб бориб қўйди.

— Сизлар билан бирга яшаган новча йигит бор эди-ку, ишчи йигит? Эсингиздами? — деди Маҳбуба Икромовна у келиб жойига ўтиргач. — Тили аччиқ, фалати гапирарди... Эслаяпсизми?

— Ражаббойни айтяпсиз-да?

— Ҳа-ҳа, ўша!

— Афсуски, қаердалигини билмайман ҳозир. Лекин кўп эслайман уни. Ушандаёқ алоқамиз узилган эди. Кўп эслайман. Унинг қанчалар одамийлигини мана энди билияпман...

Саттор Турдиевичга Маҳбуба Икромовнанинг бир вақтлари ўзи тақдим этган расмни танимагани жудаям алам қилди. Ўзини атайлаб шундай тутди,

деб ҳам кўрди ичида; аммо на бир кўз ҳаракати, на бирон бир қилигидан сезмади буни. «Эҳ, қанчалар одам танийдиган йигит экан ўша Ражаббой!..»

— Ўзиям институтда аъло ўқиди... — деди бирдан Маҳбуба Икромовна худди Саттор Турдиевичнинг фикрини давом эттираётгандай. — Расми доим «аълочилар тахтаси»да турарди. Адашмасам, кейин у Ленинградга кетди, аспирантурага. Уша ерда уйланиб, институтда домла бўлиб қолган шекилли — қулоғимга чалинувди... ўзи шунақароқ йигит эди, тўғрими?

Саттор Турдиевич елкасини қисиб кулди; ўзини қаерга қўйишини билмай, питирлаб ўтирган Мумтоз Умаровични ҳам суҳбатга тортмоқчи бўлди:

— Хотиралар ҳам, боя Мумтоз ака айтдилар-ку, вақти келиб қоғоздек сарғайаркан...

— Афсуски, шундай... — Маҳбуба Икромовна ўйга толди-да, кейин бирдан Мумтоз Умаровичга зардали тикилди.

— Иродаси маҳкам эди, — деди Саттор Турдиевич ҳамон Ражаббойни иззатлаб. — Агар ўша бўлмаганда... мен ҳам тоғамниқига қайтардимиз Ҳалимага ўхшаб...

Маҳбуба Икромовна Саттор Турдиевичнинг бу гапидан бир оз ўксигандек кўринди. Шу сабабли у шоша-пиша ялпизланди:

— Чўлга кетишимга ўша сабабчи бўлган... Мумтоз Умарович, биласизми, институтга тўртинчиси ёки бешинчи марта келиб, охири кирган-а! Ўлгудек ўжар эди-ю, аммо салга кўзидан ёш чиқарди, кўнгли бўш эди...

— Гапларимни ўзларингиз тасдиқлаяпсизлар-у, яна хафа бўласизлар мендан... — Мумтоз Умарович ғолибона кулимсираб, иложи борича эркин, ҳазиллашиб гапиришга тиришди. — Орқасида одами бўлмаган-да бечоранинг. Лекин, қойил, айтганини қилибди, шунга кучи етибди! Аммо, ҳаммаям шундаймас-да! Қанча-қанча талантлар бамисоли қопдан тўкилган гуручдек, манзилга етолмай, тупроққа қоришиб кетади. Мен шунга куйинаман!

— Куйинишнинг ўзи етмайди. Сиз куйинсангиз, мен куйинсам, бошқаси куйинса-да, ҳеч ким тайинли бир иш қилмаса, бундан нима фойда? — Саттор Турдиевич «мен сиз билан баҳслашаётганим йўқ, шунчаки гапингизга жавоб берайман» дегандай Мумтоз Умаровичга кулимсираб қаради.

— Хўш, битта менинг қўлимдан нима келади?! Ҳар ким ҳар ёққа тортиб турса... Бир одам минг тусга киради. Аҳвол шу бўлгандан кейин...

Саттор Турдиевич бошини сарак-сарак қимирлатиб, «кечирасиз, гапингизга қўшилолмайман» деган ишорани билдирди: «Барибир умумий гапиряпсиз», дея қўшимча ҳам қилди.

— Аниқ гапирайми? — Мумтоз Умарович ўзига коңьяк қўйди. — Гапирайми?

Унинг шу шarti Саттор Турдиевичга негандир айилдек ботди: «Ҳа, ҳа, гапиринг-да», деди у кескин овоз билан. Анови куни меҳмонхонага бўйинини эгиб борганда мутлақо бошқача эди. Маҳбуба Икромовнанинг олдида яна ўзини кўрсатяпти...

— Гапирсам, хафа бўласиз!

Саттор Турдиевич асабий ҳолда юзини терс ўғирди.

— Ўзингиздан кўринг унда! — Мумтоз Умарович зимдан Маҳбуба Икромовнага тикилди; у ҳамон нариги соҳилга кўз тикиб ўтирарди. — Мен ҳам отаман, Сатторжон, биламан! Бунинг устига ҳалол инсонлигингизга зиғирчаям шубҳам йўқ...

Саттор Турдиевичга шу изоҳлар ҳам камситишдай туюлди; Мумтоз Умаровичга қараб истеҳзоли кулганча гапининг давомини кута бошлади.

— Э, сиз кулманг, дўстим! Тунов куни «Кийинчилик кўрмагансиз!» деб атай ачитдим. Ичингиз тўла армон, ҳаммасини биламан...

— Еш болага ўхшайсизлар! — Маҳбуба Икромовна Аноралар кетган томонга аланглаб қаради.

— Одатим шу! — Мумтоз Умарович Маҳбуба Икромовнанинг шаъмасидан оғрингани учун тиззасига бир уриб қўйди. — Кўнглимни бўшатмагунимча тинчимайман баъзан... Уруш даврини бир эсланг, Сатторжон! Ночоргина турмуш, жиндай оилавий ҳаловат ҳам қанчалар қадрланарди! Энди унақанги синовлар йўқ; нафс кучайиб кетган ҳозир, эҳтиёж-ку — дунёни ютиб юборгудай...

— Нима демоқчисиз бу билан?

— Бирон ёққа шошиляпсизми, менда вақт кўп; ана, шўрва ҳам пишибди... — Мумтоз Умарович патнис тўла косаларни кўтариб келаётган официанткага ишора қилди. Кейин бир-икки минут шўрвани шопириб ўтирди; тиззасидаги рўмолчага лабини артди. — Нега фарзандингизни бунча па-палайсиз? Бошқаларники, нима, ердан чиққанми?!

Саттор Турдиевич ҳам, Маҳбуба Икромовна ҳам чолга тикилганча анграйиб қолишди. Саттор Турдиевич дабдурустдан бундай ҳақорат эшитишни сира кутмаган, Мумтоз Умаровичнинг хотиржамгина ўтириб, айниқса, меҳмонхонада узр сўраб кетганидан кейин, ҳозир кўзига бақрайганча бу таъналарни ёғдириши уни чиндан ҳам доводиратиб қўйган эди; у «аттанг, аттанг» деганча ерга қаради. Мумтоз Умарович Саттор Турдиевичнинг ранги қув ўчиб кетганидан, хийла ошириб юборганини сезди-ю, аммо чекинишни истамади; одатда бундай пайтда ҳеч ким ортага чекинмайди, баттар ўзини оқлашга уринади. У иложи борича вазмин гапиришга ҳаракат қилди:

— Фалончи пора олибди, дейишади нуқул. Хўш, пора берган-чи? Қонунда олган ҳам, берган ҳам — жиноятчи. Бинойи-бинойи кишилар шу ишни қилгандан кейин назарипастрлар олади-да!.. Одамларни бузмаслик керак аввало! Ҳар хил илтимослар билан... — Мумтоз Умарович юзини терс ўгириб олган Маҳбуба Икромовнага хавотирли қараб қўйди. — Ҳамма шундай! То ўз иши битгунча курашади! Ҳақиқат талаб қилади. Хотиржам бўлаверинг, мен ҳам истисно эмасман бундан! Кейин қарабсизки... одамгарчилик, олижаноблик... нималарга йўймаймиз буни! Ахир, шунинг ўзи сохтагарчилик эмасми?!.

Саттор Турдиевич яна бир «эх, аттанг», деди-да, пешонасига шап этиб урди. Маҳбуба Икромовна, тоқати тоқ бўлиб, хў кунгига ўхшаб, «Бас қилинглар!» дея зуғум сочдию шартта ўрнидан туриб, Аноралар кетган томонга қараб жўнади. Сал нари бориб, орқасига ўгирилди. Саттор Турдиевич унга қараб, «узр, кечиринг бизни» дегандай қўлларини икки томонга ёйди. Маҳбуба Икромовна нарилаб кетди...

44

Саттор Турдиевич азбаройи ўзини йўқотганидан Мумтоз Умаровичга қандайдир лоқайд тикилди; тунов кунги сингари: «Ичингизда шунча гап бормиди, домла?», дейишгагина тили айланди, холос. Мумтоз Умарович эса гўё орада ҳеч гап ўтмагандай, баҳсини яна давом эттиришга мойил эди:

— Анови бечорани бахтсиз қилган ким, сизнингча? — У қизарган кўзларини Маҳбуба Икромовна кетган тарафга чақчайтирди. — Унинг туйғулари билан ўйнашманг! Ёниб кетасиз-а! Гулдай пайтида бир аблахнинг қўлига тушган у... Кейин боласини олдирган... шу-шу мажруҳ, бечора, ҳаёти ўнганмади. Қани эди, ўша пайтда сиздақа бир марди чиққанда-ю, ўша аблахнинг... Сиз чўлда эдингиз шекилли у вақтда?..

Саттор Турдиевич ўтирган ўрнида қотди-қолди. «Мумтоз Умарович билиб туриб айтяптими шу гапларни?!. Ёки билмасмикин?..»

— Сизнинг айбингиз йўқми шунда?!. Бор! Бор! Мана, яна манфаатингиз чиқиб қолган экан, бир зумда ҳозир нозирсиз! Шунча йилдан бери қаёқда эдингиз?!

Саттор Турдиевич нима дейишини билмаганидан:

— Эсингиз жойидами ўзи? — дея ғудранди.

— Ҳозирча жойида! — Мумтоз Умарович истеҳзоли кулди.

Саттор Турдиевич айниқса мана шу масхараомуз кулгига чидаёлмади:

— Нима манфаат билан келибман мен? Жавоб бермагунингизча тинч қўймайман сизни!

— Нима бу, пўписами?

— Ҳа, пўписа!

— Сиз, ахир, институтга киролмаганингизда ким ёрдам берган?!

Мумтоз Умарович «менинг қайғураётганимни барибир тушунмаяпсиз» дегандай куйиниб бош чайқади.

— Тушунинг, сизни айблаётганим йўқ мен, умуман ҳозирги одамларни айтяпман. Қош қўяман деб, кўз чиқаряпмиз кўпинча! Болаларимизнинг эҳтиёжини ўзимиз сўндирияпмиз! Итга кечқурун кўпроқ овқат беринг, у ҳовлини қўриқламайди, ухлаб қолади. Қўпол гапим учун кечиринг мени... Бола ўзини ўзи синаб кўриши керак ҳаётда! Бунинг ўрнига машинада юришлар, бирдан эски танишларни эслаб қолишлар... Агар билсангиз, қизингиз биринчи имтиҳондаёқ қулаган эди. Ёзмадан.

— Ёлғон! — Саттор Турдиевич бўйнигача қизариб кетди. — Ёлғон! Мен сизнинг гапларингизга энди ишонмайман!

— Ихтиёр ўзингизда, бу билан ҳеч нарса ўзгармайди барибир... Мен бор гапни айтяпман, холос... — Мумтоз Умарович коньяждан хўплади.

— Демак, «беш» баҳони сиз тўғрилабсиз-да?!

Мумтоз Умарович «иложимиз қанча» дегандай елкасини қисган эди, Саттор Турдиевич баттар қизишди:

— Йўқ, сиз менга аниқ жавоб беринг! Бу билан нима демоқчисиз ўзи?!

Мумтоз Умарович Саттор Турдиевичга аллақандай менсимайроқ тикилди:

— Ҳеч нарса демоқчи эмасман! Ишларимиз чалкаш, демоқчиман, холос. Битта сиз эмас шундай қилаётган. Кўпчилик шундай! Айниқса, кейинги вақтларда жир битиб кетди кўзимизга! Ҳатто шунга ўрганиб ҳам қолдик!

— Шу эътиқод билан ҳали ёшларга таълим бериб юрибсизми?! — Саттор Турдиевич баланд келмоқчи бўлиб, деярли ўшқириб гапирди. — Аттанг! Балиқ бошидан чирийди ўзи!

— ...бошидан чирийди...

— Шу қадар адолатпарвар экансиз, унда нега бу

ишга ўзингиз қўл урдингиз? Ахир, айтдингиз-ку, бу — жиноят!

Мумтоз Умарович ерга қараб кулимсиради. Кейин Саттор Турдиевичга кўзини қадаб сўзлади:

— Шу гапларни астойдил гапиряписизми ёки шунчаки...

— Нима «шунчаки?»

— Ўзингизни гўлликка солманг, Саттор Турдиевич! Катта бошингизни кичик қилиб, шунча жойдан овора бўлиб келибсиз-у... яна Маҳбубахонни ўртага солиб... мен нима қилишим керак, хўш? Уша куни айтдим-ку, меҳмонхонада ҳам... Анорахонга бўлма-са, бошқасига ёрдам берардик. Нима кўп — ошна-оғайни кўп. Ҳаётимиз шундай қурилган ўзи, оғайни!... Иншосини бошқатдан ёздирдик қизингизга. Ишонмангиз, сўранг!

Саттор Турдиевич бирдан шаштидан тушди; бошини чангаллаганча тирсақларини столга тираб миқ этмай қолди. «Наҳотки?! Наҳотки, ҳатто Анора ҳам айтмаса-я бир оғиз?!»

— Шу гапларни Маҳбуба Икромовна ҳам биладими? — деб сўради у қандайдир ички алам билан.

Мумтоз Умарович «ҳа» дея бош ирғади.

Саттор Турдиевич ошхона тарафга ўтиб, официантка билан ҳисоб-китоб қилди-да, кармонини чўнтагига солатуриб изига қайтди. Каттакон фужерга сув қуйиб ичди ва тўсатдан:

— Мумтоз Умарович! Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен сиз ўйлаган одам эмасман! — деди тушқун, эзилган товуш билан. — Шу ёшимгача ҳаромдан нари юрган йигитман! Кўп хато қилдим, кўп адашдим, бўйнимга оламан бунни. Лекин, билиб туриб, ҳаромга юрмаганман. «Беш»ларингиз ўзингизга сийлов! Анора ўқимайди!

Мумтоз Умарович аввалига Саттор Турдиевичга ҳайрон бўлиб тикилди, кейин журъатсизгина кулимсиради-да:

— Ёш боламисиз?! Анорахонда нима айб?! — дея хитоб қилди.

Саттор Турдиевичнинг бирдан юраги сиқилди, қандайдир лоҳас сизди ўзини. Беихтиёр Маҳбуба Икромовна кетган томонга қаради. Ташналиги ортиб, лаблари қотди. Эл олдида шармандаи шармисор бўлгандек ҳис этди ўзини. «Атайлаб масхара қилишяпти шекилли... Ўйлаб олиши керак ҳаммасини... Яхшилаб ўйлаб олиши керак!..»

У шартта ўрнидан турдию яна кўл тарафга қаради; Маҳбуба Икромовна кўринмагач, Мумтоз Умаровичга:

— Узримни айтиб қўясиз, илтимос, — деди энди қандайдир хайрихоҳ оҳанг билан, ошхона томонга қўл силкиб, «ҳаммаси тўланган» дегандай имо қилди. — Аммо бу йил Анора ўқимайди, бу аниқ!

— Маҳбубахон келгунча сабр қилинг-да, у киши хафа бўладилар...

Саттор Турдиевич индамай дарвоза тарафга йўл олди. Мумтоз Умарович минғирлаганча қолаверди...

45

Маҳбуба Икромовна ёшлар билан сўхбатлашиб, соҳил бўйлаб анча сайр қилиб юрди-да, «энди тинчишгандир, ҳойнаҳой» деган хаёлда изига қайтди. Келиб қараса: Мумтоз Умарович бир ўзи ўтирибди. Аввалига бунга эътибор бермади; Саттор Турдиевич ташқарига чиққандир, деб ўйлади. Йўл-йўлакай Мумтоз Умаровичга:

— Дунё ғавғоларини ҳал этиб бўлдиларингми ишқилиб? — дея гап ташлади ҳазиллашиб.

Мумтоз Умарович қандайдир меровсираб илжайди ва дарвоза томон қўл нуқиб:

— Кетди... — деди. — Кетиб қолди!

— Ким кетди, Саттор Турдиевичми?!

Мумтоз Умарович юзини терс бурди. Маҳбуба Икромовна жонҳолатда дарвоза тарафга аланглади: «Нега кетди?» деб сўради. Мумтоз Умарович хиқичоқ тутгандек елкасини учирди ва:

— Кетди... — деб таъкидлади яна.

— Бирон нарсa демадингизми?!

— Бор гапни айтдим. Шунга жаҳли чиқди...

— «Бор гап»ингиз нимаси?

— Анора иншони қайта ёзганини...

— Вой, шуни айтдингизми-а?! Уят! — Маҳбуба Икромовна бошини чангаллади; бармоғини тишлади. — Анорага жабр қипсиз! Эшитяписизми, Анорага жабр бўпти! Ҳозир унинг қувончини кўрсангиз эди бир!.. Нега бунчалик ўйламай иш қиласиз-а?! Нега?!..

— Келади! — Мумтоз Умарович Маҳбуба Икромовнага нурсиз кўзларини еб қўйгудек қадади. — Келмай қаёққа боради?! Келади. Бир оз таранг қилиб, кейин келади.

— Сиз уни билмайсиз! У бошқа одам!!! — Маҳбуба Икромовна шарт юзини бурди; бутун бориқни унутганча, бахт нашидасига қўмиб келаётган Анораларга кўзи тушаркан, баттар юраги сиқилди. «Дадам қанилар?» деб сўраган Анорага иложи борича хотиржам жавоб беришга уринди:

— Саттор Турдиевични обкомдан сўрашибди, узр сўраб кетибдилар, ҳозиргина... — дедию ёлгон гапирётганидан ўзи хижолат чекиб, кўзини олиб қочди. Анора бир нарсани сезгандай, Маҳбуба Икромовнага синовчан назар ташлади. Маҳбуба Икромовна унга самимий жилмайиб боққандан кейингина хотиржам бўлиб Арслонга ўгирилди.

— Биз ҳам кўп ўтирдик, турамиз энди, қолганини сизлар давом эттирасизлар... — Маҳбуба Икромовна шундай деб, Мумтоз Умаровичга юзланди. Мумтоз Умарович ниманидир минғирлаганча ўрнидан турдию ёшларнинг ҳар бири билан қўл олишиб хайрлашди; Анорага навбат келганда унга қўлини бигиз қилиб:

— Барибир ўқийсиз! — деди кескин овозда.

«Домла ҳазиллашяптилар», деган хаёлда ҳаммалари кулишди. Маҳбуба Икромовна олдинда, Мумтоз Умарович эса орқада — шошилиб дарвоза томонга йўналишди. Арслон уларни таксигача кузатиб қўйди...

Ёшлар яна ярим соатча еб-ичиб ўтиришди. Кейин Аноранинг дугоналари ўзаро кўз қисишиб, нимадир бир баҳона топишди-да, Арслон билан уни танҳо қолдирганча қаёққадир ғойиб бўлишди. Ҳамма кетгач, Арслон Аноранинг тирсагидан ушлаб, бир вақтлари Саттор, Маҳбуба, Ҳалима ва Ҳакимжонлар дарс тайёрлаб юрган сердарахт хиёбонга бошлади...

Официанткалар столларни йиғиштиратуриб, четдаги стул устида қолган суратга кўзлари тушди; бир-бирларига кўрсатишиб, «Балки олиб кетишар ҳали», деган хаёл билан хонага киритиб қўйишди...

Теварак-атрофда, кўл юзида эса қийқириқ-сурон; сиз билан биз бўлмаганимизда ҳам давом этадиган шиддатли ҳаёт ҳукм сурарди... Бир-бирини қувлаб юрган минг-мингларча тўлқинлар ғолибона тарзда кирғоққа бош уриб, абадият қўшиғини куйламоқда эди...

Тошкент — Переделкино — Ховатог
1981—84 йиллар



**Ёқубжон
Хўжамбердиев**

Умр-ку бир тутам қишининг кунидай
ҳу, адир ортида ботар қизариб...
Эртани ўйладим, кечолмадим бугундан,
Қаршимда тириклик турди гезариб.
Қорасув бўйида барг ёзди ялпиз,
Баҳор қўйди ҳар гиёҳга бир исм.
Сув олгани чиққан ўша маъсум қиз
Менинг ҳуркак қизалоғим, Мунисим.
Мен қандай кечайин, ахир бу баҳор
бу анҳор, бу Ватан — шулардир жисмим.
Ва шудир — энг буюк шеърим эҳтимол,
Мана шу баҳордай суюкли қизим.

* * *

Кеч куз. Кун пешиндан оққан бир маҳал.
Буқри толлар каби ўтирар чоллар,
Пенидир кутишар интизор, маҳтал...
Безовта тўлғанар ҳорғин хаёллар.

Гоҳ бирови луқма ташлаб қўяди:
— Шаҳарга борувдим, ўғлим олдиға...
Бири эса неварасин суюди:
— Билагоним, бешни қўш-чи олтиға.

Ҳамон фарзандларни чоллар ўйлайди.
Толларнинг тагида ўсар орзулар...
Шамол эсар, мўрилар ҳам тугайди,
Тол баргелари битта-битта узилар...

* * *

Дераза ортида қуёш ботмоқда,
Қуёшга маъносиз боқар дераза.
хонада сукунат...
Ўктам бир аёл,
Сочлари кўркам бир аёл
Ёлғиз бир аёл фарзанд кутмоқда,
Аёлга маъносиз боқар дераза...

Уфққа қарайди ўктам бу аёл:
Эҳ, қани симириб бўлса нурларни,
бағрига босса шу
баркашдай Қуёшни бир зум
бўлажак фарзанди мисол...
Ким бор ҳой, қайдасан, халоскор туйғу
ланг очиб юборгин деразаларни!

Йўллар дарахтдир.
Новдадек эгилиб боради йўллар...
Новдадек узундир,
Новдадек калта...

Йўллар — абадийлик
йўллар — бир зумлик...
Гоҳ ёлғиз қолишинг ҳам бор
йўл бошида
газон олмадек бир кун.

Эскилик сарқити

Жудаям паст эди
биз ўсган уйлар,
Энгашиб юрардик
хоналарида.

Энди... уйларимиз
баланд... Бошларни
тиклашда
ҳамон сал ҳадиксираймиз.

Учликлар

Туннинг узунлиги майли,
Куннинг узунлиги майли,
Бунча узун сендаги қулоқ...

* * *

У кўрқмади чумчуқлардан,
«Экса, униб чиқса... йўқ, бўлмайди»
Кўрқиб кетди тариқдан.

* * *

Юр энди, қишлоққа кетамиз,
Сузоқ деган катта қишлоққа.
Чангат сойда бирга оқамиз,
термуламиз Чакка булоққа.

Қия йўлнинг шундай бошида
бўлар эди гала хирмонлар...
«Хур қиз» дея, бола ёшида
Ошиқ бўлдик — гала армонлар...

Жилғаларда бўғиқ садолар:
«Хур қиз» у у у...

Жилгаларда акс-садолар:
«Ху у у...»

«Хур қиз»ларни чорладик бизлар.
Жилгаларда толиб ахтардик,
Болаликдан толиб ахтардик,
Алдаб кетди эсиз, «Хур қиз»лар...

Юр энди, бир қишлоқ қолди,
Биз севган, биз юрган қишлоқ.
«Хур қиз»ларга ишонч йўқолди,
Жилгаларга кўмилди чақмоқ...

Кеч кузак боғларин кезмаклик оғир —
Юракни титратар боғлар армони...
Хазонли боғларга ўхшайди бағир,
Дарахтга айланар жисм ила жонинг.

Аммо жим, умидсиз кузатмоқ оғир
кеч куз боғларини фарёд шаклида...
Оламни қаритган, билсанг, ҳадикдир.
Таскиндир кўнгилга Кувёш аслида.



Ўзбек халқ эртакларини ўқиб...

(туркумдан)

Чу, ҳа, отим, чу энди,
Заҳар бўлди сув энди,
Душманларни қув энди,
Чу, ҳа, отим, чу энди.

Йўллар тойғоқ, яланди,
Бошин суқса юртларга*
тулпоргинам таланди
гала-гала итларга.

Чу, ҳа, отим, чу энди,
Ётиб қолма тур энди.
Ху, водийни кўр энди,
Чу, ҳа, отим, чу энди.

Бир келин бор интизор,
Заҳарлатма сувини.
Бир бия бор ғамғуздор,
Яйрамайди қулини...

Чу, ҳа, отим чу энди,
Бир келинни,
бир қудунни, бир бияни,
кўз ёшингла юв энди...

* юрт — ўтов маъносига

Ҳозирги кунда ривожланган капита-
листик мамлакатларда ишсизлар ар-
мияси 17 миллиондан ортиқ кишини
ташқил этади.

Ўттиз ёшиллар

(Газета хабарларидан)

(Америкалик ишсиз Чарлз Хорманнинг туғилган
кундаги ўйлари)

Сени кўймоқдаман,
Рангли, рангсиз хотиралар қўйнига
кўймоқдаман сени —
Ўттиз ёшлигим.
Оқшом чўқади — файзли оқшом...
Шу оқшом бўлар
Сенга сўнги кўз, энг сўнги илинж.
Шу оқшом тўлар паймонанг,
Чайқалиб-чайқалиб тўкилади у...
Тўкилган ҳар томчи минг бир хотира —
Шамолга сингиди, ўша ўн минг
Саккиз юз кун...
Сингиди шамолга тақдирга ишонч,
Чақмоқдай ёшлигим беҳуда ўтди.
Миллионлар тақдири ўтмоқда шундай,
Миллионлар тақдирин — ишсизлик ютди.
Йилт этиб алдаган баҳорги кундай
Сен, эй умрим
Толедан тиланиб олганим қувонч,
Учдинг шамолга.
Дунёга ҳеч нарса беролмадинг.
Дунёни дунёдай кўролмадинг,
Муҳаббатга қонмади юрак.
Ушалиб-ушалмай,

йиқилиб-йиқилмай
Бўй чўзган тилак,
тинчингни йўқотди
Тош бўлиб, қалбингда қотди.
Ишонч билан кутдинг қувёшни,
Лекин,
лекин қувёш ўз йўлига ботади,
Юлдузлар ҳам, одамлар ҳам
ўз йўлида нурлардан,
гуллардан,
сўзлардан
шокила ясайдилар...
Йўлларингни бежамадинг,
Оддий йўлдан келдингу
одамларга
Ишонч билан яшадинг...
Мана охир сени кўймоқдаман.



Қардошлик мазорига

Қизғалдоқли томлар уйқуда,
Чироқларинг ўчирмай ухлар...
Бунча ёруғ, бунча осуда
бунча сергак ухлайди улар...



Элчин

Болададашнинг ғазаби

ҲИКОЯ

Пўлат МАЖНУНБОВЕВ хотирасига бағишланади.



ша куни Абшерон ярим оролида шундай қаттиқ бўрон турдики, асти қўверасиз: денгиз суви бешикдек тебранар, бўрон эса, гўё ҳеч қачон тинмайдигандек, зўрайгандан зўрайар эди. Соҳилга кўпикланиб-кўпикланиб урилаётган оппоқ тўлқинлар қатор тизилган беҳисоб туяларга ўх-

шарди.

Абшерон қирларидаги саксовулларнинг сарғайган шохлари сеҳргар рўпарасида бошини баланд кўтариб ўйнаётган илонлардек, қумликда қаққайиб турарди. Зайтунларнинг япроқлари бир ерга тўпланиб дир-дир титрар, тўда-тўда оқ, кулранг булутлар жануб томонга сузиб ўтар ва, энг қизиғи, бундай пайтда Абшерон осмонида қуёш ҳам нур сочиб турар эди. Қуёшни четлаб юзаётган тўда-тўда оқ, кулранг булутлар денгизга, соҳилдаги қумликка, қояларга йирик-йирик соя ташлаб ўтмоқда.

Кечга бориб бўрон пасайди. Ҳозинафар чойхоначининг руҳи-кайфияти аста-секин кўтарилди бошлади. Чунки шамол пасайган сари чойхўрларнинг сони ортиб боради-да. Агар улар тинмай келаверишса, кўп ўтмай Ҳозинафарнинг чойхонасида ўтиришга жой топилмай қолиши турган гап. Ундан кейин — шу кичкина чойхонада ўтиришга жой топилмай қолган пайтда — Ҳозинафар кўли қўлига тегмай чой дамлар, ҳар қўлида ўнтадан нокнусха стакан кўтариб зир югурар, оғзи қулоғига етгудек илжайар эди. Уни шу алфозда кўрган каттаю кичик, чойхоначилик маҳоратига қойил қолиб: «Нега қалам соҳиблари ҳар қўлида ўнтадан стакан кўтариб зир югурадиган Ҳозинафарнинг расмини газетада босиб чиқаришмас экан-а?», деб ҳайрон бўларди.

Сариқ самовар, тагидаги кўҳна ёзув столи тортмасига йиғилган бир сўмликлар уч сўмликка, уч сўмликлар беш сўмликларга айланар, Ҳозинафар чойхўрдан уч сўмликни олиб бир сўм қайтим узатар экан, ҳар сафар чин дилдан: «Узинг барака ато қилгин, эй худо!» деб кўяр эди.

Кўҳна ёзув столини қишлоқ советининг котиби Суғра идо-

ра буюмлари ҳисобидан чиқариб ташлагач, Ҳозинафар уни олиб келиб тузатган, сўнгра чойхонадаги самоварнинг тагига қўйган эди. Чойхоначи ҳафтада бир марта ёзув столининг устки тортмасига ёзилган газетани алмаштириб турарди. Чой, лимон шираси доғ-дуғ қилиб юборган эски газетани йиғайтиб, газета тагига тушиб қолган бир сўмлик ё эллик тийинлик танга пулларни топиб олса, қалби олам-олам қувончга тўлар эди. Ҳозинафарнинг фикрича, бир пайтлар қишлоқ советининг котиби Суғрага хизмат қилган ёзув столи ўз ризқ-насибасини еб битирмаган эди ҳали.

Чойхона аста-секин гавжумлашмоқда, шамол эса борган сари пасаймоқда. Аҳён-аҳёнда узоқдан денгиз тўлқинларининг кўпиги оқариб кўринади.

— Ҳой, биродар, менга битта чой олиб кел, барака топгур! — деди чойхонанинг бир бурчагида ўтирган Амирқул.

Чойхоначи Амирқул томонга қарадию: «Хайринисодек фаросатли, ҳаёли аёл аравани қуруқ олиб қочадиган манови хумпарни эр қилиб юрганига ҳайронман», деб кўнглидан кечирди. Сўнгра ғижиниб:

— Менга қара, боягина, Бузовнага меҳмондорчиликка бораман, деган эдинг-ку?! — деди.

— Бирпас туриб бораман-да, биродар; ўзим атай кечик-япман... Зиёфатга бир оз кечикиб борсанг, албатта «жарима» солишади. Битта стаканга арақни лим тўлдириб қўлингга тутқизишади. «Жарима»ни ичасану кайф қиласан!.. Қалай, Амирқул зўрми, биродар?

«Худо кўтарсин сени!», деб ўйлади ичида Ҳозинафар. У Амирқулнинг меҳмонга асло чақирилмаганини, ёлғонни сувдек ичаётганини, жуда нари борса, шу яқин орадаги дўконга бориб насиёга бир стакан мусаллас ича олишини яхши билса-да, чой дамлаб олдига қўйди. Минг қилганда ҳам Амирқул унинг мижози. Мижозларга хизмат қилиш эса, Ҳозинафарга ҳам қарз, ҳам фарз.

Шу пайт Алиакбар билан Кумушмалик чойхонага киришди ва Болададашнинг тўйолди ҳаммоми борасидаги можаро, аслида, худди шу ердан бошланди.

Кумушмалик:

— Ғозинафар, яхшилаб битта чой дамла, фили боридан бўлсин! — деди.

«Филли» чой — қутисининг устига филнинг расми туширилган ҳинд чойи эди.

— Жоним билан, оға! — дея Ғозинафар стол тортмасини чақон очиб, «нозик» мижозлари учун асраб юрган ҳинд чойини олди.

Афтидан, Кумушмалик билан Алиакбар кабобхўрлик қилишганга ўхшайди; кайфлари ҳам тарақ. Улар ичкарига киришлари билан уч кун олдин тўқ жигаррангга бўялган эшикдан анкиб турган бўёғу лимон, чой, кўмир ҳидига спирт ҳиди ҳам омўхта бўлиб кетди. Тўғри, Амиркулдан ҳам ачимсиқ ҳид таралмоқда эди. Бироқ, Алиакбар билан Кумушмаликдан таралаётган ҳид ёқимлироқ.

Ғозинафар чойхонага ичиб келадиган одамларни хушламаса-да, кайфи тарақ бу мижозларнинг афтига қараб бурнини жийрмас эди. У дарҳол бир чойнак аччиқ чой, бир паллам лимон, икки дона нокнусха стаканни Алиакбар билан Кумушмаликнинг олдига қўяркан:

— Кайфингиз чоғми, оға? — деб сўради.

Одатда, Кумушмалик қорнини силаб: «Ҳамма савлат мана шунда! Бахиллар, ичиқоралар қорнинми кўриб юракбағри куйиб кетади», дер эди. Ҳозир эса у жойига бамайлихотир ястаниб олиб, терлаб-пишиб, минғирлаб кўшиқ айтарди:

**Кеча бордик Локбатанга,
Тегишдик сақич сотганга:
«Эй қиз, сақичинг неча пул!»
Деди: «Сўзларинг уч пул!..»**

Кумушмалик стол устидаги иссиқ чойнакни кафтига олди ва уни Ғозинафарнинг нақ тумшугига тақаб:

— Мана шу чойни бизга атаб дамладинг-а, хўш, шу филли чой яхшими, ёмонми? — деб сўради.

Ғозинафар тумшуги тағидаги чойнакка ноилж қаради-да:

— Антиқа чой! — деб жавоб берди.

— Э, отанга раҳмат! — деди Кумушмалик. — Бизнинг кайфимиз ҳам шунақа. Қолаверса, ўзимиз ҳам антиқа одамлармиз! Сенгаям хушкайфлик тилаймиз!

— Кам бўлманг, оға! — деди Ғозинафар ёзув столи томон кетар экан. Ғозинафар пулдор мижозларига кайфи-чоғлик тилаб юрар эди-ю, бироқ арақ ичган одам билан пачакилашиб ўтиришни ҳеч жини сўймасди. Айниқса, Кумушмаликка ўхшаган одамларни маст ҳолда кўрса, ўзини улардан олиб қочарди. Чунки, кайфи тарақ бўлганида у золимдан тарқаганининг ҳамма иллати юзага чиқиб, ўзини шер фаҳмлай бошларди. Ичмаган пайти эса катта-кичикни танир, ҳурмат-иззатини жойига қўяр эди. Шунга қарамай, қишлоқ аҳли Кумушмаликни қуёнга — «Қоч!» тозига — «Ушла!» деб айтадиган одам эканини жуда яхши билар эди.

Кумушмалик боя атайлаб, «Кайфим чоғ, ўзим антиқаман!» деди. Чунки Абшеронда уни кўролмайдиган ичиқоралар анчагина топилар эди-да. Уша бахиллар Кумушмаликнинг иши олдингидан ҳам яхши эканини кўриб қўйишлари керак!

Бир пайтлари Ғозинафарнинг чойхонасидан хиёл қуйирокда, денгизнинг шундоққина соҳилида Кумушмаликнинг «Михак» деб номланган бир кабобхонаси бўларди. Бу жой ҳукуматнинг қоғозларида «чойхона» деб аталса-да, аслида Кумушмалик у ерни Абшероннинг машҳур кабобхонасига айлантириб юборган эди. Бахиллар бунга қараб турармиди дейсиз! Улар: «Михак» ҳукуматнинг чойхонаси эмас, Кумушмаликнинг шахсий кабобхонаси, деб икки куннинг бирида Бокуга хат жўнатаверишди. Охири бўлмади — кунларнинг бирида бутун қишлоққа: «Кумушмаликнинг кабобхонасини беркитиб қўйишди», деган хабар тарқалди. Ҳақиқатан ҳам, уч-тўрт кун ўтгач, сурма трактор «Михак»ни ер билан яқсон қилди. Бироқ, кўп ўтмай қишлоққа: «Кумушмалик Боқунинг ўзида, қабристоннинг биқинида янги бир кабобхона очибди, номини «Алвидо» деб қўйибди», деган хабар етиб келди. Ишининг бундай яқунланганини кўриб Кумушмалик тўғрисида энди ҳеч ким ҳеч нима ёзмай қўйди. «Яна ёзадиган бўлсак — «Алвидо»ни

ёптирадиган бўлсак, Кумушмалик «Интурист»нинг мудирини бўлиб олади; Кумушмаликнинг ишини ривожлантиргандан кўра, ёзмаганимиз маъқул», деб ўйлаган бўлишлари мумкин. Ҳар қалай, Кумушмаликнинг ўзи дилига яқин ошна-оғайнилари олдида шундай деб ҳазиллашар эди. Аслида, устимдан шикоят ёзадиган шулар, деб у қишлоқ кутубхоначиси Нажафдан ва Бузовнадаги кўк дуконнинг мудирини Нарес Вартановичдан шубҳаланарди. Мана энди бутун қишлоқ аҳли Кумушмаликнинг иши гуллаб-яшнаб турганини, кайфи чоғ эканини, Алиакбарнинг ҳам ишлари аввалгидан яхшироқ эканини кўриб қўйиши керак.

Кумушмалик нокнусха стакандан хушбўй ҳинд чойини хўплаб-хўплаб кўзларини мастона сузар, Локбатан саргу-заштларини киргойи қилар; Алиакбар бўлса безоргина бошини тебратиб ўтирар эди. Алиакбар қаламдек нозик бармоқлари билан нокнусха стаканнинг белидан ушлаб, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда, Кумушмаликка қараганча чой ича бошлади. Кумушмалик қанчалик семиз, бақувват бўлса, Алиакбар шунчалик нозик, қўл-оёқлари қилтирик, елкаси тор, тепакал, қорни дўмпайган бир одам эди. У Кумушмаликнинг соясида юравериб анча семириб қолди.

Ота-боболаримизнинг ҳикоя қилишича, кунлардан бир кун етти божа йўлга чиқишбди. Етти кун, етти кеча бирга йўл босиб, ниҳоят, манзилга етиб борганларида: «Шунча йўл юриб, суҳбатлашадиган битта одам тополмади-а!», деб афсусланган эканлар. Кумушмалик билан Алиакбарнинг божа бўлганларига ҳам йигирма йил тўлди, бироқ улар ҳангомадаги етти божага асло ўхшамасдилар; доим бир жойда еб, бир жойда ичардилар. Шу йиллар ичида биргаликда Тифлисга, Кисловодскка, Одессага кўп марта бориб келишди. Ҳатто, хотинларини лақиллатмоқчи бўлганларида ҳам... чанқоқларини битта «ҳовуз»дан қондирардилар. Ҳар ҳолда, даллол Зубайдадан тортиб боғбон Асадуллоғача — кўплар шундай деб юрар эди. Яна, ким билади дейсиз, борди-ю, бу гаплар ёлғон бўлса, гуноҳи ўшаларнинг бўйнига тушаверсин.

Шунга қарамай, Кумушмалик билан Алиакбар бутунлай бошқа-бошқа одам: Кумушмалик гугурт қўпини кўриши билан ловиллаб ёниб кетади, Алиакбар бўлса тадбирли, босиб қўйилган ундек оғир-вазмин эди. Кумушмалик орқа-унгини ўйламай, кўнглига келганини айтиб юбораверади, Алиакбар бўлса, ҳеч қачон одамга оғир ботадиган сўз айтмайди. Ана шу икки хил табиатли божалар Ғозинафарнинг чойхонасида ўтириб чой ичардилар.

Чойхона аста-секин гавжумлашмоқда эди.

Бурчақда ўтирган Амиркул икки божага қараб ўй сурарди: «Семиз одамни ҳамма ҳурмат қилади, озгин одамни бўлса ҳеч ким назарига илмайди. Мана, Кумушмаликка ҳамма пахта қўяди, мени эса биров бир тийинга олмайди. Хўш, нима қилибди? Кумушмаликка ўхшаб, «Ошқозонга фойдаси бор», деб кумушдан идиш-товоқ, санчқи-пичоқ йиғсанг ҳам, ҳамма сени «Кумушмалик» деб атаса ҳам, чўнтагинда сариқ чақа турмай, қўлга тушган пулни тезлик билан мусалласга сарфлайверсанг, барибир ишинг юришмайди. Бу дунё ўзи шунақа, вафосиз. Қолаверса, Кумушмаликнинг ҳам, Амиркулнинг ҳам борадиган ери бир саржин жой».

Пешин пайтида ичган икки стакан мусалласининг таъсири борган сари пайасмоқда, шунинг учун ҳам Амиркул ҳаёт ҳақида бунақа бадбин фикр юритмоқда эди.

Шу чоғ чойхонага Болададаш кириб келди.

Табиийки, Амиркулнинг кўнглидан ўтган ноҳуш ҳаёллардан Болададашнинг хабари йўқ эди. У, одати бўйича, шимининг орқасини қоқа-қоқа, атрофдагилар билан саломлаша-саломлаша, Амиркулнинг рўпарасидаги бўш курсига бориб ўтирди. Тасодифни кўрингки, Болададашнинг ўзи ҳам шу пайтда дунё ва одамлар ҳақида мулоҳаза юритмоқда эди. Бундан сал олдин у қишлоқнинг юқори томонида қурилаётган санаторий биноси учун Бокудан тош олиб қайтди. Машинасида аэропорт ёнидан ўтиб борар экан, қўнаётган-қўтарилаётган самолётларни, Абшерон йўлида бири олдинга, бири орқага ғириллаб кетаётган машиналарни кўриб: «Еруғ жаҳонда кўнглилари тусган жойларда яшамётган қанчадан-қанча одамлар бор-а! — деб ўйлади у. — Одамлар у ёққа югуришади, бу ёққа югуришади, бир нарсадан қуруқ қолаётгандек

шошганлари шошган». Бутун ҳаёти темир-терсак орасида ўтган (отаси ҳам шофёр эди) Болададаш қўнаётган-учаётган самолётларни жуда кўп кўрган эди. Аммо бу гал ўша самолётларга, машиналарга бошқача назар билан қаради. Нега шундай қилди, бунини ўзи ҳам билмасди, албатта.

Болададаш бош бармоғи билан «азеродром» кепкасини кўтариб бошини қашлади.

Бундан бир йил олдин Болададашнинг ўзи ҳам ўша одамларга ўхшаб шошарди, она қишлоғига ошиқарди, кўзини юмса ўзини Абшерон йўлларида машина миниб кетаётган ҳолда кўрарди; Каспий сувининг шўр таъминини ҳис қилгандек бўларди. Унда Болададаш Амур ўлкасида ҳарбий хизматни ўтамоқда эди. Икки йил аскарлик даври, кейин уч ой шофёрлик курсида ўқиган пайтлари Болададаш ҳар кунини тушида ўзини Каспий денгизига чўмилаётганини кўрарди. ҳар кунини қўмликда оёқяланг югурарди. Амур ўлкасининг қирчиллаган совуғида юраркан, Абшерон қўёшидан ўтдек қизиган қўм унинг яланг оёғини куйдираётгандек туюларди. Амур ўлкасининг ўша қаҳратон қишида, чор атрофни оппоқ қор қоплаган дийрда туриб, хаёлида Абшерон қўёшидан нур эмиб ширага тўлган узумларни ғужумлаб-ғужумлаб озғига солар, болдан ширин анжирларни терар, катта-катта анорларни бармоқлари билан обдан эзиб, сувини симираар эди. Бирор кун йўқ эдики, у олти эгачи-сингил: Ноила, Феруза, Камола, Амола, Дилшода, Буюк хонимларни кўз ўнгидан ўтказмасин. Бирор кун йўқ эдики, ўзлари ҳарбий хизматда бўлган укалари Оғақулни, Нуҳболани эсламасин, олтаси Оғабобони, онаси Оғабожини соғинмасин. Аслини олганда, бутун қишлоқ аҳлини, ҳатто мана шу рўпарасида ўтирган Амиркулни ҳам деярли ҳар кунини хаёлидан ўтказар эди.

Амиркул Болададашнинг рўпарасида ўтириб бамайлихотир чой ичар, бироқ, «Мана шу бола Амур ўлкасида юрганнида мени ўйлаган, ҳозиргидек рўпарамда ўтириб чой ичишни орзиқиб кутган», деган хаёл унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмас эди.

Мана, Болададаш ҳарбий хизматини ўтаб қишлоғига қайтганига бир йил бўлди, шундан бери у қурилиш идорасига қарашли яп-янги юк машинасини ҳайдайдди. Бироқ, дунёнинг ростдан ҳам антиқалигини кўрибди, Болададаш энди деярли ҳар кунини ўзини Амур ўлкасида юргандек ҳис қилади, ўша фусункор ўлканинг чеки-чегараси кўринмаган ўрмонларини, далаларини кўз ўнгига келтирганида, назарида, Абшерон қафтдек жойга ўхшаб кетади.

Болададаш чойдан бир қўлтум ичиб, нокнусха стаканини тақсимчага қайтариб қўйди ва бош бармоғи билан «азеродром» кепкасини орқага суриб, яна бошини қашлади.

— Ҳой бола, бу ёққа кел! — деб чақирди Кумушмалик Болададашга тикилган кўй кўзларини сузиб.

Болададаш олдиниға қўлоғига ишонмай чор атрофга қараб чиқди. Бу чақирдиқ унга қаратилганини англагач, чехраси ўзгарди. Бунини сезган Ғозинафар: «Оббо фалокат-эй! — деди ичиди. — Мижозлар айни кўпайган бир вақтда жанжал чиқариб, ишнинг белига тепмаса гўрга эди. Ҳар оқшом шу ерда пайдо бўладиган Сафар мелиса ҳам аксига олиб шу бугун кўринмай қолди».

Болададаш қишлоқдаги обрў-этиборли ёшлардан бири эди, Ғозинафар йигитни кўпчилик олдида бундай оҳангда чақириб бўлмаслигини, унга паст назар билан қараш мумкин эмаслигини жуда яхши биларди.

— Сенга гапиряпман, нега безрайиб турибсан?! — деди Кумушмалик.

— Нима? — деди ранги ўчиб Болададаш.

— Машинанг созми? — деб сўради Кумушмалик.

— Нима ишинг бор?!

— Тезда машинанга ўтириб бизникига жўна; уйда озроқ балиқ бор, ўшани олиб Бокуга, қизимникига бор!

Кумушмаликнинг қизи бултур консерваторияни тамомлаган, ҳозир фортепьяно чалар эди. Бокулик бир бастакорга турмушга чиққан. Кумушмаликнинг фикри-хаёли доим ўшаларга бўларди. Айниқса, арақдан кўпроқ отиб юборса борми, неваралари кўзи ўнгидан кетмай қоларди. Гоҳи Бокуга бориб қизининг, кўёвининг домлаларини, ҳар хил конкурслар уюштирадиган кишиларнинг яқинларини топиб, уларни дўст-ёрлари билан биргаликда кадобхонага олиб борар, баъзан ўша одамларнинг уйлариға бирма-бир кириб

қўлидан келган хизматини кўрсатар, яна бир нималар қилиб юрар эди.

Кумушмалик оғир-вазминлик билан ўмганини кўтариб қўлини чўнтағига солди-да, битта йигирма бешталикни чиқарди. Сўнг:

— Мана бу пулни кўряпсанми? Мана шу йигирма бешталикни хизматинг учун пешонанга ёпиштириб қўяман! — деди.

Ғозинафар ишлар чаппасига айланганини англади.

Чойхонада ўтирганларнинг дами ичига тушиб кетди. Бу ноқулай вазиятни кўриб, Амиркул: «Дунёнинг ишлари бир тийинга қиммат экан. Нега мен кунимни кеч қилиб бу ерда ўтирибман? Бузовнадаги Нерсесининг дўконига фаршталарни меҳмон қилса арзийдиган антиқа мусаллас тушди. Ўша ёққа борсам-чи», деб ўйладию секин ўзини ташқари олди.

Болададаш шартта ўрнидан турдию шимининг орқасини қоқа-қоқа, Кумушмалик билан Алиакбарнинг рўпарасига келиб тўхтади ва:

— Уша йигирма бешталикни олиб бориб суюқ кўёвининг пешонасига ёпиштир, камига қизининг бошини ёпиштир, тушундингми?! — деди.

Болададашнинг айтганлари ниҳоятда оғир гап эди.

Кумушмаликнинг охириг қўплам чойи томоғида қолди. Бир зумда гўё уйқудан ўғонди; ким билан гаплашаётганини, қаерда ва қандай оҳангда гаплашаётганини дарҳол англаб етди. Яна шу дақиқанин ўзида, Болададашга гап қайтариб бўлмаслигини ҳам тушунди, чунки «азеродром» кепкасининг тағидан порлаб турган қора кўзлар Кумушмаликка ғазаб оловини пуркаб турарди. Шимол совуғида тобланиб келган бу йигитнинг мускуллари ёйдек таранг тортилган, рақибини мўлжалга олган эди. Кумушмалик қонталаш кўзларини Болададашдан узиб, чойхонада ўтирганларга бир-бир қараб чиқди ва фақатгина:

— Мунча аччиғинг чиқмаса, ука, менга ҳам ишинг тушиб қолар ахир!.. — дея олди, хирол.

— Сенга ўхшаганларга ҳеч қачон ишим тушмайди, билдингми?! — деди Болададаш.

Боядан бери овозини чиқармай ўтирган Алиакбар бирдан титраб кетди. Нозик бармоқлари билан тутиб турган стаканини тақ этиб тақсимчага қўйди. Болададашни бошидан оёғигача кузатиб чиқди ва:

— Ишим тушмайди, деддингми? — деб сўради. — Ҳеч қачон ишинг тушмайдимми?

— Ҳеч қачон ишим тушмайди!

— Яхши... Маъкул... — Бир дамда Алиакбарнинг нозик чехрасига кулги югурди. — Майли... Бироқ, шуни билиб қўйки, божамга ишинг тушмаса ҳам, менга албатта тушади!..

— Сенга ҳам тушмайди!

— Кўрамиз.

— Кўрамиз!

Болададаш «кўрамиз» сўзини шундай ғазаб билан айтдики, Алиакбардек тадбирли одам ҳам, «бир уриб курсига ёпиштирмаса яхши эди», деб ўйлаганидан юраги тўхтаб қолаёзди. Алиакбарнинг укаси ўтган йили Бокуда ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб қайтган, шу кунларда мелисада ишламоқда эди. Алиакбар укасини эслаб ўзига далда берди.

Болададаш бутунлай эс-ҳушини йиғиб олган Кумушмаликнинг бошидан оёғигача назар ташлаб чиқди. Шайтонга ҳай берди шекилли, ўзини зўрга босиб, бошини тебрата-тебрата, чойхонанинги янги бўялган, ғирчиллавериб ғашга тегадиган эшигини қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Ғозинафар энгил нафас олди.

Болададашнинг жанжал-сурон кўтармай, ўзини тутиб чиқиб кетишининг сабабини чойхонада ўтирганлар яхши билардилар: роппа-роса олти кундан кейин Болададашнинг никоҳ тўйи бўлиши керак эди.

Алиакбарнинг нима учун бунчалик ишонч билан гапирганини ҳам чойхонада ўтирганлар жуда яхши билардилар. Алиакбар фақатгина укаси Оғакаримнинг мелисада ишлаётгани учун гердаймаётганини, чунки Болададаш ҳам, отаси Оғабобо сингари, бундай «жўжаўро»ларни писанд қиладиган йигитлардан эмаслигини ҳам билишар эди. Масаланинги энг муҳим томони шунда эдики, Алиакбар — қишлоқда ягона бўлган ҳаммомнинг мудури. Қишлоқдаги

ийгитларнинг барчаси никоҳ тўйи арафасида албатта ўша ҳаммомга борардилар. Алиакбар бўлса, кўнгли истаган пайтда ремонтни, бошқани баҳона қилиб, ҳаммом эшигига отнинг калласидек қулф осиб қўярди. Бу қулфни очиш куёвтураларга анча қимматга тушарди.

Қишлоқдаги сўнги янгиликларни аёллардан Зубайда даллол, эркалардан Ҳозинафар чойхоначи оммага етказар эди. Шундай бўлгандан кейин Боладаш билан Алиакбарнинг чойхонада ҳўрозлардек ҳурпайишиб, «Кўрамиз! Кўрамиз!» деганлари кўп ўтмай бутун қишлоққа ёйилгани табиий бир ҳол, албатта. Касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайдиган, Боладашнинг қайлиги — Бека бу воқеадан хабар топдию оромини йўқотиб қўйди. Шўрлик қиз кечакундуз бирдек ташивланар, на ишхонада хотиржам ишлай олар, на тўйга бамайлихотир ҳозирлана олар эди; «Тўйдан олдин Боладаш бир балога гирифторм бўлмасин-да, ишқилиб!», дея хавотирланарди у. Боладашнинг онаси Оғабоби ҳам тўй ташивидан ортида дегунча, ўғлига: «Пул кутуртирган ўша ҳўкизлар билан ади-бади айтишма, жон болам, улар балонинг нақ ўзи-ку!», деб ялиниб-ёвлорарди. Боладашнинг сингиллари Ноила, Феруза, Камола, Амола, Дилшода ва Буюк хонимлар ҳам қандай қилиб акаларини хурсанд қилишни билмасдилар. Боладашнинг қўйлақларини, камзулу шимларини ҳафсала билан дазмоллашар, ишдан келиши билан чойини, овқатини олдига қўйишар эди. Боладаш билан отаси Оғабобо ўртасида ҳўрмат деган қалин парда бор. Шунинг учун ота ўғли олдида бир неча марта маъноли йўталиб қўйди, холос.

Алиакбарнинг хотини Она хоним тўнда ўрнига ётмасидан олдин Боладаш ҳақида кўп куфр сўзларни айтди. Уни «одобсиз», «безори», «шафқатсиз» деб атади. «Худо хайрингизни берсин, Алиакбар! — деди. — Уша муштум-зўр билан ишингиз бўлмасин! — Уринга киргач, оппоқ, дўмбоқ қўллари билан эрининг қоқсуяк танасини силаб-сийпалади. Алиакбарнинг бағрига маҳкам ёпишиб, илтимос қилди: — Отаси, келинг, тўй кунини ҳаммомнинг калитини ходимингиз Самадоғанинг қўлига бериб қўйинг. Узингиз у ёққа қадам босманг. Истасангиз, биргаллашиб Бокуга кинога борамиз».

Кумушмалик кўн бўйи Бокуда, «Алвидо» кабобхонасида елиб-югурар, Боладаш Алиакбарлар ҳақида ўйлашга фурсат ҳам тополмас эди. Бироқ, кеч бўлиб, қизил «Жигули»сига ўтириб қишлоққа қайтиши билан Боладаш кўз ўнгига келиб, дили хуфтон бўлиб кетарди.

Қишлоқ советининг котиби Суғра шофёр Азизоғани (Боладашнинг энг яқин дўсти) қақиртириб: «Агар Боладаш бир тўполон чиқарадиган бўлса, иши Сағар меласанинг қўлига тушади. Бу гапни Алиакбарга ҳам айтиб қўйдим. Иккиси ҳам огоҳ бўлсин!», деди. Бироқ, Азизоға Суғранинг кейинги гапига ишонмади, чунки қишлоқ советининг котиби ўғлини Мардакандаги милиция бўлимига жойлаштириш ҳаракатида эди-да.

Бутун қишлоқ аҳли Боладашнинг тўй олдидан ҳаммомга борадиган кунини кутмоқда эди.

Ҳаммомнинг оғзиде, «Қишлоқ оқсоқоли Оғакиши қассоб Алиакбарнинг уйига бориб: «Худога шукр, мана неча вақтдан бери қишлоғимизда тўйлар жанжал-тўполонсиз ўтпти. Келинг, бундан кейин ҳам дилхиралик бўлмай қўяқолсин!», дебди, унинг гапига жавобан Алиакбар мийиғида кулиб қўйган эмиш», деган гап юрарди. Қишлоқдаги одамларнинг бир қисми: «Алиакбар тўй кунини жанжал чиқармайди. Унга Боладашнинг жинини қўзғатадиган шер юракни ким берибди дейсиз!», деб айтар, яна бир қисми бўлса: «Алиакбар туллак одам. Боладашнинг узр сўрашга мажбур қилади. Акс ҳолда, нафақат ўзининг, балки Кумушмаликнинг ҳам обрўйи тушади. Одамлар олдида ҳўрматини сақлаб қолиш учун — мақтанчоқ деган ном орттирмаслик учун Боладашнинг тиз чўктиради...», деб ваҳима қилишар эди.

Амиркул пешинда томоғини ҳўллаб олганидан кейин дарвозалари олдидаги ўриндиққа келиб ўтирди. Орқасидаги тутнинг йўғон танасига курагини ишқалади ва овозини баланд қўйиб:

— Вей, уруш бўлмаган тўй — тўй бўладими! — деди. — Тўйда жанжал бўлиши керак! Улай агар — қишлоқда йигит қолмаган бўлса, майли, ҳамма латтадек шалвираб ўтира-

версин, урушни ўзим чиқараман! Пичоғим кўпдан қонсираб юрибди...

Айвонда кир ювиб ўтирган Хайринисо эрига қараб: «Оғизда ўроқ ўрмай ўл!.. Чумчуқ пир этса, юрагинг шир этади-ку, пичоқ ўйнатганингга ўлайми!», деди паст овозда.

Зубайда даллол Бокуга ўқишга келган бир қишлоқи болага ижара уй топиб бериши, ана шу иш юзасидан Бокуга бориши керак эди. Аксига олиб, бу иш Боладашнинг тўйи кунига тўғри келиб қолди. Бироқ, тўйнинг қандай ўтишини кўргиси келган Зубайда умрида биринчи марта ўз фойдасидан — ўн сўм пулдан кечиб, Бокуга бормади.

Қариндош-уруғлар Азизоғанинг Боладашга сўзи ўтишини жуда яхши билишарди, шунинг учун уни «вакил ота» қилиб тайинлашди. Азизоға Бекалар хонадонини ҳам, Оғабобини ҳам хотиржам бўлишга ундади. Тўйнинг тинчлик билан ўтишига ишонтирди. Оғабобога бўлса:

— Тоға, кўнглингизни тўқ тутинг. Биз ўлганимиз йўқ-ку, ахир?! — деди.

Оғабобо йигитга маъноли қараб қўйди, холос. Қишлоқ ёшлари билан Оғабобонинг ўртасида ҳам «ҳўрмат» деган қалин парда бор эди. Шунинг учун катта бошини кичик қилиб паст-баланд гапириб ўтирмади.

Уша кунини Абшерон осмони биллурдек тиниқ бўлди. Кузнинг охирига эмас, саратонга ўхшаб қуёш нур сочиб турарди. Денгиз томондан илиқ шабада эсар, қишлоқ атрофидаги қоялар, тоқзорлар, соҳилдаги анжир у анорзорлар, тут, беҳи дарахтларининг япроқлари гўё сарғаймагандек, қуёш шуъласи остида қизил рангга киргандек туюлар эди. Бека хоним айвонда дугоналари даврасида ўтириб, қизғиш рангга кирган қишлоққа назар ташлар экан:

— Илоҳо тани-жони соғ бўлсин! — дер эди нукул. — Бахтига офтобнинг чарақлаб туришини қаранг! Боладашнинг қалби тоза, нияти поклигининг шарофати бу. Балқазодан худонинг ўзи асрасин!

Зубайда даллол шундай пайтларда ёши бир жойга борганини тамом унутиб қўярди. Ёш қиз-келиндяклар даврасига суқилиб кирар, бировини чимчилар, бировига қошини қоқиб, кўзини сузар, бепарда сўзлар айтиб ҳазиллашган бўлар эди. Бироқ бу сафар Зубайда даллол ҳам дераза оша алвон рангга кирган қишлоққа тикилди ва юрак-бағри ўртаниб:

— Илоҳо омин! — деди ва шу ўртаниши билан хавотирда ўтирган Беканинг қалбига гулгула солиб қўйди.

Ёшлар ҳовлида тўй столларини ясашиб қўйишди. Оғабобо маштоғалик ашуланини айттириб келган эди. Хонанда бўлса ўз созандаю раққосалари билан келди. Айтишларига қараганда, Ҳожибобо Ҳусановнинг шахсан ўзи ҳам келмоқчи экан, бироқ аксига олиб, Бокуга — озиқ-овқат саноати ходимлари кунига бағишланган концертга бориши керак бўлиб қолибди. Бўзбош¹ пишириш учун болалар боғчасининг ошпази Ҳусанқул таклиф этилган эди. Ҳусанқулнинг пазандалик маҳорати бутун Абшерон ярим оролига маълум ва машҳур. Шунинг учун ҳам бўзбош деса ўзини томдан ташлайдиган Оғали лаззатли таомга иштаҳа сақлаб кунини билан туз тотмади.

Уша сахий қуёш қизғиш нур сочиб турган куз кунини бутун қишлоққа: «Алиакбар ҳаммомдаги, шахсий пулига солдирган хонасида қоғоз титиб ўтирган эмиш. Олдига кирганларга, «Самадоға бугун мендан руҳсат олди. Гуллари қуриб қолаётган эмиш, ўшаларни суғорар экан. Керак бўлиб қолсанг ўзим қақиртираман, деб айтдим...» деган гап тарқалди.

Самадоға — ҳаммомнинг ўт ёқувчиси.

Алиакбарнинг бундай сўз тарқатишдан мақсади Оғабобо билан Боладашнинг ялтинтириш ёки узр сўраб, совға-салом билан ҳўзурига одам юборишга мажбур қилиш эди, албатта.

Боладаш ўз қишлоғида шундай ҳаммом бўлатуриб Маштоғага, Бузовнага, Шуваланга бормас-ку, ахир?! Тўйдан олдин ҳаммомга бутунлай бормасликка Оғабобонинг ҳам, Боладашнинг ҳам ғурури йўл қўймасди.

Ёру биродарлари Боладашнинг феъл-атворини жуда яхши билишарди, шунинг учун тўй олдидан ҳаммомга бориш фурсати етиб келганда нима қилишларини билмай

¹ Бўзбош — озарбойжон миллий таоми, қовурдоққа ўхшаган овқат.

каловланиб қолишди. Оғайниларида бири: «Ҳозир бориб Алиакбарнинг онасидан эмган сутини оғзи-бурнидан бўлоқ қиламан!», деб ўрнидан кўзгалди. Унга иккинчиси: «Бу ишинг Болададашга маъқул бўлмаслиги мумкин», деди. Кимдир: «Ҳозир бориб Кумушмаликнинг ичак-чавоғини бошига салла қилиб келаман», деди. Яна кимдир: «Келиб-келиб Болададашнинг тўйи кунни қон тўкиладими? Йўқ, бу тўғри келмайди», деди. Шу аҳволда ҳамма Азизогага қаради. Азизога бўлса Болададашнинг олдига бориб:

— Ҳей, Болададаш, тур ўрнингдан, ҳаммомга борамиз! — деди. Ким бўлибди ўзи ўша гўрсўхта! Одам умрида бир марта уйланади, бир марта тўйолди ҳаммомига боради. Кетдик. Сенинг ишинг бўлмасин, ҳаммасини ўзим гаплашаман. Самадоғангни қақиртириб, «Ҳаммомни исит!» деб айтаман. Э-э, у ёғини қўявер, Алиакбарлар билан қайси тилда гаплашиш кераклигини жуда яхши биламан! — деди.

Болададаш янгигина дазмолланган шимининг орқасини қўли билан қоқиб:

— А-а, шунақа эканми... Менга қара, ростдан ҳам мени танимайсанми? — деди хўмрайиб. Бу сўзларни Болададаш: «Ростдан ҳам мени танимас экансан. Бироқ, ҳадемай танитиб қўяман!», деган оҳангда айтди.

— Бўпти, — деди бу гал габзланиб Азизога. — Ҳозир бориб Кумушмаликни топаман. Шахсан ўзи бориб ўша Алиакбар аблаҳга ҳаммомни иситтирмас, калласини олиб ёнига қўяман!

Азизога шу сўзларни айтиб хонадан чиқмоқчи бўлди, бироқ кутилмаганда Болададаш шартта қўлини узатиб деворда, гилам устида осиглиқ турган қўшотар милтиқни олиб олди ва уни кўкрагига тираб Азизоғани мўлжаллади-да:

— Олдимга туш! — деб буюрди.

— Ҳой, бола! Эсингни еб қўйдингми?

— Олдимга туш, деялман сенга! — деди Болададаш тепкига бармоғини олиб бориб.

Азизога дўстининг чехраси қорайиб, кўзлари қонга тўлганини кўриб, кўрқиб кетди.

— Сенга нима бўлди, дўстим, сал ўзингни босиб ол! — деди у.

— Бундай пайтда майнавозчилик қилгани ёмон кўраман, буни ўзинг ҳам биласан. Шунинг учун яхшиликча олдимга туш!

— Қаёққа борамиз, ахир?

— Ҳаммомга!

— Бировнинг бошига етмоқчимисан? Увол бўлади, дўстим, бу ёқда Бека...

— Олдимга туш!

Азизога хаёлида Алиакбарнинг ота-бобоси гўрига гишт қалади. Ичида: «Сен, кўппак ўғли Алиакбар, аблаҳ бўлмасанг бошимизга шунча кулфат орттирасанми?! Узимиз энди оёққа туриб, оғзимиз ошга етганда шу ғавғони бошлайсанми?!», деди.

Азизога етти ой бурун, кўпдан буён ҳавас қилиб юрган ишга — автобус ҳайдовчиси вазифасига ўтган бўлиб, қишлоқдан Бокуга ва Бокудан қишлоққа одам таширди. Бу ишга уни оғир-вазмин шофёр бўлгани учун ўтказишган эди.

Азизога олдинда, қўлига қўшотар милтиқ ушлаган Болададаш орқада юриб уйдан чиққанларида, тўйолди ҳаммомига атаб ҳозирланган бўхчалар шундоққина жой-жойида қолиб кетаверди. Буни кўрган катта-кичининг ичига ғулуғла тушди. Ошпаз Ҳусанкул тут тагида бўзбош учун пиёз арчиб ўтирган эди. Олдинда ранги ўчган Азизога, унинг кетидан милтиқ ўқталган Болададашни кўриб, шўрлик ошпаз умрида биринчи марта пиёз қолиб қўлини кесиб олди. Соя-салқинда ўтириб олган маштоғалик хонанда ва созандалар чой ичиб, чилим чекиб, кечқурунги тўйга ҳозирлик кўрмоқда эдилар. Азизога билан Болададашни шу аҳволда кўриб улар ҳам қотиб қолишди. Аслида, улар Абшеронда жуда кўп тўйларни ўтказишган, бироқ бунақа воқеани биринчи бор кўришлари эди. Хотин-халаж йиғисига кўтарди. Ёш-яланг, бола-чақа Болададашларнинг кетидан эргашди. Дунёни сел олса тўпига чиқмайдиغان Амиркул эшиги олдида курагини тутнинг йўғон танасига ишқалаб ўтирар эди. У олдинда Азизога, орқада қўшотар милтиқ кўтарган Болададашни кўриб, текин томошадан қуруқ қолгиси келмади ва чулдираб кетаётган ёш-яланг, бола-чақа тўдасига бориб қўшилди. Бу хунук хабар

Оғабожининг қулоғига бориб етганида онаизор шундоққина икки юзини шилиб туширди. «Войдод! — деб бақирди у. — Уйим куйди, хонавайрон бўлдим! Болададаш ҳозир бориб ўша яшшамагур Алиакбарни ўлдириб қўяди!..» Шу аҳволда у югуриб ҳовлига чиқди.

Оғабобо бўлса, бир сўз айтмади, шунчаки қошлари чимирди холос. Тамакидан сарғайиб кетган бармоқлари билан сигаретни эзиб-эзиб, анжирнинг тагига улоқтирди, сўнгра янги сигарет тутатди. Кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай бу хабар Бекаларниқига ҳам етиб борди. Шўрлик қиз ўша заҳоти ўзидан кетиб йиқилди. Зубайда даллол бўлса, ачина-ачина: «Йигирма йилдан бери «Тўйда одам ўлдиришибди» деган хабар эшитмаган эдик. Сизигина Болададаш-а, энди ўзини ҳам ҳукумат отади», деб бошини тебратди.

«Болададаш қўлига қўшотар милтиқни олиб, олдига Азизоғани солиб, тўйолди ҳаммомига кетаётган эми» деган хабар ҳаммомдаги хонасида, ҳисоб-китоб баҳонасида эски қоғозларни титиб ўтирган Алиакбарга ҳам етиб бори албатта. Бир зумда ҳаммом мудирининг пайтавасига қўлушди. Тадбир билан иш кўриш кераклигини ҳам унутди. Бир кўнгли — югуриб қишлоқ совети идорасига бориб, ўш ердан район марказидаги укаси Оғабаримга кўнгли қилмоқчи бўлди, бироқ кўчага чиқишга юраги дов бермади. Даҳшатли бир кўрқув ичини каламушдек кемира бошлади. Кўнглида: «Уйинг куйсин, Малик! Семиз қорнингни трамвай тагида кўрай! Сенга ёндошиб қайси бир кўппак ўғли фойда кўриб эди?! Шунини билиб нега мен ноғорангга ўйнадим», деб ўқинди. Бир кўнгли — «Войдод, одамлар, ёрдам беринглар, бу жинни мени ўлдириб қўяди!», деб бақириб-чақирмоқчи бўлди, лекин Алиакбар қишлоқ аҳолисига ҳам ишонмади. Ҳаммомнинг кўча эшигини ичкаридан маҳкам беркитди, ўтирган кабинетининг эшигини ҳам ичкаридан қулфлаб қўйди. «Болададаш келиб шунча эшикни битта-битта синдиргунча, Сафар мелиса ҳам етиб келар», деб ўйлади у. Бироқ бу хабар Сафар мелисага етиб борганида Болададаш ҳаммом томон эмас, қишлоқдан чиқиб, денгиз қирғоғидаги қоялар томон йўл олганини Алиакбар ҳали билмас эди. Орқада қўшотар милтиқ ушлаган Болададаш, олдинда эса Азизога боришар, қишлоқнинг барча ёш-яланг уларнинг кетидан эргашган эди.

— Дўстим, милтиқингни сал нарироқ ол! Кетаялман-ку! Сен билан дўзахга қолди. Қоялар ҳам кетаверман, фақат милтиқингни пастга тушир...

— Овозингни ўчир!

Қишлоқ орқада қолди. Қояларни ҳам ортада қолдириб соҳилга яқинлашдилар.

Кузнинг ўша охириги, қуёшли кунда денгизнинг, қояларнинг, қумларнинг ва умуман шу томоннинг устида катта-катта оппоқ булутлар қотиб қолган эди, мана шу тўда-тўда оқ булутлар орасидан — ҳали у ердан, ҳали бу ердан биллурдек тиниқ осмон кўриниб қоларди. Денгиз кулранг, яшил тусда эди.

Қоялар ёнидан ўтиб қумликка етишлари билан Болададаш қўлидаги қўшотарни осмонга тўғрилади ва тепкини босди. Соҳилдаги сукунат — кузнинг охириги кунни шу зайлда бузилди. Болададаш милтиқни бир четга улоқтириб, йўл-йўлакай кийимини ечиб денгиз томонга югуриб кетди. Соҳилга етиши билан ўзини сувга олди. Болададашнинг асл мақсадига эндигина тушунган Азизога ва қишлоқнинг ёш-яланг, йигитлари хурсандчиликдан қийқира-қийқира, йўл-йўлакай ечина-ечина, қип-яланғоч бўлиб ўзларини денгизга ота бошладилар. Кузнинг охириги кунни экани ҳеч кимнинг эсига ҳам келмади, денгизнинг муздек сувини ҳеч ким писанд қилмади. Кузнинг ўша сўнги, қуёшли кунни соҳил бўйлаб бамайлихотир сузиб юрган балиқлар ҳам, кутилмаган шовқин-сурондан, шапир-шупур қилиб чўмилаётганлардан, денгиздаги қувончдан қочиб узоқ-узоқларга кетиб қолишди.

Шу ерда ғалати бир воқеа юз берди. Амиркул бор кучи билан сувдан тепага сакраб:

— Алиакбар, ҳей Алиакбар! — деб бақирди.

Шундан кейин чўмилаётганларнинг ҳаммаси олдинга бирин-бирин, кейин эса бараварига:

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар! — деб бақира бошладилар.

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

Бу шовқин-сурон, қўл-оёқларнинг сувдаги шапир-шупу-ига қўшилиб сентябрнинг ўрталаридан бери сукунат ўйнида бўлган, ёлғизгина шамолнинг ғувиллашию денгизнинг шовиллашини эшитиб ётган бепоён соҳил бўйлаб аралди. Чағалайлар ва бошқа балиқхўр қушлар гур-р этиб эмонга кўтарилишди. Улар соҳилдаги тўполоннинг сабабини тушунмадилар шекилли, чирқиллашиб, чўмилаётганларнинг тепасида айланаверишди.

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

Денгизда чўмилганлар Болададаш билан Азизоғани лдиларига солиб шовқин-сурон кўтариб қишлоққа қай-ишди. Эндиликда ҳамма гапдан хабардор бўлган қишлоқ ли ҳам «вакил ота» бошлиқ денгизда чўмилганларнинг ммасини шовқин-сурон билан кутиб олди.

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

— Алиакбар! Ҳей Алиакбар!

Денгизда чўмилганлар ҳаммомнинг олдига етганларида, элададаш тўхтади. Ҳамма нафасини ичига ютди. Болада-аш бўлса бор овози билан:

— Ҳей Алиакбар! Ҳаммоминг ўзинга сийлов! Мен денгизда чўмилиб келяпман! Энди менинг ўғлим... — эдию бу ёғига нима дейишини билмай қолди. Бироқ шу эрда антиқа бир сўз айтиб Алиакбарни мот қилиш кераклигини ҳис этди. — Менинг ўғлим... — Болададаш яна дудуқланиб қолди. — Менинг ўғлим... Менинг ўғлим сенинг сассиқ ҳаммомингга эмас, денгизга ўхшаган бўлади!

Шундан кейин ҳамма Болададашларникига — тўйхонага йўл олди.

Шу дамда Кумушмалик Алиакбарнинг ҳаммомидан анча узоқда эди. У шундай улуғ айём куни Алиакбардек аҳмоқнинг ҳаммоми олдига турганини халққа кўрсатгиси келмасди.

Ҳозинафар чойхоначининг ҳоли нима кечди, дерсиз. Худди ўша куни у аҳмоқ Алиакбар ҳаммоми яқинида турган эди. Ҳатосини тузатмоқчи бўлдими, сахийлиги тутиб кетдими, хуллас, тумонат одам ичида:

— Улай агар, Нажаф... сени ўзим бир ҳафта... — деди-ю, бироқ гапини охирига етказмади, чунки шундоқ ёнида туриб унинг сўзига қулоқ солаётган Амирқулни кўриб қолди. Сўнг чойхоначи Амирқулга ҳам мўрожаат қилиб сўзини якунлади: — Ҳей Амирқул, сени ҳам роппа-роса бир ҳафта чой билан меҳмон қиламан! Сизлардан бир тийин олиш йўқ, ўлай агар, албатта келинлар, азиз меҳмоним бўласизлар! Буни қаранг, хўб антиқа иш бўлди-ку!.. — деди у кулиб. Ҳозинафарнинг кулгидан ичаги узилар даражага етди шекилли, қорнини маҳкам чангаллаб, энгашиб қолди.

Кутубхоначи Нажаф қишлоқда адолат учун курашади-ганлардан бири эди. Унинг текинтомоққа ҳеч хуши йўқ эди, бироқ, бўлиб ўтган бу ҳангомадан кейин, ўша ҳалол Нажаф ҳам Ҳозинафарнинг «Бир ҳафта меҳмон қиламан!» деган таклифига кўнди ва:

— Борганим бўлсин, ofa! — деди кулиб.

1980 йилнинг ноябри





Асқар МАҲКАМОВ

Мактуб

Соҳилларда оҳ урган дарё,
Ёввошгина тинган кунларда,
Ва шамоллар тўзгин, бенаво,
Бошин олиб кетган тунларда,
Умидингни узма, қайтарман.

Қизғалдоқнинг қонранг япроғи,
Узилганда бандидан чатнаб.
Бир бувимнинг хира чироғи
Даричада қолгач қалтираб,
Умидингни узма, қайтарман.

Ловиллаган юлдузли оқшом,
Олов солиб совуқ кўнгилга.
Топайин деб сендан бир нишон,
Оёқяланг чиқарман йўлга...
Умидингни узма, қайтарман.



* * *

Ташлаб кетар қатор турналар,
Кетар сарсон, кетар саргардон.
«Хайр энди, арқоқ кўчалар,
Хайр энди, маънос баргрэзон...»

Ташлаб кетар қатор турналар,
Кетар карвон, кетар бесарбон.
«Хайр энди, ёруғ ўлкалар,
Хайр, кечган, кечгувчи даврон!...»

Ташлаб кетар қатор турналар,
Кетар тўنيқ, чувалган хаёл.
«Хайр, энди, бизни суйганлар,
Хайр энди, турнаваш аёл!...»

Шеърларда

Узоқ-узоқ кездим мен бу ерларда,
Хотиралар айтдим дарёларга жим.
Дарё, дарё, дедим фақат шеърларда,
Бироқ дарё бўлиб кета олмадим.

Олис-олис кездим мен бу ерларда,
Сайёҳ шамолларга қулоқ тутдим жим.
Шамол, шамол, дедим фақат шеърларда,
Бироқ шамол бўлиб ела олмадим.

Пинҳон-пинҳон кездим мен бу ерларда,
Баланд чўққиларга етмагач қаддим.
Оҳу, оҳу, дедим фақат шеърларда,
Бироқ, оҳуларга ета олмадим.

«Ёмғир, ёмғир, ёмғир ва ёмғир»


Унут кунлар аро ўтганда,
Ўша кундан ёшлар олиб қол.
Мени барча жим унутганда,
Ёмғир аро ёлғиз ёдга ол.

Йўлим олис. Бора олмайман,
Ёмғир эса ёғар ситилиб.
Энди сени топа олмайман,
Сочларингдай кетдик титилиб...

Юрагимнинг қай бир кунжига,
Ёмғир ёғар тошдан ҳам оғир.
Афсонамиз етди сўнгигига,
Ёмғир эса, ёғмоқда ёмғир.

Унут кунлар аро ўтма, бас,
Бўлмасам ҳам юрагим оғир.
Туманларда намиққан нафас,
Ёмғир, ёмғир, ёмғир ва ёмғир.





Дилмурод Шокиров

Билишмас экан

— Нега баргга ўч
Бу пилла қуртлар?
Ширин тутлардан
Емасми улар?—
Деб акасидан
Сўрайди Ашур.
Лунжи тўла тут,
Тушунтирар Нур:
— Оҳ, оҳ маззасин
Билишса эди,
Пилла қуртлар ҳам
Ука, тут ерди...



«Тутиб келаман»

— Уйқум қочиб кетди-я!—
Деган эди Хур ая.
Кенжатоийи Матёқуб
Сўраб қолди ҳовлиқиб:
— Қайга қочди уйқунгиз.
Тезроқ айтинг, еламан.
Узоқ кетиб қолмасин,
Дарров тутиб келаман...

Қуёнда юррак йўқ-ку!

— Овдан қайтдим, укажон.
Омад ҳам кулиб боқди.
Тўйдим қуён гўштига,
Юраги жуда ёқди.

— Кўп мақтаманг, акажон,
Тўғри сўзлаш керак-да,
Қуёнда «юррак» йўқ-ку! —
Уқиганман эртакда...

«Тут егани келгандим»

Бувиси Мирғанини
Кувониб кутиб олди.
— Кишлоққа меҳмон бўлиб
Келибсан-да, — деб қолди.

Шунда шошиб, ҳовлиқиб:
— Йўқ, йўқ, — деди Мирғани.
— Меҳмон бўлиб келмадим,
Келганман... тут егани...



Совуқ эмас...

— Совуқ ема,
«ТОМОҒИМ
Оғрияпти», деясан!?
— Совуқ эмас, ойижон,
Музқаймоқни еяман...

Сув бўлса...

— Кизиқ, нега балиқлар
Гапирмаскин, Тўхтасин?
— Оғзи тўла сув бўлса
Қандай қилиб гапирсин!..



Юсуф Латиф

ЮРАКНИНГ ТҮРТ САНЧИҒИ

1. Кубан олмалари



Б у воқеа ўтган йили сентябрь ойининг бошларида рўй берган эди. Янги аэропорт биноси олдида такси кутаётгандик. Ешгина жувон бизга яқинлашиб, ҳарбий госпитал қаердалигини суриштириб қолди.

— Айтишларича, Туркистон ҳарбий округи штабига яқин жойда эмиш. Уша атрофларда бўлса керак, — деди у.

— Йўлимиз бир экан, — деди ҳамроҳларимиздан биттаси жувонга «ташвишланманг» дегандай босиқ оҳангда.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганлиги, таксига навбатга турганларнинг ҳали-вери адо бўлмаслигини ҳисобга олиб бошқа машина кира қилиб, йўлга тушдик. Йўл-йўлакай жувондан Тошкентга келиш сабабларини сўраддик. У бир зум сукут сақлаб, сўнг қисқача гапириб берди. Айтишича, турмуш ўртоғи офицер экан. Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтаётганида тасодифан жароҳатланиб госпиталга тушибди. Жувон бу хабарни эшитган заҳотиёқ нари-бери йўл тадоригини кўриб, Тошкентга учган.

— Буни қаранг-а, жароҳати тузалай деб қолганда менга хат ёзиб ўтирибди, — дерди у куйиниб.

— Сизни овора қилмай, ташвишга қўймай, деган-да...

— Овораси борми, — деди у. — Шундай пайтда ёнида мендан бўлак ким бўлиши мумкин. Узи феъли шунақароқ... Кенгроқ.

Жувонни ортиқча куйинтириб қўймаслик учун гап мавзунини бошқа ёққа бурдик. Унинг Тошкентга илк бор келаётганлигини пайқаб қолган сўзамол ҳамроҳимиз кўзга ташланган ҳар бир биною кўча, майдонча ҳақида тўлқинланиб гапирар, тўғрироғи, ҳаммасини ўзи қилиб қўйгандек мақтанарди. Назаримда ўша оқшом Тошкент бошқача чирой касб этган, ўзгача либос кийган, нурга тўлган, янаям яшнаб-яшариб кетгандек туюлганди. Ҳаммамиз меҳмонга Тошкентнинг ёқиб қолишини истардик. У госпиталда ётган эрининг олдида борганида ёки Кубанга қайтганида «Тошкент — жуда яхши! Одамлари ундан ҳам яхши!» деб айтишини жуда-жуда истардик.

Бир пайт жувон сумкасини кавлаштира бошлади. Олманинг ушбўй ҳиди таралди.

— Ҳозир мен сизларни меҳмон қиламан, — деди у.

Биз «меҳмондорчилик»дан бош тортидик.

— Бу Кубан олмалари, — деди у бизни қистаб.

Раҳмат айтиб, ноилож «мезбон»нинг измига бўйсундик. У олмага қўшиб ниманидир бизга тортиқ қилди. Буни сўз билан айтиш қийин, аммо ўша жувон ҳадея этган Кубан олмаларини ҳидлаб кўргач, қалбингиз уни чуқур ҳис этади.

Юкларимизни ётоқхона комендант ҳузурига қолдириб, жувонни «Саёҳат» меҳмонхонасига жойлаштиришга яёв равона бўлдик. Меҳмонхонага яқинлашарканмиз, нимқоронғи хиёбондаги дарахт тагида мук тушиб ётган аёлни кўриб бир зум қотиб қолдик. Турли хаёлларга бориб, сўзамол ҳамроҳим билан ёрдамга шошилдик. Дёл ётган жойга икки-уч қадам қолганида у қимирлаб, қаттиқ ўқчиди. Димоғимга ёқимсиз, кўнгилни айнитувчи ароқ исси урилди. Ҳамроҳим юзини тириштириб, бошини четга бурди ва:

— Кетдик-е, қўйинг шунини! — деди кескин қўл силтаб.

Жувонни меҳмонхонага жойлаштириб, ётоқхонага қайтдик. Йўл-йўлакай бирор оғиз гап-сўз айтилмади. Ҳаммамиз жим эдик. Ҳаммамиз Кубан олмаларининг ҳидини йўқотиб қўйгандик.

2. Тутдай тўкилган одам

У билан илк сўхбатимиздаёқ шу нарса маълум бўлдикки, ўттиз йилдан буён ичаркан. Шунданми, унинг хиёл қисик, ширакайф кўзларининг мойлангандек йилтиллаб туриши хаёлимга қаттиқ ўрнашиб қолди.

У ўттиз йил сурункасига ичиб нималарга эришганлигини билмайман. Бироқ нималарни йўқотганлигини, нимасидан жудо бўлганлигини биламан. Энг аввало у ор-номусдан айрилди, саломатлигини йўқотди, фарзандларининг бахтига зомин бўлди. Эндилқда инсонлик шаън-шавкати тутдай тўкилиб, бир алфозда ризқини териб юрибди.

Бу одамнинг топиш-тутиши жойида. Урганчдаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлайди. Айтишича, ойлик маоши беш юз-олти юз сўмдан кам эмас эмиш. Лекин ҳануз бири икки бўлмайди. Негадир рўзгорнинг қут-баракаси ўчган. Товуқ катагидек жойда яшашади. Хоналарнинг биттасида у ва хотини, эридан ажрашган қизи ва унинг ўғилчаси, тагин кичик қизи бирга туришади. Иккинчи хона — кичик ўғилга ва унинг хотинига ажратилган. Катта ўғил бола-чақаси билан ижарага чиқиб кетишган.

Ўттиз йил олдин у оз-оздан, шунчаки, кўнгилхушлик учун ичарди. Кейинчалик даярли ҳар куни ичиб келадиган одат чиқарди. Тирмичиликнинг бетўхтов югур-югури жонига теккан аёл эрини йўлга солишга уриниб кўрди. Фойдаси бўлмади. Оила бошлиғи ўз йўлига, оиланинг бошқа аъзолари ўз билган йўлларига кириб кетишди. Катта қиз гоҳ-гоҳ ишдан бемаҳалда қайтадиган бўлди. Онанинг гап-сўзлари у қулоғидан кириб, бунисидан чиқади. Парвойига келтирмайди. Қулоғида, бармоқларида тилла зирағу узуқлар пайдо бўла бошлади. Хуллас, сал фурсат ўтмай ота-онани доғда қолдирди. Тўрт болали йигитга — безори-киссавурга қўшилиб қочиб кетди. Орадан бирор йил вақт ўтгач, киссавур қўлга тушиб қамалди. Қиз ўғилчаси билан тагин ўз уйига бутунлай қайтиб келди.

Ота ҳамон аввалгидек ичарди. Топган-тутгани ароққа сарф бўларди.

Кейинги пайтларда у бошқача бўлиб қолди. Қўшнилариининг эшитиб қолишидан ҳам тап тортмай, қизини уятсиз сўзлар билан сўкадиган бўлди.

— Номусдан ўлдиридинг-ку, урғочи! — дея қичқирарди у даргазаб бўлиб. — Йўқол, бу уйдан!

Қўшнилариининг гапига қараганда у фақат номуни топталганидан газабланмас экан. Асл сабаби: қизи кечқурунлари унинг чўнтагидаги пуллардан ўғирлар эмиш! Балки бунинг бошқа сабаби ҳам бордир. Уйларининг атрофида ўралашиб қолган

нотаниш йигитларни тез-тез кўравериб шубҳаланаётгандир!..

У қизини сўққанида, номусдан гап очганида жанжалга хотини ҳам аралашарди.

— Утир-е, кўп қичқирма! — дерди у қўлларини пахса қилиб. — Уттиз йил бурун йўқотдинг сен номусни. Ҳамма номусдан гапирса ҳам сен тилингни тий!

У хотинига бас келолмас, сўқинганча кўчага чиқиб кетарди. Тагига синиқ қутини қўйиб, бўйинини ичига тортган кўйи ўтирар, қанордай кенг камзули ушоққина жуссасидан сирғалиб тушиб қолаётгандек туюларди. Ана шу камзул ичидаги бу ожиз вужуднинг дув тўкилиб бораётганини ҳеч ким пайқамасди. Фақат унинг хиёл қисқиб, мойлангандек йилтиллаб турувчи ширакайф кўзлари бир кўришдаёқ хаёлингизга ўрнашиб қолади.

3. Қайтим

Талабалик йиллари Қори Ишқамбадан юз чандон зиқналик қилишинга, баъзан Ҳотамдан минг чандон сахий бўлишинга тўғри келиб қолади. Шундай муҳтожлик кунларининг бирида бўлиб ўтган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Ушанда чўнтагимда уч сўм пул ва бир талай майда чақалар қолганди. Уникига бориб анча суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин мен қайтадиган бўлдим. У ҳам бирор ёққа бормоқчи, шекилли, биргаликда йўлга чиқди. Таксига тушиб кетишни таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Машина Урдага етганда ҳамроҳим «тушамиз» дегандай ўридан қўзғалди. Такси йўл чеккасига чиқиб тўхтади. Машинадан тушиб унга пул узатдим. У орқа ўриндиқдан чиқаётиб қўлимдан уч сўмликни олиб ҳайдовчига узатди. Бу пулга беш-олти кун «ожон» сақлашим мумкинлигини эслаб бехосдан ҳаяжонлана бошладим. Узимни пича босиб олишга тиришиб, у ёқ-бу ёққа назар ташлаган бўлдим. Ҳайдовчи унга бир сўм қайтиб берганини кўриб, юрагимнинг ҳоври сал босилди. Бироқ ҳамроҳим қайтимни қисимига яшириб, машинадан чиқди. Мени чалғитмоқчи бўлгандай ияги билан нималарнидир кўрсатди. Унинг қўллари яшин тезлигида чўнтагига кириб-чиққанлигини кўз қири билан кўриб қолдим. У ўз ҳаракатларини пардалашга интилиб, шимини кўтариб қўйган бўлди. Боя мушт бўлиб тугилган ва бир сўмликни яширган қўлини хайрлашгани чўзди. Яна аввалгидек кулимсираб қўйди. Узатилган кафтим унинг муштига тўқнаш келди. Бундай қарасам, у ҳалиям муштини тугиб турарди.

— Келиб туринг! — деди у мушти билан қорнимга турткилаб ва ғалати алфозда совуқ жилмайди...

Бу одамнинг ҳаёти билан яхши танишман. Лекин унинг кимлигини аниқ билмасдим. Бўлиб ўтган воқеа у ҳақда жиддий ўйлаб кўришимга туртки бўлди.

У ҳаддан зиёд кўп ичади. Кун бўйи ароқдан бош кўтармас, қанчалик кўп ичса, шунчалик яхши. Ичмаган кунлари калавасининг учини йўқотгандай гаранг бўлиб юради. Кўп ичишининг сабабини суриштириб сўрасангиз, «дардимни енгиллатиш учун» деб жавоб беради. Бошқаларнинг дарди-ташвиши сизниқидан камми, дардсиз одам борми, дейман. Балки бу иродасизликдир. Иродангиз бўшлиги туфайли дардингизни енгиллатиш чорасини излаб топгандирсиз. Узингизга вақтинча

жаннат яратиб олмоқчимсиз! Ҳамма нарсани унутишни, роҳат-фароғатни истайсизми! Нималар эвазига! Сиз тухумдан чиқишни асло истамайдиган жўжага ўхшайсиз! Эҳтиёт бўлинг, увол бўласиз!.. Сиздаги бу худбинлик руҳнинг ланжлигидан!

— У менинг соғлигимни, болаларнинг соғлигини ичиб бўлди, — дея зорланади унинг турмуш ўртоғи. — Ҳаммасини ичди. Эшик тақилласа дир-дир титрайман. Яна ким қарзини сўраб келдийкин, деб кўрқаман. Ундан минг сўм, бундан икки минг сўм олиб, ичаверган. Энди билсам бўғзимизгача қарзга ботиб қолибмиз. «Қачон тўлайсиз, буларни! Қанақа қилиб тўлайсиз!» дейман зорланиб. У бўлса пинагини бузмасдан «Яқинда квартира беришади. Бу ўйни сотиб, қарзларни узамиз» дейди. Қачон квартира беришади, қачон қарзларни узиб, одамларга ўхшаб яшаймиз, билмайман. Тўйиб кетдим шу ҳаётдан!..

Етти-саккиз йил олдин бу жувон шундай кунлар бошига тушишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ота-онасининг қаршилигини синдириб, «фақат ўшанга розиман» дея оёқ тираб туриб олганди. Энди ўша кунларни эсласа, алаmidан ўт чиқади.

Ранги сомон, кўзлари мунг билан тўла бу жувоннинг на уйда, на кўча-кўйда бирор марта кулиб гапирганини ёхуд болаларга қўшилиб ўйнаётган ўғилчасини завқланиб кузатганини кўрмадим. Ҳаммасига унинг эри сабабчи эканлигини биламан. Бу дилозор ва худбин одамнинг, «эркакман» деб телпак кийиб юрган бу пасткаш зотнинг ёқасидан ушлаб, «Эй, номард, сен бутун дардларингни шу аёлнинг бошига соляпсан! Ниҳолдай нозик фарзандларингга тиргак бўлиш ўрнига балчиққа ағанаяпсан! Ҳайф сенга инсонлик! Ҳайф сенга эркаклик!» дегим келади. Шу сўзларни юзларига тарсакидай ургим келади!..

Қайтим воқеасига келсак, ўшанда у «камбағал» студентдан ҳам ночорроқ аҳволга тушиб қолган бўлиши мумкин.


4. Юракнинг тўртинчи санчиги

Юракнинг дукиллашига қулоқ тутганмисиз! Унинг бутун умрингиз давомида шундай бетўхтов уриб туришини тасаввур этолсангиз, қўрқиб кетасиз. Уни аямоқчи, асрамоқчи бўласиз. Ҳар хил нарсаларни юракка яқин олмасликка тиришасиз. Лоқайд бўлгингиз келади...

Дарвоқе, юрак нега санчиб оғриydi! Кубан олмаларининг хушбўй ҳидини йўқотиб, унинг илк бор санчгани эсимда. Дув тўкилган одам — унинг иккинчи санчигани. Оиласини но-чорликдан но-чорликка ташлаб юрган кимса — юракнинг учинчи бор санчишига сабаб бўлди!

Баъзан беш яшар ўғлим ўзидан сал каттароқ акиси билан пиёладаги чойни чўқиштириб ичишади. Мен куламан ва жиддий ўйлаб қоламан. Бу кулгу эртага йиғига айланмайдими! Бу майда нарсами! Шу майда нарсалар ҳаётдаги фожияларнинг уруғлари эмасми!! Улар қай тарзда униб чиқишяпти! Агар сиз бу ҳақда ўйламасангиз... Бу — юракнинг тўртинчи санчиги. Бу лоқайдлик!

Юрак Инсон деб аталмиш хилқатнинг вужудига томир ёйган. У тўртинчи бор санчганида бу томирлар йиғилиб, кўксингизда муштдай тош қотади. Юрагингиз тошга айланмасин, одамлар!



Ўзбекистон Фанлар академияси Кибернетика илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасининг медицина кибернетикаси лабораторияси катта илмий ходими, медицина фанлари доктори, тажрибали кўз шифокори Холиджон Комилов.

А. ЖУМАЕВ фотоси



Қодиржон Собиров

Ҳамдам, ҳамқадам бўл!

Агар тақдир одамга саховат кўрсатиб, дунёдаги энг буюк бахтни тортқ қилмоқчи бўлса, уни садоқатли дўстлар билан сийлайди.

Эрнст ТЕЛЬМАН

Кумушранг «ЯК—40» аслида Андижонга қўйиши керак эди. Лекин ҳаво туман бўлгани тўфайли Андижон қабул қилмай Наманганга қўнди. Самолетдан тушганимизда қоронғу тушиб, осмонда юлдузлар милтирай бошлаганди. Ана ташвишу мана ташвиш: Андижонга қандай етиб олдик энди! Автобуслар тўхтаган. Такси эса... такси ҳайдовчилар бундай пайтда чўнтагингизни қоқлаб олиш пайдан бўлади...

— «Лола»га борайлик, — таклиф қилди самолётда ёнма-ён ўтириб келган қошлари қуюқ, ўрта яшар киши. Икки соатдан бери ёнимда мум тишлагандай индамай келган одам, бирдан гап бошлаганини кўринг.

— Нима у, рестораними! — сўрадим мен.

— Йўқ, — деди у, — шаҳар четидаги автостанция. Андижонга борасизми сиз ҳам! Уша ерда йўловчи машиналар кўп бўлади. Бир соатдан сўнг биз у билан қандайдир «Жигули»нинг саломида чайқалиб борардик. Ҳамроҳим ярим ўғирилди.

— Йўл узоқ. Сизга бир нарса гапириб берайми!

— Майли, — дедим, — жоним билан эшитаман.

У дўстлик оқибати ҳақида эсда қоларли бир ҳикоя сўзлаб берди. Уни мен ўзимча ИМТИҲОН деб атадим.

...Насимжон [у менинг ҳамроҳим] Дадажон билан университетдош эди. Улар талабаликнинг оғирини ҳам, енгилини ҳам бирга тотишди. Охирги курсларга боргач, туғишган ака-укадан ҳам қалин бўлиб кетдилар. «Ишқилиб кўз тегмасин» дейишарди уларнинг аҳиллигини кўрган дўстлари.

Икки талаба адлия ходимлари бўлиб, мустақил ҳаётга қадам қўйганларидан кейин ҳам аввалгидай дўст бўлиб қолишди. Орада бир неча юз километр масофа бўлишига қарамай, борди-келди қилиб туришди. Насимжон Андижонда, ўз раёонида милиция терговчиси бўлиб, Дадажон эса Тошкент области районларидан бирида, ички ишлар органида хизмат қиларди.

Кунларнинг бирида Насимжон дўстининг дадаси — Баҳридин акадан ташвишли хат олди.

«Сиз ўғлимнинг энг яқин дўстисиз, — деб ёзибди Баҳридин ака, — унга фақат сизгина ёрдам беришингиз мумкин, холос. Ҳозир Дадажоннинг бошига оғир иш тушган. Органдан четлаштирилган... Кўнгли бўш эмасми, бировга, арзимайдиган, пасткаш одамга яхшилик қиламан деб шу аҳволга тушиб қолди... Ичяпти, алаmidан ичяпти, тинмай ичяпти. Хотини болаларини олиб кетиб қолди.

— Бир келинг, Насимжон! Узингиз йўлга солиб кетинг, дўстингизни. У сизни ҳурмат қилади. Гапингизга киради...»

Насимжон бир ҳафта ўтар-ўтмаёқ дўстининг ёнига етиб борди. Баҳридин ака билан гаплашиб, бор воқеадан воқиф бўлди. Кимнингдир шикояти бўйича у район магазинларидан бирини текширган экан. Катта миқдорда камомад чиқибди.

— Жон ака, — деб ялинибди магазин мудирини, — ҳаммасини кўрсатманг, илтимос. Яқинда отам оламдан ўтган эди. Дафн маросимига оз-моз харажат қилгандим. Сиз ҳам инсон боласисиз-ку! Кечиринг, икки куннинг ичида тўғрилаб қўяман.

Кўнгли бўш Дадажон кўнибди. Аммо ҳалиги одам икки кунда ҳам, уч кунда ҳам камомадни «тўғрилаб» қўелмабди. Такрор юборилган ревизияда ҳам худди шу нарса аён бўлибди.

Маълум бўлишича, бу аблахнинг ҳеч қандай отаси ўлган эмас, балки магазиннинг пулини қиморга бой бериб қўйган экан.

Дадажонни ишдан бўшатишибди. Турган гап, кишининг остидан лавозим курсиси кетгач, атрофдагиларнинг ҳам унга муносабати ўзгара бошлайди. Кунни кеча давраларнинг гули, мақтовларнинг қули бўлган Дадажон бугун бир четга чиқиб қолди... Бу, таъбир жойиз бўлса, катта имтиҳон эди, қатъиятлик, руҳан мард бўлиш, тушкунликка тобе бўлмаслик йўлидаги ўзига хос имтиҳон эди. Аммо, афсус, университетда нуқул «беш» баҳога ўқиган Дадажон бу ҳаёт имтиҳонидан гурс этиб йиқилди. Шиншага ружу қўйди.

...Насимжон дўстини ресторандан қидириб топди. Дадажоннинг кўзлари киртайиб қолган, сочларига оқ оралаган, соқоли тиканак бўлиб кетган эди. Насимжонни зўрға таниди. Хира кўзларида ёш кўринди.

Ресторанда бирга ўтирдилар. Дадажон официанткага «пулни эртага олмасиз» деди. Насимжон «йўқ, тўхта» дея ўзи тўлади.

— Юр, ўйинга таклиф эт мени, — илтимос қилди у. Дўсти номлож ўридан турди.

Совуқ, ҳувиллаган, фариштаси йўқ кулбада Дадажон ўз бошидан ўтганларни сўзлай бошлади.

— Керак эмас, — деди Насимжон, — ҳаммасини эшитдим. Дўсти шкафага қўл чўзди. Яримта ароқ қолган экан, олмақчи бўлди.

— У ҳам керак эмас, — деди қатъий қилиб Насимжон, — бугундан бошлаб шу нарсагни унутасан. Узингни қўлга ол, дўстим. Ахир эр кишисан-ку!

Насимжон дўстиникида уч кун туриб қолди. Дадажонни ота-оналари ёнига олиб кетиб, иккинчи бор ичкиликни оғзига олмасликка қасамёд қилдирди. Сўнг, хайрлашув олдидан унга қаердадир эшитгани ИККИ ДОНА ҚУТИЧА ҳақидаги ҳикояни сўзлаб берди.

Қадим замонларда бир савдогар ўтган экан. Унинг яқкаю ёлғиз, эрка ўсган танти бир ўғли бўларкан. Вақти-соати етиб, ота оламдан кўз юмиши олдидан ўғлини ёнига чақирибди:

— Ўғлим, — дея насиҳат қилибди ота, — қазонимга қўзим етиб қолди. Сенга икки оғиз галим, яхшилаб қулоқ сол. Оз-моз даромадим бор эди, мана бу жойда, сенга ташлаб кетяпман. Ундан ташқари, сенга аталган иккита қутича ҳам бор. Бири бахтли кунларингда, бири эса оғир кунларингда асқотади. Чапдагисини шодликка тўлган, қувончдан ўзингни қаерга қўйишни билмай қолган кунларингда очасан. Унгадгисини эса энг қайғули кунларни бошдан кечираётган пайтингда очасан.

Шундай дея, ота оламдан кўз юмибди. Отадан анчагина мол-дунё қолган экан. Ўғил кайф-сафо қилиб юраверибди. Ўз ёнига яқин ҳамтоволарини йиғибди. Ҳар кунини маишатбозлик, ўйин-кулги билан ўтказаверибди.

Пул қўп — улфатлар ҳам кўп. Кунлардан бирида ўғил кайф

устиди ўйлаб қолибди: «Отам иккита қутича ташлаб кетган эди. Бирини шодликдан ўзининг йўқотиб қўйган кунингда очасан, деган эди. Қани, кўрайликчи, нима бор экан унда! Балки, яна оз-моз олтин бўлса ажаб эмас...»

У дўстлари билан келиб, чапдаги қутичани астагина оёғи билан тепибди. Қутича очилиб кетибди. Ўғил қараса, қутичада ҳеч вақо йўқ эмиш. Фақат унинг тубидаги бир энлик оқ қоғозга кўзи тушибди. Қоғозни қўлга олиб, ўқибди: «Ўғлим, бу кунлар ҳам ўтиб кетади» деб ёзилган экан қоғозда. Ўғил бундан ҳеч нарса тушунмабди.

«Одам кексайганда бир оз ақлдан озиб қолади, деганлари тўғри экан, — ўйланибди йигит — дадам ҳам бир оз айниб қолган экан, лақма чол!» Шундай деб, у қутичани оёғи билан бир тепибди-да, ишайганча ҳамтовоқлари билан бирга маишатини давом эттиргани жўнаб кетибди.

Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтибди. Отадан қолган мол-дунё улфатлар билан биргаликда бўлган зиёфатларда соб бўлибди. Пул йўқ — ошна-оғайни ҳам кам. Энди ундан энг яқин оғайнилари ҳам юз ўғира бошлабди. Қараса, чўнтагида ҳемири ҳам йўқ. Йигитнинг кўнгли чўкибди. Яшашдан нима фойда! Уз жонига қасд қилмоқчи бўлибди. Аммо сўнги дақиқада отаси қолдириб кетган яна битта қути ёдига тушибди. «Қора кунларингда очасан деган эди, — ўйлабди ўғил. — Балки мана шу кунларимни ўйлаб оз-моз олтин қўйиб кетгандир».

У авайлаб, эъозлаб иккинчи қутини очибди. Қараса — ҳеч вақо йўқ. Фақат унинг тубида икки буклоғлик қоғоз ётганмиш. Ўғил қоғозни қўлга олиб кўздан кечирибди. Бу бир парча қоғозда ҳам айнан илгариги сўзлар ёзилган экан. «Ўғлим, бу кунлар ҳам ўтиб кетади».

...Насимжон дўсти билан хайрлашиш олдидан мана шу ривоятни айтиб берди.

— Бу кунлар ҳам ўтиб кетади, дўстим, — деди у Дада-жоннинг елкасига қоқиб. — Фақат тоқатли бўл, матонатли бўл. Бу, агар билсанг, сенинг учун ҳаёт имтиҳони.

Ҳамроҳим ўз сўзини яқунлар экан, деди:

— Шу воқеага роса бир йил бўлди. Бир йил ўзини билган одамга катта муддат. Ҳозир дўстимникидан келяпман. Унинг турмушини кўриб хурсанд бўлдим. Ўзини қўлга ола билибди. Обрўли ташкилотлардан биринда ишляпти экан. Хотин, бола-чақаси қайтиб келибди. Бир икки кун уйда гурунглашди. «Бу кунлар ҳам ўтиб кетади» — дедим мен ҳазиллашиб. «Йўқ, ўтмасин, — деди Дадажон чин кўнгилдан, — мана шу кунларимиз биз билан бир умр қолсин. Ортиқча ҳеч нарса керак эмас...»

Бу ҳикоя менга қирғиз халқининг ҚУЛОҚ ТИШЛАТИБ ДУСТ ТУТИНТИРИШ ҳақидаги удумини эслатди.

Бир гуруҳ қаламкашлар билан Арслонбобда бўлдик. Қирғиз дўстларимиз билан сўлим ўрмонзор орасидаги боғ ҳовлида тонг отар суҳбат кўрдик. Ўрмон хўжалиги директори — барвастандан келган, қуюқ қош одам — бизларга ўз қўли билан қимиз қўйиб узатарди.

Бирдан боғ кўча томондаги эшик «ғийқ» этиб очилди-да, соқоллари ўсган, елкасига санач (қимиз қўйилган тери қоп) ташлаган киши кириб келди.

— Шу ўрмоннинг қоровули, — изоҳ берди қирғиз дўстларимиздан бири. — У директорнинг қулоқ тишлашган дўсти бўлади.

Ўрмон қоровули директорнинг ёнига ўтирди ва унга «сен»лаб мурожаат қила бошлади.

— Меҳмонлар келади деб хабар бериб қўйсанг, яхшироқ тайёргарлик кўриб турардик...

Дўстларимиз қирғиз халқининг қадимий удуми — қулоқ тишлаб дўст тутинтириш удуми ҳақида гапириб беришди.

Айталик, иккита кўнгли бир-бирга яқин одам бор. Улар ўз ўғилларининг ҳам дўст бўлишларини истайдилар. Уларга болалик чоғларида бир-бирларининг қулоқларини тишлаб қўядилар. Шу билан бу болаларнинг иккаласи бир умр дўст тутинадилар. Энг қизиғи: ана шу «қулоқ тишлашган» дўстлар қандай мавқега эга бўлишмасин, ким бўлиб ишлашмасин иккаласининг ҳақ-ҳуқуқи тенг бўлади. Улар туғишган ака-укалардан ҳам яқин бўладилар. Мабодо биронтасининг бошига иш тушса, иккинчиси жонини бериб бўлса ҳам унинг мушкулоти-ни енгиллатишга мажбур. Бировининг умри қисқа бўлиб, ёруғ оламдан эртароқ кўз юмар бўлса, дўсти унинг оиласи, бола-чақаси тақдирининг уйда кафилини олади.

— Бундай дўстларни қоп кўтарган дўстлар дейиш мум-

кин, — сўз қотди биз билан келган қаламкаш дўстларимиздан бири. Ана шундан сўнг мен ҚОП КЎТАРГАН ОДАМ ҳақидаги ривоятни тингладим.

Бир одамнинг ўғли мақтанчоқлик билан дебди:

— Дада, менинг дўстларим жуда зўр-да!

— Мен уларни ўз кўзларим билан кўрмагунча ишонмайман, — дебди ота. — Ҳа, унчалик бўлса олиб кел, ўша дўстларингни. Яқиндан танишайлик.

Ўғил «хўп» дебди. Кунлардан бирида у ўн чоғли дўстини уйга етаклаб келиб, қуюқ зиёфат берибди. Йигитлар ўйин-қулги, аския қилишибди. Хўп яйрашибди. Ота уларни зимдан кузатиб турган экан. Тун ярим бўлиб, ҳамма улфатлар ширакайф ҳолда уй-уйига тарқалишибди.

— Кўрдингизми, дада, қандай азамат дўстларим бор! — тақрорлабди ўғил. — Уларнинг ҳар бири керак бўлса мен учун жонини беради.

— Кўрамиз, — дебди ота сирли жилмайиб.

Орадан бирор соат ўтказиб, ота сўрабди.

— Уша дўстларингдан сенга яқини ким!

— Нормамат, — дебди ўғил, — менинг ёнимда ўтиргани.

— Уйини биласан-а!

— Ҳа, албатта.

— Бор ўғлим, кўрага киргин-да битта қўй етаклаб чиқ.

Ўғил отанинг айтганини қилибди. Ота қўйнинг бўзига шу дамдаёқ пичоқ тортибди. Қони оқиб турган ҳолда бир қопга тиқибди. Қопни елкасига ташлабди.

— Қани, кетдик, ўғлим, ўша Нормаматларникига.

Ўғил ҳеч нарсага тушунмай отасига эргашиб бораверибди. Ота Нормаматларникига етиб келибди-да, дарвозани тақиллатибди. Уйқусираган Нормамат «Ҳа, нима гап!» дея ҳовлиқиб чиқибди.

— Э, жиян ёмон иш бўлди, — дебди ота елкасидagi қопга ишора қилиб, — сизлар чиқиб кетгандан сўнг дўстингиз, яъни менинг ўғлим, сал кайфи ошиб қолган экан, кўчага чиқиб, бир нотаниш одамга пичоқ суқиб олди. Уша одамнинг танаси мана шу қолда. Нима қилсан экан! Келинг, жиян, шу тонг отгунча қопни сизнинг ҳовлингизга қўйиб турайлик-да, марҳумнинг қариндош-уруғини излайлик. Майлими, жиян!

Нормаматнинг бирдан кайфи тарқаб:

— Э, тоға, бундай галла ишларга тоқатим йўқ. Ўзларингиз пиширган ошни ўзларингиз еяверинглар, — дебди қўлини силтаб.

Шу сўзлар билан у эшикни «тарс» этиб орқасидан ёпибди.

— Битта ишонган дўстингнинг аҳволи мана бу, — дебди ота ўғлига қараб, — қани, иккинчи ишонган дўстинг ким!

— Хайитмурод, — жавоб берибди ланж бўлган ўғил.

— Кетдик, юр!

Хайитмурод ҳам кўзларини ишқалаб чиқибди.

— Тинчликми!

— Йўқ, тинчлик эмас!

Ота ҳалигина Нормаматга айтган гапларини тақрорлабди:

«Қопни тонг отгунча шу ерга қўйиб турайлик».

Хайитмуроднинг жаҳли чиқибди.

— Уйингизда бир коса шароб ичиб, балога қолдимми! Энди мени ҳам ўз жиноятларинга шерик қилмоқчимисизлар!

— Кетдик, ўғлим, — дебди ота, — учинчи ишонган дўстинг ким! Тарвузи қўлтиғидан тушган ўғил зўрға жавоб қилибди:

— Султонбой.

— Кетдик Султонбойникига.

Султонбой ҳатто эшикни ҳам очмабди. «Боши оғриётган эмиш» деган хабар чиқариб юборибди ёшгина хотинчасидан.

— Мана шундай, ўғлим, — дебди ота, — энди менинг дўстларимдан бириникига кетдик. Менинг дўстларим сеникига ўхшаб бир гала эмас, бармоқ билан санарли. Аммо ишонса бўладиган одамлар.

Ота жин қўчалардан юриб, қайсидир эшикни тақиллатибди. Бир одам чиқибди.

— Ҳа, тинчликми, Файзулла ака!

— Йўқ, сал бесаганжомлик, — дебди ота ва бугун ўғлининг дўстларига зиёфат бергани, шундан сўнг ўғлининг кайфи ошиб, бир нотанишга пичоқ суқиб олгани ҳақида гапириб берибди.

— Мана шу қопдаги унинг жасади, — дебди ота, — қаранг, қони ҳам оқиб турибди.

— Ҳа, ёмон бўлибди, — дебди дўсти, — қани, сизлар аввал уйга киришлар-чи. Сиз Файзулла ака, қопни мана бу жойга қўйинг. Нима қилиш кераклигини ўйлашиб кўрамиз. Наза-

римда, марҳумнинг қариндош-уруғини излашга ҳозир кеч бўлиб қолди. Қоронғуда қаерга ҳам борамиз. Тонг отсин, унинг кимлиги маълум бўлади. Биргаликда суриштирамиз.

Ота кулиб юборибди ва бор гапни айтибди. Уғлига эса шундай дебди.

— Энг ёмон дўстинг мана шу амакигдай бўлсин, болам! Уғил дўст танлашда янглишган экан. Ҳаммамиз инсонмиз. Инсонга эса янглишиш, қоқилиш хос. Гўдак ҳам қоқилиб-қоқилиб оёққа туради.

Мен ҳам дўст танлашда бир марта янглишганман. Бу ўринда кўпинча таникли қирғиз шоири Бойдулда Сарнугоевнинг бир шеърини эслайман. «Аттанг, сен тарвуз эмассан-да, тарвуз бўлганингда сени чертиб-чертиб танлаб олардим, — дейди у кўнгли яқин кишига, — билмабман, хийла хом экансан».

Мен дўст тутинган одам ҳам хийла хом экан. Тўғрироғи эса пишиб, ўтиб кетган экан. У билан Тошкентда, университетда ўқиб юрган пайтларимда дўстлашиб қолдик.

Мен унинг уйида бўлдим. У бизникига келди. Орадан ойлар ўтди. У кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу кандидатлиги орамизни чирт узди. У нокандидат дўстларининг баҳридан кечиб юборди. Учрашганда қўлининг учини бериб саломлашадиган одат чиқарди. Орамиз совий бошлади.

Кўп ўтмай мен ўз юртимга қайтиб кетдим. У пойтахтда қолди. Эшитсам, катта бир ўқув юртига зулукдай ёпишиб олибди. Кимларнингдир болаларини ўзи ишлайдиган ўқув юртига киритиб қўяркан-да, уларнинг ота-оналари билан қалин дўст бўлиб кетаркан...

Орадан беш-олти йил ўтиб кетди. Мен қўриқ районлардан биридаги кичикроқ ташкилотда раҳбар бўлиб ишлай бошладим.

Бир куни ташилотимиз эшиги ёнига «вотт» дея янги, ярақлаган «Волга» келиб тўхтади. Қарасам, машинадан собиқ дўстим илжайганча тушиб келяпти. Енида ёшгина бир йигит.

«Мени бир эслабдилар-да, — деган ўйга бордим, — ҳар ҳолда бу йўқлов бежиз бўлмаса керак».

Кучоқ очиб кўришдик. Чой-пой ичган бўлдик. Кейин у муддаога кўчди.

— Мана бу йигит жияним бўлади, — деди кандидат дўстим. — Узимиз ўқиган университетга кирмоқчи. Урта мактабни бу йил тугатибди. Биласиз-ку, иш стажисиз ҳужжат қабул қилишмайди. Шунга бир ёрдам қилсак.

— Масалан, қанақасига! — Тушунмадим мен. Собиқ дўстимнинг биз томонларда қариндоши борлигини ҳам билмасдим!

— Битта меҳнат дафтарчаси тўғрилаб беришингиз керак. Бир йил шу районда ишлади деган ёзуви, имзо ва муҳри билан. Аттестатини тўғрилашни мен ўз зиммамга оламан.

— Ахир бу... мумкин эмас, — дедим мен ётиги билан.

— Э, чўл жойлар! Ким текшириб ўтирарди!


— Ҳеч иложи йўқ, — гапнинг дангалини айтишга мажбур бўлдим.

— Сиз ҳам дўст бўлдингиз-у!

Ярим соат ҳам ўтмай у «жиян»ини машинага чиқарди-да, қалампир жилмайиш қилиб, хайр-хўшсиз жўнаб қолди.

«О, табиат! — дедим мен собиқ дўстимнинг машинаси чангида қолгач, эски бир мақолни эслаб, — мени мана шундай дўстлардан асра, душманларимдан эса ўзим бир илож қилиб қутулиб қоламан».

...Андижонга ҳам яқинлаб қолдик. Узоқдан шаҳар чироқлари милтираб кўрина бошлади. Ҳамроҳим айтиб берган ҳикоя таъсирида бошланган суҳбат узоқ йўлни яқин қилди. Мен ана шу сафаримда қадимги Рим нотиғи ва файласуфи Цицероннинг «Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ...» деб айтган сўзларига яна бир бор ишондим. Шунга амин бўлдимки, суҳбат мавзун дўстлик бўлган тақдирда, ҳатто, умрингда биринчи бор кўриб турган одам билан ҳам дўст бўлиб кетар экансан киши. Дўстликнинг буюклигини улўғловчи ҳикоят ва ривоятлар, ҳаётий воқеалар ҳамроҳим билан ўртамизда дўстлик ришталарини пайдо қилганлигини ўзимиз сезмай қолдик...



Расмларни Т. ИШМУРЗИНА чизган





Нормурод Норқобилов,
Абдуғофир Маматов

От ўрнини той босади, китоб ўрнини-чи?..



қинда Ғаллаорол районига йўлимиз тушиб, катта бир зиёфатнинг устидан чиқиб қолдик. Агар давр турхонни таърифлайдиган бўлсак, сўз кам. Давра аъзолари ҳаммаси аини навқирон ёшда, яъни тоғни уриб талқон қилгудек йигитлар. Улар ойда икки бор мана шунақа йиғилишиб, гаштак ўтказиб туришаркан.

Зиёфат аини қизиган паллада, эшикда қорачадан келган бир йигит пайдо бўлди. Уни таништирдилар — пахтачилик бригадасининг бошлиғи Аҳмаджон Темуров экан. Косагул унга «штрафной» қўйиб берди. Аҳмаджон тезгина пиёлани бўшатиб, ёнидан букланган дафтар чиқарди ва даврага юзланиб деди:

— Ҳамманг шу ерда... жуда яхши. Қани ким нимага ёзилади! Даврада ғала-ғовур бошланди.

— Топган вақтини қара.

— Бу ўзи шунақа...

— Қўй, бошни қотирма.

— Э, ошга тушган пашша бўлма.

— Сўраб ўтирасанми, ўзингча ёзиб қўяверда. Барибир «йўқ» деганимиз билан ҳам ёзасан.

— Йигитлар, шошиб турибман, — деди Аҳмаджон даврани тинчитишга ҳаракат қилиб. — Ахир ўзим учун эмас-ку. Менга қолса... Олдиларингдан бир ўтай дедим-да. Қани ким нимага ёзилади! Фақат тезроқ.

— Гапи тўғри, — деди ёнимда ўтирган йигит мулоҳаза оҳангида. — Уқисак, ўзимиз учун ўқиймиз, Аҳмаджон, мени «Ўзбекистон физкультурачиси»га ёз.

Қизиксиниб сўраймиз.

— Спортга қизиқасизми!

— Унчаликмас, — деди у кулиб. — Бу газета арзон. Ҳар йили шунга обуна бўламан.

— Ўқиб турасизми, ишқилиб!

— Ҳафсала бўлганда...

Аҳмаджон тиззаси устидаги дафтарига нимадир ёзиб, бошқаларни қисташга тушди.

— Бўлақолинглар! Хўш, яна ким!

— Мени бирор арзонроғига ёзақол, — деди косагул йигит.

Аҳмаджоннинг жаҳли чиққан бўлди.

— Ана шунақасиларда, газета ўқимайсилар, журнал кўрмайсилар... Билмадим, бола-чақангга нималаринг билан ўрناق бўласанлар.

— Бола-чақани оғирлиги тушмай қўяқолсин.

— Э, ёзавермайсанми.

Кейинчалик, яъни йигитлар билан яхшилаб танишганимиздан сўнг, шу нарса маълум бўлдики, улар бир бригадада меҳнат қилишаркан. Ҳаммаси бола-чақали одамлар экан...

— Бир ўтириш харажати қанча бўлади! — деб сўраймиз.

— Урта ҳисобда 200 сўм.

— Оғирлик қилмайди!

— Тегирмон навбати билан дегандай, уч ойда бир айланиб келади. Оғирлик қилмайди.

Бу ерда андишани сал четга сўриб қўйиб, бир савол билан мурожаат қиламиз:

— Биз халқнинг қадимий удуми — гап-гаштакка қарши эмасмиз. Масала бошқа ёқда. Айтайлик ҳар уч ойда зиёфат учун икки юз сўм сарф этаркансиз. Ана шу вақт ичда болаларингизга уч сўмлик китоб сотиб олиб берганмисиз!

— Керак бўлса, ўзлари топиб ўқийди, — дейди суҳбатдошимиз.

Бу одамга китобнинг нақадар буюк куч эканлигини таъриф ва тавсиф этиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эканлигини, у юқориде «Керак бўлса ўзлари топиб ўқийди» деб ҳазиллашмаганлигини бутун вужудимиз билан энди ҳис қилдик! Лекин гап бошқа томонда. У оила бошлиғи, болалари ундан андаза олиши турган гап. Айтайлик «ўзлари топиб ўқийди», деб турган бу одам китобга алаҳсиб уй юмушчини унутган фарзандини тўғри тушунишига ким кафолат бера олади! У фарзандларининг маънавий

камолоти ҳақида қайғурмайди. Бу нарса инсоннинг асосий хусусиятларидан бири эканини ўйлаб ўтирмайди. Ва натижада, ўзига ўхшаш бепарво одамларнинг юзга келишига сабаб бўлади. Аслида-ку газета-журнал омунасига тихирлик қилиб ўтирган одамдан, китоб ўқийсизми, деб сўрашнинг ўзи кулгили эди. Шунга қарамай, биз суҳбатдошимизнинг савиясини янада чуқурроқ идрок этиш мақсадида бу ҳақда сўраган эдик. Шундай дамларда яна бир нарса кишини ранжитади. Юқоридаги каби кишилардан китоб ўқийсизми, деб сўрасангиз, уларнинг аксарияти учун баҳона тайёр: «Вақт йўқ».

Бир гал қишлоққа бориб, собиқ синфдошларимиздан тўрттасини қишлоқ савдо дўкони олдида, аниқроғи, чойхона учун мўлжаллаб қурилган бинонинг айвонидида давра қуриб ўтиришгани ҳолда кўриб қолдик. Уртада ярми ичилган шиша, бир бўш шиша ёнларида ағанаб ётибди. Газак учун печенье... Улар ҳар кунни мана шундай «чиройли давра» қуриб ўтиришаркан, албатта, ишдан сўнг. Тўртталаси ҳам оилали, рўзгорларини ўзлари тебратишади, иқтисодий жиҳатдан бировга қарам эмас. Ҳаммалари меҳнаткаш, содда, самимий йигитлар. Улардан бири ўқувчилик йилларимизда адабиётга жуда қизиқарди. Ҳатто, дастлабки машқлари район газетасида чоп этилган. Энди...

Уларга одам китоб ўқиб ўз тасаввур ва тафаккур оламини бойитиб бормоғи лозимлиги ҳақида гапирсангиз, ланжлик билан: «Бунга вақт қайда», дейишади. Ҳа, айнан шундай дейишади. Яна шуниси ачинарлики, уларнинг бу тахлит «маишатлари» ўқувчи болаларнинг кўз ўнгига юз беради. Бола — болада, эрта-индин уларнинг ичида ҳам «какалар»га тақлид қилувчилар топилиб қолади... Очигини айтиш керак, бу хил ўтиришлар болага жиҳдий таъсир қилади. Масалан, биз мактабда ўқиб юрган чоғда бунақа улфатлар давраси иккита эди. Ҳозир ўндан ошибди. Биз қизаришиб ўтирган катталарга очик-ойдин тақлид қилардик, бунинг ёмонлигини билмасдикда. Бу нарсанинг ёмонлигини кейинчалик ҳам тушуниб етмаганлар янги давраларнинг вужудга келишига сабаб бўлишади. Синфдошларим ана шулар тоифасидан эди. Ун давра — бутун бошли гуруҳ. Арақни ёнига тортиб, бир пайтлар ардоқлаб ўқиган китобларини бошидан ошириб улоқтирган даҳшатли гуруҳ. Даҳшатли, деганимизга сабаб шундаки, ичкиликка ёндошган бу одамлар теварак-атрофдагиларга актив таъсир этишади: китоб устида пиёз тўғрашади, кимларгадир жуда зарур бўлган нодир китоблар тутантириқ ўрнида кетади... Спиртли ичимликларни эса ялтироқ мебелларга солиб қўйишади. Баъзан ўғли китобга қизиқиб кетиб, молга емиш солишни унутса, қўлидан юлқиб олиб: «Китоб сенга нонош берадимми!», дея шапалоқ тортишдан ҳам тойишмайди. Улар бош бўлган хонадонда буюк кишиларнинг номи тилга олинмайди. Унинг ўрнига йиғи-сиги...

Шу тариқа, «шоир билан ёзувчини «ҳикоя билан мақолани» фарқлай олмайдиган одамлар сафи кўпайиб бораверади. Ахир биринки мингга, мингинки туманга, деб бежиз айтилмаган.

Шу ерда яна бир мисолни келтирамиз. Қишлоқимизда Нодир бахши деган чол яшарди. У пайтлар ҳали телевизор йўқ, радио ҳам камдан кам одамникида бўларди. Оқшомлари биз — болалар катталарга эргашиб Нодир бахшининг уйига келардик. Бахши феъли кенг инсон эди, дўмбирасини чертиб ўзига хос сал бўғиқ овозда халқ дostonларини айтиб беради. Ташқарида қор, ичкарида бахши дoston куйлайди... Бу ҳолатнинг гоаят гаштли эканини тасвирлаш қийин. Қиссадан ҳисса тарзда, шуни айтмоқчимизки, Нодир бахши тўфайли қишлоғимизда халқ дostonларига қизиқувчилар сони кескин кўпайди. Биз ундан ўзимиз сезмаган ҳолда катта маънавий озик олардик. Нодир бахшининг ҳузурга танда қўйганларнинг [болаларни назарда тутаямиз] кўпчилиги ҳозир таникли, нуфузли одамлар. Мана сизга бир одамнинг таъсир кучи.

Келинг, яна юқоридаги даврага қайтамиз. Узини суҳбатдан олиб қочаётган давра аъзосини саволга тутамиз.

— Ҳафтасига ичимлик учун қанча пул сарфлайсиз?
Шу ерда йигит сал адашди, ўзининг тантилигини кўрсатиш учун мақтаниб қўйди.

— Ҳи, кам деганда икки бутилка. Меҳмон-сеҳмон дегандай...

Бир йил, ўрта ҳисобда, 50 ҳафтадан иборат. Демак йилига 100 шиша ароқ. Олти сўмдан ҳисоблаганда 600 сўм бўларкан. Бунинг устига, гаштак учун ҳар уч ойда 200 сўм, жами 1400 сўм.

Ҳўш, ароқ ичишни тантилик деб билган бу шоввоз ота ўз фарзандларига лоақал бир сўмлик бадний китоб олиб берганми! Бермаган. Агар берганда эди, улар даврасида «Керак бўлса, ўзлари топиб ўқийди», «бирор арзонроқ газетга ёзақол» деган энсақотар гаплар бўлмасди.

Маълумки, ота-она фарзандининг маънавий камолати учун жавобгар шахслардир. Афсуски, буни нотўғри тушунадиган ота-оналар ҳали ҳаётда жуда сероб. Бир пайтлар ота-онада, айниқса, оналарда эртақ айтиш санъати кучли бўларди. Уринга ётган бола онасидан эзгулик, ҳалоллик, яхшилик ҳақида эртақлар эшитиб, тинчгина ухлаб қолар ва тушида бирор эртақ оламида саяҳат қиларди. Ҳозир эса бу юмуш техникага — телевизор ва радио зиммасига юклатилган. Лекин уларники ота-она айтган эртақка тенг келармикан! Негаки, бу эртақда меҳр бор. Аммо эртақ айтиш учун ҳам китоб ўқиш керак. Ҳозир «бир бор экан, бир йўқ экан» билан иш битмайди. Болаларни унча-мунча «эртак» билан ҳайратга солиб бўлмайди. Уларни ҳайратга соладиган, маънавий дунёсини кенгайтирадиган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган эртақларни эса ёш ота-оналар ё билишмайди, ёки умуман бунга ҳафсала қилишмайди.

Ҳозирги замон кишиларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: бири — бадний адабиёт шайдолари, улар ички ва ташқи маданияти, фикрлаш донраси билан кишини мафтун этади. Иккинчиси — ўрта маълумоти, ҳатто олий маълумоти бўлгани ҳолда, бирор китобни ёлчатиб ўқимаган, ўта тор дунёси билан кишини ўздан бездиради. Улар, юқориде айтганимиздек, «шоир билан ёзувчини», «мақола билан ҳикояни» фарқ қилолмайдилар. Бу ҳолни масъулиятли лавозимда ишлайдиган зиёлилар орасида ҳам учратиш мумкин. Улар ўз ишини беш қўлдагилар биллиши мумкин, лекин гап адабиётга келиб тақалганда, лом-мим дейишолмайди. Жаҳон классиклари у ёқда турсин, ўзбек адабиёти вакилларини ҳам тузуқ-куруқ билишмайди. Балки улар, бизга адабиёт нимага керак, деб эътироз билдиришлари мумкин. Йўқ, инсон адабиёт ва санъатсиз яшай олмайди. Бусиз мумкин эмас. Адабиёт — гўзаллик, адабиёт — эзгулик. Гўзаллик ва эзгулик йўқ жойда жоҳиллик томир отади...

Китоб инсонни азалдан эзгулик сари чорловчи маёқдир. Буюк боболиз Алишер Навоий бутун умрини халқнинг маънавий мулки бўлиши китобга, бадний адабиётга бахшида эди. Мирзо Улуғбек илм йўлида разолатнинг қурбони бўлди. Унинг китобга бўлган муҳаббати чексиз эди. Улуғбекнинг бой кутубхонаси бўлгани ҳаммага маълум.

Ким, ёр анга илм толиби, илм керак,
Ургангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ
Мен бормен, илм толиби, илм керак.

Улар бизнинг ҳозирги турмушимизни фақат орзу қилишган. Биз эса баъзан унинг қадрига етмаймиз. Мана шундай бир ачинарли ҳодисага эътибор беринг. Утган йили Ургут район халқ маорифчиларининг конференциясида қуйидагича факт [бизга буни бир мактаб директори қизиқ мисол сифатида гапириб берди. Эътибор беринг, «қизиқ мисол» сифатида. Кўйиниш йўқ...] келтирилган: Ургут райони бўйича ҳар бир киши ҳисобига китоб сотиб олиш 3 тийиндан, спиртли ичимликлар сотиб олиш эса 10 сўм 75 тийиндан тўғри келган. Бунга ачинамай бўладими! Ҳа, албатта ачинасиз. Лекин теварак-атрофга чуқурроқ разм солсангиз бундан ҳам баттар ҳолларга дуч келасиз.

Шу маънода «Ташсельмаш» заводининг ишчиси Н. Саидовнинг «Китоб ва китобхон» муаммоси хусусида редакцияга йўллаган мактуби диққатга сазовор. «Ётоқхонада икки юздан ортиқ ишчи ёшлар истиқомат қилади, — деб ёзади у. — Улардан етмиш фоизи турли олий ўқув юрталарининг кечки бўлимларида ўқишади: бири — бўлғуси инженер, бири — бўлғуси педагог, бири... қисқаси, бўлғуси зиёлилар. Лекин ўша «бўлғуси зиёлилар»нинг жуда кўпчилиги бадний китоб ўқимайди. Ваҳоланки, ётоқхонада барча қўлайликлар бор, мавжуд кутубхонадан истаган китобни топиш мумкин. Улар эса фақат дарсликлар билан чекланишади, холос. Ахир ҳар бир одам, ким бўлишдан қатъи назар, ўз тафаккури ва маънавий оламини бойитиб бориши, кенгайтириши учун бадний китоб ўқиши лозим эмасми! Кўпчилик эса китобдан кўра ичкиликни афзал кўради».

Бироқ минг афсуски, буни ҳамма ҳам англаб етавермайди. Китоб ўқишни бекорчи иш, деб ўйлайдиганлар ҳали оз эмас. Китоб ишдан сўнг кўча-кўйда, пивохоналарда, кафеларда муттасил санқиб юрадиган ёшлар кўплаб топилади. Улар икки тоифадаги ёшлардир: бири — фақат ишлайди, ишдан сўнг кўча-кўйда. Кўча-кўйда таралабедод қилиб юрувчиларга изоҳ бериб ўтирмаймиз. Бу алоҳида мавзу. Иккинчи бирлари — ҳам ишлайди, ҳам ўқийди. Уларнинг таъбири билан айтганда, ўқиб одам бўлмоқ ниятидаги ёшлар. Бу ёшларнинг баъзилари бир амаллаб олий ўқув юрларини тугаллашди-ю, сўнг қарабсизки, бир жойда инженер ёки педагог ё бўлмаса, бошқа бирор касбнинг бошини тутиб туришибди. Улар инженер, педагог, лекин китобхон эмас. Ўқиш давомида бадий китоб юзини кўришмагандек, кейинчалик ҳам китоб варақлашмайди. Маънавий оламидан йироқлик, тафаккур гулшанидан бебахралик баъзан кишини боши берк кўчага киритиб қўяди. Уша кимса бу кўчага бошқалардан кўра яхшироқ, тўкинроқ турмуш кечиришга интилиши оқибатида кириб қолади. Негаки, у ҳаётда уддабурон одам ютади, деб ўйлайди. Буни асосий фазилат санайди. Чунки у бутун жон-жаҳонини инсон учун бахшида этган, инсон бахти-саодати учун, эътиқод учун курашган қаҳрамонларни билмайди, китоб ўқимаган-да...

А. исмли ўртоғимиз университетнинг филология факультетида таҳсил кўрарди. У бу факультетга бир танишининг кўмаги билан кириб қолган экан. Елчитиб китоб ўқимасди. Мақсади тезроқ ўқишни тугаллашу, кейин Гулистон шаҳридаги аллақандай корхонада юқорироқ лавозимда ишлайдиган тоғасининг қаватиغا кириш, яъни бирор цехга каттакон бўлиб, тоғасининг қаноти остида ялло қилиб яшаш. Мантиқни қаранг, филолог — цех бошлиғи! Ҳайрон бўляпсиз-а! Биз ҳам вақтида кўп ажабланирдик, ажабланибгина қолмасдан, унга баъзи бир нарсаларни тушунтиришга ҳаракат ҳам қилардик. Лекин ишласа бўларкан шекилли, у ҳозир тоғасининг қаватида ишлаб юрганмиш, каттакон цехга бошлиқ, топниш-тутиши жойида эмиш...

Еки бошқа бир мисол. Э. ва Д. деган йигитлар бўларди. Улар тарих факультетида ўқишарди. Бўлажак ўқитувчилар. Улар ҳам дарслик билан чекланиб қўя қолишарди. Агар бадий китоблар ҳақида гап кетса, улар ҳеч пинак бузмасдан: «Биз адабиёт эмас, тарих ўқитувчиси бўламиз», дейишарди. Бу йигитлар, ўзлари айтгандек, тўрт-беш соат дарсни бир амаллаб ўтишади. Лекин ўтилган бу дарслар ўқувчиларга нима беради? Ҳеч нима. Агар бирон бир ўқувчи ўзи қизиққан саволни бергудек бўлса, улар, дарсдан ташқари саволлар берилмасин, дейишлари турган гап. Чунки дарсдан ташқари саволларга тишлари ўтмайди. Ваҳоланки, уларнинг зиммаларида буюк ва шарафли вазифа — ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, улар онгиди олижаноб тўғуларини, фазилатларини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, келажак авлод кишинини, яъни коммунизм бунёдкорини вояга етказиш вазифаси турибди-ку. Хўш, улар бу вазифаларни қандай бажарадилар, аниқроғи, бажара оладиларми! Афсуски, йўқ. Бадий китоб кўрмаган, ўқиш ва ўрганишни асосий ва олий хусусият деб билмаган, буни ўз характерида шакллантирмаган педагог ҳеч қачон ўз вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Бу ҳақда М. Горький шундай дейди: «Агар ўқитувчи виждонли бўлса, у ҳаммиса зийрак шогирдликча қолади». Ҳа, агар виждонли бўлса. Хўш, виждонли бўлмаса-чи! Унда... ўз гапининг моҳиятини англа-ёлмайдиган чаласавод талабалар етишиб чиқаверади.

Бу тоифадаги ўқитувчилар қўлида тарбия топган ўқувчиларнинг бирортасидан буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳақида сўраб қолгудек бўлсангиз, у олим Бегали Қосимов бир мақоласида кўрсатиб ўтган талабага ўхшаб гапни айнан шундай бошлайди: «Улуг ўзбек совет шоири Алишер Навоий...» Мана сизга ўз бурчинини тўла англамаган ва ўзи тарбияга муҳтож бўлган педагог етиштирган «мева». Бу бориб турган жиноят эмасми! Лекин буни ўша «ойликхўр» ўқитувчи англаб етармикан!

Бу ерда «ойликхўр» деган сўзни бекор келтирмадик. Пайтдан фойдаланиб, учинчи бир мисолга эътиборингизни тортмоқчимиз.

Б. исмли йигитнинг ётоқхонада обрўси баланд эди. У яхши спортчи, ажойиб ишчи, бунинг устига, пединститут талабаси. Ҳаммасига улгурарди у. Биз унинг ҳаракатчанлигига қойил қолардик. Лекин кейинчалик, яъни унинг орзу ва

мақсадларидан огоҳ бўлгач, ундан ҳафсаламиз пир бўлди. Б. «келажак» учун, ўзи айтмоқчи, яхшироқ кун кечириш учун, жон-жаҳди билан замин тайёрлаган экан. Бу йигитнинг орзуси ўқишни тугаллаб районига қайтиш, бирор мактабдан ихтисоси бўйича [у тарих ўқитувчиси] дарс олиш, сўнг йўлини қилиб бўлса-да, районда спорт тўғарагини ташкил этиш экан. Спорт тўғараги «ойликхўр» одам учун даромадининг иккинчи, қолаверса, учинчи манбаи эмиш. Спорт мастери сифатида спорт тўғараги ташкил қилишга унинг тўла ҳақи бор, бу — «ойликхўр» дўстимиз учун иккинчи маош, ҳар бир тўғарак аъзосидан ойига маълум бир миқдорда пул олиш, эса, турган гап, учинчи маош ўрнини босади. Дўстимиз уч «маош» билан бемалол яшаш ва истаганча орзу-ҳавас қилиши мумкин.

Орадан тўрт йил ўтиб, унинг районига бориб қолдик. «Дўстимиз» билан учрашдик. У ўз олдига қўйган мақсадларига тўлиқ эришибди: ўрта мактабларнинг биридан бир эрим ставка дарс олибди, район марказида самбочилар тўғарагини очибди, тўғаракда қатнашадиган ҳар бир боладан 7 сўмдан пул оларкан. Албатта яширинча.

Уша дўстимиз, бизни қўярда-қўймай дарсига олиб кирди. Синфга киришимиз билан шуни сездикки, болалар ундан жуда ҳайқишаркан. Бир-икки болани доскага чиқариб ўтилган дарсни нариддан бери сўради-да, сўнг доскага янги дарс темасини ёзди. Бир-икки оғиз гапирган ҳам бўлди. Кейин тикроқ бир болага буюрди: «Сен китобдан ўша темани ўқи! Бошқалар жим туриб қўлоқ солишсин. Агар бирортаси шовқин солгудай бўлса, менга айтасан». Бизга имо билан, кетдик, деди. Ташқарига чиққач деди: «Сой бўйида ош буюриб қўйганман». «Дарс-чи!», «Охирги соатим... — деди у. — Уралишмай, тезроқ кета қолайлик». «Болаларни жуда кўрқитиб қўйибсиз», деди ҳамроҳларимиздан бири. «Ҳа, буларни қаттиқ тутмасанг, нақ бошинга чиқиб кетишади, — деди у. — Бу борада назаринг ўз методикам бор».

Ҳа, бу — кўрқитиш, бўйсиндириш методикаси. Бу ерда поляк ёзувчиси, педагог ва врач Я. Корчакнинг гапини келтиришни лозим топдик. Я. Корчак ўша ўқитувчига ўхшаш ўқитувчиларни назарда тутиб шундай деган: «Тарбиячининг маънавий даражаси қанчалик тубан, ахлоқий қиёфаси бемаза бўлса ва у фақат ўз тинчи ва оромини ўйласа, гўё болаларнинг ташвиши тақозо этган ҳар хил буйруқ ва таъқиқларни шу қадар кўп чиқараверади».

Бу ўқитувчининг иш фаолияти билан чуқурроқ танишиб, шунга амин бўлдики, у тарбиялаган болалардан ҳеч қачон яхши [у тарих ўқитувчиси эди] тарихчи ва шунингдек, яхши спортчи чиқмайди. Чунки у ҳар икки касбга бурчи, вазифаси, қолаверса, жамиятга қўшган фойдали ҳиссаси нуқтан назаридан эмас, кун кўриш, рўзгорини яхшироқ тебратиш, яъни шахсий манфаатдорлик мақсадида ёндошади. Мана бир ўзи қанча қора кўзининг келажакга зомин бўлмоқда. Буни унга тушунтиришга ҳаракат қилиб кўринг-чи, узун кекирганча: «Ваҳима қилма», дейди.

Келинг, журналхон Н. Саидов ўртага ташлаган муаммога қайтиб, узоқ эмас, беш йилни кўз ўнгимизга келтириб, бир фикр қилайлик. Бўлғуси беш йил ичида биргина шу ётоқхонанинг ўзидан ҳалиги ўқитувчига ўхшаш кўплаб «китоб ўқимас», «ойликхўр» кадрлар ҳаётга йўлланма олиб, ўз ихтисоси бўйича иш бошлайдилар. Балки келажакда уларнинг кўплари бирон бир коллективга раҳбарлик қилишар. Лекин улар қандай фазилатлари билан атрофдагиларга ўрнат бўлишади! Албатта китоб ўқимаслиги ва маънавий қашшоқликлари билан. Улар ҳаётни ўзларича талқин этадилар. Уларнинг талқини қанақа эканлигини юқорида кўрдингиз...


Шу йил баҳорда Қашқадарёда бир Наврўз байрамида иштирок этдик. Халқимиз азал-азалдан Наврўзни янги йил байрами, баҳор байрами сифатида нишонлаб келади. Қисқаси, халқ янги меҳнат мавсумини байрам билан бошлайди. Биз иштирок этган байрам ҳам худди шу тарзда бошланди. Лекин тезда кўпчилиكنинг чеҳрасида ижирганиш аломатларини сезиб қолдик. Кейин билсак, яхшигина «отиб» олган йигитлар давра оралаб қолишган экан. Уларнинг сони ортаверди. Майдон четига назар солсак, бир эмас, олтига кўчма дўкон спиртли ичимликлар билан савдо қилаётган экан. Китоб дўкони эса йўқ... Хуллас, байрамдан сўнг кенг майдонда тўп-тўп маст-аластлар ва шиша йиғиб юришган «чаққон» болалар қолди. Бу байрамдан ким қандай баҳра олди, билмаймиз...

Еки бошқа бир ҳолат. Маълумки, киши маънавий ва маданий оламини бойитадиган кутубхоналар ҳамма жойда мавжуд.

Аmmo бу кутубхоналар ўз вазифаларини тўла бажаряпти, деб бўлмайди. Кўпгина қишлоқ Советлари, колхоз ва совхоз идоралари қошидаги кутубхоналарнинг эшиклари ойлаб очилмайди. Хўш, нега шундай! Уша идораларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш ва маҳсулот тайёрлашнинг барча жабҳаларида план-топшириқларни тўла бажариш, шу йўл билан кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун тинмай меҳнат қилишади-ю, нега энди кишиларнинг саводхонлигини ошириш, уларни маънавий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш хусусида жон куйдиришмайди. Тўғри, китобга меҳр кўйиш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Бу меҳрни унда сунъий равишда яратиб бўлмайди. Лекин киши табиатида ана шу меҳрнинг пайдо бўлиши учун муҳит яратиш мумкин-ку. Бундай муҳитни эса мактабдан бошлаб ярата бошлаш керак. Ўз вақтида ва айтиш мумкинлики шу пайтгача ҳам бу нарсани унутаетган ёки тўла уддалай олмаётган эканмиз, кунимиз ўша ойлаб эшиги очилмайдиган

кутубхоналарга, клубларга, уларни бошқараётган китобга меҳри йўқ кишиларга қолаверади.

Шуниси ачинарлики, кўплаб ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам давраларида китоб ҳақида кам гапиришади. Лекин ичимлик хусусида гапирлибгина қолмай, у бундай давраларнинг асосий «иштирокчиси» бўлади. Ичимлик ичишни фазилат санайдиганлар ва ким қанча ича олиши билан баҳслашадиганлар, мақтанадиганлар ҳам оз эмас. Сўз охирида жуда кўп марта такрорланган, лекин кўпда мағзи тўла чақиб кўрилмайдиган бир гапни яна қайтармоқчимиз: ичкилик инсонни тубанлик сари бошлайди-ку! Инсонни эзгуликка, гўзалликка ундайдиган китоб ҳақида нега индамаймиз! Гўзаллик эса таниқли рус ёзувчиси Достоевский айтганидек, оламни ҳалокатдан қутқаради. Ва яна халқда шундай гап бор: «От ўрнини той босади». Китобнинг ўрнини-чи!.. Ҳеч нарса!



Куз хаёллари
А. ЖУМАЕВ фотоси



Маълумки, Ф. Энгельс бадиий ижод билан ҳам бевосита шуғулланган. «Бадавийлар», «Иммерман хотираси», «Бўрон», «Оқшом» сингари кўплаб шеърлар ёзган, немис халқ китоби асосида «Уқ ўтмас Зигфрид» деган трагикомедия ҳам яратган. Бундан ташқари у ғарб ва шарқ адабиётини яхши билган мутахассис сифатида Шекспир, Бальзак, Ҳофиз каби ўнлаб классик ёзувчи, шоирлар ижодини жиддий анализ қилган. Шу баҳонада адабиёт ҳақидаги ўз қарашларини баён қилган.

Ф. Энгельснинг ўз асарлари ва адабиёт хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳам социалистик реализм адабиёти вакиллари ижодига катта таъсир ўтказгани шубҳасиздир. Зеро, бугунги кунда ҳам бадиий асарларни таҳлил қилаётган адабиётшунос олимларимиз Ф. Энгельс фикрларига асосланишлари бежиз эмас. Бинобарин, улуғ мутафаккирнинг адабиёт хусусидаги фикр-мулоҳазалари биз ёш қаламкашлар учун ҳам дастуриламалдир.

Қуйида қомусий билим соҳибининг адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан айримларини этиборингизга ҳаволз қиламиз.

Фридрих Энгельс

Адабиёт ҳақида

...Автор ўз қаҳрамонига ҳеч вақт ортиқча бино қўйиши керак эмас.

...

...Тенденция асарда тасвирланаётган вазиятдан ва воқеадан ўз-ўзидан келиб чиқиши лозим, асарда буни алоҳида уқтириш шарт эмас, ёзувчи ўз асарида тасвирланган ижтимоий конфликтларнинг келажакда қандай ҳал бўлишини ўқувчига тайёр ҳолда беришга мажбур эмас.

...

...социалистик тенденцияли роман, — гарчи автор унда масалани ҳал қилишнинг ҳеч қандай аниқ йўлини кўрсатмаса ҳам ва ҳатто у баъзан бирор томонни ёқлаб чиқмаса ҳам,— мавжуд муносабатларни ҳаққоний тасвирлаб, бу муносабатларнинг моҳияти ҳақидаги шартли иллюзияларни парчалаб ташлаган, буржуа дунёсининг оптимизминини қақшатган, мавжуд тузумнинг негизи ўзгармаслигига шубҳа туғдирган тақдирда ўз вазифасини тўла бажарган бўлади.

...

...Авторнинг қарашлари қанчалик яширинган бўлса, санъат асари учун шунчалик яхши бўлади.

...

...Реализм деталларнинг ҳаққонийлигидан ташқари, типик характерларнинг типик шароитда ҳаққоний тасвирланишини ҳам тақозо этади.

...

...Шахсни характерлаш учун унинг нима қилаётганини кўрсатиш оз, бунинг учун унинг ишини қандай қилаётганини ҳам кўрсатиш керак.

...

...Уртамиёна ёзувчи ўз фикрини маълум даражада чиройли қилиб ифодалаш имконига эга бўлиш учун тилни билиши лозим бўлади.

...Биз, тарих қаърига қанча чуқурроқ кириб борсак, бир манбадан келиб чиққан халқларни бир-бирдан ажратиб турадиган белгилар шунча йўқолиб бораверади.

...Бу [XV аср иккинчи ярми, Уйғониш даври — Ред.] — инсоният шу давргача ўз бошидан кечирган ҳамма ўзгаришлар ичида энг буюк прогрессив ўзгариш эди, шундай давр эдики, бу давр улуг сиймоларга муҳтож эди ва бу давр ўз тафаккур кучи, эҳтирос ва характери жиҳатидан, мукамаллик ва олимлик жиҳатидан жуда улуг сиймоларни етиштириб берди...

У замонларда кабинетдан чиқмасдан олимлик қиладиганлар камдан-кам эди; бундайлар ё иккинчи ёки учинчи даражали кишилар эди, ёки бармоғини куйдириб олишдан қўрқадиган эҳтиёткор филистер [худбин — Ред.]лар эди.

...Гётенинг «Вертер»ни ёзиши унинг ғоят буюк танқидий жасоратларидан бири бўлади. «Вертер» фабуласи муҳаббатга бағишланган оддий сентиментал роман эмас, ҳолбуки Гёте асарини «Инсонлик нуқтан назаридан» ўқиган кишилар уни ҳозиргача ҳам шундай роман деб ўйлаб келадилар.

...Бунда [Бальзак асарларида — Ред.] Франциянинг 1815 йилдан то 1843 йилгача тарихи Волабеллар, Калфиглар, Луи Бланларнинг ҳаммасидан анча кенг баён қилинган. Жасоратини айтмайсанми! Унинг поэтик одил судида қандай революцион диалектика бор!

...«Халқ китоби» кун бўйи оғир меҳнат қилиб кечқурун уйига чарчаб келган деҳқоннинг димоғини чоғ қилиши, ҳордиғини чиқариб, қайтадан куч-ғайрат бағишлаши, машаққатли меҳнатини унуттириши, унинг тошлоқ ерини хушбўй боққа айлантириб кўрсатиши лозим; у ҳунарманднинг корхонаси ва ҳолдан тойган халифаларнинг аянч кулбасини поэзия оламига, олтин саройга айлантириб кўрсатиши, унинг баҳайбат хотинини назокатли малика қиёфасида гавдалантириши керак, шу билан бирга... унинг маънавий ҳиссиётини равшанлантириши, ўз кучи, ўз ҳуқуқи, ўз озодлигини англатиши, ундаги мардлик ва ватанга муҳаббат туйғуларини ўйғотиши керак.

Комик саҳналар трагедияда саёз танқидчилар даъво қилгандек, зинҳор ранг-баранглик ва контраст учун эмас, балки жиддийлик билан кулгилилик қўшилишиб кетган ҳаётни тўғри акс эттириш учун иштирок этади. Бироқ Шекспирнинг шунақа мулоҳазалар билан чегаралиниб қолганлигига шубҳаланаман. Ахир, ғоят чуқур фожиалар ҳаётда баъзан масхарабоз либосида пайдо бўлмайдами! Мен фақат бир характери эслатиб ўтмоқчиман, у ўзига муносиб тушган жанрда, яъни романда яратилган бўлса-да, фожиавийлик бобида, менимча, унинг олдига тушадигани йўқ — мен Дон Кихотни кўзда тутаяман. Инсониятга бўлган соф меҳр-муҳаббати туйғули қиладиган ғоят кулгили, телба-тескари хатти-ҳаракатлари учун ўз замондошларига мазах бўлишдан ҳам ортиқ фожианинг бўлиши мумкинми!

Ш. РИЗАЕВ тайёрлаган.



Ғайрат Муродов

ИНҚИЛОБНИНГ БАДИИЙ ТАРИХИ

Яшун

Вақт кемаси олға ҳаракат қилгани сайин ХХ асрнинг энг буюк воқеаси — Октябрь революцияси рўй берган давр тобора ортада қолаётир. Бироқ инқилобий ўтмишга қизиқиш асло сусайган эмас. Ижодкорларимиз бу улугвор мавзуга қайта-қайта мурожаат этаётирлар, унинг янгидан янги қирраларини кашф қилаётирлар. Чунки вақт Октябрь воқеасининг нақадар юксак ва қудратли аҳамиятга эга эканлигини тобора яққолроқ, равшанроқ кўрсатмоқда. Қолаверса, камол топаётган ёш авлодни революцион аънаналарга муҳаббат, пролетар интернационализм идеалларига фидойилик руҳида тарбиялашда тарихий-инқилобий характердаги асарлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Инқилобий тарих тасвирланган чинакам бадий асарда бутун жамиятнинг руҳи, кайфияти, синфларнинг қарашлари ва интилишлари ифода топиши, муқобил гуруҳлар, партиялар орасидаги беомон олишув мислсиз кўлами билан кўриниши, халқнинг битмас-туганмас куч-ғайрати, беҳудуд имкониятлари ёрқин юз кўрсатиши табиий ҳол. Буюк пролетар ёзувчиси М. Горькийнинг «ҳақиқий тарихни тарихчи эмас, санъаткор ёзиб қолдиради», дейиши ҳам, бежиз эмас. Бинобарин, тарихий-инқилобий мавзудаги асарни илмий ўрганиш революция даври ижтимоий ҳаёти қонуниятларини чуқурроқ англаш имконини беради.

Маълумки, бу йил Бухоро халқ революцияси амалга ошганига 65 йил тўлди. 70—80 йилларда ўзбек совет адабиётида мазкур мавзуга бағишлаб Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесаси, Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссаси, Шукур Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи яратилди.

Ушбу уч асар — уч жанрга мансуб. Уч китоб Бухоро инқилобининг уч даврини акс эттиради. А. Мухтор қиссасида 1912—1917 йил воқеалари инъикос эттирилса, К. Яшин пьесасида 1917—1920 йиллар даври тасвирланган. Ш. Холмирзаев романида эса 1921—1922 йиллар тарихи ўз бадий ифодасини топган. Уч асарни ижодкорларимизнинг уч авлоди вакиллари ёзишган: К. Яшин тўнғич, А. Мухтор ўрта, Ш. Холмирзаев навқирон бўғин намояндаси. Бу каби учлик ғоят ёрқин ва завқли рамзийлик касб этган. Адабиётимизда инқилобнинг тайёргарлик, амалга ошириш ва сақлаб қолиш, мустақамлашдай уч босқичининг ифода топиши, мазкур муқаддас темага барча авлод вакилларининг мурожаат қилиши табиий ва зарурий ҳол бўлиб кўринади. Негаки, янги замон, социалистик ижтимоий тузум и н қ и л о б туфайлигина қарор топди. Янги давр ва янги жамиятнинг куйчилари бўлган ижод аҳли инқилоб ғоясини нон ва байроқ каби муқаддас тутишлари, унга тез-тез мурожаат этиб туришлари шундан...

К. Яшин, А. Мухтор, Ш. Холмирзаевларнинг и н қ и л о б ҳақидаги асарлари янги замон қуриш учун буюк фидолилар кўрсатган ўтирак кишиларнинг мардона тақдирдан ҳикоя қилади. Бу китобларнинг қаҳрамонлари — асл инсонлар. Уч асар уч даврни акс эттирса-да, қаҳрамонлар характерида бир муҳим ўхшашлик бор. «Бухоронинг жинкўчалари»да Файзулло, «Инқилоб тонги»да Фозилхўжа, «Қил кўприк»да Қурбонумр ва кураш мазмунига жуда кўп изланишлар, иккиланиш ва шубҳалардан кейингина тушуниб етадилар. Зеро, инқилоб мазмунини англаш ва асл кураш йўлига кириш осонликча, ўз ўзидан бўлмаслиги табиийдир. Бунинг учун қалб мусаффолиги, руҳ бардамлигидан ташқари синмас эътиқод ҳам зарур. Бундан ташқари, бир ижтимоий қурилишни рад этиб, бошқасини ихтиёр қилиш, бузиш ва синдиришлардан кейин янгисини барпо қилишга киришиш жараёни шахсга давр, тарих, инсоният, келажак олдига ғоят масъул бўлиш талабини қўяди.

Фалсафийлик, драматизм ва психологизм бу уч асар руҳини белгиланган асосий омиллардир. Бу китобларда тарих, халқ тақдири, курашчи қаҳрамонлар қалби ўзига хос ғоявий-бадий гармонияда ёрқин ифода топган. Ижодкорлар инқилобий тарихнинг ижобий қаҳрамонлари образини бутун чгалликларни, шу билан бирга, юксаклиги билан яратишга маълум даражада муваффақ бўлганлар. Бу асарларни ўқиган китобхон ғоят ажойиб ва қизиқ рамзийликни пайқайди. «Бухоронинг жинкўчалари»да Файзулло узоқ руҳий изланишлар орқали революциянинг катта йўлига етиб боради. «Инқилоб тонги»да Фозилхўжа шубҳалар, адашишлар, уринишлар билан инқилобий кураш табиятини англаб етади, ленинчил большевиклар сафида амир салтанатини ағдаришда иштирок қилади. «Қил кўприк»да эса бош қаҳрамон — Қурбонни халқ революцияси ғалабасидан кейинги даврда кўрамыз. Мамлакатда қизғин синфий кураш давом этмоқда. Чечка жойлардаги мазлум оммага янги тузумнинг улуг мақсадлари ва вазифаларини англашиш, бош кўтараётган синфий душманларни бутунлай тор-мор этиш зарур. Ана шу кураш жараёнида янги давр қаҳрамони характерининг нузли сифатлари очила боради. Кўриниб турибдики, уч асар қаҳрамони гўё кураш эстафетасини бир-биридан қабул қилиб олган ҳолда тарих йўлида олға ҳаракат қилади.

Тарихий ҳақиқатни бадий образлар воситасида қайта жонлантириш учун тарихга оид фактларни яхши ўрганиш ёки ёзувчилик салоҳиятига эга бўлишнинг ўзинга кифоя қилмайди. Аксинча, бунинг учун ижтимоий воқеаларга марксизм-ленинизм нуқтаи назардан объектив баҳо бериш, шахсни реал ҳаёт оқимида тадқиқ этиш зарур. Биз таҳлил қилган тарихий асарларнинг муаллифлари ўзлари тасвирлаган қаҳрамонга ҳодисалар ҳамда эрксевар, инқилобчи инсонлар ички дунёсини анча ишонарли ифодалай олганлар.

«Бухоронинг жинкўчалари» қиссасида Файзулло характери бетўхтов ривожланиб боради. Шунга қарамай, баркамол қаҳрамонни тажрибасиз ўспирилик чоғлари билан солиштирсак, уларни ғоят мустақам ришталар бир-бири билан боғлаб турганини кўрамыз. Булар Файзулло характерида хос инсонпарварлик, меҳр-оқибат, мардлик, фидокорлик каби хислатлардир. Қиссанавис бу асарини давримизнинг навқирон

авлодига бағишлаб ёзган. Тарихий мавзунинг ёрита туриб, ижодкор социалистик жамиятимиз учун хос бўлган энг юксак ва олижаноб идеалларни улуғлайди. Ешларимизни ҳозирги ҳур ҳаётимиз асосини бунёд этишда беқиёс мардликлар кўрсатган матонатли шахслардан ўрнак олишга даъват этади. Аммо прозаикнинг ғоявий-бадий нияти шу билан интиҳо толмайди. У китобхонни киши умрининг мазмуни, мустаҳкам бир эътиқоднинг нечоғлик зарурлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Сиртдан қараганда, «Бухоронинг жинкўчалари» асариде тасвирланган воқеалар Бухоро инқилобидан бир қадар узоқроқ, унга унчалик алоқаси йўқдек туюлади. Ҳақиқатан, қиссада тасвирланган воқеалар Бухородаги улуғ революциядан бир неча йил олдин бўлиб ўтади. Адибнинг мақсади ҳам бевосита революция воқеаларини тасвирлаш эмас, балки ўзбек меҳнаткашларини инқилобга олиб борувчи кучлар ва воситалар нималар эканлигини кўрсатиб беришдир.

Ҳақиқатнинг машаққатли, лекин ёруғ ва кенг йўлига чиқиб олишдан олдин Файзулло Бухоронинг жуда кўп жинкўчаларида саргардон кезади. Бироқ бу қаҳрамон учун бесамар бўлмайди. У бир-бирига асло ўхшамайдиган ҳар хил одамлар билан мулоқотда бўлади, турли маслақларни чуқур ўрганади. Бу унинг эрк учун курашга киришини тезлаштиради, қатъийлаштиради. Файзулло характеридаги ўзгаришлар ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ кечади. Ёзувчининг Бухоро колоритини, бу жойининг тарихий ва географик хусусиятларини яхши билиши асарнинг анча қизиқарли чиқишига ёрдам берган. Албатта, бу муҳим ва қизиқарли воқеаларнинг бадий ифодаси ҳақида янада жиддийроқ ўйлаб кўрилас яхши бўларди.

А. Муҳтор қиссасида халқимизнинг асл фарзанди Ф. Хўжаевнинг ўспиринлик йиллари тасвирланса, К. Яшин драмасида унинг воёга етгандан кейинги ҳаёти ва кураши ифодаланади. Пьесадаги Фозилхўжа қизғин қалби, вулқондай жўшиб туриши, буюк инсоний ғояларга фидойилиги билан ўқувчи қалбини ром этади. Инқилобий давр руҳи, тарихнинг ижобий қаҳрамонлари фаолияти асарда романтик-патетик йўналишда зоҳир этилган. «Инқилоб тонги» социалистик реализм ижодий методи совет ёзувчисига нақадар катта имкониятлар бахш этишини очик кўрсатгани билан ҳам характерлидир.

Драманинг асосига ўткир ижтимоий конфликт олинган бўлиб, унда амирликнинг емирилиши, бу тарихий воқеа жараёнида синфлараро, партиялараро омонсиз жанг, Бухоро коммунистларининг алангали фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Антогонистик характердаги конфликт драма қаҳрамони характерининг ривожланиш жараёнида тобора шиддатли тус ола бошлайди. Воқеаларни бир-бирига боғлаб турган иплар тарагнашади. Характерларнинг шиддати ва моҳияти омонсиз олишувлар гирдобида, тарихий ҳақиқат замирида қурилган конфликтнинг ечилиш жараёнида юз кўрсата боради. Эски дунё вакиллари ҳалокат ёқасида эканликларини кўриб қаттиқ талвасага тушадилар, реакция авж олади, тараққийпарвар кучлар шафқатсиз таъбиқ қилинади.

Бир ижтимоий системанинг таг-томирдан емирилиши, янги ҳур замон барпо этмоқ учун курашув ғоят кучли жанглар билангина бўлиши табиий. Бу нарса асарда анча ишонарли тасвирланган. Феодал тушунлики ва мустабид ҳукмронлики тажассум эттирган эски тузум ўзини сақлаб қолмоқ учун ҳунрезлики ва қабиҳ фитналардан тап тортмайди. Кенг меҳнаткашлар оmmasни бахтёр ва соадатманд кўрмоқчи ихтиёр этган матонатли инсонлар эса эрк ва нажот йўлларини бетиним ахтарадилар.

Маълумки, К. Яшин 1957 йилда ёзган «Йўлчи юлдуз» пьесасида ўзбек драматургиясида биринчи бўлиб доҳий Ленин образини яратган эди. Драматург «Инқилоб тонги»да ҳам доҳий образига мурожаат этади. Бу табиий бир ҳол. Чунки революция ва Ленин ажралмас тушунчалардир. Қолаверса, Бухоро инқилобини бутун улуғворлиги ва мислсиз кўлами билан кўрсатиш Ленин характерини яратишни тақозо этади. В. И. Лениннинг Туркистон халқларига, шу жумладан, феодал истибоддан эзилган Бухоронинг мазлум кишиларига катта эътибор билан қараганини, Бухоро коммунистлари ва курашчиларининг инқилобий фаолияти билан қизиқиб борганини кўрсатиш, бу ердаги халқ революциясининг амалга ошувида доҳийнинг бевосита раҳбарлигини бадий ифода этиш пьесанинг тарихий ҳақиқатга мослигини таъминлашда ниҳоятда муҳим эди...

Асар сўнгида Фозилхўжа шундай дейди: «Мен ўзимни

коммунистман дейиш билан бахтиёрман». Пьесадаги марказий образнинг бу сўзларидан унинг характери такомилга етганини англаймиз. Қаҳрамон характерининг аста-секинлик билан бетўхтов ўсиб бориши ва мукамаллик касб этиши бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлади.

Бухоро инқилоби ғоят мураккаб бир тарихий жараённинг маҳсулидир. Уни амалга оширишда иштирок этганларнинг синфий структураси ғоят хилма-хил элементларни ўз ичига олади. Яшин ана шу чигаллики маълум даражада бадий суратлашга эришди. Тарихий воқеаларнинг мураккаблиги қаҳрамон тақдири ва фаолиятида ўз аксини топди. Бош қаҳрамон образининг комил инсон сифатида шаклланиши изтироблар, шубҳалар ва хатоларсиз рўёбга чиқмаслигининг боиси ҳам шундадир...

Шукур Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи катта тарихий воқеаларга — Шарқий Бухорода босмачиликка қарши кураш ва у ерда совет ҳокимиятининг қарор топишига бағишланган. Ўқувчи кўз ўнгида 20-йилларнинг оловли манзаралари гавдаланади. Китобнинг бош қаҳрамони — тўқима образ. Лекин роман марказида йирик тарихий воқеалар ва тарихий шахслар туради. Бош қаҳрамон ҳаёти ва курашини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

«Қил кўприк»да тарихий-инқилобий мавзуга юқорида айтиб ўтилган қисса ва пьесага қараганда ўзгача ёндашилган. Ш. Холмирзаев феодализм, уруғчилик муҳити асоратида бўлган мазлум кишиларнинг янги — социалистик қарашларни қандай қабул этаётганларини ишонарли кўрсатади. Ёзувчи изчил реалистик йўлдан бориб синфий кураш характери, инқилобий ҳаракатнинг жаҳоншумул аҳамиятини янги давр кишиларининг фаолияти ва ўй-фикрлари орқали тасвирлашга муваффақ бўлади.

Асарнинг бош қаҳрамони — Қурбон инқилобий ишга умрини бағишлаган фидойи бир йигит. Унинг одамларга ва табиятга бўлган муносабатида меҳр, самимият, олижаноблик руҳи балқиб туради. Миллатлараро дўстлик туйғуси унга завқ бағишлайди. Қуролдош дўстлари — рус йигитларга у шундай дейди: «Нечук юрибсизлар! Нечук! Бизнинг... болохўрлар, худбинлардан тезроқ халос бўлишимиз учун юрибсизлар-ку! Раҳмат...»

«Қил кўприк» — жанр табиятига кўра тарихий-инқилобий роман. Унда йирик тарихий воқеалар тасвирланган. Шарқий Бухорода вужудга келган босмачиликнинг ижтимоий-сиёсий омиллари, илдизларини тадқиқ қилиш адибнинг асосий диққат марказида туради. Асарда Иброҳимбек, Анвар пошшо каби босмачи раҳнамоларининг, Пўлатхўжаев сингари халқ ишига хиёнат қилган салбий шахсларнинг образлари маҳорат билан яратилган. Бу характерлар тасвири орқали ёзувчи революцион воқеликка қарши қурол кўтарган душман тўдаси табиатини ижтимоий-бадий тадқиқ қилади ва эксплуататор синф инқирозининг тарихан муқаррарлигини бадий ифодалайди.

Романда табиат тасвири муҳим ўрин тутади. Ифода этилган барча воқеалар табиат табиати кучида — тоғлар, дара, сойлар қўйнида, юлдузли ёки булутли осмон остида кечади. Асарнинг умумий ғоявий-бадий концепциясида табиат инсондаги эзгу хислатларни шакллантирувчи манба тарзида қаралиб, ёвуз оқим — босмачиликка қарши қўйилади. Табиат лавҳалари ғоят самимий ва қизгин муҳаббат билан санъаткорона чизилганидан китобхон қалбини беқиёс завққа тўлдиради.

Айтиш керакки, асарда адибнинг ғоявий-бадий концепциясини англаб етишга халал берувчи қусурлар ҳам мавжуд. Бу биринчи навбатда персонажлар нутқида сезилади. Диалог-мулоқотларда нутқий анохронизмлар учраб туради, яъни персонажлар ҳозирги даврагина хос ибора ҳамда конструкциялардан фойдаланадилар. Ёзувчи гоҳида қаҳрамон тилини ҳаётийлаштиришга уриниб, уни узуқ-юлуқ, ноаниқ гапиртиради. Натижада, унинг нима демоқчи бўлганини англаш қийин бўлиб қолади...

Бир неча йилдирик, адабий танқидимиз ижобий қаҳрамон муаммоси бўйича баҳс юритяпти. Баъзилар, адабиётда мураккаб характерлар кўпайиб кетиб, фаол, курашчан, намуна бўладиган даражада покиза қаҳрамонлар яратилмаяпти, деб ташвишланыптилар. Замонавий асарларда, дарҳақиқат, нуқсонсиз, идеал марказий образларни кам учратамиз. Бироқ, тарихий ва тарихий-инқилобий жанрларда фидойи, руҳий дунёсиз бардам, тўсиқлардан чўчимайдиган, курашларда тобланган қаҳрамон образи муваффақият билан яратилаётир. Бу ижобий образлар ирода кучи, улуғ ғояларга садоқати,

бетимсол куч-гайрати ва олижаноб қалби билан ҳозирги давр китобхонини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашга, уни ўз изидан эргаштиришга қодир. К. Яшин, А. Мухтор, Ш. Холмирзаевнинг тарихий-инқилобий асарларидаги ижобий қаҳрамонларни ҳам маълум даражада шулар қаторига қўшиш мумкин. Улар тарих ва инқилобнинг етакчи шахслари тарзида инқилобий даврнинг бутун салобати ва масъулиятини ўзларида қисман му-жассамлаштирганлар. Тўғри, бу образларнинг ҳаммаси ҳам бирдай муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Бадий жи-ҳатдан уларнинг ҳеч бири ҳам том маънода мукамал эмас. Лекин, шунга қарамай, адабиётимизда шу пайтгача мавжуд бўлган ижобий қаҳрамонлар орасида буларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Бу қаҳрамонлар биринчи навбатда шунинг учун ҳам ижобийки, улар доимо халқ ёди билан яшайдилар. Уларнинг қалбида инсонпарварлик ва эзгулик ҳислари устивор. Учала асарда ҳам марказий образлар юксалиш жараёнида тасвир-ланган. Бинобарин, бу қаҳрамонлар маънавий, ижтимоий юксалиш йўлида баъзан хатоларга йўл қўядилар, адашиш ва қоқилиш лаҳзаларини бошдан кечирадилар. Қиссадаги Фай-зулло, афсуски, Антоновский, аълам ва шу кабиларнинг кимлигини дарров билавермайди, драмада Фозилхўжа дастав-вал амирнинг ёлгон ваъдаларига ишонади, романдаги Қурбон муомаласида диний муҳит таъсири тўғрисида салбий жиҳатлар зоҳир бўлади. Бироқ, бу образлар халқ бахти учун курашда

мазкур нуқсон ва хатолардан халос бўла боради. Шу боисдан улар ибрат кучини йўқотмайди, балки китобхон дилига чуқур ўрнашиб қолади.

Бухоро инқилоби мавзуси улкан адиб Садриддин Айнийдан бошлаб ҳозирги авлод вакиллари учун ҳам илҳом ва эътиқод манбаи бўлиб келяпти. Рус, ўзбек, тожик адабиётларида бу темада ўнлаб китоблар яратилган бўлса-да, мазкур ижтимоий ҳодисанинг батафсил ёритилмаган жиҳатлари ҳали кўп. Бу революция ғалабаси учун жон фидо этган ўтирак, жасоратли курашчилар ҳаёти тарихимизни улғулайдиган ажойиб асарлар учун материал бўла олади.

Асримиз ижтимоий янгиланишлар, инқилоблар даври. Ер куррасининг кўпгина жойларида истибод остида эзилаётган мазлум синфлар Улуғ Октябрь ва унинг самараси бўлган миллий революциялар сабоқларини ўзлаштириб мурасасиз кураш йўлини танламоқдалар, эксплуататорлар ҳукмронлигини мажақлаб ташлаб, халқ ҳокимиятларига асос солмоқдалар. Инсониятнинг идеали, мазлум кишиларнинг асрий орзу-армонлари инқилоб шарофати билан рўёбга чиқаётир. Шунинг учун ҳам инқилобий мавзу адабиётнинг бош тасвир объекти экани табиийдир. Биз назардан ўтказган қисса, пьеса ва роман эса ўзбек совет адабиётида бу улғувор мавзу муваффақият билан акс эттирилаётганини кўрсатади.

НАЗМ

Эшқобил Шукурлов

Боймоқли баҳори

Боймоқлида майса ниш урар,
Оқшом йўлни чангитар пода.
Дарахтларнинг гули гуркирар,
Тирилади мавжлар дарёда.
Боймоқлида, қирлар остида
Кўз очади минг-минг қўйичоқ.
Яшилланган томлар четидан
Боқар минг-минг келин-қизгалдоқ.
Сингилларнинг сочини ўйнаб,
Енгил-енгил елар шамоллар.
Кечалари ўтмиши бўйлаб,
Юриб чиқар ўтовда чоллар:
«Боймоқлида баҳор, бўлинлар!»—
Чорлайдилар бир-бирларини...
Боймоқлида туғар келинлар
Ўзбекистон шоирларини.

* * *

Бир кеча...
Йўлдаги кўзлардай эриб борар ой,
Кенгликлар бағрида нур тарам-тарам.
Уч йил кафтимдаги титроқда яшаб,
Мени ранжитмадинг бирор марта ҳам.

Бир кеча...
Юлдузлар селкилар синсилалардин.
Кўзларим кўзларга бормоқда бойиб.
Уч йил руҳимдаги зилзилаларда
Яшадинг, ранжитмай мени, Хумойим.

Бир кеча...

Мудроқ япроқларда уйғонар жозиб,
Елларнинг сочиди адаш қўлларим.
Уч йил кипригимга қалбингни осиб,
Тилим саҳросига сочдинг гулларинг.

Севгилим, уч минг йил сенга фидоман,
Мансубман шоҳ, гадо табақасига.
Меҳрингдан пайдоман, шундан адоман,
Юрагингнинг яшил минтақасида.

Олис муҳаббатни ҳақ қилган сенсан,
Сенсан жуфт айлаган ишқни бир замон.
Ғазабу нафратни оқ қилган сенсан,
Сенга бахт рост бўлсин, бахтсизлик — ёлгон.

Меҳринисога айтган аламиз

Аласин юлдуз айтсин,
Тун айтсин, кундуз айтсин,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

Кемадай чайқалар беланчак,
Шамоллар солади ҳалинчак,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

Очилиб-сочилар кечалар,
Эркалар нордон еб чечалар,
Эна қиз ухласин, эна қиз...

Кадамларга кулсин эшиклар,
Гўдакларга тўлсин бешиклар,
Эна қиз ухласин, эна қиз...



«Нима бера

олдим халқимга, ахир!»



Шоирнинг умри чакмокни эслатади, зеро чакмок ҳам бир порлаб, оламни нурга чулгаб кетади. Уни баҳорга ўхшатгинг келади киши, чунки баҳор ҳам киска умрида борликни янгилаб, юракларни завқу шавқка, фикр-ўйларга ҳамдам айлаб, осмону заминни нур, ранг, оҳангларга тўлдиради.

Есенин ҳақида гап кетганда, шоир талантининг туғмалиги, назмининг табиийлиги ва халққа бениҳоят яқинлиги айтилади. Дарҳақиқат, нега унинг шеърлари бир ўқишдаёқ кўнгил мулкига айланади ва баъзи ҳолатларда шоирнинг ўзидан ўзи эсда қолиб кетган сатрлари хаёлдан кечади?

Сиз билмас эдингиз,
Бўрондан ахир,
Мени ўз бағига
Тортганин гирдоб.
Қаён элтмоқдадир
Бизларни тақдир
Билолмай чекардим
Аччиқ изтироб.

Бу Есениннинг ўзига ва умуман бадиий ижодга бўлган талабининг юксак ва қатъийлигидан эмасми?

Шоир она тилини севар ва унинг барча шеърларига яхши билар эди. У сўзга лоқайд қарайдиган ва уни ўринсиз ишлатадиган шоирлар билан мутлако келишолмасди. Бир мисол. Журналист, санъатшунос Илья Шнейдернинг хикоя қилишича, Есенин серсоқол шоир Рукавишников билан келишолмай қолиб, унинг соқолидан маҳкам тутати.

— Сергей Александрович! Бу нима қилганингиз? — аста сўрадим мен ундан.

— Бўлмаса, нега у шеър ёзади? Езмасин, вассалом, — жавоб берди Есенин.

А. В. ШИРЯЕВЕЦга¹

Азизим, Шура!..

Ҳозирча сенинг «Олтин гудок» китобинг нашр этилмади ва кузгача ҳам эълон қилинмас, деб ўйлайман. Китоб нашри бизда, Москвада ҳаддан ташқари қийин бўлиб қолди...

Жуда кам ёзаман. Эски ўртоқлар билан мени боғлаб турадиган ҳеч нима қолмаган...

Сен ҳақингдаги бошқаларнинг гапларидан мен сени жуда ёқтириб қолдим. Сени барзанги — лаванг, дейишади. Шеърла-

Ижодкор ўқувчидан ҳеч нарсани яширмайди. У «бор-йўқ гуноҳ»ларини унинг олдида очиб ташлайди, ўзини шафқатсиз «фош этади», тергайди. Бу гуноҳлари учун ҳукм чиқаришини унга топширади.

«Шубҳасиз буюк шоир! Шунинг учун ҳам у ташки муҳитдан тез таъсирланади ва ўз-ўзини тинимсиз тергайди. Унинг «Қора одам»ини эсланг. Фақат улуг шоир ўзига шу даражада шафқатсиз бўлиши ва шу даражада виждонан ёндашиши мумкин эди. Айни нуктаи назардан на узок ўтмишда, на ҳозир унга тенг биров киши кўзга ташланмайди». — Бу Егор Исаев Есениннинг самимий услуби ҳақидаги айтган фикр.

Барча улуг сиймолар бир халқ ва бир Ватанда туғилиб, она замин фарзандига айланадилар. Есенин ҳам шундай. Дунё халқларининг шоири бўлиб қолди.

Фафур Ғулום айтганидек, аввал Есенин Шарққа интилган бўлса, энди шарқликларнинг ҳам Есенинга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг Есенин ижодидан таржималари туфайли ўзбек шеърхонларининг Есенинга ихлоси яна ҳам ошди. Шоир Пушкин, Лермонтов, Маяковский каби бизга яқин ва кадрдон бўлиб қолди.

Есениннинг Ватан тушунчаси ва бошқа юртларга бўлган муносабати, адабий-танқидий, гоаявий-сиёсий қарашларининг тараққиётини кузатиш ва образлар оламига кириб боришда шоир мактублари муҳим манба ҳисобланади. Зеро, хатларида ҳам, шеърларидагидек, шоир самимийлигича қолади. Унинг ҳозир 278 мактуби маълум. Агар Кольцовнинг 110, Лермонтовнинг бундан ҳам оз мактублари қолганини ҳисобга олсак, бу Есенин ижодий меросининг катта бир қисмини ташкил этиши яна ойдинлашади...

Қуйида Есенин мактубларидан баъзи намуналарни журнал-хонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ринг ҳам менга ёқади. Фақат, айтишларига қараганда, сен уларни Туркистон инженерларининг аёллари хоҳиши билан тузатар эмиссан. Бунинг учун, биродар, биласанми нима қиладилар?.. Нега сен қандайдир жин ургурларга ишонасан?

...Кўп кераксиз нарсалар ҳам ёзасан. Айниқса, Шарқ ҳақидаги шеърларинг менга ёқмайди. Сен шу даражада саёз ёза бошлагингми? Еки ўзингда ижоднинг асл, таянч кучини ҳис қилолмай қалдингми?..

1920 йил 26 июнь.

Дўстнинг С. ЕСЕНИН.



Тошкентдаги Сергей Есенин уй-музейида.

А. ЖУМАЕВ фотоси

А. М. САХАРОВга²

Қадрдонларим! Азизларим!
Сизларга телбанамо, даҳшатли мешчанлар юрти ҳақида
нима десам экан? Фокстротдан бошқа бу ерда ҳеч вақо йўқ. Бу
юртда ейишади ва ичишади, фокстрот куйи остида диконглаша-
ди. Фақат шу. Инсонни мен ҳали учратганим йўқ, учрата-
манми-йўқми — билмайман ҳам. Бунда ҳақиқий ҳукмдор —
жаноб доллар, санъатга тупуриб қўйишган... Ҳатто қоғоз ва
таржиманинг арзон бўлишига қарамай, бу ерда китоб нашр
қилишни ҳам хоҳламадим. Шеър бунда ҳеч кимга керак эмас...
Тўғри, биз камбағалмиз. Бизда очлик ва совуқ... ҳукмрон.
Бироқ биз қалбимизни асраб қолганмиз...

Дўстинг СЕРГУН.

Дрюсельдорф, 1922 йил 1 июль.

Н. Б. МАРИЕНГОФга³

Москвдан қараганда Европа шеърятдаги фикрларимизни
тарғиб қилиш учун кенг майдон бўлиб туюлган эди. Энди...кў-
риб турибман: ё раббий! Россия бу борада ҳам нақадар гўзал
ва бой! Назаримда, бундай ўлка йўқ ва бўлиши ҳам мумкин
эмас...

Бу ерда бор қиладиган ишим — икки китобим таржимасини
чоп этиш...

Инглиз ва француз тилларида нашр қилдираман...

Ҳозир Туркистон ҳақида хотирляяпман. Вожабо, нақадар
гўзал эди бари-бариси:

С-Самарқандга б-бораман, албат,
У-унда яшар севгим — муҳаббат...

Дўстинг СЕРГУН.

Остенде, 1922 йил 19 июль.

М. Д. РОЙЗМАНга⁴

Бошқа биров яратган образ ёки ибора қай тарзда
ўзлаштирилмасин, у очик ўзлаштириш деб қаралади. Борди-ю,
ўзлаштирган шахс ўша образ ё иборани ўзиники деб берса, бу
адабий ўғрилиқ дейилади...

С. ЕСЕНИН.

Москва, 1924 йил 24 август.

Г. А. БЕНИСЛАВСКАЯга⁵

Айни пайтда фикрларим ойдинлашаётганини ҳис қиляпман.
Менга дабдабали, мазмунсиз шеърйи шухратнинг кераги йўқ.
Мен шеърят нима эканлигини тушундим.

Менга ўйламасдан гапирманг, чунки мен шеърга сайқал
беришдан умуман воз кечганим йўқ. Мутлақо. Шаклга
нисбатан янада талабчанроқ бўлганман. Гап шундаки, мен
содалликка етиб келдим, холос...

С. ЕСЕНИН.

Ботуми, 1924 йил 20 декабрь.

Г. А. БЕНИСЛАВСКАЯга

...Энг зарури — мен Техронга учиниш керак...

Сиз ҳам тушунинг, ахир, мен ўрганиш учун боряпман. Ҳатто
Шерозга ҳам ўтиш ниятим йўқ эмас. Бунга албатта эришаман.
Ахир, у ерда Эроннинг энг ажойиб лирик шоирлари дунёга
келган. Мусулмонлар: «Кимки шоир бўлмаса — эронлик эмас,
борди-ю у яхши ёзолмаса — шерозлик эмас», деб бекорга
айтишмаган...

С. ЕСЕНИН.

Боку, 1925 йил 8 апрель.

¹ А. В. Ширяевец — тошкентлик рус шоири.

² А. М. Сахаров — нашриёт ходими, шоирнинг дўсти.

³ Н. Б. Мариенгоф — рус шоири.

⁴ М. Д. Ройзман — журналист.

⁵ Г. А. Бениславская — шоирнинг дўсти, ношир.





Бахтиёр Назаров

«ФИКРИМИЗ ДАРАХТИ ШИДДАТЛИ ЎСАР...»

Республикадаги ёзувчиларнинг VIII ва IX съезди оралиғидаги ёшлар ижодида назар ташласак, ажиб манзараларнинг гувоҳи бўламиз. Биринчидан, бу йиллар ичида адабиётимизга сўз сеҳрининг кудрати ва моҳиятини чуқур тушунган, турфа услубий изланишларга эга ёшлар кириб келишди. Иккинчидан, бу босқичга келиб ёш ижодкорларга бўлган эътибор янада ошди. Хусусан, «Ешлик» журналининг нашр этилиши навқирон авлод вакилларига ўз ижодий имкониятларини намойиш этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Нашриётларимиз томонидан жорий этилган «Авторнинг биринчи китоби», «Олтин беланчак», «Мунаққиднинг биринчи китоби» сериясида чиқа бошлаган тўпламлар шодаси ҳам бу даврда ёш ижодкорларга эътиборнинг, ғамхўрликнинг янада кучайганидан дарак беради. Шунингдек, телевидение ва радио орқали янги авлод асарларининг кенг тарғиб қилиниши уларни миллионлаб адабиёт ихлосмандларига танитмоқда. Учинчидан, ёшлар ижоди мазкур босқичда адабий танқидчилик муҳокамалари ва мунозараларининг доимий диққат марказида бўлиб қолди. Адабий жараёндаги бу тенденцияни ёшлар ижодига эътиборнинг кучайиши, дебгина баҳолаш озлик қилади. Бу маданиятимиз ва эҳтимол, маълум маънода, миллий онгимиз тараққиёти даражасини кўрсатувчи белгилардан биридир. Чунки, юксак даражада тараққий этган халқларнинг адабиёти, танқидчилиги равнақига назар ташласак, ёшлар ижодига эътибор доимо уларнинг диққат марказида бўлганини кўра-миз.

Агар, бадий адабиёт равнақи даражаси ҳар бир халқ, ҳар бир миллат тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим белгилардан биридир, деган доно фикрни эслайдиган бўлсак юқоридаги масалага эътиборнинг аҳамияти нечоғлик муҳим экани яна бир карра аён бўлади.

Хўш, икки съезд оралиғидаги республикадаги ёшлари ҳақида гап борар экан, улар ижодининг бу босқичдаги тараққиёт тенденциялари нималарда кўринади? Адабиётимиз равнақининг янги тўлқинлари қайси хусусиятлари билан эътиборимизни жалб қилади? Бу хусусиятлар ўзининг қайси фазилатлари билан замондошимиз ва ватандошимизнинг янада маънавий камол топишига, жамиятимизнинг фаол граждандари бўлиб яшashi, меҳнат қилиши ва курашига таъсир кўрсатмоқда!

Бу саволларга кичик бир мақолада жавоб бериш қийин, албатта. Чунки, 80-йилларнинг биринчи ярмидаги адабий жараён ёшлар ижоди мисолида деярли барча жанрлардаги жонланиш, серқирра шакллар, мавзулар, услублардаги изланишларни истифода этадики, бу ҳақда муайян бир тасаввур бериш, ҳеч бўлмаганда, драматургия, проза ва поэзия соҳасидаги манзараларни алоҳида-алоҳида ёритишни тақозо этади.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз ёшлар шеърятининг айрим қирраларигагина, айрим ёшлар ижодигагина назар ташлаш билан кифояланамиз.

Маълумки, мазкур беш йилликда республикада ҳаётдаги, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги, айрим кишиларнинг хизмат бурчига муносабатидаги, маънавий ва инсоний қиёфасидаги жиддий камчиликлар партияимиз томонидан кескин равишда фош этиб ташланди. Ёш шоирларимиз ҳам бу масалага имкониятлари даражасида, баҳоли қудрат ўз муносабатларини билдирдилар. Масалан, Усмон Азимов «Маяковский билан суҳбат» шеърида «Англайман, шоир бу — закон фарроши» деган фикрни илгари сурадики, бу унинг давр талабини ниҳоятда тўғри англай олганини кўрсатади. Шоир бу фикрга содиқ қолиб, мазкур шеърда пул дейилган жойда отасини ташлаб, онасини сотиб юборадиган «зот»лар йўқ эмаслигини, пора олгани билан ҳатто юзи қизармовчи нокаслар борлигини кескин қоралайди.

Асарнинг лирик қаҳрамони устоз Маяковскийга ўзини қуршаган иқтисодий-ижтимоий турмушдаги бундай АЙРИМ норасоликлар билан бир вақтда адабий ҳаётда учраб турувчи адабий номукамалликлар ҳақида ҳам «ахборот» беради.

— Езяпмиз...

Дўконда китоблар лиқ-лиқ.

Бериб туришибди мукофотлардан, —

деб ёзади шоир. Бироқ, асосий гап бунда эмас. Тўғри, шоир теграмиздаги камчиликларни рўй-рост айтгиси келади, бироқ, ҳаётни, жамиятни фақат қора бўёқда кўрсатиш унга бегона. Унинг асосий нияти — жамиятимизни мавжуд камчиликлардан фориғ қилишдан, дориламон давримизни уларсиз янада улугроқ кўришдан иборат. Усмон Азимов устози Маяковский билан мулоқотга киришар экан:

Ютуқлар чўнтакда,

улар бор нарса...

Аммо камчиликдан сўз очмоқлик бурч —

Большевик

большевик билан юзлашса,

Шоир шоир билан келиб қолса дуч! —

деб ёзишининг боиси ҳам шунда.

Бу поэтик гоя КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил Апрель пленумида айтган фикрига эш ва ҳамоҳанглиги билан эътиборни жалб қилади.

Ҳаёт ҳақида, турмушдаги камчиликлар ва норасоликлар ҳақида дадил ва ҳаққоний фикрлар айтишга интилиш, шунга муносиб янгича ифода воситаларини излаш икки съезд оралиғидаги ёшлар шеърятининг илғор тенденцияларини кўрсатувчи белгилардан биридир.

Она халқ, она Ватанга бўлган сўнгсиз ва чексиз меҳр-садоқат туйғуларини куйлаш саксонинчи йиллар ёшлар шеърятининг туб моҳиятини ташкил этади. Масалан, Қутлибека Раҳимбоеванинг «Ватан хусусида 10-синф қизларига сабоқ» деган шеъри бор. У, бир қараганда, катта ҳаёт бўсағасида турган қизларга қарата «Ватанингизни, халқингизни, она тилингизни севинг, улардан муқаддасроқ нарса йўқ» дейилган, шу вақтгача минглаб шоирлар томонидан айтилган гапнинг такроридек бўлиб туюлади. Бироқ, аслида ундай эмас. Бу гапларни эски гаплар эмас, ҳеч қачон аҳамияти йўқолмовчи эски ҳақиқатлар дейиш мумкин. Эски ҳақиқат эса, бунинг устига у она Ватан, она халқ, она тил тўғрисида бўлса, у доимо, ҳамма замонларда ҳам

янги моҳият касб эта олади. Шу жумладан, бизнинг замонда ҳам, бизнинг шу кунларда ҳам. Шунинг учун шоирнинг:

Тилло зираклари севинглар, лекин,
Зарли кўйлаклари севинглар, лекин,
Яна кенгроқ севинг Ватанингизни, —

мисраларини ўқир эканмиз, буларни оддий панд-насиҳат тарзида эмас, ундан кенгроқ ва қанотлироқ маънода тушунамиз.

Шунинг учун ҳам:

Бахмал майсаларнинг бўйин унутинг,
Қадрдон қушларнинг куйин унутинг,
Она тилингизни унутманг! —

каби ўғитнамо сатрлар ҳам бизни ўз замиридан чуқур маъноларни ўқиб олишга чақиради. Бу фикрлари билан шоира ёшларга табиат гўзалликларидан бебаҳра бўлсанг бўлгин-у, она тилингизни унутма деяётгани йўқ. Назаримизда, шоира бу парча орқали ёшлигини да ўткинчи, ҳою-ҳаваслар оғушида маст бўлиб, она тилингизнинг зарофатларидан бебаҳра қолма, тўтиқуш бўлма, зеро, қуршаган ҳаёт ва табиат тароватини она тилинг орқали идрок этасан ва ҳис қила оласан, демоқчи.

Халқимиз тарихининг узоқ ўтмиш манзараларига мурожаат, тарихий мавзуларга эътиборнинг наинки кучаюви, балки чуқурлашуви ёшлар поэзиясининг сўнги босқичдаги тенденцияларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Мирза Кенжабевнинг «Авесто оҳанглари», Тоҳир Қаҳҳорнинг «Сарбадорлар», Азим Суённинг «Асрлар ҳикояти» ва Хуршид Давроннинг қатор шеърлари бунга мисол бўла олади. Узоқ мезий манзараларидаги характерли белгиларни, қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятидаги муҳим хусусиятларни аниқлай олиш ва саралай билиш ҳамда буларнинг барчасидаги ҳозирги ҳаёт билан боғлиқ бўлган фазилатларни бир неча сатрдагина тасвирлай олиш осон эмас. Хуршид Давроннинг бу йўналишдаги изланишлари шу талабларга жавоб бериши нуқтан назаридан эътиборни жалб қилади. Унинг «Кошғарий», «Девонул-луғатит-турк» оҳанглари, «Широқ ҳақида ривоят», «Абдулхай сўзи», «Қадимий бетикини варақлаб бир қур...» сингари шеърлари, айниқса, эътиборга лойиқ. Хуршид ўтмиш ҳақида шеър ёзар экан, унинг мақсади мезийни улуғлаш, кечмишга ҳамду сано ўқиш эмас, тарихнинг бугунимиз билан боғлиқ ёғдуларини, нурларини бадий гавдалантиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам таниқли олим Г. А. Пулгаченковага бағишланган «Бу деворлар — бизнинг елкамиз...» шеърда битик тошлар узоқ авлодлар қалбидан отилиб чиққан армонли ва умидли қўшиқ парчалари; Сомоний мақбараси — боболарнинг равшан имони. Шунинг учун бу обидаларни кўз қорачиғидек асрамоқ керак дейилади. «Кошғарий» шеърининг асосини ҳам ўтмиш билан бугуннинг узилмас ришталарини куйлаш ташкил этади. Шоир яхши билади: халқ сўзи ўлмас экан унинг ўзи ҳам ҳеч қачон ўлмайди. Шунинг учун ҳам Кошғарий меҳнатининг аҳамияти шоир талқинича халқ сўзларини, халқ тилини асраб-авайлаб қолиш билангина эмас, умуман шу тил мансуб бўлган халқни ҳам тарих бағрида «забун» қилмай, қўтқариб қолишга хизмат қилиши билан белгиланади. Бу шеърнинг ғояси Хуршиднинг «Девонул-луғатит-турк» оҳангларида янада ривожлантирилади. Асарнинг етакчи рўзи, шеърда айтилганидек, мезийни бугунга ўламоқдан иборатдир. Шеърни ўқиш давомида буни биз чуқур ҳис этамиз.

Арқулардан ҳатлаб, сойларни ичиб,
Ятика шуъласин боламдек кўчиб,
Утлоқлар кўйини оҳудек кечиб,
Етаман — эшикни аста чертаман,
Кошғарий чиқади эшикни очиб.

— Хайр! — демас. — Салом, — дер — салом,
набирам!

Узоқ мезийдан туриб бу олимнинг ёш авлодга хайр эмас, салом дейишида ҳам катта рамзий маъно бор. У бугун билан тарихнинг яхлитлигига, бугуннинг ўтмишдан узилиб қолмаганига ишорадир.

Бу даврда ёш шоирларимиз асарларида бутун ер юзининг тақдирга дахлдорлик туйғуси ҳам муносиб ўрин олгани диққатга сазовордир.

Синглингдирман мен сенинг, Чили,
Синглингдирман сенинг Фаластин.
Шеър битилган рўмолчам билан
Боғлаб қўяй қалбинг ярасин.

Бу Мақсуда Эргашеванинг «Инсон учун Ер шари — Ватан» шеърдан бир парча. Шу кичик парчадан ҳам яққол кўринади, шоира ўз дардини дунё дарди билан қўша олган. Шунинг учун ҳам у «шеър битилган рўмолчам»си билан Фаластин жароҳатини боғлаб қўйишга тайёр.

Анвар Обиджоннинг беш мисрадангина иборат бўлган «Пабло Неруда» деб аталган шеър бор:

Расво бўлган номус ор учун,
Жангда ўлган дўст учун йиғланг.
Ев топтаган гул дёнор учун,
Тақиқланган сўз учун йиғланг.
Қолган дардлар — чархнинг ҳазили.

Бу шеърда шоир фақат номус-ор, дўст, Ватан ва сўз эркинлигини астойдил қайғуришга арзигулик тушунчалар-у, қолган ташвишлар бир пул деяётгани йўқ. Аксинча, буюк Пабло Неруда ва унинг Ватани бошига тушган фожеали қисматлар мисолида шоир шу тўрт тушунчага алоҳида поэтик урғу беришининг сабаби шундаки, Ватан тақдири ўзининг айрим бурилиш нуқталарида моҳият эътибори билан мана шу тушунчаларга бевосита дахлдор бўлиб қолади. Эркин сўзнинг тақдирланиши ва тақиқланиши халқ истиқболи ва иқболнинг занжирланиши демакдир. Бу эса ўз навбатида гул дёнорнинг ёв томонидан топталишига қулай имкониятлар яратади. Жангда дўстнинг ўлиши сўзнинг тақдирланиши ва тақиқланишига қарши, гул дёнорнинг ёв томонидан топталмаслиги учун майдонга тушган Ватан фарзандининг ҳалок бўлишига бир рамзий ишорадир. Расво бўлган ор-номус эса адолат ва ҳақиқатнинг топталиши, оёқ ости қилиниши демакдир. Шундай экан, мана шу ҳодисотлар рўй бергани учун аччиқ йиғламай бўладими! Ватан билан алоқадор бу муқаддас қайғу-оғриқлар олдида қолган дардлар чархнинг ҳазили, деган шоирнинг поэтик фикрига ҳам ишонмай бўладими, ахир!

Ешларнинг тинчлик, адолат ва тараққиёт ғояларини илгари сурувчи бундай шеърларига, Улуғ Ватан урушидан қолган яраларнинг изтиробларига бағишланган асарлар тутатиб кетади.

Аммо отам елкасига теккан ўқ
Менинг кўрагимда битмоқда, —

деб ёзади Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Дард чуқур...» шеърда.

Ота,

Ҳали тугамаган сенинг урушинг!
Сенга уйқу бермас ярадор ўйлар.
Тунлар

мажруҳ ўйларингни бинтдек ўрайди.
Йўллар. Йўллар. Йўллар. —

деб ёзади Сирожиддин Саидов ўзининг шеърларидан бирида.

Шоир уруш даҳшатларини кўрган қаҳрамоннинг бугунги руҳий ҳолатларига ўзгалар ишлатмаган, оригинал ташбеҳлар топадики, бу нарса шеърнинг поэтик жозибасини ҳам, таъсир кучини ҳам оширади. Эътибор беринг, гап тан жароҳати, тан яраси устида эмас, ўйлар, хаёлларнинг ярадорлиги устида бормоқда. Уруш етказган тандаги асоратнинг оғриғига чидаса бўлади, у битиб кетиши ҳам мумкин. Лекин ўй-хаёлларни банд этган изтиробларга, тасаввурда қолган азобларга чидаб юришининг ўзи бўладими! Бунинг устига агар қирқ йил бурун орттирилган хотиралар ярасидан чак-чак қон томиб турса-чи! Шоир қаҳрамоннинг бундай азобли ҳолатларига чиройли поэтик ифодалар топа билади:

Кечалар ой ҳамшира мисол
Изтиробнинг яраларни боғлаб юради.

Сирожиддин Саидовнинг «Ота, ҳали тугамаган сенинг урушинг...» номли бу шеърини ўқиб уруш қирқ йиллик тарих ортида қолиб кетган бўлишига қарамай, унинг шоҳидлари вужудида ҳамон давом этаётганлигига ишонамиз, унинг қабоҳатларини биз — урушни кўрмаган авлод ҳам ич-ичдан ҳис этамиз.

Ёш шоирларимиз қўлда қалам билан тинчликни ҳимоя

қилишга бел боғлаганлар. Албатта, бу йўлда бор фикрларни такрорлаш билан, айтилган гапларни қайтараш билан муддаога эришиш оғир. Фақат жиддий изланишларгина бу ўринда кўнгилдагидек самара бериши мумкин.

Дунёдаги жами шеърларни йнғиб
Йўрگانсанса Замин.
Утмас унга тнғ, —

деб ёзади Йўлдош Эшбеков. Бу бир қарашда жуда оддий бир гап. Бироқ асл гўзаллик соддаликдадир, деганларидек, бу фикр замирига гўзал маъно жо қилинган. Шоир: тинчлик учун курашайлик, урушга нафрат ўқийлик деб риторикага берилмайди. Оддийгина ва содда қилиб бу фикрнинг янгича ифодасини топади.

Еш ижодкорларнинг асарларида уруш ва тинчлик мавзун, бутун ер юзи тақдирига дахлдорлик туйғуси, Ватан ва халқ иқболига куюнчаклик мотивлари нечоғлик муҳим ўрин эгалламасин, инсоннинг ўз-ўзини англаш, ўзлигини тушуниш, шахс концепциясини чуқурроқ англаш, замондошимизнинг жамиятдаги ўрнини янада теранроқ идрок этиш ва граждандлик бурчини чуқур ҳис қилиш борасидаги изланишларини улардан узиб алоҳида баҳолаш мумкин эмас.

Тўғри, бу йўналишда айрим ёшлар ҳамон қуруқ риторикадан, баландпарвозликдан, оддий қақриқ, хитоб ва даъватдан нарига ўтолмай қолмоқдалар. Масалан, Венера Иброҳимованинг шеърларидаги «Давралардан ўз ўрнинини топмоқ ҳам бир имтиҳон» («Давраларга шошаман»), «Ўз ўрнинини топмоқ лозим дўстларнинг даврасида» («Қалбимдаги гул»), «Шиддаткор бу ҳаётга керак биздан жасорат» («Юракдаги қушга»), «Дунёни дунё қадар севмоқ керак дўстгинам» («Бир танишимга») сингари умумий, риторик фикрларга жуда кўп ёшларнинг асарларида ҳам дуч келамиз. Биз, албатта бундай гапларнинг айтилишига қарши эмасмиз. Гап шундаки, бу фикрлар шеърда «мана бу жилға», «мана бу олма», «бу — ёмон, бу эса — яхши» қабилида ифодаланмаслиги лозим. Шеър бизга жилғанинг қайси хусусиятлари жилвакор ва илҳомбахш эканлигини, олма қайси хусусиятлари, айтилик, ранги ё ҳиди ёки шакли билан тароватли ва гўзал эканлигини, ёмон — қайси жиҳатлари билан шу вазиятда номақбулу яхши қайси фазилатларига кўра бу баҳога муносиб — шуларни кўрсатиб, ифодалаб бермоғи лозим. Акс ҳолда ҳеч қандай гўзал истиоралару даъват ва хитоблар шеърни шеър қилолмайди.

Шунинг учун ҳам Венера Иброҳимованинг «Бир танишимга» шеърдаги:

Ҳаёт экан ҳар қадамда учрар қувонч, қайғулар
Ташвишларга бардош бермоқ эрур катта жасорат.

Еки: «Не бир савдоларга дуч келган чоғда...» деб бошланувчи шеърдаги:

Елкамда ҳаётнинг забардаст қўли,
Бир масъул ҳис билан яшаб турибман.
Бор экан ҳаётда ҳар кимнинг йўли,
Ўз йўлим бошида собит турибман, —

сингари мисралари бир кўринишда шеърга ўхшаб кўринса-да, улар руҳий дунёнинг поэтик таҳлилидан маҳрумлиги тўғрисида ўқувчига бадиий асарда таъсир кўрсатишга ожизлик қиладди...

Ўз-ўзини чуқурроқ англаш, инсон қалби ва руҳиятига чуқурроқ киришишга интилиш ёшлар шеърлятида фақат шундай асарлар билан белгиланади, дейиш нотўғри, албатта... Ёшларнинг сўнгги йилларда бу йўналишда қўлга киритаётган муваффақиятлари оз эмас.

Олам айланади. Замин айланар
Тинимсиз борлиқнинг чархпалагида.
Одамлар айланар — ким ўзгаларнинг,
Ким фақат ўзининг теварагида.

Дурдона Худойбергеновнинг «Чексиз зулмат аро митти чирокдай...» номли шеърдан олинган бу парча кенг маънода инсон табиятига назар ташлаш олиб бегисидир.

Икки съезд оралиғидаги ёшлар шеърляти фақат юқорида номлари тилга олинган шоирлар ижоди билангина белгиланмайди, албатта. Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Шукур Қурбон, Мирза Кенжабоев, Мирпўлат Мирзаев, Муҳаммад Юсуф, Гулчехра Раҳимова сингари шоирларнинг ўнлаб шеърляри, қатор тўпламлари янги авлод яратаётган поэтик тўлқиннинг нурли саҳифаларини ташкил этади. Улар поэзия-мизнинг жанр ва шакл жиҳатидан бойишига ҳам баракали улуш қўшмоқдалар. Азим Суюн ва Муҳаммад Юсуфнинг халқ лирикаси йўлидаги шеърляри фақат шаклдаги ўйноқилиги ва оҳангдорлиги билангина эмас, уларда янги замонавий мазмуннинг ифодаланishi нуқтани назаридан ҳам диққатни жалб қилади. Усмон Азимовнинг «Бахшиёна» туркумидаги шеърлярида халқ достонлар шаклини маълум маънода модернизациялаш йўли билан амалга оширилган ва уларга шу кўннинг муаммоларини сингдиришга ҳаракат қилинган экспериментлар, назаримизда, ҳозирги шеърляти мизининг янада рангбаранглашувига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Тоҳир Қаҳҳорнинг классик поэзия мизининг фард, маснавий, ғазал сингари шакл ва жанрларидаги аъёнларини ижодий ўзлаштириш натижаси сифатида майдонга келган шеърлярида баъзан чўзиқлик, кўпсўзлик, асосий ғоявий мақсаднинг бирмунча сояда қолиб кетиш ҳоллари кўзга ташланса-да, муаллиф ўз фикрляри ифодасининг янги-янги имкониятларини излаётганлиги жиҳатидан эътиборни жалб қилади. Муайян тажриба орттирилгач бу изланишлар ижобий самаралар бериши мумкинлигига умид туғдиради. Шунингдек, унинг сонет жанридаги тажрибалари ҳам ёш шоирляри мизининг рангбаранг шаклларда кўчларини синашга интилаётганига ижобий далилдир. Япон шеърляти таъсирида 70-йилларда поэзия мизга Рауф Парфи олиб кирган учлик шаклида бошқа бир қатор ёш шоирляри миз ҳам ўз кўчларини синиб кўрдилар. Бу борада, хусусан, Анвар Обиджоннинг «Уччаноқлар» умумий номи остида бирлаштирилган «Абадий эзгулик», «Эҳ, аёллар дунёси» сингари туркумлари сўнгги йиллар ёшлар шеърлятининг муваффақиятли изланишлари намуналари қаторига қўйиш мумкин. Лекин бу шаклда ниҳоятда бўш ва заиф асарлар ҳам майдонга келдики, бу ҳар бир янгиликка кўр-кўрона мурожаат этмай, жиддий ўрганиш ва тайёргарликдан сўнггина мурожаат этиш лозимлигини кўрсатади. Хусусан, Аббос Малиқнинг:

Қулайди ахир сенинг соянг ҳам.
Сен кетгач шундай десунлар:
«Чала бўлса-да яхши иши бор».

Еки:

Юрган сўқмоғим чанг босмас, асло!
Қуёш нурлари тугамагандек —
Хайрли ишларим бергай тасалло, —

сингари учликлар менга поэтик асар намуналари эмас, балки қўполроқ қилиб айтганда, алаҳсирашдаги узук-юлуқ гаплар бирикмаси бўлиб туюлади.

Шаклий изланишлар ҳақида гап борар экан, Лотин Америкаси ва испан шеърляти билан ўзимизнинг «Қутадғу билик» ва «Ҳиббатул-ҳақойиқ»лардаги аъёнларнинг синтезидан пайдо бўлган шакл ўз мухлислари доирасини янада кенгайтирганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Тўғри, ҳали ҳам уларнинг барчасини бирдек муваффақиятли ва шеърхонларга тушунарли дейиш қийин. Масалан, Муҳаммад Солиҳнинг:

Дарахт шоир бўлса
Нима ҳақда ёзган бўларди:
Озгина қушлар ҳақда,
Осмон,
Қуёш,
Кейин саёҳат ҳақда,
Саёҳат, саёҳат, саёҳат
Ҳақида тинмай ёзган бўларди, —

сингари шеърларнинг мақсадини, шахсан мен нечоғлик уринмай, тушуна олмайман. Лекин Муҳаммад Солиҳнинг инсондаги мураккаб ва зиддиятли руҳий ҳолатларнинг тиниқ ва аниқ тасвирига эришилган қатор шеърляри наинки бугунги ёшлар ижоди, балки умуман сўнгги давр ўзбек шеърлятининг гўзал намуналари қаторидан ҳақли равишда ўрин олса

арзийди. Унинг «Сен учун» шеърдаги қуйдаги парчага назар ташлайлик:

Тоғлар ҳам, бу баланд тоғлар ҳам —
Сени кўрмоқ учун ўридан турган
Заминдир.

Муҳаммад Солиҳнинг «Дарахт» деган шундай шеъри бор:

Мана шу дарахтга бераман
Сенинг етим қолган исмингни.
Токи дарахт мазмун касб этсин,
Токи камроқ ўртансин виждон
Сендан сўнг ҳам тириклигимга.
Токи деразамда титрасин абад
Олис табассуминг соясин!..

Муҳаммад Солиҳ шеърларидаги шаклий изланишлар бошқа ёшларга ҳам таъсир қила бошлади. Бироқ, Чарли Чаплин ҳаракатларига таассуб қилиш бўйича ўтказилган конкурслардан биринида журига билдирмай иштирок этган буюк актёрнинг ўзи учинчи ўринини эгаллаганидек, тақлид наинки эргашувчиларга ҳатто асл муаллифининг ўзига ҳам вафо қилмаслиги бундай ёшларга ибрат мактаби бўлишга арзийди. Шу нуқтаи назардан Мақсуд Бекжоннинг айрим шеърларига назар ташлайлик:

— Осмон... Осмон...
Биз ериқлар учун
Қаердан бошланур бу осмон!
— Қандай тушунтирсам сизга...
Агар, оёғимиз ерга тиралган бўлса,
Осмонда юради бизнинг бошимиз.

Бу шеър билан шоир нима демоқчи! Мақсади нима! Қандай ғояни ёки фикрни илгари сурмоқчи! Уқувчини нимага ундаяпти! Фикримиз ёки туйғумизга нима бермоқчи! Қанчалик ҳаракат қилмай, мен бу саволларнинг биронтасига жавоб топа олмадим.

Мақсуд Бекжоннинг бу шеъригина эмас, унинг «Фаслсизлик» «Мен айтар сўзимни ютиб қўйдимку...», «Илиқлик бўлса...» сингари шеърларида ҳам шунга ўхшаш фикрий мавҳумлик, мужмаллик кўзга ташланади.

Сирожиiddин Саидовнинг «Достонлар тилимни равон қилурлар...», «Саъдий ғазаллари саҳроларидан...» сингари шеърларидаги фикр ҳам шакл соясига қолиб кетган.

Шаклий ва жанрий изланишлар ҳақида гап борар экан, икки съезд оралиғидаги босқичда ёшларнинг айниқса, шеърий туркум ва баллада бобидаги жиддий изланишлари кўзга яққол ташланади. Бироқ, бу изланишларнинг кўпини муваффақиятли деб баҳолаш қийин. Усмон Азимов, Хуршид Давроннинг айрим асарларини ҳисобга олмаганда, кўпчилик ёшлар ўзларининг қатор ижод намуналарини баллада деб номлаганлари билан, булар бу жанрнинг қатъий, ўзига хос талабларига жавоб бера

олмайди. «Ватан ҳақида сўз», «Номалум аскар овози», «Йўллар» сингари анчагина чиройли шеърларнинг муаллифи Манзура Эгамбердиева тўққиз мисрадан иборат кичиккина манзумасини «Севги ҳақида баллада» деб атайди. Гап бу ерда фақат ҳажмдагина эмас, катта бўлсин, кичик бўлсин, бу ерда балладага хос туйғулар драматизми, қаҳрамоннинг руҳий ва фикрий ҳаракати йўқ. Нурилла Остоннинг «Бола ҳақида баллада», Азим Суюннинг «Идора, уй, стол ва ўлим ҳақида баллада» сингари асарлари хусусида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин.

Сўнги йилларда ёшлар орасида шеърий туркум яратиш ҳам авж олди. Бир қараганда бу ҳаракатни олқишлаш керак. Лекин афсуски, аксар ёшлар шеърий туркумнинг асл моҳиятига етмасдан, унинг ўзига хос хусусиятларини англамасдан туриб бири-бирига яқин бўлган мавзуда ёки бирор бир конкрет жой номи билан боғлиқ бўлган шеърларнинг таг сарлавҳасига «туркумдан» сўзини илова этиб эълон қилмоқдалар.

Ҳолбуки, шеърий туркумнинг ўзига хос талаблари ва қонуниятлари бор. Туркумда бир асарда бошланган ғоя иккинчисида муайян даражада ривожлантирилиши, бир асарда кўриниш берган қаҳрамон иккинчи, учинчи ва бошқаларида тадрижий ўсиши лозим ва ҳоказо. Масалан, Нурилла Остоннинг «Сўғдиёна» деб номланган етти шеърдан иборат туркумида шу хусусиятлар сезилмайди.

Икки съезд оралиғидаги ёшлар ижодида кўзга ташланган навбатдаги жиддий қусурлардан бири шундаки, бу даврда айрим (масалан, Шукур Қурбоннинг «Беҳзод», Усмон Азимов ва Хуршид Давроннинг баъзи асарлари) намуналарни ҳисобга олмаганда, бу босқичда тўлақонли, йирик достонларнинг яратилмаганлиги кўзга ташланади. Ҳолбуки, бу жанрда ҳам ўз ижодий имкониятларини дадил синаб кўришга арзигулик кучга эга бўлган ёш шоирларимиз борлиги яхши маълум.

Хулоса қилиб айтганда республикамиз ёзувчиларининг VIII ва IX съездлари оралиғидаги босқичда шеъриятимизга ранг-баранг овоз, ранг-баранг услубга эга бўлган бақувват ёшлар кириб келди ва ўзларидан олдинги авлод вакиллари, устозлари билан ёндош сафларда туриб умумий, катта адабиётимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Қутлибека Раҳимбоева ўзининг «Уйғониш фасли манзаралари» шеърда баҳорнинг эндиғина қулф ура бошлаган, кишини ҳаяжондан энтиктириб, қувончдан кўзларни ёшлагудек дилбар дамлари ҳақида ёзатуриб шундай дейди:

Фикримиз дарахти шиддатли ўсар,
Тиннар қароғимиз ёшланишлари.
Бу ҳам уйғонишми, йўқ ҳали, дўстлар,
Ҳали уйғонишнинг бошланишлари.

Уйғонишнинг бу муборак бошланишлари келгусида, шубҳасиз, ўзининг ажиб самараларини кўрсатишига ишонамиз.



Ориф Фармонов

НИМА ҲАМ ДЕРДИМ...

Шарақ-шуруқ чўт қоқиб ўтирканман, дўнғалакдек телефон жиринглаб қолди.
— Алло! Ҳа, менман... Ие, ҳозир, жоним! Мана, қуш бўлиб учяпман! — дея ўрнимдан ирғиб туриб кетдим.

Жону дилим, яккаю ёлғизим — севгилим Замира учрашуга таклиф этди мени!.. Дафъатан тўрга тушган беданадай потирлаб қолдим. Хиргойи қилганча дўппимни стол устига қўйдим—да, йўлакка чиқдим. Иш вақти тугай деб қолган бўлса ҳам, ҳали ҳеч ким кетмабди; барча хона эшиклари ланг очик. «Разведка»дан бўшашибгина қайтиб, жойимга ўтирдим, столда қўнқайиб турган дўппимни тортмага солдим. «Ҳм-м, хўжайин қаерда экан?» Котиба қизга кўнғироқ қилиб сўрасам, «Кираверинг, ёнларида ҳеч ким йўқ», деди.

Гапини қаранг, ёнига кирармишман!

Бошлигимиз ўзи ушоққина бўлса ҳам жуда бетгачопар; назаримда, доим аламини ичига ютиб ўтиради. Чунки ёшлигида ота-онаси «зўрлаб» уйлантириб қўйишган экан. Ногаҳон, хонамга ҳамкасбим Мадамин бош суқди.

— Мажлисга кирарканмиз, — деди у кўзларини пирпирайтиб.

Унинг секингина айтган гапи нақ қулоғим остига тарсаки тушгандек таъсир қилди.

— Қанақа мажлис?! — деб сўрадим жон-поним чиқиб.

— Ким билади дейсиз, — дея гуноҳқорона елка қисди Мадамин, эшикни ёпаётиб.

Ноилож бошлиқнинг хонасига кириб бордим. Ҳамма ходимлар қалдирғочнинг болаларидай тизилишиб ўтиришди. Секингина бир чеккадаги стулга чўқдим.

Маҳаллий комитет раиси инқиллаб ўрнимдан турди.

— Хў-ўш, ўртоқлар, — дея сўз бошлади у, — мана, байрам яқинлашяпти. Шу муносабат билан «Коллективизмизнинг байрамга туҳфаси» деган мавзуда гаплашиб олсак. Асосий нутқ Ғофиржон акага топширилган. Қандай таклифлар бор? Йўқми?.. Бўпти, бошлайверамиз унда.

Ғофиржон ака ўрнимдан турди. Қўлидаги қоғозларни эринмай тартибга солгач, гапга тушиб кетди:

— Уртоқлар, районимиз бугунги кунга келиб ниҳоятда улкан-ютуқларга эришди. Пахта ҳосилдорлиги гектаридан ўттиз бир центнерга етди. Таннарх камайиб, тола сифати яхшиланди. Ҳосилнинг тўқсон фоизи машиналар ёрдамида териб олинмоқда. Айрим колхоз-совхозлар гектар бошига элик центнердан ошириб ҳосил етиштирмоқда. Бундай кўрсаткичларга қандай қилиб эришилди?.. Биринчидан, пайкаллар йириклаштирилиб, пахта териш машиналари орқасига қайрилиб олиши учун кенг йўл очилди. Иккинчидан, ерлар агротехника қондалари асосида озиқлантирилди. Ишчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Даромадининг ошиши натижасида қишлоқларимиз жамоли тубдан ўзгариб кетди; клублар, сартарошоналар, ҳаммомлар қурилди. Айрим қишлоқларимизга водопровод ўтказилди. Хўш, ўртоқлар, бу ишга биз қандай ҳисса қўшдик? Байрамга қандай совға билан борамиз?.. Биз пешона тери билан етиштирилган ҳосилни зараркунандалардан ҳимоя қилдик! Масалан, фойдалани ҳашаротлар ишлаб чиқариш кейинги йилларда уч баравар

ортди. Хонқизини сунъий йўл билан кўпайтириш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Ғўзани ўтоқ қилишда ғозлардан фойдаланиш ҳақида бош қотирмоқдамиз...

Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Мен соатдан кўз узмас эдим: «Ярамаснинг тез юришини-ей!»

Тагин местком раиси қийналиб ўрнимдан турди.

— Энди сўз Акрамжонга, — деди у бармоғини столдаги рўйхатга нуқиб.

Акрамжон стулни ғичирлатиб оғир қўзғалди.

— Раис бува, ўтириб гапирсам майлими? — Местком боши билан тасдиқ ишорасини қилгач, Акрамжон пишиллаганча сўз бошлади: — Ғофир акам жуда батафсил гапирдилар. Раҳмат. Менимча, ҳамма гап айтиб ўтилди... Ҳм-м, районимиз бугунги кунга келиб ниҳоятда катта ютуқларга эришгани, пахта ҳосилдорлиги ўттиз бир центнерга етгани, таннарх камайиб, пахта сифати яхшилангани хусусида ҳам ҳақ гаплар айтилди... Масалан, ҳосилнинг тўқсон фоизи машиналар билан териб олинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай юқори кўрсаткичга қандай эришяпмиз? Биринчидан, пайкаллар йириклаштирилиб, пахта териш машиналари қайрилиб олиши учун кенг йўл очилгани; иккинчидан, ерлар агротехника қондалари асосида озиқлантирилгани; учинчидан, ишчиларни моддий рағбатлантириш ижобий йўлга қўйилгани туфайли яхши натижаларга эришяпмиз, деган фикрга мен ҳам тўла-тўқис қўшиламан. Яна нима ҳам дердим?.. Ҳаммаси батафсил гапирилди. Даромадининг ошганию қишлоқ ободончилиги хусусида, чунончи, кўллаб клуб, сартарошона, ҳаммом қурилгани ҳам юқорида алоҳида таъкидланди. Мен ҳурматли Ғофир акамизнинг гапларини худди тўтиқушдек такрорлаб, сизларнинг қимматли вақтларингни шомолга совурмоқчи эмасман. Фақат ғўза зараркунандаларига қарши биологик усулда кураш ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман, холос...

Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Ниҳоят, Акрамжоннинг «бир-икки оғиз гапи» тугади. Кейин яна кимгадир сўз берилди.

— Мен нима ҳам дердим, — дея гап бошлади навбатдаги нотик, — ҳамма нарса айтиб ўтилди. Районимизнинг кейинги пайтларда эришган ютуқлари, ҳосилдорлиқнинг ошгани, таннархнинг камайгани, ҳосилнинг тўқсон фоизи машиналар билан териб олинаётгани, пахта териш машиналари қайрилиб олиши учун жой ҳозирлангани жуда тўғри таъкидланди. Бундай ютуқларга қандай эришилаётгани ҳам фактлар асосида очиб берилди... Мен ҳаммамиз учун қимматли Акрамжон акамизнинг биологик кураш ҳақидаги гапларига бир-икки оғиз қўшимча қилмоқчиман, холос. Менимча, ғозлар масаласини эътибордан четда қолдирмаслик керак шекилли...

...Қош қорая бошлади. Ох, Замирагинам, тоқатинг тоқ бўлиб уйгинанга қайтиб кетмадингми, ишқилиб?!

— Носиржон, сиз ҳам бирор нарса дерсиз?

Тўсатдан айтилган бу гапдан чўчиб тушдим. Анқовсираб ўрнимдан турдим.

— Ҳм-м, мен нима ҳам дердим... Ҳурматли Ҳалимжон акамлар айтганидай...

ФАКТ ТАСДИҚЛАНМАДИ



овхоз директори фельетончи билан БХСС ходими хўжалик чегарасида кутиб олди. Меҳмонлар билан қуюқ кўришгач, қўярда-қўймай ўз машинасига ўтқазди.

— Мана шу ердан совхозимиз чегараси бошланади, — деди у қирғоқларига сариқ тупроқ уюлган — янги қавланган зовурни кўрсатиб. — Пахталаримиз яхши. Меҳнатнинг қалпоғига уриб ётибмиз-да-е!.. Қишловга етарли ем-хашак жамғариб қўйдик. Пилла планимиз бир юзу ўн фоиз бўлди...

— Яхши, — деди фельетончи бепоеён пахтазорга тикиларкан.

Пештоқига «Бахт уйи» деб ёзилган бино тагида машинадан тушишди. Атроф дўнгликлардан иборат, лекин жуда баҳаво жой экан.

— Энди бир пиёладан чой ичамиз, — деди директор машина эшигини ёпаркан.

— Йўқ, биз чой ичиб келганмиз, — дея эътироз билдирди мухбир.

— Ишни бошлайлик, ўртоқ директор, — деди БХСС ходими.

— Иш қочиб кетмайди. Таомилимиз бўйича, меҳмон олдиға аввал дастурхон ёзилади. Бундан ташқари, бизда ошхона ҳам, чойхона ҳам йўқ. Чиқими кўпайиб кетгач, шартта ёпдик... Қани, юринглар, юринглар.

Мармар зиналардан юқорига чиқишди. «Бахт уйи» жуда дид билан қурилган эди. Кираверишда нақшланган кенг хона; шипда қимматбаҳо қандил, ўртада улкан бильярд столи. Директор меҳмонларни бурчакдаги шинам хонага бошлади. Оппоқ дастурхон ноз-неъматлар билан безатилган экан.

— Қани, акалар, марҳамат, — деди директор гарчи меҳмонлар ундан жуда ёш бўлса ҳам. — Чойхонаю ошхона, меҳмонхонамиз — шу.

— «Бахт уйи» ҳам, — дея қўшимча қилди мухбир.

— Тўппа-тўғри!

— Келин-куёвлар шу ерда ЗАГСдан ўтишадими? — деб сўради БХСС ходими.

Директор бир оз тарадудланиб жавоб берди:

— Районда ўтишадими-ю, лекин тантаналарни шу ерда нишонлаш мумкин. Энди акалар, ёмон одам қурганми, яхшими, ёдгорлик бўлиб иморат қолар экан. Самарқанд, Бухоро, Қўқон ёдгорликларини қаранг... Ие, мева-чевалардан олмайсизларми? Хўш, энди танишсак ярашади. Менинг исмим Болтавой.

— Рашидов, — деди мухбир, — Рашидов Имом, СССР Журналистлар союзининг аъзосиман.

— Каримов, — деди БХСС ходими, милиция капитани.

— Жуда яхши-да, акалар, хуш келибсизлар. Энди, очигини айтганда, ютуқ бор жойда камчилик ҳам бўлади... Чамаси, бирор шикоят тушганга ўхшайди, тўғрими?

— Ҳа, биз ўша шикоятни текширгани келдик. Тўғрироғи, ташишли сигнал. Мана, — деди мухбир ёнидан уринган конверт чиқариб.

Директорнинг кўзлари чақнади.

— Ким ёзибди? — деб сўради у конвертга талпиниб.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — деди мухбир.

— Бизда анчагина ёзувчилар топилади. Қайтага ўшаларнинг борлиги ҳам яхши. Қадамнингни ўйлаброқ босасан одам. Лекин кўпчиликни овора қилишгани ёмон-да. Мана, сиз — мухбир ака, Тошкандай жойдан келибсиз. Бу акам — областдан. Эсиз шунча вақт, йўлқира. Очиги, бизда бир-иккита муаллимлар бор. Ушалардан чиқади ёзувчилик. Толипов деганимиз — ашаддийси, — ёзмаса қўли қичийди хумпарнинг. Анавини ҳам Толипов ёзгандир-да? — Директор мухбирга саволмуз тикилди.

— Йўқ, у эмас, — деди мухбир.

— Шикоят тасдиқланса майли-ку, лекин тасдиқланмайди. Қанча-қанча одамнинг асаби бузилади. Илғари ҳам беш-олти марта комиссия келиб кетди. Ёзганлари хато чиқиб, бўккан сигирдай бақрайиб қолаверди, касофат. Унинг бир шериги ҳам бор — Эргашев... Эргашев ёзгандир-да?

— Биз, директор бова, шикоятни ким ёзганини муҳокама қилгани келганимиз йўқ, — деди мухбир тоқати тоқ бўлиб. — Сигналдаги фактларни ўрганишимиз керак.

— Албатта, албатта. Синчиклаб текшириш керак, токи тагин бошқа одамлар ишдан қолиб юрмасин. Бир шапалоқ қоғозни қоралаб юборишдан осони борми! У ёғини ўйлашмайди, азаматлар. Кескин чора кўрилмаса бўлмайди, ammo биз кўрган тadbирлар таъсир қилмаяпти. Болаб газетада фoш қилиш керак. Айниқса, Неъматов деган ёзувчимиз жа қуюшқондан чиқиб кетди. Уша ёзган-да...

— Майли, ишга ўтайлик бўлмаса, — деди мухбир энсаси қотиб.

— Қани, бизни уйингизга бошланг, — дея ўрнидан қўзғалди БХСС ходими.

Директор шошиб қолди:

— Жоним билан, жоним билан! Уйимиз... одамни уялтириб қўядиган аҳволда. Ота-бовамиздан қолган эски иморат-да. Шунинг учун... ийманиб турувдим.

— Эски уйингизга эмас, янгисига — ийирма хоналисига, — деди БХСС ходими. — Қани, кетдик.

Директор қўлларини икки ёнга ёзди. Кейин маъюс тортиб, кўзларини жавдиратди.

— Қайси уйим? — деб сўради директор бўғилиброқ.

— Мана бу нима? — мухбир ён чўнтагидан сурат олиб кўрсатди.

Директор бир зум қотиб турди-да, бирданига шундай қаҳқаҳа урдик... ойналар зириллаб кетди. У қорнини ёғимлар, гўё кўзёшлари чиққан уни артаётгандай рўмолчасини миждаларига босди-да:

— Вой хумпарлар-эй, — деди, — ахир, бу боғча-ку! Ҳа, ҳа, болалар боғчаси. Бугун-эрта болалар йиғилади. Фақат номини қўйиб берасиз, илтмос, мухбир ака...

...Шундай қилиб, болалар оби-тобида нақшланган, чиройли боғчага эга бўлиб қолдилар.



Шариф Юсупов

Ворислик бурчи



Ўзбек демократик адабиётининг барча намоёндалари орасида Зокиржон Фуркат энг ноқулай, энг оғир, айтиш мумкинки, фожиавий бир шароитда ижод этди. Чунки у Эски Марғилондан Тошкентга келган даврдан бошлаб то ҳаётининг сўнгги дамларигача чор амалдорларининг қаттиқ тазйиқи ва қундалик назорати остида иш кўришига тўғри келди, чор ҳукуматининг махфий агентлари Туркистонда ҳам, чет элларда ҳам бир лаҳза бўлсин, уни ўз ҳолига қўймадилар. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, Фуркатнинг маърифатпарварлик йўналишидаги ва бошқа актуал проблемаларга бағишланган асарларининг деярли барчаси Туркистон генерал-губернаторлиги ва чор цензурасининг қаттиқ назорати остидаги «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилдириш мақсадида яратилган. Бу ҳол Фуркат ўз ўқувчиларига айтмоқчи бўлган кўпдан-кўп муҳим гапларни ошқора айта олмаслигига сабаб бўлган, газетанинг хўжайинлари эса унинг асарларидан чоризмининг Туркистондаги реакциян сисъатига салгина бўлса ҳам зид келадиган ўринларни қисқартириб ташлаганлар. Масалан, «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» асаридан рус классик шеърининг энг буюк намоёндалари — Пушкин, Лермонтов, Некрасов ижодининг ўзига хос томонлари, улар яратган образларнинг буюк таъсир кучи ҳақида ўзбек ўқувчиларига биринчи марта маълумот берилган ўн тўрт мисранинг, «Акт мажлиси хусусида» асаридан императорни илм аҳлига дурустроқ қарашга даъват этган ва бошқа муҳим масалалар ҳақида фикр юритилган йигирма олти мисранинг атайлаб қисқартирилганлиги фикримизнинг далилидир.

Бундан ташқари, Фуркат ўзининг Еркентдаги маърифатпарварлик фаолиятидан газетхонларни хабардор қилиш мақсадида редакцияга йўллаган кўпгина насрий мактублар ҳам ёки босилмай қолган, ёки босилган ҳолларда улардаги энг муҳим фикрлар тушириб қолдирилган. Масалан, Еркентда рус тилини ўрганишга қизиқиш кучайиб бораётганлиги, шу муносабат билан бу тилни ўрганишчиларга мўлжалланган М. Орақуловнинг «Самоучитель» қўлланмаси зарурлиги, Шарқий Туркистонда Россия китоблари билан савдо қилиш ишини йўлга қўйишни кўзда тутувчи айрим фикрлар ифодаланган ҳамда «Саёхатнома» ҳақида сўз юритилган мактуб ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

«Туркистон вилоятининг газети» хўжайинлари ўзлари буюриб ёздирган ва Фуркат маърифатпарварлик фаолиятининг энг жихатидан — унинг этнограф олим, фольклор тадқиқотчиси, аруз назарчиси ва амалиётининг катта билимдони эканидан далолат берувчи «Тўй хусусида», «Гап хусусида», «Аза хусусида», «Илми шеърнинг қондаи авзонининг баёни» номли эхтиросли асарларининг ҳам умуман эълон қилинмай қолишини лозим топганларки, бу асарлар яқингинада, архивдан топилиб, биринчи марта тўла эълон қилинди.

Булардан ташқари, шоирнинг Еркентда тартиб берилган «Матлаул анвор» номли девони (бу ҳақда Фуркат «булбул» радиопрограммаларида ҳам эслатиб ўтади), «икки юз варақ, балки ундан ҳам ортиқроқ китоб» бўлган «Саёхатнома»си, Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги даврини «батафсил баён» этган махсус китоби, «Ҳаммоми хаёл» шеърини рисоласи, «Чор дарвеш», «Нух манзар» номли машҳур асарларнинг Фуркат томонидан қилинган шеърини таржималари ва бошқа кўпгина асарлар ҳали топилган эмас. Бу ўринда фақат биргина киёсга ўқувчилар эътиборини қаратиш kifоя. Фуркатнинг энг машҳур шеърини мактубларидан «Сабоға хитоб» 280 мисрадан иборат бўлиб, унда кириш сўзи ва сўнгсўз ҳам мавжуд. Фуркатнинг ҳозирда Ленинградда сақланаётган бу асари кўлёмаси билан танишсак, ана шу катта ҳажмли асарни автор атиги икки варақ қоғозга жо қилганининг гувоҳи бўлаемиз. Шундай экан, бир палча қоғоз анқога шафе бўлган Шарқий Туркистон шароитида шоир ўзи айтганидек «икки юз варақ, балки ундан ҳам ортиқроқ» бўлган биргина «Саёхатнома»да қандай улкан ҳазина яшириниб ётганини кўз олдимизга келтириш қийин эмас.

Умуман, Фуркатнинг ҳозиргача эълон қилинган асарларига қараганда ҳали топилмаган ва эълон қилинмаган асарлари кўп. Булар барчаси оташқалб маърифатпарвар шоир ижодий меросининг ҳозирча қўлимизга қирмаган қисмини излаб топиш, атрофлича ўрганиш, ўз ҳақиқий эгаларига етказиш, у ҳақда фундаментал тадқиқотлар яратиш масаласини бутун актуаллиги билан кун тартибига қўяди.

Бу масаланиннг бир томони. Яна бир томони шундаки, Фуркатнинг қўлимизда мавжуд асарлари матнини атрофлича ва чуқур ўрганиш, уларни ўқувчиларга ҳар хил хатоларсиз етказиш, улар ҳақида ҳозирги давр талаблари даражасида мукамал илмий хулосалар чиқариш ҳам фоят муҳим вазифалардандир. Шу муносабат билан Фуркат асарлари матнини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI—XIX пленумлари қарорларига таяниб, янгича ўрганиш зарурлигини таъкидламоқчимиз. Маълумки, Фуркат асарлари ёшларни интернационал руҳда тарбиялашда қудратли гоёвий қурол вазифасини ўтайди. Фуркат асарларининг ишончли манбаларини синчиклаб кўздан кечирсак, рус шеърининг ифтихори бўлмиш Пушкин, Лермонтов, Некрасов, буюк рус саркардаси Суворов, баркамол рус хонандаси Громова, кашмир ва римлик ифбатли, оқила аёллар, италиялик пок дил баллики, юнистонлик буюк донишмандлар, форс-тожик адабиётни классиклари Фирдавсий, Хофиз, Саъдий, ҳиндистонлик Бедил, ироқлик Фузулий, озарбойжонлик Насимий, ўз мустақилиги учун чет эл босқинчиларига қарши курашган хинд, уйғур, афғон, бур халқларининг асл фарзандлари катта меҳр ва эхтирос билан тасвирланганини кўраемиз. Шоир кишиларга баҳо беришда уларнинг қайси миллат ёки динга мансублигини эмас, балки қалби қандайлигини, қайси ижтимоий идеалларга хизмат қилганини ҳамиша асосий мезон қилиб олган.

Фуркат асарларининг ишончли манбалари билан чуқурроқ танишишдан чиқадиган яна бир хулоса шуки, ўз даврининг энг ўткир нигоҳли ижодкорларидан бўлмиш бу шоир буржуа пропагандасининг бузғунчилик мақсадларини, у фоят устмонлик билан қўллайдиган найрангларни аёвсиз фош этиш намунасини ўзбек вақтли матбуотида биринчи бўлиб кўрсатган. Масалан: «Рус аскарлари таърифида» деб аталувчи асарнинг кириш сўзида Фуркат бундай деб ёзган эди: «Ҳаблул матин» ва «Песаи ахбор» ном Ҳиндистон газеталарида Россия давлатининг ёпун халқи бирла қилган муҳорибалари хусусида ўрусия аскари борасида асар киноямуз сўзларни ёзадур. Чунончи ул ахборотларининг зохири ибрати бир воқеа қилотлардур ва лекин мазмунини диққат билан мулоҳаза қилганда киноя ва ҳасадомуз маънилар маълум бўладур. Афсуским, ул ахборлар муаллифи мунсифона сўз сўзламайдурлар».

Фуркат инглиз мустамлакачилари билан оғиз-бурун ўпишган мабуот органларининг виждонга хилоф найрангларини, бунда

улар қандай усуллардан фойдаланишларини фoш этганлигининг ўзи ҳам таҳсинга сазовор. Лекин яқинда яна бир эътиборга лойиқ факт маълум бўлди. Олимларимиздан бири юкорида номи келтирилган «Хаблул матин»нинг панисломистик ғояларни ёйовчи реакцион матбуот органи эканини. Туркистон ва Бухорода ўз мухбирларининггина эмас, балки панисломизмни тарғиб этувчи агентларнинг ҳам кенг тармоғига эга бўлганлигини исботлаб берди. Энди бу фактлардан чиқадиган яна бир муҳим хулоса шуки, Фуркат Туркистонда панисломизм ғояларини ёйовчи бўлганларга ҳам ўз асарлари орқали кескин зарбалар берган. «Рус аскарлари таърифиди» асарининг матнидан маълумки, 1899—1902 йилларда ўз миллий озодлиги ва мустақиллиги учун инглиз мустамлакачиларига қарши қаттиқ кураш олиб борган ва душманга кучли зарбалар берган жанубий африкалик бур халқининг мардлик ва қахрамонлигига Фуркат ажиб бир хайрихоҳлик билан қарайди. «Тоғ ичинда улуми ҳарбий»дан четда қолган ҳам «уруш асбоби кам» бўлган бур халқининг жасоратини тасвирлаган шоир куйидагича хулоса чиқаради:

Инглиз-бурларнинг воқеотин,
Урушган чоғда бўлгон ҳодисотин,
Газетларда ўқуб кўрдук, билурмиз,
Инглизга қачон таъна килурмиз.

Бунда ўз даврининг зарбадист сиёсатидон бўлмиш Фуркат инглиз-бурлар уруши оқибатлари учун инглиз халқига таъна қилмаслиги, балки бу ишда мустамлакачи ҳукмдорларга зимдан найза санчиши ғоят характерлидир. Шу ўринда инглиз-бурлар уруши ҳақида доҳиймиш В. И. Ленин ҳамда Ҳиндистоннинг буюк сиёсий арбоби Махатма Ганди айтган фикрлар диққатини жалб этади. Ленин инглиз-бурлар урушини «жаҳон тарихининг янги энг муҳим босқичларидан» (30-том, 194-бет) деб ҳисоблаган, Ганди эса: «Уруш эълон қилинганда шахсан мен бурларга тўлалигича хайрихоҳ эдим», деб ёзган эди. Ана шу фикрлар билан Фуркатнинг бур халқининг миллий озодлик курашига меҳр-иҳлос тўла оташин мисралари ўртасидаги ҳамоҳангликни таъкидлаш, айниқса, муҳимдир. Ваҳоланки, «Туркистон вилоятининг газети» ўша вақтларда «Африка иқлимида инглиз мамлакатига тобе бур номлик тоифалар иғво ва фитна илан инглиз аскарлари билан уруш қилиб тура-дурлар», деб очикдан-очик мустамлакачиларга ён босган эди.

Бугина эмас. Фуркат Еркентда яшаган йилларида, айниқса 90-йилларнинг иккинчи ярмида яратган асарларида Туркиянинг ўша вақтдаги реакцион ҳукмдорларига орқа қилиб, Шаркий Туркистонда Россияга, рус халқига нисбатан душманлик уруғини сепмоқчи бўлган ашаддий золим ва мутаассиб ҳукмдор Яъқуббекнинг тақдорланмас салбий образини чизиб берганлиги маълум... Фуркатнинг Яъқуббек ҳақидаги бу асари ва бошқа айрим публицистик мақолалари матнига чуқурроқ назар ташланса, у 90-йилларнинг иккинчи ярмида Туркистонда кучайиб борган пантуркизмга, ўлкани Россиядан, рус халқидан ажратиб олиб Туркияга, Туркия орқали инглиз империалистларига қарам қилиб қўймоқчи бўлган ашаддий реакционерларга ҳам қаттиқ зарбалар берганлиги маълум бўлади.

Фуркат «Туркистон вилоятининг газети»да 1905 йил 6 апрелда эълон қилинган мақоласида худди шу инглиз империалистларининг гиж-гижлаши билан Ҳиндистондаги айрим реакцион матбуот органларида рус халқи шаънига қилинган тўхматларни фoш этар экан: «Ман Россия газеталарини ҳам ўқудум, ҳеч қачон ёлун халқини шиквау шикоят қилмайду. Бул катта инсоф эмасму!» деб ёзади. Бунда аввало Фуркатнинг Россияда рус тилида чиқадиган газеталарни бемалол ўқи-ганлиги, улардан ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти учун энг зарур материалларни танлаб олганлиги маълум бўлади. Иккинчидан, мантиқан ўйлаб кўрилса, ўша даврда Россияда чиқиб турган буржуа газеталари япон халқи шаънига бир-бирдан қабиҳроқ гапларни қалаштириб ташлаган эди. Шундай бўлгач, Фуркат демократик матбуот органларини, ҳатто социал-демократик органларни мунтазам кузатиб, улардаги материалларга асосланган бўлса ҳам ажаб эмас.

Булар барчаси Фуркат ўз ватанидан ташқарида яшашга мажбур этилган кўп йиллар мобайнида ҳам тадқиқотчиларимиздан бири бемаъни даъво қилганидек узлатда яшамаганини, аксинча, идеологик курашнинг олдинги марраларида бўлганлигини кўрсатади.

Фуркат асарларининг энг ишончли манбаларини синчиклаб

ўрганиш, у ҳаддан ташқари оғир шароитда ижод қилганлиги туфайли ўқувчиларга ошқора айтиш имконига эга бўлмаган, фақат имо-ишораларгина қила олган фикрларини аниқлаш, маъзини чақиш ва уларни ўқувчиларга етказиш шоирнинг бизга қилган васияти ва тадқиқотчиларимизнинг бурчидир. Фуркат Тошкентда яшаган даврдаёқ: «Мен ҳар наким кўрдум, фикрим юборуб ёздим, баъзи одамларга менинг ўшандок мазмунларим марғуб бўлмагандур ва лекин менинг кўнглумнинг ичидан хабардор бўлмагонларга ташқаридин қиёс бирлан бир нимарсага ҳукм қилмоқлари мушқилдир», деб ёзган эди. У 1903 йил 9 июнда эълон қилинган «Қасида» номли асарига махсус сўзбоши ёзади ва юкоридаги фикрни янада чуқурлаштиради: «Арбоби назардин умид улким,— деб ёзади Фуркат,— бу жаридага мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлағайлар. Мабодо хотирларига хутур қилмоғайким бу сўзлар хушомадгўйлиг юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки максудимиз асли бошқа ерга реша чекмоғлиги кўнглумуз ганжинасида мактум ва музаммирдир, вассалом».

Бундан чиқаятган энг муҳим хулоса шуки, Фуркат ўз даврининг илғор ғояларига хизмат қилувчи асарларида ўша давр ҳукмдорлари ҳақида ноиложликдан баъзи ижобий фикрларни айтишга мажбур бўлса ҳам, ҳақиқатда бу ишни «асли бошқа максуди»ни амалга ошириш учун йўл очиш тadbири деб билган ва бундан газетхонларни қайта-қайта огохлантирган.

Ижодкор асарларининг ботиний маъиоларини, яъни подтекстини синчиклаб ўрганиш, шундан кейингина катъий илмий хулосаларга келиш адабиётшуносликда янгилик эмас... Фуркат ижодини тадқиқ этишда ҳам энг тўғри йўл, бизнингча, шудир. Бундай қилиш Фуркат ҳаёти ва ижоди билан, унинг дунёқараши билан боғлиқ муҳим масалаларни тўғри ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам бериши шубҳасиздир. Асар шу тарика ўқилса, масалан, «Шоир ахволи ва шеър муболағаси хусусида» асарида ўзбек ўқувчисига рус адабиётининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумот бермоқчи бўлганда Фуркат нега газетанинг ўша вақтдаги хўжайинлари хоҳишича иш тутиб, подшо ҳукуматиға ёқадиган, хушомадгўй, қасидагўй шоирларни эмас, балки худди император Николай биринчининг қаҳр-газабига учраб жувонмарг қилинган Пушкин билан Лермонтовни, подшо ҳукумати томонидан сон-саноксиз қийноқларга солинган Некрасовни танлайди, шоирнинг ўз даври учун мислсиз қахрамонлигидан далолат берувчи бу ниҳоятда муҳим шеърини парча нега кўп йиллар давомида ўзбек ўқувчиларидагина эмас, балки рус ўқувчиларидан ҳам яшириб келинади, деган саволга жавоб топиш мумкин. Ёки «Тошқанд шаҳрида бўлгон нағма баъзи хусусида» шеърини шоир концертга келган кишилар турли миллат вакиллари эканини мамнуният билан қайд этгани ҳолда нега уларнинг

Кўброғи лекин улуғлардин эди,
Номдари ҳам тузуғлардин эди,

дея нодир санъат эҳромлари хузурини асосан юкори табақа вакиллари кўраётганидан жиддий ташвишланади деган савол устида жиддий ўйлаб кўриш мумкин...

Бироқ Фуркат асарларини ҳозирги давр талабларига мос равишда ўқиш, ўрганиш ва нашр этиш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида улкан ўзбек матрифатпарвар шоирни қиёфасини бузиб кўрсатувчи, у ҳақдаги тасаввурларимизни ёмон томонга қараб ўзгартириб юборувчи турли хато қарашлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Шоирнинг Бомбайдан ёзилган ва «Туркистон вилоятининг газети»да 1893 йил 30 апрелда эълон қилинган шеърини мактуби кўпчиликка маълум. Уни шоирнинг танланган асарларига киритиш вақтида мактубдаги:

Ҳинд аро гулханишинларни кули маскул ўлуб,
Колмади асло кўнгул кўзгусида зангорлар.

ҳамда:

Ҳар тараф бунголар солмиш кира қўймоқ учун,
Деб савобу ҳам тажорат пухта дунёдорлар...

байтларининг мантиқи устида ўйлаб кўрилмаганлиги сабабли китобда айрим сўзлар, масалан, кул сўзи гул тарзида, бунгола сўзи эса бангола тарзида хато чиқариб юборилган. Фуркат

асарларининг барча нашрларида сақланиб келаётган бу хатолик сиртдан қараганда оддий хатодек кўринади. Лекин худди ана шу хато туфайли ўқувчиларгина эмас, балки тажрибали, йирик тадқиқотчилар ҳам қандай нотўғри хулосаларга келганини кўришимиз мумкин. Биринчи байтда кўзгуга сайқал бериш ҳақида гап бормокда. Маълумки, кўзгуга гул билан эмас, кул билан сайқал берилади. Бу жуда ҳам оддий мантиқ. Ана шу оддий мантиқ устида ўйлаб кўрилмаганлиги сабабли шоир кўллаган ва унинг дунёқараши билан бевосита боғлиқ бўлган ёрқин поэтик образ барбод берилган. Иккинчи байтдаги шахар чеккасидаги кичик бог-меҳмонхона маъносини англаувчи рус тилида кўп кўлланиладиган бунгала сўзи бангола тарзида чоп этилиши ҳам шоир кўзлаган мақсаднинг бутунлай тесқари тушунилишига олиб келган. Масалан, ўзбек адабиётида реализмнинг ривожига ҳақида қизиқарли монография ёзган муҳтарам олим Э. Қаримов: «Ҳиндистон халқларининг мусибатларигина эмас, балки Туркистон халқларининг фожиавий аҳволи ҳам Фурқатнинг бадий идрокидан четда қолди», деб ёзганида шоирнинг бошқа асарлари қатори «Бўмбайдан хат» шеърининг мактубининг ҳам матни билан дурустроқ танишмаганлиги сезилиб қолади. Чунки Фурқат «Бўмбайдан хат»да «олти-етти ошиён олий иморат»ларнинг, айниқса минг таноб «Боғи раъно»нинг гаштини «фарангизода-лар» яъни европалик мустамлакачилар сураётганини кўриб, чексиз дард-алам чекади ва:

Сарву гулда кумрининг «ху-ху»си, булбул «чах-ча»си
Айлади кўксумни чоку кўнглуми афгорлар,

деб ёзади...

Юқоридаги иккинчи байтнинг хато ўқиб, хато нашр этилиши уни рус тилига ағдарган таржимонни ҳам, Фурқат асарининг

ишончли манбаига асосланиш ўрнига ана шу нотўғри таржимога таяниб иш тутган Х. Қўр-ўғлини ҳам қаттиқ адаштирган. Москвада 1976 йилда рус тилида босилиб чиққан ўзбек адабиёти бўйича кўлланманинг автори бўлмиш бу олим Фурқатнинг шу шеърининг мактуби ҳақида мулоҳаза юритар экан, бундай ёзади: «Ҳаддан ташқари завқланиб кетган шоирга ҳатто рикшанинг инсон тоқат қила олмайдиган ва таҳқирли меҳнати ҳам олижаноб бир нарса бўлиб кўринади:

Благородным ремеслом здесь рикшы заняты,
Доход немалый получай, лишь ног не пожалей».

Бу ўринда Фурқат боғдан келса, таржимон ва кўлланма автори тоғдан келади. Ана шу аянчли аҳволнинг содир бўлишида бунгала сўзини ҳинд тилида хизматчи маъносидан ишлатиладиган бангола тарзида китобга киритган ноширнинг ҳам айби борлигини таъкидламай иложимиз йўқ. Фурқатдек буюк гуманист шоир инсонни ҳайвон ўрнида извошга кўшиб ишлатишни яхши иш деб, савоб деб талқин этишига умуман ақл бовар қилмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат-ку!

Афсуски, Фурқат асарларининг энг ишончли манбалари устида етарли даражада ишламаслик, улар матнини пухта ўрганмаслик натижасида ҳақиқий аҳволга зид фикрларни айтиб юбориш ҳоллари бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам учраб туради...

Хуллас, давр ўтгани сари ижоди тобора катта аҳамият касб этаверадиган улкан сўз санъаткори Фурқатнинг ўз даври гоъвий курашининг олдинги марраларида бўлганини кўрсатувчи бой меросини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш, эрксевар, ҳақиқатгўй шоиримиз ҳақидаги юқоридаги каби янглиш фикрларга илмий асосда аниқлик киритиш гоъятда муҳимдир. Бу, аввало, бизнинг ворислик бурчимиздир.





ТУМОВ ИРИМЧИ

Собирали чўчиб уйғонди; эс-ҳушини йиғиб мундоқ кўзини очса... будильник жиринглаётган экан. «Хайрият, — деди у ичида, — ёмон туш кўрмабман-ку!» Собирали болишдан бошини кўтариб жилмайди: будильник жиринглаши биланоқ уйғонса бўлар экан-ку, «Осмон узилиб устимга тушса ҳам уйғонмасам керак», деб ўйларди у кечагина. Ваҳоланки...

Тақ-тақ-тақ... дуп-дуп-дуп... Гумбур! Гумбур!

— Эй, Собир, турсанми, йўқми, ҳозир эшигингни қоратой қилиб ташлайман! Оч! Оч дейман! Синдирсам, товонини ўзинг тўлайсан! Ана, соатинг ҳам жиринглапти, тур энди шийиб ётавермай!

— Уйғондим, Қадамбой! Бўлди, кетавер!

— Кетмайман, кетсам, яна ухлаб қоласан, оч эшикни! Ё кечаги нарса ёнингда ётибдимми?

— Уф... — Собирали ирғиб ўрнидан турдию югуриб бориб эшикни очди.

Қадам зулукдай қоп-қора мўйловини силаганча иржайиб турар эди.

— Раҳмат, дўстим! — деди Собирали ерга қараб.

— Соат еттидан йигирма минут қочди.

— Қаёққа?

— Саккизга қараб, албатта, — деди Қадам ҳиринглаб, ювиниш хонаси томон кетар экан.

Собирали эснай-эснай изига қайтди. Чўкка тушиб каравоти остидан ялтироқ мис тоғорани тортиб олди; «тўпиғи» баробар сувга ботиб турган будильник худди сувга битта-битта чўғ тушаётгандек ажабтовур товуш чиқарар эди: чих-пих... Собирали будильникни дераза тоқчасига элтиб қўйди-да, негадир бадани жунжикиб каравотнинг бир четига утирди, қўлини иягига тираб ўйга чўмди.

У азалдан қўлини иягига тираб узук-юлук ўй суришни яхши кўрар эди. Ҳозир унинг кўз ўнгига лоп этиб «тайёрлов бўлими»га кираверишдаги ойнаванд эшикка ёпиштирилган кечаги эълон келди: «Эртага тайёрлов бўлимининг ижтимоий факультетларига ҳужжат топширган абитуриентлар билан ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича оғзаки суҳбат-синов бўлади». Собирали иягини чимчилаган эди, кўз олдида бошқа бир ёрқин манзара гавдаланди; «Худди рангли телевизорга ўхшайман-а!»

Ёз эди, кириш имтиҳонлари бошланган қизгин палла. Кутилмаганда, эркин мавзуда иншо ёзиб «қониқарли» баҳо олди. Имтиҳон чоғида у, билакларим тахтага ёпишиб қоляпти, деб столга сарғайиб кетган «Ёш ленинчи» газетасини тўшаб ўтирган ва газетанинг бош мақоласини, оёғини осмондан қилиб, кўчириб берган эди, ҳи-ҳи-ҳи... Афсуски, ўшандан кейин оғзаки имтиҳонда омади чопмади: «аниқловчининг таърифини ёддан айтиб беролмади. Қўлини иягига тираб узук ўтирди. Охири муаллима: «Бўлсангиз-а!» деб қисталанг қилавергач, тилининг чучуклигига қараганда, хоразмликка ўхшайди, ҳойна-ҳой бирорта профессорнинг суюмли шогирди бўлса керак, деб гумон қилди Собирали ва ўзининг бадгумонлигидан ғаши

келиб: «Бокуга йўлим тушганда Фузулийга ҳурматимнинг ҳурмати, озар қизи мўччи берган эди!... Манови опай ҳам ҳамюртига ҳурматимнинг ҳурмати, «икки» қўймас, ахир», деган ўйда хоразмлик шоирнинг «Аниқловчи» деган шеърини ёддан айтиб берди:

«...Гул эксанг кўкарса, сахий бўлса ер,
Экмасанг ҳам гуллар ураверса барқ.
Ҳамма гул ҳақида тинмай ёзса шеър,
Демак, бу Ғарб эмас, ўзимизнинг Шарқ!»

Надоматлар бўлғайким, «уч»ни мўлжаллаб отилган ўқ хато кетди. Устига устак, оғриманган бошига ғавғо орттириб олди: «Нималар деяпсиз? Сизнингча, Альп тоғларида, Дунай соҳилларида шаррос ёмғирдан кейин фақат қўзиқорин потирлаб чиқар экан, холос-да! Бўлмаган гап, гул ҳам кўкаради!», деди муаллима дарғазаб бўлиб. «Йўқ, опай, мен «Аниқловчи»га...» дея ўзини оқлашга уринди Собирали. «Бўлмасам, шеърингизни тушунтириб беринг, ука», дея уни оғиз очиргани қўймади муаллима. Собирали индамади. Чунки у «қониқарли» баҳо олиш илинжида эди, холос. «Тушунтириш»ни ўзига эп кўрмади; бачканалашиб, хотин киши билан гап талашиб ўтирсам, уят бўлар, деб ўйлади...

«Майли, — деди Собирали қўлини иягидан олиб, — ўтган ишга саловат... шошма, имлода қанақа ёзилар экан: саловатми, салават? Ҳар ҳолда, «салават» ёзилса эҳтимол. Ахир, Салават Юлаев бошқирд халқининг миллий қаҳрамони-ку! Лекин, «Салават Юлаев» хоккей командаси олий лигага чиқолмаяпти-да. — Собирали «ё, пири!» дея қўлларини тиззасига тираб қаддини тикладию будильникка кўзи тушди: — Вой-бў... вақт қачон бир соат орқага сурилар экан-а! Айтмоқчи, сурилган-ку!»

У шоша-пиша совундону тиш ювгичларини сочиққа ўраб йўлакка чиқди. Бироқ, зум ўтмай оёғи куйган товукдай чопқиллаб хонага қайтиб кирдию ғудурланганча шимини кия бошлади:

— Ишчилар ётоқхонасимиз! Сўфининг соқолига сув тегмай саккизта жувон ҳожатхонага навбат кутиб туради-ю, тагин эркаклар ётоқхонаси деб аталади! Яхшиямки, Гарсиа Маркес китобида ёзилганидек, бир юзу нечтаси қўлида тувак билан тизилишиб турмайди, шунисига ҳам раҳмат!

Собирали кўзгуга қараб уч-тўрт марта илжайишни — чап томонидаги тилла тишини кўрсатишни машқ қилгач, бармоқлари билан сочини тарай-тарай эшик ортида ғойиб бўлди.

Мана, энди хона ўзимизга қолди; Собирали ювиниб келгунча ана шу кичкина хонадонни бирпас ғийбат қиламиз. Бу ерда иккита каравот бор; бири Собиралига қарашли, наригиси Юсуфники — икки кишилик. Чунки Юсуф янги уйланган, бир кишилик каравотда ётолмайди, ярим кечаси тап этиб полга йиқилиб тушаверади. Қолаверса, хотини қошига ўсма, кўзига сурма тортиб шаҳарни томоша қилгани тез-тез келиб туради. Келишга эринса, хат ёзиб юборади. Юсуф хатни ҳамхонаси

Собиралига узатади, Собирали хатни ўқиб, баъзи мавҳумроқ имо-ишораларни тушунтириб беради, иккаласининг ҳам тиши ўтмайдиған ўринлар чиқиб қолса, жисмоний тарбия билан шуғулланиладиган хонада қасир-қусур теннис ўйнаётган йигитларни чақириб келишиб ўртада атрофлича муҳокама қилишади. Тегишли йўл-йўриқлар айтилгач, Юсуф шанба кунни эрталаб қишлоғига жўнаб кетади, икки-уч кундан сўнг эса қора кўзойнақ тақиб ётоқхонага кириб келади. Юсуф ҳозир Товоқсойга командировкага кетган. Эрта-индин келиб қолар...

Бўйну қўкраклари анор суви суртилгандек қизғалдоқ тусига кирган Собирали «ув-ув»лаб хонага кириб келди. Афтидан, сочиқни сувга пишиб обдан артинганга ўхшайди. У негадир бурнини эзгилаб-эзгилаб лампочкага қарадио ўз-ўзидан кўзлари сузилиб, афти буришди, лекин акса урмади. Нечундир худди балиқнинг қилтаногини ютгандек танглайи қичишар эди.

«Нима бало, тумовга чалиндиммикан?», дея хавотирлана бошлади Собирали. Лекин, ўзининг бадгумонлигидан ижирғаниб, гумони беҳуда эканига ишонч ҳосил қилиш учун ёстиғининг остидан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни олди-да, варақлай-варақлай иккинчи жилдада «т» ҳарфига кўзи тушиб суноиб кетди. Кейин «Тумов» сўзини осонгина топди. Мана у:

«ТУМОВ. Бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши ва бунинг натижасида бурундан сув, назла оқиш касаллиги. Тумов бўлмоқ».

«Касаллиги! — дея кўзларини олайтирди Собирали. — Наҳотки!... Билмас эканмиз-да, майли, Эркин акам отпусадан қайтсин-чи, консултация ташкил қиламиз».

У, китобни ёпиб эски жойига тиқиб қўйди ва ёстиғининг жилдига кўлини суқиб ҳаменини олди, очиб пулини санаб кўрди, сўнг пешонасини тириштириб ниманидир чамалади. Узоқ ўйлади, аммо барибир душанба кунни ишдан қайтаётиб бақатерак остидаги дўконда бир шиша «пепси-кола» ичганини ҳеч эслолмади. Натижада, у ёғию бу ёғига ҳисобласа ҳам жамғармаси ярим сўлкавой кам чиқаверди (вахоланки, душанба кунни ишдан қайтаётиб бақатерак остидаги дўконда Собирали икковимиз бир шишадан «пепси-кола» ичган эдик). У нафрат билан соатга ўқрайди: «Воҳ! Сухбатга алифбе бўйича чақиринса... онамни кўраман-ку!» Собирали бобосидан, бобосига исм қўйган бобосининг бобосидан ўпкалай бошлади:

— Дунёда Ашурбойдан бўлак исм қуриб кетган экан-да! Мана, Хусайн бор, Ҳаким, Ҳошим... уф, ҳеч бўлмаса Ёқубжон қўймайдими, Хўжамберди деса Асакаси кетар экан, майли. Ҳайронман, кимга ўчакишган экан ўзи!?

Собирали шошанидан майкасини тескари кийиб олди, лекин, ечиб ўнгини кийишга вақтини қизғанди. Туфлиснинг ипини боғламаёқ ўзини эшикка урди. Аксига олгандек, инглизча қулфни беркитолмай бўсағада ивирсиб қолди. Вақтим бекор кетмасин деган мақсадда: «Тилдан қийинроқ савол тушса, тўхтамай жавраш керак», дея ўзига ўқдира бошлади ичда. Мияси ғовлаб кетди. Калитни айлантирмоқчи бўлиб ҳарчанд уринса-да, қулфдан тик этган садо чиқмас эди. Собиралининг хўрлиги келди: «Йигирма бирга кирган йигит битта қулфни йўлга сололмаса, уят!» Шу пайт йўлакда қатиқчи қиз пайдо бўлди.

— Ака, қатуг оласизми?

— Йўқ, раҳмат. Уйимизда сигиримиз бор, — деди Собирали.

Қатиқчи қиз ҳиринглаганча учинчи қаватга чиқиб кетди. Ниҳоят, эшик қулфландию Собирали тўрт сакраб пастки қаватга тушди; вахтёр кампиннинг «Собир, ҳамхонанга хотинидан хат келибди, оласанми?» деган саволига ҳам жавоб қайтармай кўчага отилди. Катта йўл ёқасига чиқиб нафасини ростлаб улгурмай сутранг «Газ-24» ғийқ этиб бурнининг остига келиб тўхтади.

— Қаёққа борасиз? — деб сўради қотмагина йигит.

Собирали борадиган жойини айтди.

— Бўпти, кетдик. Уч сўм берасиз.

— Босинг, — деди Собирали, — беш сўм бераман!

Ҳайдовчи хушчақчақ киши экан, дарров гурун бошлади: яқинда Сариосиёдан уч туп хурмо кўчати олиб қайтибди, Галатепага етганида машинасининг балоними, моторими ёрилиб кетибди; бир магазинча аёлдан ўғли бор эмши, ўша ўғли худди ўзига ўхшар эмши ва ҳоказо. У гурун орасида шеър ёзишини, тахаллусию исм-фамилиясини, таржимаи ҳолини, саккиз тобоқ ҳажмдаги китоби нашрга тайёрланаётганини ва яна аллаболаларни ҳам кистириб ўтди. Лекин унинг кўп

гапларини Собирали яхши тушунмади. Чунки у махсус лексикага оид терминлардан ўринли фойдаланар экан.

Машина манзилга етиб тўхташи билан Собирали чучкириб юборди.

— Ие, шамоллаб қолибсиз-ку! Ойнани очманг демоқчи эдим-у, ёдимдан чиқиб кетибди, афсус, — дея бош-бош қилди «дилкаш инсон» (Собиралининг хотирасига у айнан «дилкаш инсон» қиёфасида муҳрланди). — Биринчи дорихонада танишларим бор, агар ишхонамга телефон қилсангиз... дафтарчангиз борми?

Собирали кўнидан дафтарчасини дафтарчасининг орасидан кира ҳақини чиқарди.

— Ёзинг... Ана шу номерга телефон қилсангиз... тўғри, мен иш жойимда муқим ўтиролмайман, ўзингиздан қолар гап йўқ, зиёлилар ордасида учраб турадиган бир касаллик бор... у ёғини айтсам кулиб юборасиз, майли, отпусага чиқсам ҳеч ким танимайдиган касалхонада ётиб даъволаниб келаман, лекин сиз трубкани биров кўтармаса ҳам телефон қилаверинг — хонамга кириб қолишим мумкин, қисқаси, агар менга кўнғироқ қилсангиз, Биринчи дорихонада танишларим бор — Вьетнамда тайёрланадиган балъзамдан гаплашиб бераман, яхши дори, икки чаккангизга суртиб, кўрпага ўраниб ётсангиз, ғор-ғор терлайсизу батамом тумовдан қутулиб кетасиз.

— Хўп, ака!.. — Собирали кира ҳақини узатдию машинадан тушди ва орқа-олдига қарамай йўлка бўйлаб югурди.

«Мунча қотма десам, бу кишини гап эзиб қўйган экан-ку!», деб ўйлади Собирали тўрт қаватли ғиштин бинонинг ойнаванд эшигини елкаси билан суриб ичкарига кирар экан. Йўлак гавжум эди. Қизиғи, ҳамма Собиралининг келишини кутиб тургандек, ғала-ғовур бирдан тиндию билагига қизил латта боғлаган бир йигит қўлидаги рўйхатга қараб тўртта абитуриентнинг фамилиясини тутиб чақирди. Собирали билан яна икки йигиту бир қиз унинг ёнига боргач, «Орқамдан юринглар», дея уларни эргаштириб иккинчи қаватга кўтарилишди. Иккинчи қаватга чиқишгач, навбатчи: «Гаплашмай туринглар», деб тайинлади-да, ўзи зинапоянинг сўл томонидаги хонага кириб, гум бўлиб кетди. Ичкаридан ғўнғир-ғўнғир товушлар қулоққа чалинар эди-ю, биров чиқиб «бу ёққа юринглар» деб йўл кўрсатмас, гўё атайлаб, «Қани, индамай турайлик-чи, нима қилишар экан», дея абитуриентларни синашмоқда эди. Охири бояги йигит ичкаридан чиқиб:

— Қани, бу ёққа келинглар-чи. Полни дўппилатмай, оёқ учиде юринглар! — деди.

Собирали бўйи новча бўлгани учун тўртта катта «А»нинг олдига тушди, лекин ичкарисиде қандайдир сирли одамлар ўтирган хонага яқинлашгач, юраги пўкиллаб Ашурова деган қизни олдига ўтказиб юборди.

— Тўғри, тўғри, қизларни ҳурмат қилиш керак, — деди навбатчи йигит ўғри тишларини кўрсатиб — иршайиб.

Собирали ичкарига қираётиб теп-текис остонага қоқиниб, мункиб кетди ва беихтиёр ортига ўғирилиб, қоқинган жойига иримига туфлади.

— Иби! Иби!.. — деб юборди навбатчи йигит ер тепиниб. Ҳаммининг ниғоҳи остонага қадалди, бироқ ҳеч ким изох талаб қилмади; Собирали дув қизарди, навбатчи эса лаб-лунжини йиғиштиролмай тиржайди, холос.

Собирали синов билетлари ёйилган столга яқинлашди. Уқитувчига исм-фамилиясини айтиб, руҳсат сўраб билетга қўл чўзди: «Сув, бахтли билет чиқсин!» Айтганидай, бахтли билет чиқди — ўн уч! Ун уч рақамини Гарри Каспаров яхши кўради, агар у Карповнинг курагини ерга теккизса, сўзсиз, ўн учинчи жаҳон чемпиони бўлади! Ана энди Собирали ўқишга ўтдим, деб қишлоғига телеграмма жўнатиши мумкин.

— Кимки, Тўқимачилик комбинатида бир йил ишлаб келса, келгуси йили ўқишга безимтихон қабул қилинади, — деди ўрта қаторда ўтирган муаллима зарҳалли қора кўзойнагини тақаётиб. — Кимнинг юрагида ўти бор, айтсин!

Абитуриентлар ўзара кўз уриштиришгач, ҳар ким кўлидаги билетга кўз ташлади — имкониятларини тарозига солиб кўришди, шекилли. Бироқ, ҳеч кимдан садо чиқмади. Собиралининг юраги бир ҳаприқди-ю, лекин ўзини тийди: «Қўлиман бахтли билет — баҳо нақд. Қолаверса, шошган қиз эрга ёлчимайди».

— Утиринглар, — деди муаллима ниҳоят ғамгин товушда. — Тайёрланиш учун ярим соат вақт берилади.

«Ўх-хў, ярим соат кўп-ку! Самолётда Галатепага етиб бориш

мумкин», деб юбораёзди Собирали. Аммо, тилини тишлади: «Тил югуриги бошга, қўл югуриги ошга етади!» Ажабки, тилини тишлагани ёмон бўлган экан: жони оғриб, афтини буриштирганни муаллима кўриб қолибди.

— Сиз, иним, фамилиянгиз нимади... яхши, ўртоқ Ашуров, кўпам бурнингизни жийираверманг, хўпми!

Собиралининг юраги шув этиб кетди, «Тамом, қора рўйхатга тушдим!» деб ўйлади.

— Учта саволга тайёрланиш учун ярим соат этиб ортади: қозонда бўлса, чўмичга чиқади. Шошаётган бўлсангиз, иним, самолётда ярим соатдаёқ Галатеплага бориб кўнишингиз мумкин.

«Ие, бу опай ўзимиздан — галатепалик экан-ку! Фикримиз бир жойдан чиққанини қаранг-а! Яхши-яхши, гапимни назм билан бошлаб назм билан яқунлайман...»

Қалтис лаҳзалар бошланди: кимдир эгилиб ғарт-ғарт пайпоғини қашлайди, кимдир белини уқалайди, кимдир шифтга термилган кўйи чўнтақларини пайпаслайди...

— Ўртоқ Ашуров, сиз тайёрга ўхшайсиз-а, ҳеч нарса қораламаясиз, ўйламаясиз ҳам. Қани, келинг гаплашайлик-чи, — деди муаллима, ён-верига қараб ўтирган Собиралига.

Собирали мийиғида кулганча муаллиманинг рўпарасига келиб ўтирди.

— Саволларни ўқинг!

Собирали саволларни дона-дона қилиб ўқиди.

— Бошлайверинг, қулоғим сизда.

Собирали беихтиёр муаллиманинг қулоғига назар ташлади, гўё кўқонараванинг ғилдираклари осиглиқ турарди: «Қашқа-ри балдоқ!»

— Бошланг, бошланг, мунча менга қараб жавдирайсиз?!

— Узр, опа, — деди Собирали ийманиб. Сўнг бошлади: — «Жон бағишларда лабинг юзинга жон айлай фидо, Қатлим айлар чоғда қилгон изтиробингга ўлай...»

— Шошманг-чи, бу нима деганингиз?

Собирали мулзам бўлди. «Эҳтимол, бу ғазални Нодирабегим ёзганларини билмас керак», деб ўйлади ва изоҳ беришни лозим топди:

— Нодирабегим...

— Кечирасиз, ука, 30-йилларда Нодирабегим нима қилиб юрибди?!

— Узр, опа.

— Кейинги саволга ўтинг.

— Нодирабегим-чи? Нодирабегим ҳам хотин-қизлар озодлиги учун курашган-ку, Бухоро амирига қарши...

Муаллима кўзойнагини олиб Собиралига қаради. Собирали унинг нигоҳидан «Бу йигит соғми ўзи?» деган маънони ўқди.

— Кейинги саволни ҳам билмайсизми?

— Биламан. Нега энди... Қаландаров — мураккаб қаҳрамон: аввал тузук раҳбар эди, кейин адашиб кетади — ютуқлардан эсанкирайди, охирида яна ижобий томонга ўзгаради.

— Қаландаров салбий қаҳрамонми ёки ижобий?

— Қаландаров — мураккаб қаҳрамон.

— Йўқ, Қаландаров салбий шахсми ёки ижобий, сиз менга шуни айтинг!

Собирали ўйлаиб қолди: «Дарсликда бунақа гаплар йўқ эди-ку? Опа мени синамоқчи шекилли. Э, барибир сўзимдан қайтмайман».

— Қаландаров — мураккаб қаҳрамон.

— Шунақами?

— Шунақа шекилли.

— Гапингиздан қайтмайсизми?

— Биз ҳам йигитмиз, опа!

— А-а... синов варақангизни беринг-чи.

Собирали қўл остидаги варақасини узатди.

— Энди, ўртоқ Ашуров, тилдан «аъло»га жавоб берсангиз ҳам умумий баҳонгиз «қониқарсиз» бўлади. Чунки, еттини уч бўлсак, неччи чиқади?

Собирали ичида еттини учга бўлиб кўрди: икки яримда кичкина рақам чиқар экан, демак — «икки». Демак, зудли билан каллани ишлатмаса — иш чатоқ...

— Опа, мен сизни телевизорда кўрганман.

— Қачон?

— Яқинда, «Ўтлоқ»да чиққансиз.

— Шеър ўқиганманми?

— Йўқ, кўрсатувга ажратилган вақт зиқ эди — футбол бошланиб кетган.

— Яқинда яна чиқдим-ку, кўрмадингизми?

— Э-э, афсус... телевизорга қараш ҳам юракка сигма қолди.

— Намунча?

— Эломонов тоғамни ишдан олинди, деб эшитдик...

— У киши тоғангиз бўладиларми? — деди опа ранги бўзириб.

— Амакимнинг яқин жўралари — Тошкентда бирга ўқишга экан.

— Мен сизга айтсам, Эломонов Москвада ўқиган! Қолг верса, амакингизнинг жўралари одам эмас, у киши каминани таржимаи ҳолини бузди, эсиз... Сиз, йигитча, бекорчи гапла билан вақтингизни совурманг, овора бўласиз — таниш-билишчиликка юрмаймиз. Яхшиси, нариги хонага ўтинг-ди имтиҳон комиссиясига учранг — сизга «икки» қўйиб беришди. — Муаллима эшик томонга ўгирилди ва: — Нусратжон манови болани Аҳмадхонов домланинг ҳузурига бошлаб келинг. Мен ҳозир этиб бораман, — деди.

Собирали бўшашибгина ўрнидан турдию қуёшга кўзи туши танглайи қичишди, пешонасини ишқалаб акса уриб юборди Кетидан яна бир марта чучкирди. Сўнг рўмолчасини олиб лаб даҳанини артди-да, атрофига назар ташлади.

— Саломат бўлинг-э! — деди муаллима босма қоғоз билан билалларини артаётиб.

«Узр сўрасаммикан?... Э-э, йўқ, Чехов, акса уриб, кетидан узр сўраган чиновникнинг устидан кулган. Ёмон зўр кулган», деди хаёлидан ўтказди Собирали. У ҳамон эгилиб ғарт-ғарт оёғини қашлаётган, белини уқалаётган, шифтдаги номаълум нуқтага тикилган абитуриентларга қараганча мийиғида кулди-да, ташқарига йўл олди. Остонага етганда чап оёғи ўз-ўзидан нақ елкаси баробар кўтарилдию... «Ап-чшу!» Тахта пол гумбурлаб кетди, деразалар зириллади.

— Ҳақ-рост! Чучкиришдан олдин нимани ўйлаган бўлсангиз, ўша рост экан, — деди рўпарадаги хона эшигига суянганча сизга сўраётган киши.

«Аҳмадхонов деган кимса шу киши бўлса керак», деди Собирали ўзича. Лекин, чучкиришидан аввал нимани ўйлаганини эслаёлмади. Фақат мийиғида кулгани ёдида, холос. Кейин, остонага етганда чап оёғи ўз-ўзидан нақ елкаси баробар кўтарилдию... «Ап-чшу!»

— Айтмадимми, ҳақ-рост! — деди Аҳмадхонов оғзидан паға-паға тутун чиқарар экан.

«Тутунни ичига ютишга, бурнидан чиқаришга кўрқадим шекилли».

— Кечирасиз, домла, тумов бўлиб қолганга ўхшайман.

— Ҳечқиси йўқ, менга тумов юқмайди — яқинда бутун оила аъзоларимизни эмлаб кетишган.

— Ап-чшу!

— Ҳақ-рост!

«Эсизгина, майкамнинг ўнгини кийсам бўлар экан».

— Ап-чшу!

Бола ПАҚИР

МУНДАРИЖА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИННИҒ 68 ЙИЛЛИҒИ

Сирожиддин САИДОВ. Бизнинг инқилоб. Шеърин нутқ 2

НАСР

Омон МУХТОРОВ. Вазифа. Қисса 5
Уктам УСМОНОВ. Қисмат. Қиссанинг охири 19

НАЗМ

Келди ҚОДИРОВ 4
Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА 17
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ 40
Асқар МАҲКАМОВ 48
Эшқобил ШУКУРОВ 64

АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК

ЭЛЧИН. Боладашнинг ғазаб, Ҳ и к о я 42

МАЪНАВИЙ ОЛАМ

Юсуф ЛАТИФ. Юракнинг тўрт санчиғи 50
Қодиржон СОБИРОВ. Ҳамдам, ҳамқадам бўл! 53

ПУБЛИЦИСТИКА

Нормурод НОРҚОБИЛОВ, Абдуғофир МАМАТОВ. От
ўрнини той босади, китоб ўрнини-чи? 56

АДАБИЙ САБОҚ

Фридрих ЭНГЕЛЬС. Адабиёт ҳақида 60

АДАБИЙ ТАНҚИД

Ғайрат МУРОДОВ. Инқилобнинг бадиий тарихи 62
Бахтиёр НАЗАРОВ. «Фикримиз дарахти шиддатли
ўсар...» 67

СЕРГЕЙ ЕСЕНИННИНГ 90 ЙИЛЛИҒИ

«Нима бера олдим халқимга, ахир!» 65

БОЙЧЕЧАК


Дилмурод ШОКИРОВ. Шеърлар 49

ТАДҚИҚОТ, КАШФИЕТ, АХБОРОТ

Шариф ЮСУПОВ. Ворислик бурчи 73

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Ориф ФАРМОҒОВ. Ҳажвиялар 71
Бола ПАҚИР. Тумов иримчи. Ҳажвия 76



Инқилоб хёбонндаги Карл Маркс бюсти.

Муқованинڭ биринчи ва тўртинчи
саҳифаларини расм Т. ЖАМОЛИДДИ-
НОВ ишлаган.

АВТОРЛАРИМИЗ

ЭЛЧИН (Элчин Илёс ўғли Афандиев). 1942 йили Озарбойжонда туғилган. «Минг бир кеча», «Зарғалдоқ ранг», «Мана шу жойлардан поездлар ўтади» каби қисса ва ҳикоялари иттифоқдош республикалар китобхонларига яхши таниш. Шунингдек, унинг асарлари француз, испан, можор, араб, форс, турк, булғор тилларига ҳам таржима қилинган. Бокуда яшайди.

Омон МУХТОРОВ. 1942. йили Бухоро шаҳрида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тамомлаган. «Чорлар қуёшли йўллари», «Нигоҳ», «Шаҳарлик келинчак», «Ҳаёт дарвозаси», «Оҳанг», «Бухоролик донишманд», «Йиллар шамоли» каби шеърӣ ва насрий китобларнинг муаллифи. «Шарқ юлдузи» журнали редакциясида ишлайди.

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА. Фарғона областининг Фрунзе районида туғилган. ТошДуининг Узбек филологияси факультетини тугатган. «Гулбоғ», «Мактуб» шеърӣ тўпламларининг муаллифи. Фарғона область

Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. «Коммуна» газетаси редакциясида ишлайди.

Еқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ. 1947 йили Уш областининг Сузоқ қишлоғида туғилган. ТошДуининг филология факультетини битирган. «Зарурат» номли илк шеърӣ тўплами Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1981 йили чоп этилган.

Эшқобил ШУКУРОВ. 1961 йили Сурхондарё областининг Қумқўрғон районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Узбек филологияси факультетини битирган. Шеърлари республика матбуотида ва коллектив тўпламда эълон қилинган. Ўзбекистон телевидениесида ишлайди.

Қадам САИДМУРОДОВ. 1951 йили Урганч шаҳрида туғилган. В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг инглиз тили факультетини битирган. «Бир тилда гаплашамиз», «Зафар, заргар ва зар», «Кекса дарахтнинг ўйлари» шеърӣ тўпламларининг муаллифи. Ўзбекистон радиосида ишлайди.

АВТОРЛАРИМИЗ



Расми Х. СОЛИХОВ чизган

«Ешлик» («Молодость»).
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Расом: Х. СОЛИХОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент-П,
Ленин кўчаси, 41
Телефонлар:
Бош редактор-32-26-01
Бош редактор ўринбосари 32-26-0
Масъул секретарь-32-56-27
Поэзия бўлими-32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листда
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.
Бир босма листгача бўлган асарлар
авторларига қайтарилмайди. Редакция
ўз тавсиясига кўра амалга оширилган
таржима асарлар қўлёзмаларининг
қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганди
«Ешлик»дан олинди», деб изоҳланиш
шарт.

Босмаҳонага 30.09.85 й. да туширилди.
Босишга 30.10.85 й. да рухсат берилди.
Р—14112. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма
листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6.
Тиражи 196833 нусха. Буюртма № 1859.
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ ордени босмаҳонаси.
Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.

«Ешлик», № 11, 1985.
«Еш гвардия» нашриёти.